**Ўзбекистон Республикаси**
**Мактабгача таълим вазирлиги**

**Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти**

# Мактабгача таълим тизимига оид ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатлар

## ( II – тўплам)

*(Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун ўқув қўлланма)*

**Тошкент – 2020**

# Мактабгача таълим тизимига оид ҳуқуқий - меъёрий ҳужжатлар

# ( II – тўплам)

**(2019 йилда қабул қилинган норматив ҳужжатлар)**

*(Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун ўқув қўлланма)*

**Тошкент - 2020**

Ушбу ўқув қўлланма Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ўқув режаларига асосан “Мактабгача таълим тизимининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари” ўқув модулининг ўқув дастурига мос равишда ишлаб чиқилган бўлиб, унда 2019 йилда мактабгача таълим тизимига оид қабул қилинган ҳужжатлар тўплами жамланган. Қўлланма малака ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчилари, институт профессор-ўқитувчилари ва ходимлари ҳамда мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассислари учун мўлжалланган.

**Тузувчилар:**

| | | |
|---|---|---|
| **Қ.Т.Олимов** | | Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари, п.ф.д., профессор |
| **К.А.Эшпулатов** | - | Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори, и.ф.н. |
| **А.Э.Парманов** | - | Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Педагогика ва психология” кафедраси мудир, т.ф.н., доцент |
| **Б.О.Матчанов** | - | Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси |
| **Н.Ф. Абдуназарова** | - | Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқув ва методик ишлар бўйича проректори п.ф.н., доцент. |
| **А.А.Зокиров** | - | Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти проректори, пс.ф.н., доцент. |
| **Д.О. Ҳимматалиев** | | Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, п.ф.д. |
| **Ж.А.Парманов** | | Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти методисти |

**Тақризчилар:**

**Ш.Отақулов** Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, с.ф.ф.д (PhD), доцент.

**Н.Акаева** Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти

*Ўқув қўлланма Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти илмий Кенгашининг 2020 йил ..... октябрдаги ....-сонли баёни билан маъқулланган.*

## Мундарижа


| | | |
|---|---|---|
| | **Кириш.** | **9** |
| | Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” қонуни. ЎРҚ-595-сон. Қонунчилик палатаси томонидан. 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган. Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган. | **10** |
| **1** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги “Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 352-сон қарори | **29** |
| **2** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 4312-сон қарори. | **55** |
| **3** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарори | **75** |
| **4** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 392-сон қарори | **104** |
| **5** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги “Тошкент шаҳрида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштирокидаги нодавлат мактабгача таълим муассасаларини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш тўғрисида”ги 417-сон қарори | **124** |
| **6** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги “Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 418-сон қарори | **126** |
| **7** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Давлат таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 470-сон қарори | **131** |
| **8** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июлдаги “Мактабгача таълим тизимига илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 487-сон қарори | **151** |
| **9** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим соҳасига инновацион ёндашувларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун экспериментал майдончаларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 605-сон қарори | **154** |
| **10** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги “Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 626-сон қарори | **158** |
| **11** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳайъати аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 640-сон қарори | **185** |
| **12** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш, танлаш ва экспертизадан ўтказиш, уларни нашр қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 746-сон қарори | **186** |
| **13** | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 769-сон қарори | **191** |

| | | |
|---|---|---|
| 14 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги “Мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги 786-сон қарори | 193 |
| 15 | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9 йил 30 сентябрдаги “Тошкент шаҳридаги давлат ихтисосташтирилган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 826-сон қарори | 201 |
| | **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҚЛАРИ** | |
| 16 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 4 январдаги “Мактабгача таълим тизими юридик хизмат ходимлари фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 3-сонли буйруғи | 205 |
| 17 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги давлат харидларини амалга ошириш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 13-сонли буйруғи | 212 |
| 18 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 28 январдаги “Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолияти молиявий ҳисобини ташкил этиш бўйича услубий қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида”ги 14-сонли буйруғи | 217 |
| 19 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 11 февралдаги “Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгашини ташкил этиш ҳақида”ги 22-сонли буйруғи | 239 |
| 20 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 15 мартдаги “Мактабгача таълим муассасаларида “Маънавият куни”ни ташкил этиш тўғрисида”ги 43-сонли буйруғи | 254 |
| 21 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 19 мартдаги “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик танловини ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 47-сонли буйруғи | 262 |
| 22 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳудудий бошқармалари тасарруфидаги туман (шаҳар) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида “Китобхон болажон” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида ”ги 69-сонли буйруғи | 276 |
| 23 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 10 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида кадрларни ротация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 99-сонли буйруғи | 283 |
| 24 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 29 июлдаги “Танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 132-сонли буйруғи | 290 |
| 25 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 1 августдаги “Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 136-сонли буйруғи | 297 |
| 26 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 20 августдаги “Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 143-сонли буйруғи | 311 |
| 27 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 20 августдаги “Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 144-сонли буйруғи | 343 |
| 28 | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил | 375 |

| | | |
|---|---|---|
| | 20 августдаги “Қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги 145-сонли буйруғи | |
| **29** | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 30 августдаги “Давлат мактабгача таълим ташкилотлари педагогларининг иш ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 155-сонли буйруғи | **408** |
| **30** | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 14 октябрдаги “Давлат мактабгача таълим ташкилотларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 188-сонли буйруғи | **486** |
| **31** | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 19 декабрдаги “Мактабгача таълим тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 225-сонли буйруғи | **502** |
| **32** | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 28 декабрдаги “Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти ва тарбияланувчининг ота-онаси (қонуний вакили) ўртасидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 233-сонли буйруғи | **514** |
| | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, келишиш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича тизимли ишларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 237-сонли буйруғи | **534** |

## Кириш

Ўсиб келаётган ёш авлодни муайян мақсад йўлида ҳар томонлама камол топтириш, унинг онги, дунёқараши, эътиқодини ўстириш, хулқ-атворини таркиб топтириш мактабгача таълим ташкилотларининг асосий вазифалари саналади. Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари маънавий бойлик, ахлоқий поклик, жисмоний мукаммалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаолликни тарбиялашни тақозо этади.

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифалари эса шахсни тарбиялаш мақсадлари асосида уларнинг ёшига ва хусусиятларига қараб белгиланади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия мажмуасидан иборатдир.

Шулардан келиб чиқиб мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида жадал ислоҳотларн амалга ошириляпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилиб вазирлик олдига  мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш, замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усулларини ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш каби вазифалар юклатилди.

Ҳар бир соҳани жадал ривожланиши соҳада яратилган ҳуқуқий базанинг мукаммаллиги билан боғлиқ. Давлатимизда мактабгача таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича қисқа давр ичида ҳуқуқий база яратилиб, соҳанинг ривожланишига шарт-шароитлар ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш учун, энг аввало, қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди.

Мактабгача таълим соҳасида фаолият юритаётган ходимнинг самарали фаолият олиб бориши учун соҳани ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни билиши шарт ва зарур ҳисобланади. Шу мақсадда ушбу қўлланмада 2019 йилда мактабгача таълим тизимига оид қабул қилинган ҳужжатлар тўплами жамланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДА

**Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган**
**Сенат томонидан 2019 йил 14 декабрда маъқулланган**

## 1-боб. Умумий қоидалар

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар** — ногиронлиги бўлганидан ёки бўлмаслигидан қатъи назар, оила, педагоглар, мутахассислар, жамият ва давлатнинг алоҳида эътиборига муҳтож бўлган индивидуал эҳтиёжларга эга болалар;

**давлат мактабгача таълим ташкилоти** — давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқариладиган ҳамда мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартига мувофиқ мактабгача таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи ташкилот;

**инклюзив таълим ва тарбия** — болаларнинг алоҳида таълим олишга бўлган эҳтиёжларини ҳамда индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятларни таъминлайдиган жараён;

**мактабгача бўлган ёш** — болаларнинг туғилган пайтидан етти ёшгача, то уларга умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим бериш бошланган пайтга қадар бўлган ёши;

**мактабгача таълим ва тарбия** — болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури;

**мактабгача таълим ва тарбия давлат стандарти** — таълим-тарбия жараёнининг ҳажмига, мазмунига ва сифатига, мактабгача таълим ташкилотини қуриш ва жиҳозлашга, шунингдек мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлом овқатланишини ва хавфсизлигини ташкил этишга доир мажбурий талаблар мажмуи;

**мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури** — бола томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган асосий билимларнинг, маҳорат ва кўникмаларнинг ҳажмини ҳамда мазмунини белгиловчи, шунингдек таълим ва тарбия мазмунининг ўзига хослигини, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи ҳужжат;

**мактабгача таълим ташкилоти** — мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматлари кўрсатувчи давлат ва нодавлат ташкилоти;

**нодавлат мактабгача таълим ташкилоти** — нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга доир лицензия асосида мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим ва тарбия хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

**педагогнинг касбий стандарти** — мактабгача таълим ташкилоти педагогининг шахсий касбий сифатларига, билимларига, маҳорати ва кўникмаларига доир асосий талаблар мажмуи;

**таълим ва тарбиянинг муқобил шакли** — мактабгача таълим ва тарбия тизимидаги инновацион таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш модели.

### 4-модда. Мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари

Мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

ҳар бир бола учун мактабгача таълим ва тарбия олиш имкониятининг мавжудлиги;

ҳар бир боланинг истеъдоди нишоналарини, иштиёқлари ва қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар тенглиги;

мактабгача бўлган ёшдаги болаларга таълим, тарбия бериш ва уларни соғломлаштиришнинг, оила ҳамда мактабгача таълим ташкилоти тарбиявий таъсирининг бирлиги;

мактабгача бўлган ёшдаги болаларга таълим ва тарбия бериш уйғунлиги;

боланинг шахсини ривожлантиришга йўналтирилган шахсий ёндашув;

мактабгача ва умумий ўрта таълимнинг изчиллиги ҳамда узлуксизлиги;

таълим ва тарбиянинг демократик ҳамда дунёвий хусусиятга эгалиги;

таълим-тарбия жараёнининг шаффофлиги ва очиқлиги;

мактабгача таълим ва тарбия мазмуни, даражаси ҳамда ҳажмининг мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларига ҳамда соғлиғи ҳолатига мувофиқлиги.

### 5-модда. Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ҳар бир боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш;

болаларнинг мактабгача таълим ва тарбияга тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

боланинг ривожланишида, мактабгача таълим ва тарбия олишида оилага ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

болаларнинг, шу жумладан алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларнинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиши учун шарт-шароитлар яратиш;

таълим ва тарбия беришнинг муқобил шаклларини яратиш ҳамда ривожлантириш;

мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш;

мактабгача бўлган ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

### 6-модда. Мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари

Ҳар бир бола мактабгача таълим ва тарбия олиш ҳуқуқига эга.

Давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотига ўқишга киришидан бир йил олдин давлат мактабгача таълим ташкилотларида умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди.

Боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишига доир давлат кафолатлари давлат мактабгача таълим ташкилотлари негизида мактабгача таълим ва тарбия хизматларини кўрсатиш, шунингдек таълим ва тарбия беришнинг муқобил шаклларини ташкил этиш орқали таъминланади.

## 2-боб.Мактабгача таълим ва тарбия соҳасини тартибга солиш

**7-модда. Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини амалга оширувчи органлар**

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг рўёбга чиқарилишини амалга оширувчи органлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (бундан буён матнда Давлат инспекцияси деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

ўз тасарруфида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ҳамда ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш тартибини белгилайди;

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлайди;

мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг, шунингдек нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишга доир лицензияларнинг (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) берилиш тартибини белгилайди;

мактабгача бўлган ёшдаги болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Давлат инспекциясининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Давлат инспекцияси:

мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёни сифати устидан назоратни ва мониторингни амалга оширади;

мактабгача таълим ташкилотларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказади;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказади;

мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларига малака тоифалари берилишини ташкил этади;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига мактабгача таълим ва тарбия соҳасида лицензиялар беради.

Давлат инспекцияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ўз ваколатлари доирасида мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади ҳамда уларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этади, қайта ташкил этади ва тугатади;

мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятига услубий жиҳатдан раҳбарликни амалга оширади;

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

илғор педагогик технологияларни ўрганади, умумлаштиради ва таълим-тарбия жараёнига жорий этади;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ўқув-услубий, дидактик материаллар, бадиий адабиётлар, ривожлантирадиган ўйинлар ва ўйинчоқлар билан таъминланишини, шунингдек уларнинг моддий-техника базаси жиҳозланишини ҳамда мустаҳкамланишини ташкил этади;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг малакасига доир талабларни белгилайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ҳамда уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ҳамда таҳлил қилинишини таъминлайди;

давлат мактабгача таълим ташкилоти кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги илмий-тадқиқот ҳамда илмий-услубий фаолиятни амалга оширади ва мувофиқлаштиради;

боланинг қонуний вакилларига услубий, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади;

мактабгача таълим ва тарбия тизимига инвестициялар ҳамда грантларни жалб этиш чораларини кўради, чет эл инвестициялари иштирокидаги амалдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

мактабгача бўлган ёшдаги болаларга давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида бепул малакали тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди;

ўз ваколатлари доирасида мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда боланинг ёшига ва физиологик эҳтиёжларига мос келадиган, рационал ҳамда мутаносиб овқатланиши учун мактабгача таълим ташкилотидаги табиий маҳсулотлар тўпламини белгилайди;

алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларни соғломлаштиришга қаратилган даволаш-соғломлаштириш, реабилитация, санитария-гигиена ва профилактика тадбирларини ўтказади;

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг тиббий текширувдан ўтказилишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Ўз тасарруфида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ваколатлари**

Ўз тасарруфида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари:

мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишувга кўра ўз тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларини қайта ташкил этади ва тугатади.

Ўз тасарруфида мактабгача таълим ташкилотлари бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ҳамда амалга оширади;

мактабгача ёшдаги болаларнинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиши учун зарур шарт-шароитлар яратади;

ўз ваколатлари доирасида мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат-хусусий шериклик борасидаги фаолиятни амалга оширади;

таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг ва мактабгача таълим ташкилоти ходимларининг ижтимоий ҳимоя қилинишини, ҳаёти, соғлиғи муҳофаза қилинишини, шунингдек ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашади;

мактабгача таълим ва тарбия тизимига инвестициялар жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чораларини кўради;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беради;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишувга кўра тегишли ҳудудда давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этади, қайта ташкил этади, тугатади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа**

**институтларининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги тадбирларда иштирок этиши**

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий дастурларни ҳамда бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида жамоатчилик назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларини амалга оширишда иштирок этади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзибошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

## 3-боб. Мактабгача таълим ва тарбия тизими. Мактабгача таълим ташкилотларининг турлари

### 15-модда. Мактабгача таълим ва тарбия тизими

Мактабгача таълим ва тарбия тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

мактабгача таълим ташкилотлари;

таълим беришнинг муқобил шакллари;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасида фаолиятни амалга оширувчи илмий-тадқиқот муассасалари ва таълим ташкилотлари;

мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат бошқаруви органлари, шунингдек уларнинг тасарруфидаги ташкилотлар.

### 16-модда. Мактабгача таълим ташкилотининг мақоми

Мактабгача таълим ташкилоти давлат ва нодавлат ташкилоти бўлиши мумкин.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотида сиёсий партиялар ва диний ташкилотларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига ҳамда фаолият юритилишига йўл қўйилмайди.

### 17-модда. Мактабгача таълим ташкилотларининг турлари

Мактабгача таълим ташкилотлари қуйидаги турлар бўйича ташкил этилади:

умумий турдаги мактабгача таълим ташкилоти;

кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти;

инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилоти;

қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилоти.

Умумий турдаги мактабгача таълим ташкилотининг умумий ривожлантириш йўналишидаги гуруҳларида мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълимдастури амалга оширилиши таъминланади.

Инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилотида болаларнинг алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни соғлом муҳитга уйғунлаштириш орқали таълим ва тарбия олиши учун тенг имкониятлар таъминланади.

Қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болаларнинг ва ривожланишида нуқсонлари бўлмаган болаларнинг битта ташкилотда алоҳида гуруҳларда, шунингдек инклюзив гуруҳларда биргаликда ўқишини ҳамда тарбияланишини ташкил этишга қаратилган мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури амалга оширилиши таъминланади.

Мактабгача таълим ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

## 4-боб. Мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини ташкил этиш

### 18-модда. Давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш

Давлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав асосида амалга оширади.

Қуйидагилар давлат мактабгача таълим ташкилотининг муассисларидир:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Бошқа давлат органлари ва ташкилотлар ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

### 19-модда. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав ҳамда мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги лицензия асосида амалга оширади.

Юридик ва жисмоний шахслар нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

### 20-модда. Жисмоний шахслар томонидан мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим хизматлари кўрсатиш

Якка тартибдаги тадбиркор сифатидарўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар мактабгача таълим ва тарбия соҳасида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти шаклида таълим хизматлари кўрсатади.

Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бериладиган мактабгача таълим ва тарбия соҳасида рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олган пайтдан эътиборан мактабгача таълим ва тарбия соҳасида таълим хизматларини кўрсатишга ҳақли.

Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида кўпи билан йигирма беш нафар мактабгача бўлган ёшдаги боланинг таълим ва тарбия олишига йўл қўйилади.

### 21-модда. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги лицензия юридик шахс давлат рўйхатидан ўтганидан кейин берилади.

Лицензия бериш, лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

### 22-модда. Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси Давлат инспекцияси томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитацияси беш йилда бир марта амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотларининг давлат аккредитациясини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 23-модда. Давлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этишнинг мажбурийлиги

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари:

шаҳарлар, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктлари ташкил этилганда;

турар жой мажмуалари қурилганда;

тегишли ҳудудда мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган сони ошганда мажбурий тартибда ташкил этилади.

Бир нечта кўп квартирали уйдан ёки якка тартибдаги уйлар гуруҳларидан иборат бўлган янги турар жой мажмуаларини лойиҳалаштириш ва қуришда кўп квартирали уйларнинг биринчи қаватларида ёхуд алоҳида бино тарзида ҳар бир икки юзта квартира ёки якка тартибдаги уйлар учун камида элликта ўриндан келиб чиққан ҳолда мактабгача таълим ташкилотининг мавжуд бўлиши шартлиги назарда тутилади.

**24-модда. Мактабгача таълим ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Мактабгача таълим ташкилоти:

мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури асосида ўз таълим дастурини ишлаб чиқишга;

боланинг қонуний вакиллари билан тузилган шартнома асосида мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурида назарда тутилганидан ташқари қўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатишга;

боланинг қонуний вакиллари билан таълим ва тарбия борасида ҳамкорликни амалга оширишга ҳақли.

Мактабгача таълим ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилоти:

давлат мактабгача таълим ва тарбия стандарти талабларига мос келадиган мактабгача таълим даражасини таъминлаши;

болаларнинг ривожланиши, таълим ва тарбия олиши учун хавфсиз шарт-шароитлар яратиши;

болага таълим ва тарбия бериш масалалари юзасидан унинг қонуний вакилларига маслаҳат ёрдамини бериши;

боланинг ҳаётига ёки соғлиғига таҳдидлар, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ваколатли органларни хабардор қилиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилотининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**25-модда. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш**

Давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни парваришлаш, овқатлантириш ва уларга қараб туриш учун олинадиган тўловлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш уларнинг муассислари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат мактабгача таълим ташкилоти боланинг қонуний вакиллари билан тузилган шартнома асосида мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурида назарда тутилганидан ташқари қўшимча пулли таълим хизматлари кўрсатишга ҳақли.

**26-модда. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси**

Мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва соҳага малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузурида Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси фаолият кўрсатади.

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг маблағларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари;

давлат мактабгача таълим ташкилотларининг фойдаланилмайдиган кўчмас мулкини реализация қилишдан тушган маблағларнинг 100 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг тузилмасига кирадиган муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини текшириш натижалари бўйича

вазирликнинг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар даромадига ундирилган бюджет маблағларининг қонунга хилоф харажатлари, ўғриликлар, растраталар, камомадлар суммаларининг 50 фоизи;

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг хайрия эҳсонлари;

халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорларнинг кредитлари (қарзлари), грантлари ҳамда техник жиҳатдан кўмаклашиш воситалари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари:

мактабгача таълим ташкилотларини қурилишларнинг манзилли рўйхатларига киритган ҳолда, уларнинг тармоғини кенгайтиришга;

мактабгача таълим ва тарбия тизими органлари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришга;

юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан чет эллик юқори малакали мутахассисларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига ишлаш учун жалб қилишга;

давлат органлари ва ташкилотларининг, лойиҳа институтларининг, илмий муассасалар ҳамда олий таълим ташкилотларининг, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертларини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги зиммасига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни бажариш доирасида маслаҳатчилар сифатида жалб қилишга;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ходимларини ўқитишни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни, шу жумладан уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларининг ва Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармасининг, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотларининг биноларини жиҳозлаш ва таъмирлашга;

таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирларга сарфланади.

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мақсадлар учун ҳам сарфланиши мумкин.

**27-модда. Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ахборотни йиғиш, сақлаш, излашни, унга ишлов бериш ва ундан фойдаланишни амалга ошириш имконини берувчи Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизими яратилишини ҳамда фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Мактабгача таълим ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиш барча мактабгача таълим ташкилотлари учун мажбурийдир.

Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун шахсан жавобгар бўлади.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимига киритиладиган маълумотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

## 5-боб. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш

### 28-модда. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти барча мактабгача таълим ташкилотлари учун мажбурийдир.

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти камида беш йилда бир марта қайта кўриб чиқилади.

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандарти мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастурини, мактабгача ёшдаги болаларга мактабгача таълим ва тарбия бериш соҳасидаги ўқув-услубий қўлланмаларни, услубий тавсияларни ишлаб чиқишда, шунингдек мактабгача таълим ташкилотларини лойиҳалаштиришда, қуришда, жиҳозлашда ва уларнинг фаолиятини ташкил этишда ҳисобга олиниши шарт.

### 29-модда. Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури болани тўлақонли ҳар томонлама камол топтиришга қаратилган таълим-тарбия жараёни ташкил этилишини таъминлайди.

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури:

боланинг билим жиҳатидан ва интеллектуал ривожланишини; боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорликни;

болаларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар, Ўзбекистон Республикасида яшовчи миллатлар ва элатларнинг урф-одатлари ва анъаналари билан таништиришни;

боланинг ижтимоий мослашувини;

алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болалар билан педагогик-тузатиш (коррекциялаш) ва тиббий-психологик ишлар амалга оширилишини;

болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашни таъминлаши керак.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишидаги нуқсонларини тузатишга (коррекциялашга) ҳамда реабилитация қилишга муҳтож бўлган болаларнинг мактабгача таълим ва тарбия олиши мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат таълим дастури асосида ишлаб чиқилган якка тартибдаги режалар бўйича амалга оширилади.

### 30-модда. Таълим бериш тили

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим бериш тили «Давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ белгиланади.

### 31-модда. Мактабгача таълим ташкилотларининг иш режими

Мактабгача таълим ташкилотларида ўқув йили жорий йилнинг 2 сентябридан кейинги йилнинг 31 майигача бўлган даврни, ёзги соғломлаштириш даври жорий йилнинг 1 июнидан 31 августигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Мактабгача таълим ташкилотларидаги гуруҳлар уларда болаларнинг бўлиши давомийлигига қараб:

болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳлар (кунига 3-4 соат);

тўлиқ кунли гуруҳлар (кунига 9, 10,5 ва 12 соат);

болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳлар бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим ташкилотларининг:

болалар 3-4 соат бўладиган гуруҳларида — кундузги уйқу ташкил этилмайди ва бир марталик овқатлантириш ташкил этилиши мумкин;

болалар 9 — 10,5 соат бўладиган гуруҳларида — уч марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак;

болалар 12 соат бўладиган гуруҳларида — тўрт марталик овқатлантириш ташкил этилиши ва кундузги уйқу учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

Мактабгача таълим ташкилотларининг болаларкечаю кундуз бўладиган гуруҳларида кундузги ва тунги уйқу ҳамда беш марталик овқатлантириш ташкил этилиши учун шароитлар яратилган бўлиши керак.

Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар узлуксиз ухламайдиган муддатнинг тавсия этиладиган максимал давомийлиги 5,5 — 6 соатни ташкил этади.

Уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар учун суткалик уйқунинг тавсия этиладиган умумий давомийлиги муддати 12 — 12,5 соатни ташкил этади, шундан 2 — 2,5 соатни кундузги уйқу учун ажратиш тавсия қилинади.

Мактабгача таълим ташкилотининг иш режими ва болаларнинг унда бўлиши давомийлиги унинг уставида белгиланади.

## 6-боб. Мактабгача бўлган ёш даврлари.Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш

### 32-модда. Мактабгача бўлган ёш ва унинг даврлари

Мактабгача бўлган ёш бола шахсининг жисмоний, психологик ва ижтимоий жиҳатдан шаклланишининг асосий давридир.

Мактабгача бўлган ёш қуйидаги даврларни ўз ичига олади:

гўдаклик (туғилганидан бир ёшгача);

илк болалик (бир ёшдан уч ёшгача);

мактабгача бўлган кичик ёш (уч ёшдан тўрт ёшгача);

мактабгача бўлган ўртача ёш (тўрт ёшдан беш ёшгача);

мактабгача бўлган катта ёш (беш ёшдан етти ёшгача).

### 33-модда. Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш

Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ва қўшма турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун мўлжалланган гуруҳларга болаларни қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар Мактабгача таълим бош бошқармаси ҳузуридаги тиббий-руҳий-педагогик комиссия хулосаси асосида, боланинг қонуний вакиллари розилиги билан амалга оширилади.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига болаларни қабул қилиш ва улардан чиқариш нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг уставига мувофиқ амалга оширилади.

### 34-модда. Мактабгача таълим ташкилоти гуруҳларини тўлдириш

Гуруҳ мактабгача таълим ташкилотининг таркибий бирлигидир.

Мактабгача таълим ташкилотидаги гуруҳлар ёшга доир тоифалар ёки ёшга доир бўлмаган тоифалар бўйича тўлдирилиши мумкин.

Гуруҳлар ёшга доир тоифалар бўйича тўлдирилганда қуйидаги ёш тоифалари белгиланади:

илк ривожланиш гуруҳи (бир ёшдан уч ёшгача);

кичик гуруҳ (уч ёшдан тўрт ёшгача);

ўрта гуруҳ (тўрт ёшдан беш ёшгача);

катта гуруҳ (беш ёшдан олти ёшгача);

мактабга тайёрлов гуруҳи (олти ёшдан етти ёшгача).

Мактабгача таълим ташкилоти гуруҳларини тўлдириш ва болаларни бир гуруҳдан бошқасига ўтказиш ҳар йили ўқув йили бошлангунига қадар амалга оширилади.

Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳлар тегишли равишда қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

уч ёшдан етти ёшгача бўлган болалар гуруҳларида — кўпи билан ўттиз нафар бола;

болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳларда — кўпи билан ўттиз нафар бола;

турли ёшдагилар гуруҳларида — кўпи билан йигирма беш нафар бола;

болалар кечаю кундуз бўладиган гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола.

Агар давлат мактабгача таълим ташкилоти жойлашган ерда давлат мактабгача таълим ташкилотига боришни хоҳловчи мактабгача бўлган ёшдаги болалар сони йигирма нафардан кам бўлса ва бу жойда бошқа давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда кам сонли болалардан иборат гуруҳларни ташкил этишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишувга кўра гуруҳларни уларни тўлдиришнинг энг кўп миқдори оширилган ҳолда ташкил этишга йўл қўйилади.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳларни тўлдириш тартиби мактабгача таълим ташкилотларини сақлашга, уларнинг тузилишига ва улардаги иш режимини ташкил этишга доир санитария-гигиена талаблари ҳисобга олинган ҳолда уларнинг муассиси томонидан белгиланади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳлар тегишинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

кар болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

яхши эшитмайдиган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

кўзи ожиз болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

кўзи яхши кўрмайдиган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

таянч-ҳаракат аппарати бузилган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн саккиз нафар бола;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

енгил даражада ақли заиф бўлган ақлий нуқсонлари бор болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола, ўртамиёна ва ўртача даражада ақли заиф бўлган ақлий нуқсонлари бор болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

аутизмга чалинган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

ақлий ривожланиши кечикаётган уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

мураккаб нуқсонлари (икки ва ундан ортиқ нуқсони) бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола.

Инклюзив гуруҳларга эга мактабгача таълим ташкилотида гуруҳлар тегишинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

1) уч ёшгача бўлган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган икки ёшдан уч ёшгача кўпи билан уч нафар бола;

2) уч ёшдан катта болалар учун гуруҳларда:

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган(яхши кўра олмайдиган ёки яхши эшита олмайдиган ёки таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлари бўлган) кўпи билан уч нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган (кўриш амблиопиясига чалинган, кўзи ғилай ёки нутқида оғир нуқсонлари бўлган ёки аутизмга чалинган) кўпи билан икки нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан нутқида оғир нуқсонлари бўлган кўпи билан уч нафар бола;

кўпи билан йигирма беш нафар бола, шу жумладан руҳий ривожланишида кечикаётган кўпи билан уч нафар бола.

Қўшма турдаги мактабгача таълим ташкилотида ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун гуруҳлар тегишинча қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

қулоғи кар болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

қулоғи яхши эшитмайдиган болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн икки нафар бола;

кўзи ожиз болалар учун гуруҳларда — кўпи билан ўн нафар бола;

Республика аҳолисининг умумий сони 2019 йил 1 январь ҳолатига 32,7 млн кишини ташкил қилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, аҳолининг узоқ муддатли ўртача ўсиш суръатлари 1,7-1,8 фоизни ташкил қилади. Мактабгача ёшдаги болалар ўртасида ўлим коэффициентининг бошқа барча ёш гуруҳларига нисбатан пастлигини инобатга олганда, 3 — 7 ёшдаги болалар сонининг ўсиш суръатлари бутун аҳолининг ўсишига қараганда юқоридир.

Ўзбекистонда яшовчи 3 — 7 ёшдаги 2,5 миллиондан ортиқ болаларнинг 67,8 фоизи Самарқанд (12,1 фоиз), Фарғона (10,8 фоиз), Қашқадарё (10,5 фоиз), Андижон (9,3 фоиз), Сурхондарё (8,5 фоиз), Наманган (8,4 фоиз) ва Тошкент (8,2 фоиз) вилоятларида истиқомат қилади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, ҳар йили Ўзбекистон Республикасида 700 мингдан ортиқ бола туғилади, бу эса мактабгача таълим муассасаларига тушадиган юкни оширади.

Чунончи, мактабгача таълим муассасаларига тушадиган умумий ортиқча юк республика бўйича 12 фоизни ташкил қилса, унинг энг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (21 фоиз), Жиззах (35 фоиз) ва Бухоро (21 фоиз) вилоятларида, энг паст даражаси эса Сурхондарё (9 фоиз) ва Фарғона (9 фоиз) вилоятларида, шунингдек Тошкент шаҳрида (6 фоиз) кузатилмоқда.

Умуман, мамлакат бўйича 3 — 7 ёшдаги ҳар 100 нафар болага мактабгача таълим муассасаларида 28,1 та жой тўғри келади.

Сўнгги 20 йил ичида мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдга қисқарган. Бундай қисқариш кўпроқ Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари каби туғилиш даражаси юқори бўлган ҳудудларда кузатилди. Бугунги кунда Ўзбекистондаги барча мактабгача таълим муассасаларининг 55 фоиздан ортиғи Тошкент шаҳрига (14,8 фоиз), Фарғона (12,6 фоиз), Тошкент (9,8 фоиз), Наманган (9 фоиз) ва Самарқанд (8,9 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Мактабгача таълимни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини муваффақиятли юритишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, улар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

мактабгача ёшдаги болаларнинг тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш учун мактабгача таълим муассасалари сонининг етарли эмаслиги;

қишлоқ жойларда мактабгача таълимнинг паст даражада ривожланганлиги;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник ҳолати лозим даражада эмаслиги;

мактабгача таълим муассасаларининг малакали педагог кадрлар билан жамланмаганлиги;

мактабгача таълим тизимида бошқарув кадрларининг танқислиги ва улар малакасининг пастлиги;

ота-оналарнинг бола шахсининг шаклланишида мактабгача таълимнинг ижобий жиҳатлари ва фойдаси ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги;

замонавий ўқув-методик материаллар ва кўргазмали қуролларнинг етишмаслиги;

алоҳида эҳтиёжли болалар учун мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг техник жиҳозланиши ва услубий таъминоти даражасининг пастлиги;

мактабгача таълим муассасаларида тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва тиббиёт ходимларининг малакаси замон талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги.

## 3-боб. Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари

Ушбу Концепциянинг мақсади бола ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларини ривожлантиришни таъминловчи муҳим манба бўлган сифатли мактабгача таълимдан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардир:

мактабгача таълим соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш, ундан тенг фойдаланиши имкониятларини таъминлаш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш;

мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш;

мактабгача таълим тизимига ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом ва баланслаштирилган озиқ-овқат, сифатли тиббий парвариш билан таъминлаш.

### §1. Мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш

Мактабгача таълимни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати ишлаб чиқилаётган меъёрий-ҳуқуқий базада ўз аксини топади.

Мактабгача таълим соҳаси кўплаб қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишига қарамай, мактабгача таълим хизматларини кўрсатишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Шу муносабат билан, Концепцияни амалга ошириш доирасида мактабгача таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

1) илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишга қўйиладиган амалдаги давлат талабларини қайта кўриб чиқиш ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи Мактабгача таълимнинг давлат стандартини ишлаб чиқиш:

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида шакллантирилиши лозим бўлган билимлар, кўникмалар ва маҳоратларга қўйиладиган талабларни;

болаларни парваришлаш, уларга қараш, соғлиғини сақлаш ва яхшилаш бўйича хизматлар кўрсатиш тартибини;

2) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини моддий ресурслар, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш нормативларини тасдиқлаш;

3) мактабгача таълимнинг муқобил шакллари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) мактабгача таълим муассасаларининг намунавий уставларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

5) касалликларнинг профилактикаси ва диагностикаси тартибини такомиллаштириш, шунингдек, идоралараро ўзаро ҳамкорлик механизмлари орқали болаларни психологик-тиббий-педагогик қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

6) мактабгача таълимни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган халқаро меъёрлар ва стандартларни имплементация қилиш;

7) мактабгача таълим муассасаларида инновацион педагогик фаолиятни ва уни молиявий қўллаб-қувватлашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

### §2. Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш

Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитларни яратиш мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишнинг мавжуд тартибини қайта кўриб чиқишни ҳамда мактабгача таълим хизматларини кўрсатишнинг замонавий усулларини жорий этишни талаб қилади.

Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш болаларнинг ривожланганлиги даражасини ва уларнинг умумий бошланғич таълимга тайёрлигини, шунингдек, уларнинг ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, жисмоний ва ижодий ривожланишини баҳолаш асосида амалга оширилиши лозим.

Бунда болаларда Ватанга муҳаббат ҳиссини, оилага, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат, атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёткорона муносабатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидагилар назарда тутилади:

1) мактабгача таълим муассасалари фаолиятини, шунингдек, боланинг ривожланиши ва унинг умумий бошланғич таълимга тайёрлигини комплекс баҳолашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

2) мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик, дидактик материаллар ва бадиий адабиётларни танлаб олишни ва экспертизасини ишлаб чиқилган тартибга мувофиқ ўтказиш;

3) мактабгача таълимнинг муқобил шакллари учун янги ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

4) «Илк қадам» давлат ўқув дастурини кенг жорий этиш;

5) тарбияланувчиларнинг якка тартибдаги иш дафтарлари, карточкалар, тарқатма ва саноқ материаллари мазмуни ва дизайнини ўрнатилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқиш;

6) ривожланишида жисмоний ёки руҳий бузилишлари бўлган болалар таълимининг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш, инклюзив таълим, энг янги реабилитация ва абилитация усулларини кенг жорий этиш, уларнинг изчил ижтимоийлашуви ва умумий мактабгача таълим умумий тизими интеграциялашувига кўмаклашадиган мослаштирилган дастурлар ва якка тартибдаги таълим йўналишларини ишлаб чиқиш; *--/

7) мактабгача таълимда фанларни ривожлантирувчи муҳитнинг инновацион технологиялари ва модулларини ишлаб чиқиш, мактабгача ва умумий бошланғич таълим изчиллигининг мазмун ва процессуал компонентларини оптималлаштириш;

8) машғулотлар давомийлигининг энг мақбул вақтини ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш мақсадида ўқув режалари ва таълим дастурларини оптималлаштириш;

9) болаларни соғлом турмуш тарзини юритишга ўргатиш, гимнастика ва фаол ўйинлар бўйича машғулотлар ўтказиш орқали тарбияланувчиларда жисмоний тарбия машғулотлари ва спортга қизиқиш уйғотишни шакллантириш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш;

10) мактабгача ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик ва мусиқий тарбия ҳамда таълим даражасини ошириш, эрта ёшдан бошлаб STEAM ўқитиш асосларини жорий этиш;

11) боланинг келгусида ўзини ўзи муваффақиятни намоён қилиши учун асос сифатида ижтимоий-эмоционал кўникмаларни ривожлантириш;

12) мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган болалар учун таълим хизматлари турлари: пуллик таълим хизматлари, қисқа муддатли гуруҳлар ва бошқаларни кенгайтириш.

### §3. Болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш, ундан тенг фойдаланиши имкониятларини таъминлаш, соҳада давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш

Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш бўйича вазифаларни ҳал этиш биринчи навбатда мактабгача таълим муассасалари қувватларини оширишни тақозо этади.

Мактабгача таълим тизимини молиялаштиришнинг ҳозирги ҳажми, туғилишнинг ўсиши динамикаси сақланиб қолаётган бир пайтда, мактабгача ёшдаги болаларнинг қамровини мавжуд даражада сақлаб туришни таъминлаб беради, аммо унинг ўсишига ёрдам бермайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларининг чекланганлигини эътиборга олиб, нодавлат сектор мактабгача таълим муассасалари сони ўсишининг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири бўлиши, давлат-хусусий шерикчилиги эса хусусий тадбиркорлик субъектларини мактабгача таълим тизимига жалб этишнинг асосий механизмига айланиши лозим.

Мактабгача таълимнинг ҳаммабоплигини, шу жумладан республиканинг олис туманларида ҳамда мактабгача таълимнинг стандарт шаклларини кенгайтириш қийин бўлган жойларда таъминлаш янги муқобил шаклларни жорий этиш ҳисобига ҳам амалга оширилиши лозим.

Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилишини назарда тутади:

1) Ўзбекистон Республикасининг ривожлантириш давлат дастурлари доирасида ва бошқа манбалардан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан янги давлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш;

2) мактабгача таълим соҳасида қулай инвестиция муҳитини яратиш, хусусий секторни мактабгача таълим муассасаларининг қувватларини оширишга янада рағбатлантириш ва манфаатдорлигини ошириш;

3) мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикчилигини, жумладан унинг қуйидаги шаклларини янада ривожлантириш:

мавжуд давлат мактабгача таълим муассасаларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш шарти билан хусусий шерикка нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш учун ер участкаларини ёки мавжуд давлат таълим муассасалари биноларини бепул асосида бериш;

кўп квартирали турар жой бинолари қурувчилари учун давлат буюртмасини жойлаштириш;

давлат мактабгача таълим муассасаларини хусусий шерикка ишончли бошқарувга бериш;

концессия асосида қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун ер участкаси ёки бино ажратиш;

ҳомийлик ва бошқалар;

4) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилишда услубий қўллаб-қувватлаш;

5) бўш турган давлат мулки объектлари ва собиқ мактабгача таълим муассасаларининг ишламаётган бинолари негизида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш мақсадида уларни хатловдан ўтказиш;

6) ҳамма жойда болаларни умумий бошланғич таълимга бепул мажбурий бир йиллик тайёрлашнинг ягона тизимини жорий этиш;

7) мактабгача таълимнинг мослашувчан иш жадвали ҳамда ривожлантирувчи, тузатувчи хизматлар ва тадбирларнинг кенг кўламини ўз ичига олган қуйидаги муқобил шаклларини жорий этиш ва ривожлантириш:

ҳар хил ёшдаги болалар учун қисқа муддатли мактабгача таълим гуруҳлари — «Плей-гуруҳлар»;

мактабгача ёшдаги болаларга уйига бориб мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш дастури — «Home visits»;

мактабгача таълим муассасалари корпоратив гуруҳлари ва бошқалар;

8) енгил қурилиш конструкциялари ва замонавий энергия самарадор материаллар ва технологиялардан фойдаланган ҳолда, шинамлик ва экологик хавфсизлик талабларига мувофиқ қуриладиган мактабгача таълим муассасаларининг янги бинолар лойиҳаларини ишлаб чиқиш (шу жумладан ривожланишида жисмоний ва руҳий бузилишлари бўлган болалар учун тўсиқсиз муҳит элементларини ҳисобга олган ҳолда);

9) мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва самарали ташкил қилиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, қурилаётган тураржой комплекслари ва бошқа объектларни керақли ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш;

10) республиканинг барча мактабгача таълим муассасаларини ичимлик суви, иситиш тармоғи, электр энергияси ва табиий газ билан, шу жумладан замонавий энергия тежовчи технологияларни жорий этиш йўли билан босқичма-босқич таъминлаш;

11) таълим хизматларини кўрсатишнинг вариативлиги ҳисобига ривожланишида жисмоний ёки руҳий бузилишлари бўлган болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш;

12) мактабгача таълимнинг бола шахсини шакллантиришдаги роли ва муҳимлиги ҳақида тушунтириш тадбирларини олиб бориш, ушбу фаолиятга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва ота-оналарни фаол жалб қилиш.

### §4. Мактабгача таълим тизимига илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

Мактабгача таълимни янада ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдир.

Сўнгги вақтларда ушбу йўналишда Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимини (EMIS), шунингдек, болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига Давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Интерактив давлат хизматларининг ягона портали орқали қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тизимларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан таълим-тарбия жараёнига замонавий илғор ўқитиш шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш орқали тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланиши таъминланмоқда.

Шу билан бирга, мактабгача таълимнинг ҳозирги ҳолати телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантиришни, мактабгача таълим муассасаларининг кенг полосали Интернет тармоғига уланишини таъминлашни, маънавий етук ёш авлодни тарбиялашнинг самарали ташкилий ва педагогик шаклларини ва усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мактабгача таълим соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантириш ва жорий этиш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилмоқда:

1) Вазирлик ахборот хавфсизлигининг муносиб даражасини таъминлаш, ягона ахборот майдонини яратиш;

2) мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш соҳасида илғор халқаро тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва жорий этиш мақсадида хорижий мамлакатларга ўқув сафарларини ташкил қилиш;

3) мактабгача таълим соҳасида дастурий воситалар, ахборот маълумотлар базалари, мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни мактабгача таълим муассасалари фаолиятида қўллаш;

4) Мактабгача таълимни бошқаришнинг ахборот тизимини (EMIS) янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, маълумотларни киритиш ва тезкор алмашиш учун мобил иловаларни яратиш;

5) ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш ва нашр этишни ташкил қилиш, рақамли таълим ресурслари, уйдан туриб масофали таълим бериш ва ота-оналар билимини ошириш технологияларини жорий этиш;

6) мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, илғор илмий ишланмалар ва технологияларни мактабгача таълим муассасалари фаолиятига интеграция қилиш;

7) инновация лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар, стартап-лойиҳа ташаббускорлари, олимлар, молиявий институтлар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иқтисодий шарт-шароитларни яратиш;

8) мактабгача таълим тизими ходимларининг инновацион ахборот-коммуникация ва педагогика технологиялари соҳасидаги билимлари ва малакасини ошириш, инновацион таълим муҳитини ташкил қилиш;

9) биринчи босқичда ҳар бир туман таянч мактабгача таълим муассасасини, кейинчалик эса республиканинг ҳар бир мактабгача таълим муассасасини Интернет тармоғига чиқадиган персонал компьютерлар билан таъминлаш.

### §5. Мактабгача таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш

Сўнгги йилларда мактабгача таълимни бошқариш тизимида институционал ислоҳотлар амалга оширилди:

Вазирлик ва унинг жойлардаги ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди;

замонавий бошқарув шаклларини жорий этиш мақсадида давлат мактабгача таълим муассасаларида Кузатув кенгашлари ташкил этилди;

Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, унинг асосий вазифалари мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш, мактабгача таълим тизими ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини ҳамда Вазирлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштиришдан иборат;

Тошкент шаҳрининг учта туманида ҳамда Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида синов режимида жон бошига норматив молиялаштириш жорий этилмоқда;

давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини рағбатлантириш мақсадида уларга қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи берилган.

Шу билан бирга, мактабгача таълимни бошқариш ва молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади, улар қаторида:

1) мактабгача таълим тизимида давлат талабларининг мониторинги ва уларга риоя этилишининг самарали механизмларини яратиш;

2) Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот беришнинг замонавий шаклларини жорий этиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорликда ортиқча маъмурий оворагарчиликларга барҳам бериш;

3) Вазирликнинг бошқарув жараёнига ишни режалаштириш ва ташкил қилишнинг замонавий инновацион усулларини, сифат менежменти тизимларини, аниқ натижаларга эришишга қаратилган мақсадли индикаторларни, ходимларни танлаб олиш, мотивация қилиш, ривожлантириш ва баҳолаш усулларини жорий этиш;

4) жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни, жумладан, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш;

5) мактабгача таълим муассасаларининг турлари, шакллари ва ихтисослаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, бутун республика бўйича мактабгача таълимни жон бошига норматив молиялаштиришни изчил жорий этиш;

6) мактабгача таълим соҳасида бюджетдан молиялаштиришни бошқаришдаги янги ёндашув сифатида, мактабгача таълим муассасалари хизматларига давлат буюртмасини жорий этиш;

7) давлат мактабгача таълим муассасаларининг ишлашдан мақсадларини ҳамда товарлар ва хизматларни табиий кўринишда истеъмол қилишнинг оқилона меъёрларини ҳисобга олган ҳолда уларни молиялаштиришнинг янги нормативларини ишлаб чиқиш ҳисобига мактабгача таълим хизматларидан кенг аҳоли қатламлари фойдаланишини таъминлаш;

8) молиявий назорат, мактабгача таълим муассасалари томонидан бюджет қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш;

9) мактабгача таълим тизимига хорижий инвестициялар ва грантларни жалб қилиш, улар иштирокидаги амалдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш.

## §6. Мактабгача таълим тизимига ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, танлаб олиш ва ривожлантиришга мутлақо янги ёндашувларни жорий этиш

Сифатли мактабгача таълимни бериш асосларидан бири бошқарув ва педагог кадрларни тайёрлаш даражаси ва уларнинг профессионализми ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар бажарилди. Чунончи, «Мактабгача таълим» бакалавриат таълими йўналиши бўйича олий таълим

муассасаларига қабул қилиш квоталари оширилди, мазкур йўналишда ўқиш муддати уч йилгача қисқартирилди.

Республика мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув-методик маркази негизида Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ташкил этилди ва унга мактабгача таълим тизими ходимларида замонавий менежмент ва педагогик технологиялар бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, мактабгача таълим соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиш қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради:

1) халқаро талабларга жавоб берадиган ягона кўп даражали узлуксиз таълим тизимини яратиш;

2) таълим ва амалиётни интеграциялаштирган ҳолда халқаро таълим стандартлари, ўқув-методик режа ва дастурлар, интерактив ва муаммоли-вазиятли ўқитиш усуллари ва тренинглари, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

3) мактабгача таълим тизими ходимларига қўйиладиган малака талабларини янада такомиллаштириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини ҳамда педагог ходимларнинг касбий стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

4) таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш йўли билан мактабгача таълим соҳасида кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, мактабгача таълим соҳасида кадрлар малакасини ошириш тизимини ташкил қилиш учун, шу жумладан мамлакат ҳудудларида, таълим муассасалари сонини ошириш;

5) мактабгача таълим тизими ходимларининг хориждаги етакчи университетларда, илмий марказларда ва бошқа таълим ташкилотларида стажировка ўташини ташкил қилиш;

6) Вазирликнинг педагогика коллежлари фаолиятини ташкил қилиш, уларни малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминлаш чораларини кўриш;

7) хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли муносабатларни янада ривожлантириш, мактабгача таълим соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикасида уларнинг филиалларини очиш;

8) тажриба алмашиш, таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш;

9) ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини энг юқори профессионал даражада бажара оладиган, юқори интеллектуал қобилият ва ахлоқий хислатларга, чуқур касбий билимларга эга энг малакали ходимларни саралаб олишда рақобат муҳитини таъминлайдиган кадрларни шаффоф танлов асосида танлашнинг янги механизмларини жорий этиш;

10) мактабгача таълим тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш;

11) мактабгача таълим муассасалари раҳбарларига зарурий касбий компетенциялар рўйхатини ўз ичига олган талабларни белгилаш, сертификатлаш тизимини жорий этиш;

12) стратегик бошқарув, молиявий ва HR-менежмент асосларини мажбурий жорий этган ҳолда, мактабгача таълим тизимида бошқарув кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

### §7. Мактабгача таълим муассасаларида болаларни соғлом ва баланслаштирилган озиқ-овқат, сифатли тиббий парвариш билан таъминлаш

Мактабгача таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири болаларнинг соғлом овқатланишини, улар соғлиғини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш хизматлари билан таъминлаш, шунингдек, тарбияланувчиларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шароитлар яратишдан иборат.

Соғлом, хавфсиз ва сифатли овқатланишни таъминлаш бўйича вазифаларни ҳал қилиш учун давлат мактабгача таълим муассасаларида бундай хизматларни кўрсатиш қисман аутсорсинг шартлари асосида тадбиркорлик субъектларига берилган.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мактабгача таълим тизимидаги тиббиёт ходимларининг малакасини тизимли ошириш бўйича чора-тадбирлар фаол қўлланилмоқда.

Шу билан бирга, соғлом авлодни тарбиялаш вазифаларини самарали ҳал қилиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилмоқда:

1) мактабгача таълим муассасаларини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва етказиб берувчиларнинг нарх сиёсатига амал қилишини назорат қилишнинг шаффоф марказлаштирилган тизимини яратиш;

2) тайёр таомларни тайёрлаш ва мактабгача таълим муассасаларига етказиб бериш учун ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналарини, жумладан аутсорсинг асосида жалб қилиш;

3) мактабгача таълим тизимида соғлиқни сақлаш хизматларининг сифатини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами хизматлари билан мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш;

4) болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидаги таъминоти учун муносиб, жумладан, тўлақонли, тўғри, балансалштирилган, соғлом овқатланиш, асосланган тиббий кўрсатмаларда белгиланган ҳажм ва тезликдаги, кўнгилочар машғулотлар ва билим олиш элементлари мавжуд фаол ўйинлар ва машқлардан иборат шароитларни яратиш;

5) ривожланишида жисмоний ёки психик бузилишлари бўлган болаларга барвақт комплекс ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш;

6) ривожланишида жисмоний ёки психик бузилишлари бўлган болаларда асосий компетенцияларни зарурий сифат даражасида шакллантиришга эришиш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга интеграциялашувини таъминлаш.

**4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

Концепцияни амалга оширишдан қуйидаги натижалар кутилмоқда:

барча болаларга сифатли мактабгача таълим олиш учун бир хил имкониятларни таъминловчи мактабгача таълимнинг самарали инновацион тизимининг шаклланиши;

мактабгача таълимни инсоннинг бутун ҳаёти давомидаги узлуксиз таълимнинг биринчи босқичи сифатида белгилаш, болани шахс сифатида жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашда унинг роли оширилиши;

мактабгача таълим муассасаларининг намуна ва турлари хилма-хиллиги асосида мактабгача таълим тизимида институционал ўзгаришлар амалга оширилиши, мазкур соҳада соғлом рақобат муҳитининг яратилиши;

замонавий энергия ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш асосида мактабгача таълим муассасаларининг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашнинг кенгайтирилиши, уларнинг ўқув-методик, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар, мебель, компьютер техникаси, ўқув ускуналари билан жиҳозланиши;

мактабгача таълим соҳасига хусусий секторнинг жалб қилиниши, унинг ижтимоий жавобгарлиги оширилиши, молиялаштириш манбаларининг кенгайтирилиши ва мактабгача таълим хизматлари турларининг кўпайиши;

мактабгача таълим тизимини молиялаштиришнинг кўпайтирилиши, мактабгача таълим хизматларини кўрсатишда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг оширилиши, педагог ходимлар меҳнатига муносиб ҳақ тўлашнинг таъминланиши;

мактабгача таълим сифатини бошқаришнинг ижтимоий-давлат тизими жорий этилиши;

олти ёшли болаларнинг мажбурий бир йиллик бепул умумий бошланғич таълимга тайёрлаш билан тўлиқ қамраб олинишининг таъминланиши;

3 — 7 ёшгача болаларнинг 80,8 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олинишининг таъминланиши;

мактабгача таълим муассасаларида педагог ходимлар сони 247,7 мингтагача етказилиши.

**5-боб. Концепциянинг амалга оширилишини мониторинг қилиш**

1. Концепциянинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиш, умумий мувофиқлаштириш, республикада мактабгача таълимнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

2. Концепцияни амалга ошириш мониторинги иловага мувофиқ Концепцияда кўзда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли бажариш бўйича ваколатли органлар фаолиятини баҳолаш индикаторлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига
ИЛОВА

**Концепцияда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли ижро этиш бўйича ваколатли органларнинг фаолиятини баҳолаш**
ИНДИКАТОРЛАРИ

| Т/р | Кўрсаткич | Ахборот манбалари | Кесими |
|---|---|---|---|
| **Мактабгача таълим билан қамраб олинган 3 — 7 ёшдаги болалар** | | | |
| 1. | Мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда — МТМ) сони | МТВ ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 2. | Уларнинг умумий сонида нодавлат МТМ улуши | МТВ ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 3. | Амалдаги оилавий МТМлар сони | МТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 4. | МТМга қатнайдиган болалар сони | МТВ ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 5. | Тарбияланувчилар умумий сонида нодавлат МТМга қатнайдиган болалар улуши | МТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 6. | Оилавий нодавлат МТМга қатнайдиган болалар сони | МТВ маълумотлари | Вилоятлар ва туманлар бўйича |
| 7. | Тарбияланувчилар умумий сонида оилавий нодавлат МТМга қатнайдиган болалар улуши | МТВ маълумотлари | Вилоятлар ва туманлар бўйича |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8. | МТМдаги жойлар сони | 3-4 ёш ва 5-6 ёшли болалар учун жойлар бўйича алоҳида ҳисобга олинадиган МТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 9. | Уларнинг умумий сонида нодавлат МТМдаги жойларнинг улуши | 3-4 ёш ва 5-6 ёшли болалар учун жойларни алоҳида ҳисобга олган ҳолда МТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 10. | 3-4 ёш ва 5-6 ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиниши (МТМга қатновчи болалар сонининг шу ёшдаги болаларнинг доимий аҳоли таркибидаги умумий сонига фоизли нисбати) | МТВ ва Давлат статистика қўмитаси маълумотлари (демографик статистика) | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| **Кадрлар салоҳияти кўрсаткичлари** | | | |
| 11. | МТМ педагог ходимлари сони | МТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 12. | Олий маълумотли педагог ходимлар улуши | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва МТВ маълумотлари | МТМ, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 13. | Сўнгги 5 йил ичида малакасини оширган МТМ педагог ходимлари улуши | МТВ маълумотлари | МТМ, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 14. | Давлат МТМ педагог ходимлари ўртача иш ҳақининг мамлакат бўйича ўртача иш ҳақига нисбати | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва МТВ маълумотлари | Вилоятлар бўйича |
| 15. | 5-6 ёшдаги тарбияланувчилар гуруҳлари билан ишлайдиган битта педагогга тўғри келадиган 5-6 ёшдаги тарбияланувчилар сони | МТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 16. | Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳудудий бўлинмалари ходимларининг сони | МТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 17. | МТМдаги бўш иш ўринлари сони | МТМ маълумотлари | Туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| **Болаларнинг ривожланиши ва уларнинг умумий бошланғич таълимга тайёрлиги даражаси кўрсаткичлари** | | | |
| 18. | МТМни битирган ҳамда Ўзбекистон Республикаси эрта ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига Давлат талабларида ҳамда «Илк қадам» Давлат ўқув дастурида назарда тутилган мактабга тайёрликнинг энг паст даражасидан ҳам паст ривожланиш кўрсаткичларига эга 6-7 ёшдаги болаларнинг улуши | Ҳар бир ўқув йили якунлари бўйича МТМ тарбияланувчилари ҳақида маълумотлар натижаларини тўплаш | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 19. | Биринчи йиллик аттестация якунларига кўра қониқарсиз баҳо олган умумий бошланғич таълим муассасалари ўқувчиларининг улуши | ХТВ ва МТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |

| Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш кўрсаткичлари | | | |
|---|---|---|---|
| 20. | Мактабга чиққанда ривожланишидаги оқсоқликлар ёки сурункали касалликлар биринчи марта аниқланган болалар сони | ССВ ва ХТВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 21. | Тиббий кўрсатмаларга кўра тиббий хизмат кўрсатилаётган ва парваришланаётган махсус эҳтиёжли МТМ тарбияланувчилари улуши | МТВ ва Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 22. | Ўқув йили давомида камида бир марта педиатрнинг профилактик кўригидан ўтган МТМ тарбияланувчилари сони | МТВ ва ССВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 23. | МТМда бўлган пайтда болаларнинг юқумли касалликларни юқтириши ҳоллари сони | ССВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |
| 24. | МТМда бўлган пайтда болаларнинг овқатдан заҳарланиши ва жароҳат олиши ҳоллари сони | ССВ маълумотлари | Вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича**
«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

| Т/р | Тадбирнинг номи | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Мактабгача таълим муассасалари ҳолатини ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш. | 1. 2019 йилда мактабгача таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурни амалга ошириш чораларини кўриш.<br>2. Амалдаги мактабгача таълим муассасалари объектлари ҳолатини ўрганиш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилга мўлжаллаган Инвестиция дастурига киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2019 йил давомида<br><br>2019 йил 1 октябргача | МТВ *(А. Шин),* Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги *(С. Умурзаков),* Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б. Ходжаев),* Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 2. | Бўш турган давлат мулки объектлари ва собиқ мактабгача таълим | 1. Бўш турган давлат мулки объектлари ва собиқ мактабгача таълим | 2019 йил 1 июнгача | МТВ *(А. Шин),* Давлат активларини бошқариш агентлиги |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | муассасаларининг ишламаётган биноларини, улар негизида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш мақсадида хатловдан ўтказиш. | муассасаларининг ишламаётган биноларини хатловдан ўтказиш учун ишчи гуруҳларини ташкил қилиш, уларнинг ҳолатини ва уларни реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун зарур маблағлар ҳажмини аниқлаш.<br>2. Бўш турган давлат мулки объектлари ва собиқ мактабгача таълим муассасаларининг ишламаётган биноларининг маълумотлар базасини ишлаб чиқиш. | 2019 йил 1 сентябргача | *(А. Ҳайдаров),* Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 3. | Нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш. | 1. Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларини очишдан манфаатдор шахсларга ҳуқуқий ва услубий ёрдам кўрсатиш.<br>2. Хусусий тадбиркорлик субъектларини уларга зарур рухсат берувчи ҳужжатларни олишга кўмаклашиш ҳамда услубий ва амалий ёрдам бериш йўли билан мактабгача таълим тизимига кенг жалб қилиш.<br>3. Нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш. | 2019 йил давомида | МТВ *(А. Шин),* ДХШ ни ривожлантириш агентлиги *(Ғ. Холжигитов),* ССП *(А. Икрамов),* Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 4. | Аввал фаолият юритган мактабгача таълим муассасалари биноларини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги юритувига бериш чораларини кўриш. | 1. Давлат органлари ва идоралари томонидан бошқа мақсадларда фойдаланилаётган, аввал фаолият юритган мактабгача таълим муассасалари биноларини, шунингдек, илгари давлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун ажратилган бўш ер участкаларини хатловдан ўтказиш.<br>2. Аввал фаолият | 2019 йил 1 июлгача<br><br>2019 йил 1 августгача | МТВ *(А. Шин),* Давлат активларини бошқариш агентлиги *(А. Ҳайдаров),* манфаатдор вазирликлар ва идоралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | юритган мактабгача таълим муассасалари биноларини, шунингдек, бўш ер участкаларини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги юритувига бериш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | |
| 5. | Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаолият юритаётган мактабгача таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги мониторингини ўтказиш.<br>2. Мониторинг натижаларини умумлаштириш ҳамда улар асосида давлат-хусусий шериклик доирасидаги лойиҳаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Мактабгача таълим соҳасига давлат-хусусий шерикликнинг янги моделларини амалиётда жорий этиш. | 2019 йил 1 октябргача<br>2019 йил 1 ноябргача<br>2019 йил давомида | МТВ *(А. Шин)*, ДХШ ни ривожлантириш агентлиги *(Ғ. Холжигитов)*, ССП *(А. Икрамов)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 6. | Жамоатчиликни мактабгача таълим муассасаларини бошқариш фаолиятига янада кенг жалб қилиш. | 1. Жамоатчиликнинг мактабгача таълим муассасаларининг таълим ва бошқа фаолиятида иштирок этиши учун шароитлар яратиш.<br>2. Педагоглар, ота-оналар ва болалар ўртасида ўзаро ишонч муносабатларини шакллантириш чораларини кўриш.<br>3. Мактабгача таълим муассасаларининг кузатув кенгашлари тўғрисидаги ахборотни мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимига киритиш.<br>4. Ота-оналар, кузатув кенгашлари ва мактабгача таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун мобиль | 2019 йил давомида<br>2019 йил давомида<br>2019 йил 1 июнгача<br>2019 йил 1 декабргача | МТВ *(А. Шин)*, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги *(Ш. Содиқов)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | иловалар (чат ботлар)ни ташкил этиш. | | |
| 7. | «Илк қадам» Давлат таълим дастурини кенг жорий этиш. | 1. Мактабгача таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда «Илк қадам» Давлат таълим дастурини жорий этиш бўйича тренинглар ўтказиш йўли билан миллий мутахассис-мураббийларни тайёрлаш.<br>2. Республиканинг барча вилоятларида миллий мутахассис-мураббийлар томонидан «Илк қадам» Давлат таълим дастурини жорий этиш бўйича каскад тренингларни ўтказиш. | 2019 йил 20 майгача<br><br>2019 йил 1 июлгача | МТВ *(А. Шин)*, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 8. | Болаларни бадиий-эстетик ва мусиқий тарбия асосларига ўргатиш. | 1. Мактабгача таълим муассасаларининг мусиқа ходимлари малакасини ошириш.<br>2. Мактабгача ёшдаги болаларни давлат талабларига мувофиқ мусиқий тарбиялаш ва таълим бериш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | 2019 йил давомида | МТВ *(А. Шин)*, Маданият вазирлиги *(Б. Сайфуллаев)* |
| 9. | Мактабгача таълим муассасаларини замонавий ўқув-методик ва дидактик материаллар ҳамда кўргазмали қуроллар билан таъминлаш. | 1. Мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик ва дидактик адабиётларни ишлаб чиқиш учун муаллифлар, рассомлар ва нашриётларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва танлаб олиш.<br>2. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув-методик, дидактик материаллар ва кўргазмали қуроллар макетларини ишлаб чиқиш.<br>3. Ўқув-методик, дидактик материаллар ва кўргазмали қуролларни кўпайтириш ва республиканинг мактабгача таълим | 2019 йил 1 июнгача<br>2019 йил 1 августгача<br>2019 йил 1 декабргача | МТВ *(А. Шин)*, Молия вазирлиги *(Ж. Қўчқоров)*, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги *(К. Алламжонов)* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | муассасаларига етказиб бериш. | | |
| 10. | Қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш ҳисобига мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ва ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш. | 1. Мактабгача таълим муассасалари томонидан кўрсатилаётган қўшимча пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш.<br>2. Қўшимча пуллик хизматларни кўрсатиш сифати устидан доимий мониторингни амалга ошириш.<br>3. Қўшимча пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлардан, жумладан, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ва ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш учун самарали фойдаланилишини таъминлаш. | 2019 йил давомида | МТВ<br>*(А. Шин)* |
| 11. | Мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш. | 1. Мактабгача таълим тизимига олий маълумотли педагог кадрларни жалб қилиш бўйича зарур чораларни кўриш.<br>2. Педагог бўлмаган олий маълумотли кадрларни олти ойлик қисқа муддатли қайта тайёрлаш курсларида қайта тайёрлаш.<br>3. Олий таълим муассасаларига «Мактабгача таълим» бакалавриат йўналиши бўйича махсус сиртқи ва кечки таълим йўналишларига қабул қилиш квоталарини ошириш. | 2019 йил давомида | МТВ<br>*(А. Шин)*,<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги<br>*(И. Маджидов)*,<br>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги *(Б. Ходжаев)* |
| 12. | Давлат мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг тўлақонли, оқилона, баланслаштирилган ва | 1. Тадбиркорлик субъектларини сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ- | 2019 йил 1 июнгача<br><br>2019 йил 1 | МТВ<br>*(А. Шин)*,<br>ССВ<br>*(А. Шодмонов)*,<br>Молия вазирлиги *(Ж.* |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | соғлом овқатланишини таъминлаш. | овқат маҳсулотлари ҳамда тайёр таомларни тайёрлаш ва мактабгача таълим муассасаларига етказиб бериш тизимига янада кенг жалб қилиш имкониятларини ўрганиш.<br>2. Соғлом овқатланишни ташкил қилишга оид санитария қоидалари ва меъёрларини қайта кўриб чиқиш.<br>3. Мактабгача таълим муассасалари учун таомномаларнинг янги тахминий намуналарини ишлаб чиқиш.<br>4. Мактабгача таълим муассасалари озиқ-овқат блоклари моддий-техника базасини янгилаш.<br>5. Мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилишни кучайтириш. | августгача<br>2019 йил<br>1<br>сентябргача<br>2019 йил<br>давомида<br><br>2019 йил<br>давомида | *Қўчқоров)* |
| 13. | Мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш. | 1. Мактабгача таълим муассасалари тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш.<br>2. Мактабгача таълим муассасалари тиббиёт ходимларининг стандартлари ва компетенцияларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3. Мактабгача таълим муассасаларининг тиббий хизматлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш.<br>4. Мактабгача таълим муассасаларини сифатли дори воситалари ва тиббий мақсаддаги буюмлар билан таъминлаш. | 2019 йил<br>давомида<br><br>2019 йил<br>1<br>сентябргача<br><br>2019 йил<br>давомида | ССВ<br>*(А. Шодмонов)*,<br>МТВ<br>*(А. Шин)* |

**3-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, соғлом, фаол, тўлақонли, жамиятга мослашган бола шахсини шакллантириш, ўсишида турли нуқсонлари бўлган болаларни, шунингдек реабилитация қилиш ва соғломлаштиришга муҳтож болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва интеграция қилиш учун қулай муҳит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим ташкилотларидаги қисқа муддатли гуруҳлар тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Болаларни кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларига йўллаш бўйича тиббий-психологик-педагогик комиссия тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда республика давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганишни таъминласин.

Ўрганиш якунларига кўра:

2019 йил 1 июлгача бўлган муддатда — Тошкент шаҳри давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақбуллаштириш бўйича;

2019 йил 1 декабргача бўлган муддатда — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақбуллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2019 йил 1 июндан бошлаб давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланади;

2019 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари ёрдамчиларининг, шунингдек, қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги ўсишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлар бўлган болаларга мўлжалланган гуруҳларда ишлайдиган тарбиячилар, педагог ходимлар ва тиббиёт ходимлари ёрдамчиларининг лавозим маошлари ва базавий тариф ставкаларига 100 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги уч ой муддатда умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг, кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача

таълим ташкилотларининг ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларининг намунавий штат бирликларини қайта кўриб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 19 июлдаги 528-сон қарори 1-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбошилари ва унга 1 — 3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 7-сон, 153-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 13 май,
391-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида**
НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринда мактабгача таълим ташкилотлари деб аталади) мақсадлари ва вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

мактабгача таълим ташкилоти — умумий типдаги давлат ёки нодавлат мактабгача таълим ташкилоти;

давлат мактабгача таълим ташкилоти — давлат томонидан молиялаштириладиган ва бошқариладиган ҳамда Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим хизматларини кўрсатадиган ташкилот;

нодавлат мактабгача таълим ташкилоти — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган лицензия асосида, шунингдек, Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим соҳасида таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

боланинг қонуний вакиллари — боланинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар.

3. Ушбу Низом кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотларига татбиқ этилмайди.

4. Мактабгача таълим ташкилотлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига, ушбу Низомга ва ўз уставига мувофиқ амалга оширади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари мудирларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасалари раҳбари (комиссия раиси), туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва Кузатув кенгаши вакиллари, уч нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

33. Қуйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш.

### 4-§. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

34. Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигида, вилоятлар маданият бошқармаларида, Тошкент шаҳар маданият бош бошқармасида (кейинги ўринларда маданият бошқармалари деб аталади) болалар мусиқа ва санъат мактабларининг, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатларнинг чуқурлаштирилган ва касбий таълим фанлари бўйича олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш учун маданият бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Маданият бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Маданият вазирлиги ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Маданият бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби маданият бошқармаси бошлиғи (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлими вакили

(комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

35. Қуйидагилар маданият бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

туман (шаҳар) ва муассасалар аттестация комиссияларининг биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

36. Туман (шаҳар) маданият бўлимларида биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби тегишли маданият бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби туман (шаҳар) маданият бўлими мудири (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

37. Қуйидагилар туман (шаҳар) аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

муассасалар аттестация комиссияларининг иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун маданият бошқармалари аттестация комиссияларига буюртманома бериш.

38. Таълим муассасаларида иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун муассасалар аттестация комиссиялари тузилади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби тегишли туман (шаҳар) маданият бўлими мудирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасаси раҳбари (комиссия раиси), туман (шаҳар) маданият бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва таълим муассасаси Кузатув кенгаши вакиллари, уч нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

39 Қуйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш.

### 5-§. Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

40. Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларида (кейинги ўринларда жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари деб аталади) спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг чуқурлаштирилган ва касбий таълим фанлари бўйича олий малака тоифасига талабгор

педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш учун жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари бошлиғи (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

41. Қуйидагилар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

туман (шаҳар) ва муассасалар аттестация комиссияларининг биринчи ва иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

42. Туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби тегишли жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркиби туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими мудири (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

43. Қуйидагилар туман (шаҳар) аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

муассасалар аттестация комиссияларининг иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестацияси якунлари бўйича ҳисоботларини таҳлил қилиш;

биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари аттестация комиссияларига буюртманома бериш.

44. Таълим муассасаларида иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрлар аттестациясини ўтказиш учун муассасалар аттестация комиссиялари тузилади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби тегишли туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими мудирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Муассасалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасаси раҳбари (комиссия раиси), туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлими ходими (комиссия раисининг ўринбосари), касаба уюшмаси ва таълим муассасаси Кузатув кенгаши вакиллари, уч нафар аттестациядан ўтган, биринчи ёки олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

45. Қуйидагилар муассасалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун туман (шаҳар) аттестация комиссиясига буюртманома бериш.

## 6-§. Касб-ҳунар таълими ҳамда ўрта махсус таълим педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

46. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаларида касб-ҳунар таълими педагог кадрларини (ишлаб чиқариш таълими усталарини) аттестациядан ўтказиш учун касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари тузилади.

Касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби Касб-ҳунар таълими маркази, тизимида касб-ҳунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссиялари таркиби ҳудудий касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбар ходимлари (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий вакили (комиссия раиси ўринбосари), Касб-ҳунар таълими тизимини инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтининг масъул ходими ёки олий таълим муассасаларининг соҳага масъул проректорлари, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог ёки бош ўқитувчидан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

47. Қуйидагилар касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

48. Олий таълим муассасаларида улар таркибидаги ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш учун олий таълим муассасаларининг ўрта махсус таълим аттестация комиссиялари тузилади.

Олий таълим муассасаларининг ўрта махсус таълим аттестация комиссиялари таркиби Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тизимида ўрта махсус таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Олий таълим муассасаларининг ўрта махсус таълим аттестация комиссиялари таркиби олий таълим муассасасининг соҳага масъул проректори (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий вакили (комиссия раисининг ўринбосари), олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог ёки бош ўқитувчидан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

49. Қуйидагилар олий таълим муассасаларининг ўрта махсус таълим аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

## 7-§. Вазирлик ва идораларнинг тўғридан-тўғри тизимидаги таълим муассасалари педагог кадрлари учун аттестацияни ташкил этиш ва аттестация комиссияларини тузиш

50. Вазирлик ва идораларнинг тўғридан-тўғри тизимидаги таълим муассасалари иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш учун вазирлик ёки идора аттестация комиссиялари тузилади.

Вазирлик ёки идора аттестация комиссиялари таркиби умумий ўрта таълим муассасалари бўйсунадиган вазирлик ёки идора ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Вазирлик ёки идора аттестация комиссиялари таркиби тегишли вазирлик ёки идоранинг соҳага масъул таркибий бўлинмаси раҳбари (комиссия раиси), Давлат инспекциясининг вакили (комиссия раисининг ўринбосари), ушбу таълим муассасаси раҳбари, касаба уюшмаси вакили, уч нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог ёки бош ўқитувчидан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

51. Қуйидагилар вазирлик ёки идора аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларидаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

52. Вазирлик ва идораларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда ҳудудий бўлинмалар деб аталади) ҳамда туман (шаҳар) ҳудудий бўлинмалари тизимидаги таълим муассасалари иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш учун ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссиялари тузилади.

Ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссиялари таркиби таълим муассасалари бўйсунадиган вазирлик ёки идора ва Давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланади.

Ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссиялари таркиби ҳудудий бўлинма раҳбари (комиссия раиси), Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлими вакили (комиссия раиси ўринбосари), касаба уюшмаси вакили, икки нафар аттестациядан ўтган, олий тоифали педагог кадрлардан (бир нафари — комиссия котиби) иборат бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудида жойлашган вазирликлар ва идораларнинг тўғридан-тўғри тизимидаги таълим муассасалари иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади.

53. Қуйидагилар ҳудудий бўлинмалар аттестация комиссияларининг вазифалари ҳисобланади:

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларига талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

иккинчи, биринчи ва олий малака тоифаларидаги педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш.

54. Аттестациядан ўтувчи педагог кадрлар аттестация комиссиялари таркибига киритилмайди.

55. Аттестация комиссиялари раислари ва аъзолари аттестация ушбу Низом талабларига ҳамда аттестация жадвалига мувофиқ ўтказилиши учун масъул ҳисобланадилар.

56. Аттестациядан ўтувчи педагог кадрларнинг малака тавсифларида ва баҳолаш мезонларида белгиланган талабларни бажарганликлари ҳақидаги тавсияларни тайёрлаш учун таълим муассасалари раҳбарлари буйруғи билан эксперт гуруҳи тузилади.

57. Эксперт гуруҳи таркиби беш нафар аъзодан иборат бўлади.

Эксперт гуруҳи аъзолари таркибига таълим муассасалари раҳбарининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари (мактабгача таълим муассасаси методистлари) ва тажрибали педагог кадрлар киритилади.

58. Таълим муассасалари раҳбарлари эксперт гуруҳи томонидан тайёрланган тавсия ва ҳужжатлар йиғмажилдларини тегишли аттестация комиссияларига тақдим этади.

## 3-боб. Аттестациядан ўтказиш, сертификатлар бериш ҳамда таълим олганлик тўғрисидаги маълумотларга қўйилган талабларни белгилаш

59. Аттестация икки босқичда ўтказилади:

биринчи босқичда — аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув фани бўйича малака синови натижалари, дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлиги эксперт гуруҳи томонидан ўрганилади ҳамда тегишли тавсиялар тайёрланади;

иккинчи босқичда — аттестация комиссиялари эксперт гуруҳи томонидан ўрганилган биринчи босқич натижаларини таҳлил қилади, аттестация жараёнида тўпланган ҳужжатлар жамланмасини (портфолиосини) ўрганади ва педагог кадрни малака тоифасида (лавозимида) қолдириш ёки бошқа тоифа (лавозим) бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

60. Аттестация қуйидаги баҳолаш мезонлари бўйича ўтказилади:

а) дарс ўтиш маҳорати — дарс таҳлиллари, очиқ дарслар ўтганлиги, таълим олувчиларининг рейтинг кўрсаткичлари, таълим бериш воситалари ҳамда шаклларини мақбул равишда танлаши, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш бўйича амалий кўникмаларга ҳамда хорижий тиллар ва ижтимоий-сиёсий билимларга эга эканлигини аниқлаш;

б) меҳнати самарадорлиги — таълим олувчиларнинг тайёрлаганлиги, таълим олувчилар ва аттестациядан ўтувчиларнинг туман, шаҳар, вилоят, республика, халқаро кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва турли мусобақаларда эришган ютуқлари;

в) ўқув фани бўйича малака синовлари — дипломида кўрсатилган тайёрлов, таълим йўналишлари, мутахассислиги ёки ихтисосликлари бўйича давлат таълим стандартлари ёки давлат талаблари мазмуни асосида ўтказиладиган тест (қоғозда, онлайн, офлайн) ёзма ёки ижодий иш натижалари.

61. Педагог кадрларнинг аттестация натижаларини баҳолаш мезонлари Давлат инспекцияси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

62. Биринчи ва олий малака тоифали, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидаги ҳамда ушбу малака тоифалари ва лавозимларга талабгор педагог кадрларни аттестациядан ўтказганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Аттестациядан ўтказганлик учун йиғимнинг 50 фоизи Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадига ўтказилади, қолган 50 фоизи Давлат инспекциясининг бюджетдан ташқари Ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

Ариза берувчи берилган аризадан воз кечган тақдирда ҳамда педагог кадрга нисбатан «Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифаси ёки лавозими туширилсин» қарори қабул қилинганда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

Педагог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органи ёки таълим муассасалари раҳбарлари маълумотномаси) кўра келмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилган тақдирда йиғим суммаси такроран ундирилмайди.

63. Биринчи ва олий малака тоифали, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимидаги ҳамда ушбу малака тоифалари ва лавозимларга талабгор педагог кадрлар учун назорат

материаллари мазмунини шакллантириш, кўпайтириш ва ушбу жараённи ўтказиш Давлат инспекцияси томонидан Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази ҳамда тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда амалга оширилади.

64. Ўқув фани бўйича малака синовига оид ёзма ва ижодий иш ҳамда иккинчи малака тоифасига ва катта ўқитувчи лавозимига талабгор педагог кадрларнинг тест синовларини ўтказиш тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда таълим турлари бўйича Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Касб-ҳунар таълими маркази томонидан амалга оширилади.

65. Аттестация комиссиялари педагог кадрларнинг дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлиги ҳамда ўқув фани бўйича малака синови натижаларини таҳлил қилади ва тегишли қарор қабул қилади.

66. Аттестация комиссияси аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этган йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

67. Аттестация комиссиялари қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) олий малака тоифали ёки бош ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

75 фоиздан паст кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими)га туширилсин»;

б) биринчи малака тоифали ёки етакчи ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

75 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) берилсин»;

74 фоиздан 65 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

65 фоиздан кам кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими)га туширилсин» (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

в) иккинчи малака тоифали ёки катта ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

65 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими) берилсин»;

64 фоиздан 60 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) сақлансин»;

60 фоиздан кам кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига туширилсин» (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

г) мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр баҳолаш мезонларининг ҳар биридан:

60 фоиз ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) берилсин»;

59 фоиздан 55 фоизгача кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтди, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи) лавозими сақлансин»;

55 фоиздан кам кўрсаткичга эга бўлса — «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас».

68. Аттестация комиссиялари мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи лавозимидаги педагог кадрлар бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас» қарорини қабул қилса, улар навбатдан ташқари малака ошириш курсларига юборилади ҳамда кейинги йилда қайта аттестацияга жалб этилади.

Аттестация комиссиялари қайта аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас» қарорини қабул қилса, иш берувчи томонидан улар билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат ҳақидаги қонунларда белгиланган тартибда бекор қилинади.

69. Баҳолаш мезонлари бўйича ўртача кўрсаткич чиқарилмайди ҳамда баҳолаш мезонларининг бирортаси бўйича белгиланган кўрсаткичдан паст баҳоланса «аттестациядан ўтмади» деган қарор қабул қилинади.

70. Педагог кадрлар аттестациянинг бирор босқичида узрли сабабга (меҳнатга лаёқатсизлик варақаси, таълимни бошқариш бўйича махсус ваколат берилган давлат органи ёки таълим муассасалари раҳбарлари маълумотномаси) кўра келмаган бўлса, уларнинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади.

71. Педагог кадр узрсиз сабабга кўра аттестациянинг бирор босқичида иштирок этмаган бўлса, аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ҳамда унга нисбатан «Аттестациядан ўтмади, тегишли малака тоифаси ёки лавозими туширилсин», мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича «Аттестациядан ўтмади, мутахассис (олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас» қарори қабул қилинади.

72. Аттестация комиссиялари қарори ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ҳамда комиссия раиси, раис ўринбосари ва котиб томонидан имзоланади.

73. Аттестация комиссиялари қарори асосида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклдаги аттестация варақаси расмийлаштирилади ҳамда аттестация комиссияси раиси, раис ўринбосари, йиғилишда иштирок этган аъзолар ва котиб томонидан имзоланади.

Аттестация варақаси икки нусхада тўлдирилади ва бир нусхаси педагог кадрларнинг иш жойидаги шахсий ҳужжатлари йиғмажилдида, иккинчи нусхаси аттестация комиссиясида сақланади.

74. Педагог кадрларнинг аттестациясига оид ҳужжатларининг тўпланган йиғмажилди навбатдаги аттестациягача таълим муассасасида сақланади.

75. Аттестация комиссияларининг қарорига кўра олий, биринчи, иккинчи малака тоифасига ёки бош, етакчи, катта ўқитувчи лавозимига эга бўлган педагог кадрларга ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклдаги педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат (кейинги ўринларда сертификат деб аталади) аттестация ўтказилгандан сўнг бир ой муддат ичида топширилади.

Сертификатларнинг хатосиз тўлдирилиши учун аттестация комиссияси раислари масъул ҳисобланади.

76. Сертификат қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, унда ҳисоб серияси, рақами ва ҳимоя даражаси бўлади. Сертификат бланкалари Давлат инспекцияси буюртмаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси босмахонасида тайёрланади.

77. Давлат инспекцияси бошлиғи, мактабгача таълим бошқармалари, халқ таълими бошқармалари, маданият бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари, олий таълим муассасалари ректорлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари ва таълим муассасалари раҳбарлари, тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари сертификатларнинг ҳисоби, сақланиши ҳамда мақсадли ишлатилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади.

78. Аттестация комиссиялари сертификатларнинг педагог кадрларга тарқатилишини рўйхатга олиш учун махсус дафтар (саҳифаланган, тикилган ва муҳрланган) юритади ва унда қуйидагиларни қайд этади:

тартиб рақами;

педагог кадрларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

сертификатнинг тартиб рақами, серияси;

сертификат берилишига асос бўлган комиссия қарорининг санаси ва тартиб рақами;

сертификатни берган комиссиянинг номи;

сертификатнинг амал қилиш муддати;

сертификат нусхаси (дубликати)нинг берилиши асоси ва санаси.

79. Педагог кадрларнинг базавий тариф ставкалари миқдори, уларнинг малака тоифаси ёки лавозими сертификат асосида белгиланади.

80. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаган педагог кадрларга мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ тўланади.

81. Сертификатнинг амал қилиш муддати тугаб, мутахассис, олий ёки ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи лавозими бўйича ҳақ тўланаётган педагог кадрлар навбатдаги аттестацияга охирги сертификатда кўрсатилган малака тоифаси ёки лавозими бўйича жалб қилинади.

82. Давлат инспекцияси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Касб-ҳунар таълими маркази билан келишган ҳолда сертификатларни ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартибини белгилайди.

83. Аттестациядан ўтганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлмаган ишга янги қабул қилинган педагог кадрларга ёхуд олий ёки касб-ҳунар таълими муассасаларини битириб биринчи бор ишга кирган педагог кадрларга қуйидаги тартибда малака тоифаси (лавозими) берилади:

ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли педагог кадрларга — ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотли ўқитувчи лавозими;

бакалавр даражасига эга педагог кадрларга — мутахассис ёки олий маълумотли ўқитувчи лавозими;

магистр даражасига эга мутахассисларга, шунингдек олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотли педагог кадрларга — иккинчи малака тоифаси ёки катта ўқитувчи лавозими (ушбу малака тоифаси ёки лавозимига эга бўлган педагог кадрлар беш йилдан кейин белгиланган тартибда навбатдаги аттестацияга жалб қилинади);

илмий даражага (фан номзоди, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасига эга бўлган педагог кадрларга — олий малака тоифаси ёки бош ўқитувчи лавозими (ушбу малака тоифаси ёки лавозимига эга бўлган педагог кадрлар кейинги аттестацияларга жалб қилинмайди).

## 4-боб. Аттестация натижалари юзасидан мурожаат қилиш

84. Аттестация комиссиялари қароридан норози бўлган педагог кадрлар аттестация натижалари эълон қилинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида апелляция комиссиясига ёзма равишда ариза (шикоят) беришлари мумкин.

85. Апелляция комиссияси беш кишидан иборат таркибда аттестация бошлангандан кейин уч кун ичида тегишлилигига кўра:

мактабгача таълим вазири, халқ таълими вазири, маданият вазири, жисмоний тарбия ва спорт вазирининг тегишли буйруқлари билан ушбу вазирликларда — олий малака тоифасига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун;

мактабгача таълим вазири, халқ таълими вазири, маданият вазири, жисмоний тарбия ва спорт вазирининг тегишли буйруқлари билан мактабгача таълим, халқ таълими,

маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармаларида — биринчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун;

мактабгача таълим, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари бошлиқларининг тегишли буйруқлари билан мактабгача таълим, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида — иккинчи малака тоифасига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун;

олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази ҳамда тизимида таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг тегишли буйруқлари билан олий таълим муассасаларида, касб-ҳунар таълими бошқармаларида ҳамда ҳудудий бўлинмаларда иккинчи, биринчи ва олий малака тоифалари, катта, етакчи ва бош ўқитувчи лавозимларига талабгор педагог кадрларнинг аризаларини кўриб чиқиш учун ташкил этилади.

86. Апелляция комиссиясининг таркиби ва иш тартиби апелляция комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқда белгиланади.

87. Апелляция комиссияси таркибига аттестация комиссиялари таркибидан аъзо киритилмайди.

88. Апелляция комиссияси муаммоли ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этиши мумкин.

89. Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг учдан икки қисми иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

90. Ариза (шикоят) рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кун муддатда кўриб чиқилади.

91. Мурожаат этувчи педагог кадрлар апелляция комиссияси томонидан аризаси (шикояти) кўриб чиқилиши жараёнида иштирок этиши мумкин.

92. Апелляция комиссияси аттестация комиссияси қарорини ўзгартиришсиз қолдириш ёки уни бекор қилиб, қайта аттестация ташкил этиш ҳақида қарор чиқаради.

93. Апелляция комиссияси қарори нусхаси мурожаат этувчи педагог кадрга ва тегишли аттестация комиссиясига апелляция комиссияси қарори чиққан кундан эътиборан беш кун муддатда тақдим этилади.

## 5-боб. Якунловчи қоидалар

94. Аттестация комиссияси ёки апелляция комиссияси қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

95. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Педагог кадрларнинг аттестациясини ташкил этиш ва ўтказиш
СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Бажариш муддатлари |
|---|---|---|---|

| | | | |
|---|---|---|---|
| | Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази ҳамда тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар. | муддати келган педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 20 январга қадар |
| 2-босқич | Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Давлат инспекцияси.<br><br>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари.<br><br>Туман (шаҳар) мактабгача, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари.<br><br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази, тизимида таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда Давлат инспекцияси. | 1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш.<br><br>2. Туман (шаҳар) мактабгача, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бўлимларида туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш.<br><br>3. Таълим муассасаларида муассаса аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш.<br><br>4. Касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, олий таълим муассасалари, тизимида таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш. | Ҳар йили март ойида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | раҳбарлари.<br><br>Таълим муассасаларида тузилган эксперт гуруҳлари. | эълон қилиш ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби билан таништириш.<br>2. Аттестациядан ўтувчи педагог кадрларнинг малака тавсифларида ва баҳолаш мезонларида белгиланган талабларни бажарганликлари ҳақидаги тавсияларни тайёрлаш учун таълим муассасаларида эксперт гуруҳлари тузиш.<br>3. Аттестациядан ўтувчиларнинг ўқув фани бўйича малака синови натижаларини, дарс ўтиш маҳорати ва меҳнати самарадорлигини экспертлар томонидан ўрганиш ҳамда тегишли тавсиялар тайёрлаш | февраль — апрель ойида |
| 4-босқич | Мактабгача, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, олий таълим муассасалари, тизимида таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари, туман (шаҳар) ва муассасалар аттестация комиссиялари. | Эксперт гуруҳи томонидан ўрганилган биринчи босқич натижаларини таҳлил қилиш, аттестация жараёнида тўпланган ҳужжатлар жамланмасини (портфолиони) ўрганиш ва педагог кадрни малака тоифасида (лавозимида) қолдириш ёки бошқа тоифа (лавозим) бериш тўғрисида қарор қабул қилиш. | Ҳар йили май-июнь ойларида |
| 5-босқич | Давлат инспекцияси, мактабгача, халқ таълими, маданият, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари, олий таълим муассасалари, тизимида таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари, туман (шаҳар) ва муассасалар аттестация комиссиялари. | Аттестация комиссияларининг қарорига кўра иккинчи, биринчи, олий малака тоифаси ёки катта, етакчи, бош ўқитувчи лавозимига эга бўлган педагог кадрларга сертификат топшириш. | Ҳар йили июнь-июль ойларида |

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

___________________ комиссияси йиғилишининг _____ йил «___»
___________ ______________ даги ______-сон
(комиссия номи ёзилади)

**Қ А Р О Р И**

Раислик қилувчи: _________________________ — комиссия раиси
Иштирок этганлар: _________________________ — комиссия раисининг ўринбосари
_________________________ — комиссия аъзоси
_________________________ — комиссия аъзоси
_________________________ — комиссия аъзоси
_________________________ — комиссия аъзоси
_________________________ — комиссия котиби

| Т/р | Таълим муассасасининг номи ёки рақами | Педагог кадрнинг | | | Дарс бераётган ўқув фани | Амалдаги малака тоифаси ёки лавозими | Ўқув фани бўйича малака синови балли | Дарс ўтиш маҳорати балли | Меҳнати самарадорлиги балли | Аттестация натижаларига кўра комиссия қарори | Аттестация натижаларига кўра берилган малака тоифаси ёки лавозими |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | фамилияси | исми | отасининг исми | | | | | | | |

Комиссия раиси: ______________________
Комиссия раисининг ўринбосари ______________________
Комиссия котиби: ______________________

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

____________________________________________________________
(Республика, вилоят, шаҳар, туман номи)
____________________________________________________________
(таълим муассасасининг номи ёки рақами)

**АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ**

____________________________________________________________
(педагог кадрнинг фамилияси, исми, отасининг исми)

Туғилган йили, куни ва ойи _________________________________________________________________________________

Маълумоти _________________________________________________ _____________________

__________ ________ _______

(таълим олган муассасасининг номи) (тамомлаган йили)

Таснифлаш бўйича

_________________________________________________________________________

(тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисоси номи)

Илмий даражаси ёки илмий унвони

___________________________________________________________________________

Педагогик стажи

_____________________________________________________________________________

Амалдаги малака тоифаси ёки лавозими бўйича иш стажи ____________ йил; шу жумладан мазкур таълим муассасасида ________________ йил

Малакасини оширган таълим муассасаси номи, вақти

_____________________________________________________________________________

(малака оширган соҳаси: касбий, ахборот ёки педагогик технологиялар ва бошқа мавзуларда)

Мукофотлари

_____________________________________________________________________________

Комиссия қарори

_____________________________________________________________________________

(тўлиқ ёзилади)

Комиссия раиси _____________________________ (Ф.И.О.) ___________ (имзо)

Комиссия раисининг ўринбосари _____________________________ (Ф.И.О.) ___________ (имзо)

Комиссия котиби _____________________________ (Ф.И.О.) ___________ (имзо)

Комиссия аъзолари _____________________________ (Ф.И.О.) ___________ (имзо)

_____________________________ (Ф.И.О.) ___________ (имзо)

_____________________________ (Ф.И.О.) ___________ (имзо)

_____________________________ (Ф.И.О.) ___________ (имзо)

________ йил «___» __________________

(йил, кун ва ой кўрсатилади)

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Педагог кадрнинг аттестациядан ўтганлиги тўғрисида**
**СЕРТИФИКАТ**
**Серияси ________ № _______________**

Ушбу сертификат_________________________________________________________________________
___________________ га
(фамилияси, исми, отасининг исми)
_______________ йил «____» _________________ да ўтказилган
_____________________________________________________
__________________________________________________________________
______________ йиғилишининг
(комиссия номи ёзилади)
_________________-сон қарори асосида
_____________________________________________________________
__________________________________________________________________
____________________ бўйича
(тайёрлов ёки таълим йўналиши, мутахассислиги ёки ихтисослиги сўз билан ёзилади)
__________________________________________________________________
___________________ берилди.
(малака тоифаси ёки лавозими сўз билан ёзилади)

Комиссия раиси ______________________________________ ___________
(Ф.И.О.) (имзо)

М.Ў.
Қайд рақами
______________________________________________
(тарқатиш дафтарига қайд этилган рақам ёзилади)
______________ йил «____» ________________________
(йил, кун ва ой кўрсатилади)

**5-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълимнинг нодавлат секторини янада ривожлантириш, болаларни мактабгача таълим билан кенгроқ қамраб олишни таъминлаш ҳамда мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда давлат шериги деб аталади) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Корея Республикаси «Chung Design Construction» компанияси (кейинги ўринларда хусусий шерик деб аталади) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар юклаш орқали бешта нодавлат мактабгача таълим муассасаларини (кейинги ўринларда нодавлат мактабгача таълим муассасалари деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ташкил этиладиган ҳар бир нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг қуввати 200 ўринли бўлиб, бир хил шарт-шароитлар ва техник кўрсаткичларга эга бўлади;

ташкил этиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг 1 таси давлат мактабгача таълим муассасасига айлантириш учун давлат шеригига берилади, 4 таси хусусий шерик томонидан нодавлат мактабгача таълим муассасаси сифатида фойдаланилади;

хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган мажбуриятларини ўз муддатида тўлиқ ёки қисман бажармаган тақдирда, ташкил этиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасалари Тошкент шаҳар ҳокимиятлиги тасарруфига ўтказилади.

3. Қуйидагилар ташкил этиладиган нодавлат мактабгача таълим муассасалари учун татбиқ этилмайди:

тарбияланувчиларнинг бир қисмини ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳисобидан шакллантириш ва улар учун ота-оналар тўловининг имтиёзли ҳажмларини ўрнатиш мажбурияти;

давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизига қадар миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги хусусий шерикка нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун иловага мувофиқ ер майдонлари ажратиб берсин.

5. Давлат шериги бир ой муддатда нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш бўйича хусусий шерик билан, истисно тариқасида, танлов ўтказмасдан тўғридан-тўғри давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузсин.

Бунда хусусий шерикка қуйидаги қўшимча мажбуриятлар юкланишини назарда тутсин:

нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун камида 10 млн. АҚШ доллари миқдорда хорижий инвестиция киритиш;

нодавлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш ишларини 2019 йил 31 декабрга қадар якунлаш;

ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларида 150 тадан кам бўлмаган янги иш ўринларини яратиш;

хусусий шерик томонидан фойдаланиладиган 4 та нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг фаолият турини 30 йил давомида ўзгартирмаслик;

давлат шеригига бериладиган мактабгача таълим муассасасининг сақлаш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида 30 йил давомида ҳар ойда 4000 АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағларни мактабгача таълим муассасаси ҳисоб рақамига ўтказиб бориш;

ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини илғор инновацион ва педагогик технологиялар ҳамда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари асосида ташкил этиш.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, мактабгача таълим вазири А.В. Шин ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 18 май,
417-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги 417-сон қарорига
ИЛОВА

## Хусусий шерикка нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш учун ажратиб бериладиган ер майдонлари
РЎЙХАТИ

| **Т/р** | **Ажратиладиган ер майдони манзили** | **Ер майдони (га)** | **Ташкил этиладиган муассаса қуввати** | **Киритиладиган инвестициянинг тахминий қиймати** |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Олмазор тумани, «Гуручариқ» маҳалласи, Сағбон кўчаси, 30-уй | 0,6 | 200 ўрин | 2 млн. АҚШ долл. |
| 2. | Яшнобод тумани, Мавлоно Риёзий мавзеси, 10,17 ва 19-уйлар оралиғидаги бўш ер майдони | 0,22 | 200 ўрин | 2 млн. АҚШ долл. |
| 3. | Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 46-уй орқасидаги бўш ер майдони | 0,20 | 200 ўрин | 2 млн. АҚШ долл. |
| 4. | Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 69/9-уй олдидаги бўш ер майдони | 0,25 | 200 ўрин | 2 млн. АҚШ долл. |
| 5. | Олмазор тумани, Қорақамиш 1/3 манзилдаги 432-сон давлат мактабгача таълим муассасаси ҳудудидаги бўш ер майдони | 0,35 | 200 ўрин | 2 млн. АҚШ долл. |

**6-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизими учун юқори малакали, замонавий фикрлайдиган, таълим ва тарбиянинг илғор технологияларини ўзлаштирган педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда улар билан мактабгача таълим муассасаларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг иловада келтирилган педагогика йўналишида кадрлар тайёрлайдиган касб-ҳунар коллежларини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг педагогика коллежлари этиб (кейинги ўринларда педагогика коллежлари деб аталади) қуйидаги тартибни ўрнатган ҳолда қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

педагогика коллежларининг фаолиятига раҳбарлик қилиш, назоратни ташкил этиш ҳамда ташкилий-кадрлар базасини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан, уларнинг ўқув-методик жараёнини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва ахборот ресурслари жиҳатдан кўмаклашиш — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти томонидан амалга оширилади;

педагогика коллежларининг бино ва иншоотларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар, зарур ўқув ва спорт жиҳозлари, компьютер техникаси ва ахборот-ресурс фондлари билан жиҳозлаш харажатлари таълим соҳасига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, педагогика коллежларининг фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатлар педагогика коллежларининг бюджетдан ташқари, жумладан тўлов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

педагогика коллежларига ўқишга қабул қилиш умумтаълим мактаблари ҳамда ихтисослаштирилган мактабларнинг 11-синф битирувчилари, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатлари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари ҳамда академик лицейлар битирувчилари ҳисобидан, ихтиёрийлик асосида, тегишли мутахассисликка (касбга) эга бўлиш учун Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган квоталар доирасида амалга оширилади;

педагогика коллежларига 2017/2018 ўқув йилига қадар (ушбу ўқув йили қўшилган ҳолда) ўқишга қабул қилинган ўқувчилар ўқишни ўзлари таълим олаётган касб-ҳунар коллежларида амалдаги ўқув дастурлари асосида белгиланган тартибда тугатадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 сентябрга қадар педагогика коллежларининг тайёрлов йўналишлари ва мутахассисликлари рўйхатини, ўқув режа ва дастурларни ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

педагогика коллежлари таълим хизматлари кўрсатиш билан боғлик асосий фаолиятига қўшимча равишда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа пуллик хизматлар кўрсатиши мумкин;

педагогика коллежларининг бўш турган бино ва иншоотларига Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги давлат муассасалари, жумладан

давлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда уларнинг тайёрлов гуруҳлари текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда иловага мувофиқ касб-ҳунар коллежларини бино ва иншоотларини тегишли ҳудуди билан бирга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида, моддий-техник воситалари, ўқув жиҳозлари ва бошқа мулкларини фойдаланиш учун текин топширсин, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги эса уларни қабул қилиб олсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 18 май,
418-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги 418-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг педагогика коллежлари этиб қайта ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари**
РЎЙХАТИ

| Т/р | Қайта ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари номи | Янги ташкил этиладиган таълим муассасалари номи |
|---|---|---|
| | **Қорақалпоғистон Республикаси** | |
| 1. | Тахиатош ижтимоий иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежи | Тахиатош педагогика коллежи |
| 2. | Қонликўл педагогика коллежи | Қонликўл педагогика коллежи |
| 3. | Чимбой педагогика коллежи | Чимбой педагогика коллежи |
| 4. | Шуманай педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи | Шуманай педагогика коллежи |
| 5. | Тўрткўл индустриал педагогика касб-ҳунар коллежи | Тўрткўл педагогика коллежи |
| **III. Мактабгача таълим муассасалари ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш** | | | | |
| 6. | Мактабгача таълим муассасалари ошхоналарини санитария | 1. Мактабгача таълим муассасалари ошхоналарининг | 2019-2020 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозлаш. | технологик жиҳозлар, совутгичлар, ошхона жиҳозлари, омборхонада маҳсулотларни сақлаш шароитлари юзасидан хатлов ўтказиш.<br>2. Хатлов натижаларига кўра мактабгача таълим муассасалари ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш. | | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 7. | Мактабгача таълим муассасаларининг ошхоналари фаолияти, харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, шунингдек, уларда фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишини таъминлаш. | 1. Ҳар бир мактабгача таълим муассасасига туман (шаҳар) давлат санитария-эпидемиология марказлари ходимини буйруқ билан бириктириш ва ушбу ходимларни санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига масъул этиб белгилаш.<br>2. Мактабгача таълим муассасаларининг ошхоналари фаолияти харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, шунингдек, уларда фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этишини аниқлаш юзасидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар ойда бир марта барча мактабгача таълим муассасаларида мониторинг ишларини ўтказиш бўйича тасдиқланган жадвал асосида ўрганишни ташкил этиш. | 2019 йил июлдан доимий<br><br>2019 йил июлдан доимий | Соғлиқни сақлаш вазирлиги<br><br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| **IV. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг соғлом овқатланишини ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш тадбирларини молиялаштириш** | | | | |
| 8. | Давлат мактабгача таълим муассасалари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчилари лавозим | 1. Давлат мактабгача таълим муассасалари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчиларига малака | 2019 йил июль | Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, Мактабгача таълим вазирлиги, |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | маошларини уларнинг малака разрядларидан келиб чиқиб белгилаш тизимини жорий этиш. | тоифалари бериш.<br>2. Давлат мактабгача таълим муассасалари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчиларининг малака тоифалари бўйича лавозим маошларини белгилаш. | 2019 йил август | Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги |
| **V. Мактабгача таълими муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга доир тарғибот-ташвиқот ишлари** | | | | |
| 9. | Мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш. | 1. Тарбияланувчилар учун овқатлантиришни ташкил этишда таомларни тайёрлаш усуллари, уларни истеъмол қилишнинг ижобий таъсири, овқатланиш режими, овқатлантиришни ташкил этишни замонавий усулларини тарғиб қилиш. | 2019 йил июлдан доимий | Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 10. | Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари учун «Тўғри овқатланиш машғулотлари» таълим дастурини жорий этиш. | Тарбияланувчиларни соғлом ҳаёт тарзи ва тўғри овқатланиш қоидалари билан таништириш. | 2019-2020 ўқув йилидан | Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 11. | Тарбияланувчилар, педагог ходимлар, ота-оналарнинг соғлом овқатланиш қоидаларига амал қилиниши юзасидан билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш бўйича давра суҳбатлари ўтказиш. | Тарбияланувчилар, педагог ходимлар, ота-оналар ўртасида соғлом овқатланиш қоидаларига амал қилиниши юзасидан давра суҳбатлари ўтказиш. | 2019 йил июлдан доимий | Мактабгача таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги |

**11-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги ҳайъати аъзоларининг сони 11 (ўн бир) кишидан иборат бўлиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳайъати қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Шин Агрепина Васильевна | — Вазир |
| 2. | Турғунов Собитхон Тошпўлатович | — Вазирнинг биринчи ўринбосари |
| 3. | Маматкулов Шодиёр Абдувахидович | — Вазир ўринбосари |
| 4. | Юлдашев Максуджан Абдуллаевич | — Вазир ўринбосари |
| 5. | Мирзиёева Шахноза Шавкатовна | — Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва юритиш бош бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Тен Елена Герасимовна | — Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи |
| 7. | Олимов Қаҳрамон Танзилович | — Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи |
| 8. | Юсупов Абдукаххор Джуманович | — Кадрлар бошқармаси бошлиғи |
| 9. | Норматов Дилшод Хабибуллаевич | — Ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати бошлиғи |
| 10. | Эшпулатов Комилжон Абдусаломович | — Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ректори |
| 11. | Уснатдинова Жумагул Шараповна | — Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири |

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 1 август,
640-сон

**12-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ЎҚУВ-МЕТОДИК ВА ДИДАКТИК АДАБИЁТЛАР ТАЙЁРЛАШ, ТАНЛАШ ВА ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ, УЛАРНИ НАШР ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда мактабгача таълим муассасаларига сифат, самарадорлик, тезкорлик ва ошкоралик принциплари асосида ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш учун муаллифлар ҳамда нашриётларни танлаш тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш, танлаш ва экспертизадан ўтказиш, уларни нашр қилиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

мактабгача таълим муассасаларида ўқув-методик ва дидактик адабиётларга бўлган эҳтиёжнинг тизимли мониторингини олиб бориш;

аниқланган эҳтиёж асосида мактабгача таълим муассасалари учун зарур бўлган ўқув-методик ва дидактик адабиётларни яратиш;

яратилган ўқув-методик ва дидактик адабиётларни илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида тайёрланганлигини экспертизадан ўтказиш ва нашрга тайёрлаш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 9 сентябрь,
746-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 августдаги 746-сон қарорига
ИЛОВА

## Мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш, танлаш ва экспертизадан ўтказиш, уларни нашр қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мактабгача таълим муассасалари учун ошкоралик, сифат, самарадорлик ва тезкорлик принциплари асосида ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш, танлаш, экспертизадан ўтказиш ва уларни нашр қилиш тартибини белгилайди.

Мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш, танлаш, экспертизадан ўтказиш ва уларни нашр қилиш тартиби иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ижодий жамоалар** — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ўқув-методик ва дидактик адабиётларни белгиланган талаблар асосида чоп этиш учун тайёр маҳсулот (оригинал макет) кўринишида тақдим этувчилар, мактабгача таълим тизимида фаолият юритиб келаётган тажрибали мутахассислар, тузувчилар, давлат ва нодавлат ҳамда хорижий ташкилотлар, нашриёт ва матбаа ташкилотлари;

**ишчи орган** — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги муассислигидаги «Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» масъулияти чекланган жамияти;

**оригинал макет** — чоп этиш учун босмахонага топширишга тўлиқ тайёр бўлган, барча матн ва график ахборотлар чоп этишгача бўлган тайёргарликдан ўтказилиб, ташқи кўриниши ва тузилиши жиҳатидан якуний босқичга етказилган маҳсулотнинг (нашрнинг) чоп этилган ёки электрон кўринишдаги асл нусхаси;

**ўқув-методик ва дидактик адабиётлар** — муайян йўналишнинг мавзулари тизимли, чуқур ва тўлиқ ёритилган, тегишли йўналиш мазмунини белгиланган ҳажмда мукаммал ўзлаштиришга қаратилган, мазмунан ва шаклан таълим турларига мослаштирилган, тингловчи, талаба, педагог ва тарбияланувчиларга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига, ижодий қобилиятлар ривожланишига хизмат қиладиган методик қўлланмалар;

**ўқув-методик қўлланма (босма ва электрон)** — ўқув-методик мажмуани қисман тўлдирувчи, муайян йўналиш дастури бўйича тузилган ва мавзуларни зарурий ҳажмда тизимли ёритиб берадиган, йўналиш асосларининг мукаммал ўзлаштирилишини таъминловчи, мазмунан ва шаклан таълим турларига мослаштирилган, назарий ёки амалий машғулотларга мўлжалланган, тингловчи, педагог ва тарбияланувчиларга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига хизмат қиладиган методик қўлланмалар;

**экспертлар гуруҳи** — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги муассислигидаги «Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» масъулияти чекланган жамиятидаги турли йўналишлари бўйича ташкил этиладиган оригинал макетларни баҳоловчи мутахассислардан иборат гуруҳ.

## 2-боб. Ўқув-методик ва дидактик адабиётларни тайёрлаш

3. Ўқув-методик ва дидактик адабиётларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда вазирлик деб аталади) томонидан ишлаб чиқилади.

4. Вазирлик ҳар йили февраль ойида кейинги ўқув йилларида мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун педагогларга ва тарбияланувчиларга фойдаланиш учун тавсия этиладиган ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларнинг (босма ва электрон) рўйхатини шакллантиради.

5. Вазирлик шакллантирилган рўйхат асосида ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни (босма ва электрон) яратиш бўйича оммавий ахборот воситалари ва вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилади.

Эълонда тайёр оригинал макетларга қўйиладиган талаблар, уларни топшириш муддатлари кўрсатилади.

6. Эълонда кўрсатилган талаблар ва муддатларда ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларнинг (босма ва электрон) оригинал макетларини яратиш бўйича ижодий жамоалар иштирок этиш таклифини вазирликка расмий хат билан тақдим этади ва белгиланган муддатларда оригинал макетларини тайёрлайди.

Ижодий жамоалар ишлаш давомида, лекин 4 ойдан ошмаган муддатга вазирлик томонидан асосий иш ҳақининг 0,25% миқдорида қўшимча моддий рағбатлантирилади.

Муаллифлик ҳуқуқини олиш бўйича вазирлик ва ўқув-методик, дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар яратувчилари ўртасида нашрга ажратилган маблағларга нисбатан 1 % миқдорида муаллифлик ҳуқуқи асосида шартнома имзоланади, ўқув-методик ва дидактик адабиётларнинг оригинал макетларини яратиш бўйича тузилган ижодий жамоалар бундан мустасно.

7. Ижодий гуруҳ тайёрланган ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни (босма ва электрон) оригинал макет ҳолатида ишчи органга кўриб чиқиш учун эълонда кўрсатилган муддатларда расман тақдим этади.

8. Ишчи орган тақдим этилган оригинал макетларни қабул қилади ва ўрнатилган тартибда расмийлаштиради.

## 3-боб. Ўқув-методик ва дидактик адабиётларнинг оригинал макетларини экспертизадан ўтказиш

9. Ишчи орган қабул қилиб олинган оригинал макетларни қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун давомида экспертлар гуруҳига тақдим этади.

10. Экспертлар гуруҳи тақдим этилган оригинал макетларнинг чоп этилган варианти ҳамда электрон нусхаларини қабул қилинган кундан бошлаб 2 ой муддатда экспертизадан ўтказади ҳамда тегишли хулосаларини Ишчи органга тақдим этади.

11. Ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни (босма ва электрон) яратишда мактабгача таълим тизимидаги педагоглар, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш, амалдаги ўқув-методик мажмуаларни мазмунан такомиллаштириш мақсадида вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида 2 ҳафта давомида муҳокамалар ташкил қилинади.

12. Ишчи орган 10 кун давомида тақдим этилган оригинал макетларни ўрганиб чиқиб, муҳокама қилади ва танлаб олинган ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларнинг (босма ва электрон) рўйхатини тасдиқлайди.

13. Ишчи орган рўйхат тасдиқлангандан сўнг уч кун муддат ичида нашрга тавсия этилаётган ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларга (босма ва электрон) Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигининг грифини бериш бўйича қарор қабул қилади.

## 4-боб. Ўқув-методик ва дидактик адабиётларни нашрга тайёрлаш

14. Нашрга тавсия этилган ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни (босма ва электрон) нашр этиш учун Ишчи орган томонидан 2 ҳафта давомида техник топшириқлар ишлаб чиқилади ва оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида энг мақбул нархлар таклиф этадиган нашриётларни танлаб олиш учун эълон берилади.

15. Энг мақбул нархлар таклиф этган нашриётларни танлаб олиш учун бир ой муддатда, Ишчи орган томонидан танлов ўтказилади.

16. Вазирлик томонидан танлов натижасига кўра ғолиб бўлган нашриётлар билан 10 кун давомида шартномалар имзоланади.

## 5-боб. Якунловчи қоида

17. Ушбу Низом юзасидан келиб чиқадиган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш, танлаш ва экспертизадан ўтказиш, уларни нашр қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Мактабгача таълим муассасалари учун ўқув-методик ва дидактик адабиётлар тайёрлаш, танлаш, экспертизадан ўтказиш ва уларни нашр қилиш тартиби**

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Мактабгача таълим вазирлиги | 1. Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш учун педагогларга ва тарбияланувчиларга фойдаланиш учун тавсия этиладиган ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларнинг (босма ва электрон) рўйхатини шакллантиради.<br>2. Ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни (босма ва электрон) яратиш бўйича оммавий ахборот воситалари ва вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида эълон қилади. | Ҳар йили февраль ойида |
| 2-босқич | Ижодий жамоалар | 1. Ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларнинг (босма ва электрон) оригинал макетларини яратишда иштирок этиш таклифини Ишчи органга расмий хат билан мурожаат этади.<br>2. Тайёрланган ўқув-методик ва дидактик адабиётлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни (босма ва электрон) оригинал макет ҳолатида ишчи органга кўриб чиқиш учун тақдим этади. | Эълонда белгиланган муддатларда |
| 3-босқич | Ишчи орган | Қабул қилиб олинган оригинал макетларни экспертлар гуруҳига тақдим этади. | Қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун муддатда |
| 4-босқич | Экспертлар гуруҳи | Тақдим этилган оригинал макетларини экспертизадан ўтказади ҳамда тегишли хулосаларини Ишчи органга тақдим этади. | 2 ой муддатда |
| 5-босқич | Мактабгача таълим вазирлиги | Жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиш мақсадида вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштиради. | 2 ҳафта давомида |
| 6-босқич | Ишчи орган | 1. Макетларини ўрганиб чиқиб, муҳокама қилади, уларнинг рўйхатини тасдиқлайди ва Мактабгача таълим вазирлигининг грифини | 10 кун давомида |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | бериш бўйича қарор қабул қилади.<br>2. Нашрга тавсия этилган ўқув-методик ва дидактик адабиётларни нашр этиш учун техник топшириқлар ишлаб чиқади. | 2 ҳафта давомида |
| 7-босқич | Мактабгача таълим вазирлиги | 1. Мақбул нархлар таклиф этадиган нашриётларни танлаб олиш учун оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти орқали эълон беради ва танловни ўтказади.<br>2. Танлов ўтказиш бўйича комиссия қарорига кўра ғолиб бўлган нашриётлар билан шартномалар имзолайди. | 1 ой давомида<br><br>10 кун давомида |

**13-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш йўли билан ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда болаларни давлат мактабгача таълими билан кенг қамраб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Мактабгача таълим вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларини, истисно тариқасида, унинг идоравий мансублигида қолдириш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларини (кейинги ўринларда ИИВ МТМ деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг давлат мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда ДМТМ деб аталади) тизимига киритиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМнинг таълим-тарбия жараёнини мувофиқлаштириш ва методик бошқариш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМ ўз фаолиятини давлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМ раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМ ходимларига давлат мактабгача таълим муассасалари ходимлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва имтиёзлар қўлланилади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМни сақлаш харажатлари Ички ишлар вазирлигига ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари ва Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

3. 2019 йил 1 октябрдан қуйидаги тартиб жорий этилсин, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМ тарбияланувчилари умумий ўринлари сонининг 80 фоизи ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари учун ажратилади;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМ тарбияланувчилари умумий ўринлари сонининг 20 фоизи Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентига мувофиқ жамланади;

идоравий мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш квотасига ўзгартиришлар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги эҳтиёжидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМ ходимларига, қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча ҳақ ва тўловлардан қатъи назар, рағбатлантирувчи устамалар белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМга мутахассис-психологларни, улар меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилашда меҳнат бозорининг амалдаги конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда, шартнома асосида жалб этиш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТМни таъмирлаш, капитал ва жорий таъмирлаш, шунингдек моддий-техник таъминлашни амалга ошириш;

эҳтиёжлардан келиб чиқиб, кейинчалик давлат мактабгача таълим муассасалари тизимига киритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан таъминланишга ўтказишни назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг янги МТМни қуриш ва моддий-техник жиҳозлаш ҳуқуқи берилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов ва Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 13 сентябрь,
769-сон

**14-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## МОБИЛЬ ГУРУҲЛАР БАЗАСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА-СИНОВ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш, аҳолига мактабгача таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш, шунингдек, мактабгача таълим ва тарбиянинг янги инновацион муқобил шаклларини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг:

2019-2020 ўқув йилидан бошлаб, мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятлари туманларида амалга ошириш;

мобиль гуруҳларни замонавий талабларга жавоб берадиган ва қайта жиҳозланган ISUZU HC 40 автобусларида ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мобиль гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини (кейинги ўринларда тажриба-синов лойиҳаси деб аталади) амалга оширишда асосий вазифалари этиб белгилансин:

мобиль гуруҳларни мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болалардан шакллантириш;

мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

мобиль гуруҳларни ўқув-услубий, дидактик материаллари, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, миллий маданий-тарихий бойликларни акс эттирадиган ҳамда болаликдан китоб ўқишга қизиқишни оширадиган бадиий адабиётлар билан таъминлаш;

илғор хорижий тажриба инобатга олинган ҳолда, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг ҳар томонлама етук, интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ва уларни бошланғич таълимга тайёрлаш;

ота-оналарга болаларнинг илк ривожланиши, уларга таълим-тарбия бериш масаласида маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш;

мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, мобиль гуруҳлар мактабгача таълим тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади (бир ҳафтада 7,5 соатдан кам бўлмаган таълим-тарбия жараёнини ташкил этган ҳолда).

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ҳафта муддатда:

мобиль гуруҳларнинг таълим бериш ва ўйин фаолияти майдончаларини ташкил этиш учун ер майдонлари ажратилиши ва тайёрланиши, зарур бўлганда санитария қоидалари ва нормалари, гигиена нормативлари талабларига мувофиқ янги болалар ўйин майдончаларини қуриш ёки мавжудларини капитал таъмирлаш тўғрисида таклифлар киритилишини;

мобиль гуруҳларнинг таълим бериш ва ўйин фаолияти майдончаларини ташкил қилиш учун маршрут ва тураргоҳлар жойлашган жойни кўрсатган ҳолда, мобиль гуруҳлар рўйхати шакллантирилишини;

мобиль гуруҳларни ўқув-услубий, дидактик материаллар, бадиий адабиётлар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар билан таъминласин.

5. Қуйидагилар:

Мактабгача таълим мобиль гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим мобиль гуруҳларни жиҳозлаш нормативлари 3-иловага мувофиқ;

Мобиль гуруҳларнинг таълим бериш ва ўйин фаолияти майдончаларини жиҳозлаш нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти болаларни мактабгача таълим мобиль гуруҳларга қабул қилишга татбиқ этилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бир ой муддатда мобиль гуруҳларни юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда мобиль гуруҳларнинг таълим-тарбия жараёни сифатини тизимли назорат қилиш ва фаолиятини ташкил қилиш мониторингини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар мазкур қарор доирасида ажратилишини назарда тутсин;

киритиладиган қўшимча штат бирликлари ва мобиль гуруҳларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилги харажатлар параметрларига зарур ўзгартиришлар киритсин;

бир ой муддатда мобиль гуруҳлар бириктирилган мактабгача таълим ташкилотларининг намунали штатлар жадвалига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш якунлари бўйича мобиль гуруҳларда мактабгача ёшдаги болаларнинг бўлишини ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларини сақлаш, жойлаштириш ҳамда иш режимини ташкил қилиш юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қайта жиҳозланган ISUZU НС 40 автобуслари бепул расмийлаштирилиши, рўйхатдан ўтказилиши, уларга давлат рақами белгилари ажратилиши, шунингдек, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа тартиб-таомиллар амалга оширилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш натижалари бўйича 2020 йил 1 сентябрга қадар таҳлил ўтказиб, мазкур лойиҳани амалга оширишни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири А.В. Шин зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 18 сентябрь,
786-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 786-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Мактабгача таълим мобиль гуруҳларни жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси амалга ошириладиган Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятлари туманларининг**
РЎЙХАТИ

| Т/р | Туманлар | Мобил гуруҳлари бириктириладиган давлат мактабгача таълим муассасалари рақами | Мобил гуруҳлари ташкил этиладиган жойлар | Гуруҳлар сони |
|---|---|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси** | | | | |
| 1. | Элликқалъа тумани | 5-сонли | Думанқалъа МФЙ | 3 |
| | | | Кичик Гулдурсун МФЙ | 3 |
| | | | Сахтейн МФЙ | 3 |
| **Андижон вилояти** | | | | |
| 2. | Андижон тумани | 35-сонли | Човқандарё МФЙ | 3 |
| | | | Чилон МФЙ | 3 |
| | | | Рохат МФЙ | 3 |
| **Бухоро вилояти** | | | | |
| 3. | Қоракўл тумани | 21-сонли | Шўробот МФЙ | 3 |
| | | | Қуввача МФЙ | 3 |
| | | | Янги замон МФЙ | 3 |
| **Жиззах вилояти** | | | | |
| 4. | Бахмал тумани | 2-сонли | Бахмал МФЙ | 3 |
| | | | Музбулоқ МФЙ | 3 |
| | | | Сангзор МФЙ | 3 |
| **Қашқадарё вилояти** | | | | |
| 5. | Чироқчи тумани | 13-сонли | Наймансарой МФЙ | 3 |
| | | | Хўжабод МФЙ | 3 |
| | | | Шўркудуқ МФЙ | 3 |
| 6. | Касби тумани | 12-сонли | Комилон МФЙ | 3 |
| 7. | Муборак тумани | 1-сонли | Амир Темур МФЙ | 3 |
| **Навоий вилояти** | | | | |
| 8. | Нурота тумани | 1-сонли | Янги ҳаёт МФЙ | 3 |
| | | | Ҳайдоробод МФЙ | 3 |
| | | | Жарма МФЙ | 3 |
| **Наманган вилояти** | | | | |
| 9. | Янгиқўрғон тумани | 10-сонли | Муғол МФЙ | 3 |
| | | | Кандиен МФЙ | 3 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Ровот МФЙ | 3 |
| **Самарқанд вилояти** | | | | |
| 10. | Ургут тумани | 42-сонли | Жўроптепа МФЙ | 3 |
| | | | Дўстлик МФЙ | 3 |
| | | | Муродкишлоқ МФЙ | 3 |
| **Сирдарё вилояти** | | | | |
| 11. | Боёвут тумани | 13-сонли | Тинчлик МФЙ | 3 |
| | | | Совотобод МФЙ | 3 |
| | | | Дарвозакир МФЙ | 3 |
| **Сурхондарё вилояти** | | | | |
| 12. | Қумқўрғон тумани | 1-сонли | Тўғон МФЙ | 3 |
| | | | Пахтаобод МФЙ | 3 |
| | | | Элобод МФЙ | 3 |
| **Фарғона вилояти** | | | | |
| 13. | Учкўприк тумани | 15-сонли | Тўқсонқовун МФЙ | 3 |
| | | | Йўлгунзор МФЙ | 3 |
| | | | Тўрвоқ МФЙ | 3 |
| **Хоразм вилояти** | | | | |
| 14. | Хозарасп тумани | 26-сонли | Карвак МФЙ | 3 |
| | | | Қиртепа МФЙ | 3 |
| | | | Охунбобоев МФЙ | 3 |
| **Тошкент вилояти** | | | | |
| 15. | Оҳангарон тумани | 9-сонли | Қорасўвека МФЙ | 3 |
| | | | Санам МФЙ | 3 |
| | | | Чўвулдоқ МФЙ | 3 |
| 16. | Янгийўл тумани | 11-сонли | Деҳқонобод МФЙ | 3 |
| | | | Дўстлик МФЙ | 3 |
| | | | Ифтихор МФЙ | 3 |
| | **Жами** | | | **132** |

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 786-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Мактабгача таълим мобиль гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида
## НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мактабгача таълим мобиль гуруҳлар (кейинги ўринларда мобиль гуруҳлар деб аталади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Мобиль гуруҳлар болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтириш, мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болаларга таълим хизматлари кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

3. Қуйидагилар мобиль гуруҳларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

илғор хорижий тажриба инобатга олинган ҳолда, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим билан қамраб олинмаган болаларнинг ҳар томонлама етук, интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш;

болаларни миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;

таълим-тарбия жараёнига замонавий инновацион педагогик технологиялар, таълим-тарбиянинг самарали шакллари ва услубларини жорий этиш;

бола шахсининг асосларини шакллантириш, унинг билим орттириш бўлган қизиқишларини ривожлантириш;

мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган болаларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш ва уларни бошланғич таълимга тайёрлаш;

ота-оналарга болаларнинг илк ривожланиши, уларга таълим-тарбия бериш масаласида маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш.

## 2-боб. Мобиль гуруҳларни ташкил этиш тартиби

4. Мобиль гуруҳлар Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари томонидан ҳудудлар эҳтиёжларини ўрганиш якунларига асосан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ташкил этилади.

5. Мобиль гуруҳлар замонавий талабларга жавоб берадиган ва қайта жиҳозланган автобуслар базасида ташкил этилади.

6. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбияни ташкил этиш учун санитария нормалари ва қоидалари ҳамда гигиена нормативларига мувофиқ фақат фанларни ривожлантирувчи муҳит ва ўйин фаолиятини ташкил этиш мақсадида фойдаланиладиган ер майдонлари ажратилади.

7. Қайта жиҳозланган автобуснинг ички қисми унда болалар ўзини қулай ҳис этишига, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ бўлиши зарур.

8. Мобиль гуруҳлар давлат мактабгача таълим муассасаларига тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг буйруғига асосан бириктирилади.

9. Мобиль гуруҳларда фаолият кўрсатадиган тарбиячи, тарбиячининг ёрдамчиси ва ҳайдовчи тегишли давлат мактабгача таълим муассасаси раҳбарига ҳисобот беради.

10. Мобиль гуруҳлар ходимлари мобиль гуруҳлар бириктирилган давлат мактабгача таълим муассасаининг штатида ҳисобда туради.

11. Мобиль гуруҳлар ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили тиббий кўрикдан ўтади.

## 3-боб. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш

12. Мобиль гуруҳларга мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади.

13. Мобиль гуруҳларга болалар бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда, ота-оналарнинг (қонуний вакилларнинг) аризаси ва боланинг саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома асосида қабул қилинади.

14. Ота-онанинг (қонуний вакилнинг) аризасига қуйидаги хужжатлар илова қилинади:

ота-онанинг (қонуний вакилнинг) фуқаролик паспорти нусхаси;

боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

боланинг 2 дона фотосурати;

боланинг саломатлиги тўғрисида тиббий хулоса.

15. Болалар мобиль гуруҳларга ушбу мобиль гуруҳлар бириктирилган давлат мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида қабул қилинади.

16. Болаларни бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўқув йили давомида ота-оналарнинг (қонуний вакилларнинг) аризаси асосида бўш ўрин бўлган тақдирда ўтказилади.

17. Тиббий салбий кўрсатмалар ва бўш ўрин бўлмаслиги болани мобиль гуруҳга қабул қилиш тўғрисидаги аризани рад этиш учун асос бўлади.

18. Мобиль гуруҳларда давлат мактабгача таълим хизматлари бепул кўрсатилади.

19. Мобиль гуруҳларда таълим-тарбия жараёни илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида ташкил этилади ва

овқатлантиришни мажбурий ташкил этмаган ҳолда, бир ҳафтада 7,5 соатдан (бир кунда 3-4 соат) кам бўлмаган таълим бериш назар тутилади.

20. Мобиль гуруҳлар таълим фаолиятини 2 сменада, бир ҳафтада 6 кун амалга оширади.

21. Мобиль гуруҳларда ўқув йили 2 сентябрдан бошланиб 31 майда якунланади, ёзги соғломлаштириш даври 1 июндан 31 августга қадар ҳисобланади.

22. Гуруҳлар бир хил ёки аралаш ёш принципи бўйича тўлдирилади.

23. Бир гуруҳда болалар сони 16 нафардан ортиқ бўлмаслиги лозим.

24. Мактабгача таълим муассасаларига бормайдиган алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар мобиль гуруҳларда тиббий салбий кўрсатмалар бўлмаганда таълим олишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган мезонларга мувофиқ тиббий салбий кўрсатмалар мавжуд бўлганда, боланинг яшаш жойидаги тиббиёт ташкилоти томонидан мобиль гуруҳга боришга рухсат этиш тўғрисида хулоса берилади ва унда ота-онасининг бири ёки боланинг бошқа яқин қариндоши бўлиши зарурлиги кўрсатилади.

25. Мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни ўзига хос алоҳида хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ташкил этилади.

26. Ўқув-услубий, дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар, бадиий адабиётлар билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминланади. Минималлаштирилган алоҳида канцелярия анжомлари тўплами билан эса ота-оналар (қонуний вакиллар) ҳисобидан таъминланади.

27. Қайта жиҳозланган автобусда болалар бўлган вақтда унинг ҳаракатланишига йўл қўйилмайди.

## 4-боб. Таълим-тарбия жараёни иштирокчилари

28. Мобиль гуруҳларда тарбияланувчи, педагог ходим, ота-она ёки уларнинг қонуний вакиллари таъим-тарбия жараёнининг иштирокчилари ҳисобланади.

29. Мобиль гуруҳлар тарбияланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

30. Тегишли касбий маълумотга, тайёргарликка, юксак аҳлоқий ва маънавий фазилатларга эга бўлган шахслар мобиль гуруҳларда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

31. Ота-оналар ёки уларнинг қонуний вакиллари мобиль гуруҳлардаги таълим-тарбия жараёни билан танишиш ҳуқуқига эга.

## 5-боб. Мобиль гуруҳларнинг мулки ва молиявий-хўжалик фаолияти

32. Мобиль гуруҳлар фаолияти тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган штатлар жадвалига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

33. Мобиль гуруҳларнинг мулки қонунда белгиланган тартибда давлат мактабгача таълим муассасаига бириктирилади.

34. Мобиль гуруҳлар педагог ходимлари, тарбиячи ёрдамчилари ва ҳайдовчиларининг иш ҳақи давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган тартибда тўланади.

## 6-боб. Якунловчи қоида

35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 786-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Мактабгача таълим мобиль гуруҳларни жиҳозлаш**
НОРМАТИВЛАРИ*

| Т/р | Номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори (сони) |
|---|---|---|---|
| **I. Мебель** | | | |
| 1. | Болалар столи — 4 ўринли | дона | Гуруҳдаги болалар сонидан келиб чиқиб |
| 2. | Болалар стули | дона | ҳар бир болага |
| 3. | Тарбиячи учун стол (мослаштирилган) | дона | 1 |
| 4. | Тарбиячи учун стул (мослаштирилган) | дона | 1 |
| 5. | Ўқув материаллар учун шкаф | дона | 1 |
| 6. | Ўйинчоқлар учун шкаф | дона | 1 |
| 7. | Магнит-маркер доскаси | дона | 1 |
| **II. Ўйинчоқлар** | | | |
| 1. | Қўғирчоқлар (кўзи ёпиладиган) | дона | 2 |
| 2. | Машиналар (турли хил) | тўплам | 1 |
| 3. | Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари | тўплам | 4 |
| 4. | Ёввойи хайвонлар ва уларнинг болалари | тўплам | 4 |
| 5. | Болалар идишлари тўплами | тўплам | 2 |
| 6. | «Лего» конструктори | тўплам | 4 |
| 7. | Болалар лотоси | тўплам | 2 |
| 8. | «Дорихона» тўплами | тўплам | 2 |
| 9. | Қурилиш асбоблари тўплами | тўплам | 2 |
| 10. | Пазллар | тўплам | 20 |
| 11. | Мозаикалар | тўплам | 4 |
| **III. Дидактик материаллар** | | | |
| 1. | Ҳисоб таёқчалари | тўплам | ҳар бир болага |
| 2. | Геометрик шакллар (геометрик мозаика) | тўплам | ҳар бир болага |
| 3. | Мактабгача ёшдаги болалар учун алифбо | дона | ҳар бир болага |
| 4. | Рақамлар | тўплам | ҳар бир болага |
| 5. | Йил фасллари тасвири туширилган расмлар | тўплам | 1 |
| 6. | Уй ҳайвонлари ва уларнинг болалари тасвири туширилган карточкалар | тўплам | 4 |
| 7. | Ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг болалари тасвири туширилган карточкалар | тўплам | 4 |
| 8. | Уй паррандалари тасвири туширилган карточкалар | тўплам | 4 |
| 9. | Қушлар тавсири туширилган карточкалар | тўплам | 4 |
| 10. | Сабзавотлар тасвири туширилган карточкалар | тўплам | 4 |
| 11. | Мевалар ва реза мевалар тасвири туширилган карточкалар | тўплам | 4 |
| 12. | «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» карточкалари | тўплам | 1 |
| 13. | «Касблар» карточкалари | тўплам | 1 |
| 14. | Хуснихат | дона | ҳар бир болага |
| **IV. Спорт инвентарлари** | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Болалар арғамчилари | дона | 5 |
| 2. | Болалар боулинг кеглиси | тўплам | 2 |
| 3. | Турли катталикдаги тўплар | дона | 5 |
| 4. | Турли ҳажмдаги чамбараклар | дона | 5 |
| 5. | Улоқтириб тушириладиган ҳалқалар | дона | 2 |
| | **V. Болалар адабиёти** | | |
| 1. | Жаҳон халқ эртаклари | дона | 5 |
| 2. | Ўзбек халқ эртаклари | дона | 5 |
| 3. | Шеърлар, топишмоқлар | дона | 5 |

* битта автобус учун ҳисоблаб чиқилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 сентябрдаги 786-сон қарорига

4-ИЛОВА

**Мобиль гуруҳларнинг таълим бериш ва ўйин фаолияти майдончаларини жиҳозлаш**

НОРМАТИВЛАРИ*

| **Т/р** | **Номи** | **Ўлчов бирлиги** | **Миқдори (сони)** |
|---|---|---|---|
| 1. | Арғимчоқ | дона | 2 |
| 2. | Қумдон | дона | 1 |
| 3. | Скамейка | дона | 6 |
| 4. | Сирпанчиқ | дона | 2 |
| 5. | Сюжетли уй | дона | 1 |

* битта майдонча учун ҳисоблаб чиқилган.

**15-илова**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ДАВЛАТ ИХТИСОСТАШТИРИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ривожланишида жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар учун давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларининг табақалаштирилган тармоғини оптималлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил октябр ойидан бошлаб, Тошкент шаҳридаги давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари тармоғини оптималлаштириш ва кейинчалик болалар контингентини ҳисобга олган ҳолда, уларни давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ва умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига ўзгартириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳридаги давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг фаолияти бўйича ўтказилган таҳлил асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланиш мақсадида Тошкент шаҳридаги 49 та давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларини, хусусан:

18 та давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларини 1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари этиб;

31 та давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларини 2-иловага мувофиқ рўйхат бўйича умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари этиб қайта ташкил этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қайта ташкил этилаётган давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тадбирлари режасини бир ой муддатда тасдиқласин ва амалга оширсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу қарорда назарда тутилган тадбирлар амалдаги штат бўйича ходимлар сони ва давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларини сақлаш учун бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари тармоғининг оптималлаштирилиши натижасида бўшайдиган маблағлар давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, шу жумладан уларни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, коррекция воситалари, дори-дармонлар ва тиббий буюмлар билан таъминлаш тадбирларини амалга оширишга йўллантирилади;

умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига ўзгартириладиган давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида» 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори билан белгиланган тартибда тиббий-психологик-педагогик комиссияси томонидан берилган хулоса асосида қабул қилинган тарбияланувчилар ўтказилган коррекция-педагогик ва реабилитация тадбирларининг натижаларига кўра, тегишли давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ўтказилади ёки ушбу муассасада қолади;

кейинчалик болалар умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда қайта ташкил этилаётган давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг бино ва иншоотларини ажратилган бюджет маблағлари доирасида реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлашни 2020 — 2022 йилларга ва келгуси йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А.В. Шин ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
201
9 йил 30 сентябрь,
826-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 826-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларига ўзгартирилаётган давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг
РЎЙХАТИ

| Т/р | Ташкилот жойлашган жой | Ташкилот рақами | Амалдаги ихтисослиги |
|---|---|---|---|
| 1. | Бектемир тумани | 574-сон | Кўп тармоқли |
| 2. | Миробод тумани | 282-сон | Логопедик |
| 3. | Мирзо Улуғбек тумани | 375-сон | Ақлий ва руҳий ривожланишда орқада қолаётган болалар учун |
| 4. | Мирзо Улуғбек тумани | 390-сон | Санаторий типидаги |
| 5. | Сергели тумани | 46-сон | Ортопедик |
| 6. | Сергели тумани | 508-сон | Логопедик |
| 7. | Учтепа тумани | 431-сон | Кўп тармоқли |
| 8. | Учтепа тумани | 404-сон | Кўп тармоқли |
| 9. | Чилонзор тумани | 289-сон | Ақлий ва руҳий ривожланишда орқада қолаётган болалар учун |
| 10. | Чилонзор тумани | 322-сон | Кўриш қобилияти бузилган болалар учун |
| 11. | Шайхонтоҳур тумани | 321-сон | Логопедик |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 12. | Олмазор тумани | 522-сон | Логопедик |
| 13. | Юнусобод тумани | 480-сон | Кўп тармоқли |
| 14. | Юнусобод тумани | 442-сон | Кўп тармоқли |
| 15. | Юнусобод тумани | 560-сон | Кўп тармоқли |
| 16. | Яккасарой тумани | 369-сон | Ақлий ва руҳий ривожланишда орқада қолаётган болалар учун |
| 17. | Яшнобод тумани | 306-сон | Логопедик |
| 18. | Яшнобод тумани | 272-сон | Кўп тармоқли |

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 826-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларига ўзгартирилаётган давлат ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларининг**
РЎЙХАТИ

| Т/р | Ташкилот жойлашган жой | Ташкилот рақами | Амалдаги ихтисослиги |
|---|---|---|---|
| 1. | Миробод тумани | 60-сон | Логопедик |
| 2. | Миробод тумани | 127-сон | Логопедик |
| 3. | Миробод тумани | 32-сон | Логопедик |
| 4. | Мирзо Улуғбек тумани | 57-сон | Логопедик |
| 5. | Мирзо Улуғбек тумани | 37-сон | Логопедик |
| 6. | Мирзо Улуғбек тумани | 410-сон | Логопедик |
| 7. | Мирзо Улуғбек тумани | 422-сон | Логопедик |
| 8. | Мирзо Улуғбек тумани | 525-сон | Логопедик |
| 9. | Мирзо Улуғбек тумани | 587-сон | Логопедик |
| 10. | Сергели тумани | 109-сон | Ортопедик |
| 11. | Сергели тумани | 352-сон | Логопедик |
| 12. | Сергели тумани | 353-сон | Ақлий ва руҳий ривожланишда орқада қолаётган болалар учун |
| 13. | Сергели тумани | 45-сон | Санаторий типидаги |
| 14. | Учтепа тумани | 328-сон | Логопедик |
| 15. | Учтепа тумани | 386-сон | Кўп тармоқли |
| 16. | Учтепа тумани | 397-сон | Санаторий типидаги |
| 17. | Учтепа тумани | 604-сон | Кўп тармоқли |
| 18. | Чилонзор тумани | 24-сон | Ортопедик |
| 19. | Чилонзор тумани | 538-сон | Логопедик |
| 20. | Чилонзор тумани | 215-сон | Логопедик |
| 21. | Чилонзор тумани | 225-сон | Логопедик |
| 22. | Чилонзор тумани | 246-сон | Логопедик |
| 23. | Чилонзор тумани | 368-сон | Ортопедик |
| 24. | Чилонзор тумани | 316-сон | Санаторий типидаги |
| 25. | Юнусобод тумани | 544-сон | Кўп тармоқли |
| 26. | Юнусобод тумани | 173-сон | Кўп тармоқли |
| 27. | Юнусобод тумани | 511-сон | Кўп тармоқли |
| 28. | Яккасарой тумани | 250-сон | Кўп тармоқли |
| 29. | Яккасарой тумани | 273-сон | Логопедик |
| 30. | Яшнобод тумани | 559-сон | Логопедик |
| 31. | Яшнобод тумани | 457-сон | Санаторий типидаги |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# БУЙРУҚЛАРИ

**16- илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**

**3-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 4 январь 2019 йил

**Мактабгача таълим тизими юридик хизмат ходимлари фаолиятини такомиллаштириш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон Қарори билан тасдиқланган "Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида"ги Низомда белгиланган вазифаларни амалга оширишни такиллаштириш ҳамда Адлия вазирининг "Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни тасдиқлаш ҳақида (рўйхат рақами 2863, 28 февраль 2017 йил)ги буйруғи ижросини таъминлаш, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармаси Бош юрисконсультлари ҳамда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари, вазирлик тизимидаги муассасалар юрисконсультлари (кейинги ўринларда Юридик хизмат ходимлари деб аталади) фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудирлари ҳамда вазирликка буйсунувчи муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига:

бир ой муддатда юридик хизмат ходимларининг хизмат хоналари, моддий-техника жиҳатидан таъминланганлиги ҳолатини ва Минимал талабларининг бажарилиш аҳволини танқидий ўрганиб чиқиш;

мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, юридик хизмат ходимлари иш жойини Минимал талабларга мос равишда;

юридик хизмат ходимларининг белгиланган тартибда ва муддатларда малака оширишини ҳамда навбатдаги аттестациядан ўтишини, биринчи марта юридик хизмат стажировка ўташини ташкиллаштириш;

юридик хизмат ходимини лавозимига тайинлаш учун Адлия органлари билан келишишга тавсия этишдан олдин вазирликнинг Юридик бошқармасидан (шахсан ёки конференцалоқадан фойдаланган ҳолда масофавий) суҳбатдан ўтказишни ташкиллаштириш;

юридик хизмат ходимига нисбатан интизомий чора қўллаш учун вазирлик Юридик бошқармасининг ёзма розилигини олиш;

юридик хизмат ходимини вазифасига тайинлаш ва лавозимидан озод этишни қатъиян вазирлик Юридик бошқармасининг ёзма розилиги олингандан сўнг амалга ошириш топширилсин.

2. Юридик хизмат томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик Юридик бошқармасига тақдим этиладиган маълумотлар шакли (1-шакл, 2-шакл, 3-шакл, 4-шакл ва 5-шакл) 1, 2, 3, 4 ва 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда вазирликка буйсунувчи муассаса ва ташкилотларнинг:

Кадрлар бўлими - йил якунлангандан сўнг, кейинги йилнинг 10-санасига қадар, (Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 28 февралда 2861 рақами билан рўйхатдан ўтказилган) Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги юридик хизматлар маълумотлар базасини шакллантириш бўйича маълумотларни - Кадрлар бошқармасига;

Бош юрисконсульт - юридик хизмат томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни 1-шакл, 2-шакл, 3-шакл, 4-шакл ва 5-шаклларга мувофиқ, ҳар чорак якуни бўйича, кейинги чоракнинг биринчи ойи 10-санасига қадар, йил якуни бўйича эса, кейинги йилнинг биринчи ойи 10-санасига қадар Юридик бошқармага ёзма ва электрон шаклда тақдим этишни таъминласинлар.

4. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудирлари ҳамда вазирликка буйсунувчи муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари юридик хизмат фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилиши ҳамда ушбу буйруқнинг ижроси таъминланиши учун шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

5. Кадрлар бошқармаси (А.Юсупов) юридик хизмат ходимлари тўғрисидага маълумотларни умумлаштириш, мониторингини юритиш, кадрлар заҳирасини яратишни таъминласин ва малакали ходимлар билан тўлдиришга амалий ёрдам берсин.

6. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг “Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида (рўйхат рақами 2861, 28 февраль 2017 йил)ги 39-мҳ-сон буйруғи, “Юридик хизмат ходимининг иш жойини моддий-техника жиҳатидан жиҳозлашга доир минимал талабларни тасдиқлаш ҳақида (рўйхат рақами 2863, 28 февраль 2017 йил)ги 41-мҳ-сон буйруғи ва мазкур буйруқни жойларга электрон шаклда етказилишини таъминласин.

7. Мазкур буйруқнинг бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **А. Шин**

Вазирнинг 2019 йил 4 январдаги
3-сонли буйруғига 1-илова

*Юридик хизмат томонидан 2018 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида*
*МАЪЛУМОТ*

Шакл 1

| т/р | Ҳудудлар Туман (шаҳар) | Ижро учун келиб тушган жами ҳужжатлар | Шундан: | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Мурожаатлар | | | |
| | | | Буйруқлар умумий ва шахсий таркибга оид | Меҳнат шартномалари | Хўжалик шартномалари | Ариза | Шикоят | Таклиф | Бошқа ҳужжатлар |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 1 | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | | | |

Вилоят раҳбари ____________________________________________ФИШ

Бош юрисконсульт __________________________________________ФИШ

**МЎ**

Вазирнинг 2019 йил 4 январдаги
3-сонли буйруғига 2-илова

*Юридик хизмат томонидан 2018 йилда амалга оширилган тарғибот ишлари тўғрисида*
*МАЪЛУМОТ*

Шакл 2

| т/р | Ҳудудлар Туман (шаҳар) | Жами тарғибот | Шундан: | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Телеведение | Радио | Газета | Журнал | Интернет саҳифаларда | Давра суҳбати | Семинар ва тренинглар |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| 1 | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | | | |

Вилоят раҳбари ______________________________________________________ФИШ

Бош юрисконсульт ___________________________________________________ФИШ

МЎ

Вазирнинг 2019 йил 4 январдаги
3-сонли буйруғига 3-илова

***Юридик хизмат томонидан 2018 йилда амалга оширилган талабнома-даъво ишлари тўғрисида***
***МАЪЛУМОТ***

Шакл 3

| т/р | Ҳудудлар Туман (шаҳар) | Талабнома | | Ундирилган | | Даъво ариза | | Қаноатлантирилган | | Ҳақиқатда ундирилган | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| 1 | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | | | | | |

**Вилоят раҳбари** **ФИШ**

**Бош юрисконсульт** **ФИШ**

**Бош ҳисобчи** **ФИШ**

**МЎ**

Вазирнинг 2019 йил 4 январдаги
3-сонли буйруғига 4-илова

**Ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати томонидан ўтказилган текширишлар натижаси ҳақида**
**МАЪЛУМОТ**

Шакл 4

| т/р | Текширув ўтказилган МТМ рақами | Аниқланган ҳуқуқбузарликлар тури | | | Кўрилган чоралар | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Нотўғри режалаштириш (сумма) | Ҳақиқатда ишламаган ходимларга ҳақ тўлаш (сумма) | Камомад ёки ўзлаштириш | Қайси органга юборилган *(прокуратура, ИИБ ва ҳ.к.)* | Рақами ва санаси | Судга юборилгани | Суднинг қарори санаси ва ишнинг рақами |
| **1** | **2** | 3 | 4 | 5 | ***6*** | 7 | **8** | 9 |
| **1** | | | | | | | | |
| **2** | | | | | | | | |
| **3** | | | | | | | | |
| **4** | | | | | | | | |
| **5** | | | | | | | | |
| **6** | | | | | | | | |
| **7** | | | | | | | | |

Вилоят раҳбари ФИШ

Бош юрисконсульт ФИШ

Ички аудит хизмати ходими ФИШ

МЎ

Вазирнинг 2019 йил 4 январдаги
3-сонли буйруғига 1-илова

**Суд ҳукмига асосан жавобгарликка тортилган моддий жавобгар шахслар ва етказилган зарарларни айбдорлардан ундириш натижалари ҳақида**
**МАЪЛУМОТ**

Шакл 5

| т/р | Моддий жавобгар шахсларнинг | Лавозими ва иш жойи | Дастлабки тергов натижалари | Айбланган моддалар | Судга юборилган сана | Суд ҳукмига асосан берилган жазо | Етказилган зарар миқдори | Ҳақиқатда зарарни ундирилганлиги (Ижро натижаси) (сумма) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | | |
| 7 | | | | | | | | |

**Суднинг ҳукми ва зарарни қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.*

Вилоят раҳбари ФИШ

Бош юрисконсульт ФИШ

Бош ҳисобчи ФИШ

**МУ**

**17 - илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**

**13-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 25 январь 2019 йил

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги давлат харидларини амалга ошириш комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат харидлари тўғрисидаги қонуни (2018 йил 9 апрель, ЎРҚ-472-сон) га мувофиқ

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги эҳтиёжи учун харид қилинадиган товарлар (ишлар ва хизматлар)ни амалга ошириш комиссияси (матнда кейинги ўринларда - Харид комиссияси) таркиби 1-иловага, вазирликнинг марказий аппарати учун харид қилинган товарлар моддий қимматликларни ҳисобдан чиқариш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Харид комиссиясига:

танлов (тендер) ҳужжатларини келишиш;

таклифлар қабул қилинадиган муддатларни белгилаш;

таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилаш;

таклифларни баҳолаш мезонларини белгилаш;

таклиф киритиш тартибини, ҳажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилаш;

харид қилиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга ошириш;

малака танловини ўтказиш (агар танлов (тендер) ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса);

харид қилиш тартиб-таомилларини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатлашув турлари ижрочисини ва захира ижрочисини белгилаш ёки савдони амалга ошмаган деб топиш;

иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолаш ва тартибга солиш;

давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлаш вазифалари топширилсин.

3. Харид комиссияси ижрочини аниқлаш тартиб-таомиллари давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги, ўзи қабул қилаётган қарорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.

4. Вазирликнинг бюджет ёки бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан марказий аппарати эҳтиёжи учун товарлар (ишлар ва хизматлар) харид қилиш бўйича Харид комиссиясига ҳужжатлар лойиҳаларини тақдим этиш вазирликнинг Ишлар бошқармаси (Д.Қаршиев) томонидан вазирлик бошқарма ва бўлимлари бошлиқлари тақдим қилган талабномалари асосида амалга оширади.

Вазирликнинг Ишлар бошқармаси (Д.Қаршиев) харидларнинг тегишлиги бўйича бошқарма ва бўлим бошлиқлари билан биргаликда:

харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг техник шартларини ишлаб чиқади;

харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг энг юқори (максимал) нархларини амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлайди;

харид қилинадиган товар (иш, хизмат) ларни етказиб бериш муддатларини белгилайди;

товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича танлов (тендер) ўтказиш тўғрисидаги эълонларни (вазир ёки вазир ўринбосари томонидан имзоланган буюртма варағини) вазирликнинг сайти (mdo.uz) га ва махсус ахборот порталига жойлаштириш учун танлов эълон қилинишидан камида уч кун олдин масъул шахсларга тақдим этади.

5. Бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан ошмайдиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни, бироқ бир йилда бир давлат буюртмачиси учун энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз баравари миқдордаги суммадан кўп бўлмаган товарларни махсус ахборот порталидаги махсус майдончадаги электрон дўкон савдолари орқали;

Бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш бароваридан (товарлар электрон дўконда мавжуд бўлмаган тақдирда 1 сўмдан) икки минг беш юз бараваридан ортиқ бўлмаган тақдирни ташкил этган товарлар электрон аукцион савдолари орқали;

Бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этган ишлар ва хизматлар ҳамда икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этган товарларни танлов савдолари орқали бўлиши белгилаб қўйилсин.

6. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи ўринбосари-бош ҳисобчи ўринбосари Қ.Зикиров товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонларни махсус ахборот порталига жойлаштириш учун масъул этиб белгилансин.

7. Танловга бериладиган эълонларни вазирликнинг электрон сайти (mdo.uz) га жойлаштириш вазирликнинг Таълимда илғор ва ахборот технологияларини жорий этиш бўлими (Ҳ.Мадраимов) ва матбуот хизмати (Д.Ахмедова) зиммаларига юклансин.

8. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров)га харид қилиш тартиб-таомилларининг ғолиб деб топилган иштирокчилари билан ўрнатилган тартибда шартномалар имзолаш ва белгиланган муддатларда маблағлар ўтказиш вазифаси юклансин.

9. Юридик бошқарма (У.Усманова), Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси (Ш.Пардаев) ва мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш бўлими (М.Хўжакелдиев) бир ой муддатда мактабгача таълим тизимида харидларни амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи қоидаларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун раҳбариятга киритсин.

10. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2018 йил 15 майдаги 105-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Маматкулов зиммасига юклансин.

**Вазир** **А.Шин**

Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 25 январдаги
13-сонли буйруғига 1-илова

**Вазирликнинг марказий аппарати эҳтиёжи учун товарлар (ишлар ва хизматлар) харид қилиш танлов комиссия аъзолари таркиби**

| т/р | Ф.И.Ш. | Бошқарма (бўлим) номи ва лавозими |
|---|---|---|
| **1** | Ш.Маматкулов | Вазир ўринбосари-раис |
| **2** | Ш.Пардаев | Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси бошлиғи-раис ўринбосари |
| **3** | М.Хўжакелдиев | Мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш бўлими бошлиғи-аъзо |
| **4** | Д.Қаршиев | Ишлар бошқармаси бошлиғи-аъзо |
| **5** | Б.Данаев | Инвестициялар ва капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи- аъзо |
| **6** | Ш.Тешабаева | Вазирлик Касаба уюшмаси қўмитаси раиси- аьзо |
| **7** | Ҳ.Мадраимов | Таълимда илғор ва ахборот технологияларини жорий этиш бўлими-аьзо |
| **8** | О.Рахматиллаев | Халқаро ҳамкорлик ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими-аьзо |
| **9** | Д. Махмудова | Ўқув-методик мажмуаларни яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқармаси- аьзо |
| **10** | Р.Ходжаев | Ишлар бошқармаси хўжалик мудири танлов комиссияси котиби *(овоз бериш ҳуқуқига эга эмас)* |

*Изоҳ: Ишчи гуруҳи аъзолигидаги ходим ишдан кетганда ўрнига келган ходим комиссия аъзоси ҳисобланади.*

Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 25 январдаги
13-сонли буйруғига 2-илова

**Вазирликнинг марказий аппаратининг товар моддий қимматликларни ҳисобдан чиқариш комиссияси таркиби**

| т/р | Ф.И.Ш. | Бошқарма (бўлим) номи ва лавозими |
|---|---|---|
| 1 | Ш.Маматкулов | Вазир ўринбосари-раис |
| 2 | Р.Зулфиқоров | Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи-бош ҳисобчи-аъзо |
| 3 | М.Хўжакелдиев | Мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш бўлими бошлиғи-аъзо |
| 4 | Д.Қаршиев | Ишлар бошқармаси бошлиғи-аъзо |
| 5 | А.Юсупов | Кадрлар бошқармаси бошлиғи-аъзо |
| 6 | О.Рахматиллаев | Халқаро ҳамкорлик ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими-аьзо |
| 7 | Ҳ.Мадраимов | Таълимда илғор ва ахборот технологияларини жорий этиш бўлими-аьзо |
| 8 | Ш.Тешабаева | Вазирлик Касаба уюшмаси қўмитаси раиси-аьзо |
| 9 | Р.Ходжаев | Хўжалик мудири-котиб |

*Изоҳ: Ишчи гуруҳи аъзолигидаги ходим ишдан кетганда ўрнига келган ходим комиссия аъзоси ҳисобланади.*

*18 - илова*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**

**14-сонли БУЙРУҒИ**

Тошкент шаҳри 28 январь 2019 йил

**Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолияти молиявий ҳисобини ташкил этиш бўйича услубий қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги 3-мҳ-сон "Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғига (рўйхат рақами 3123-сон, 18.01.2019 йил) мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолияти молиявий ҳисобини ташкил этиш бўйича услубий қўлланма иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари:

тизимда қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларини жадал ривожлантириш бўйича тарғибот ишларини амалга оширсин;

ўзларининг тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларининг мазкур буйруқ билан тасдиқланган Услубий қўлланмалар талабларига мувофиқ ташкил этилишини таъминласин;

қўшимча пуллик таълим тарбия хизматлари бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳар ойлик ҳисоботларни белгиланган муддатларда вазирликка тақдим этиб борсин.

3. Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси (Ш.Пардаев) тизимда қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тўғри амалга ошириш бўйича ҳудудий бўлинмалар ва мактабгача таълим муассасаларига услубий кўрсатмалари бериб борсин.

4. Қўшимча пуллик хизматларни кўрсатиш қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина рухсат этилиши белгилансин:

қўшимча хизматлар мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчилари томонидан кун давомидаги ўқув дастурлари тўлиқ ўзлаштирилиши шарти билан тақдим этилиши мумкин. Қўшимча хизматлар давлат ўқув дастурлари бўйича машғулотлар ўрнини қоплаши мумкин эмас.

тарбиячи қўшимча хизматни ушинг иш куни тугаганидан сўнг, ўрнатилган тартибда (иш вақтидан ташқари иш ва ички ўриндошлик) амалга оширади;

иш куни давомида қўшимча пуллик хизматлар тегишли маълумотга ва кўникмаларга эга бўлган ва мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходими бўлмаган учинчи шахслар томонидангина кўрсатилиши мумкин.

5. Ўқув-методик мажмуаларни яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқармаси (Махму/дова Д.) жорий йилнинг 1 март кунига қадар қўшимча пуллик хизматларни ташкил этиш методикасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун тақдим этсин.

6. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) га қўшимча пуллик таълим тарбия хизматлари бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳар ойлик ҳисоботларни белгиланган муддатларда йиғиш, умумлаштириш ва вазирлик раҳбариятига ахборот бериб бориш вазифалари бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Ш.Маматкулов зиммасига юклансин.

**Вазир** **А.Шин**

Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 28 январдаги
14-сонли буйруғига илова

**Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолияти молиявий ҳисобини ташкил этиш бўйича**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

## 1- боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 13 декабрдаги 3-мҳ-сон “Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига (рўйхат рақами 3123-сон, 18.01.2019 йил) мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолияти молиявий ҳисобини услубий тартибга солади.

2. Ҳар бир давлат мактабгача таълим муассасаси ўзининг муайян шарт-шароитидан ва муассасанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мазкур услубий қўлланма талабларининг бажарилишини таъминлайдиган ички ҳужжатларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

## 2- боб. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатишни ташкил этиш

3. Давлат мактабгача таълим муассасалари томонидан қуйидагилар бўйича қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатилиши мумкин:

дам олиш кунлари ва мактабгача таълим муассасасида иш куни якунлангандан кейин болани парваришлаш, унга қараб туриш, уни ўқитиш;

мактабгача таълим муассасасининг ўқув дастурдан ташқари спорт-соғломлаштириш (каратэ, таэквондо, сузиш, шахмат, шашка, гимнастика, массаж ва бошқалар) тўгараклари, бадиий-эстетик (хор, рақс, тасвирий санъат ва ҳоказолар) тўгараклар, фанлар бўйича тўгараклар (чет тиллари, математика, ақлий арифметика, мантиқ, информатика ва бошқалар).

4. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими билан келишилган ҳолда мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг буйруғига мувофиқ қуйидаги ҳужжатлар асосида ташкил этилади:

кўрсатиладиган қўшимча хизматнинг иш режаси;

кўрсатиладиган қўшимча хизматларнинг прейскурант нархлари;

кўрсатиладиган қўшимча хизматлар бўйича машғулотлар жадвали.

5. Кўрсатиладиган қўшимча хизматнинг иш режаси давлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

6. Давлат мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳларига 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилиниши мумкин.

7. Фарзанди қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳида тарбияланишини истаган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар тегишли давлат мактабгача таълим муассасасига ариза билан мурожаат қилади.

8. Давлат мактабгача таълим муассасасининг раҳбари ҳамда боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслардан бири билан мазкур услубий қўлланманинг 1-иловасига мувофиқ намунавий шакл асосида шартнома тузилади.

Шартнома давлат мактабгача таълим муассасасининг шартномаларни рўйхатга олиш журналида рўйхатга олинади.

9. Қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳларига болани қабул қилиш учун тегишли мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи қабул қилинади.

Буйруқда боланинг Ф.И.О., туғилган йили, қабул қилинаётган қўшимча хизмат тури ва гуруҳи кўрсатилиши лозим.

10. Қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳида болаларнинг сони 25 нафардан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди.

11. Давлат мактабгача таълим муассасасида қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳлари ушбу давлат мактабгача таълим муассасасининг асосий штатдаги ходимларини уларнинг асосий иш вақтидан ташқари вақтларда келишув асосида жалб қилиш ёки бошқа ташкилот ва муассасаларда фаолият юритувчи мутахассисларни ишга жалб қилиш орқали ташкил этилиши мумкин.

Бунда, қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳларига ишга жалб қилинган ходимларнинг асосий иш жойи ва қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳидаги умумий иш юкламаси ушбу тоифадаги ходимлар учун белгиланган иш нормасининг 1,5 бараваридан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Бошқа ташкилот ва муассасаларда фаолият юритувчи мутахассислар қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳига ишга жалб қилинганда давлат мактабгача таълим муассасаси ва жалб қилинган ходим ўртасида мазкур услубий қўлланманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда фуқаровий-ҳуқуқий шартнома имзоланади.

Шартнома давлат мактабгача таълим муассасасининг шартномаларни рўйхатга олиш журналида рўйхатга олинади.

12. Суд ҳукми билан ёки тиббий хулосага мувофиқ педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳларида фаолият юритиши таъқиқланади.

## 3-боб. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари нархларини шакллантириш, даромадлар ва харажатларни режалаштириш

13. Кўрсатилган хизматларнинг таннархи Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом"га мувофиқ аниқланади.

14. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларни таннархини калькуляциялашда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча харажатлар, жумладан, иш ҳақи ва унга

тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақидан ажратмалар, қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳини сақлаш билан боғлиқ бошқа харажатлар (канцелярия моллари, тарқатма материаллар ва бошқа тегишли харажатлар) ҳисобга олинади.

15. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларни таннарх калькуляцияси ҳар бир пуллик қўшимча таълим-тарбия хизмати тури бўйича мазкур услубий қўлланманинг иловасига мувофиқ шаклда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати мутахассислари (иқтисодчиси) томонидан ишлаб чиқилади.

16. Давлат мактабгача таълим муассасаси томонидан кўрсатилиши режалаштирилаётган қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари турлари ҳамда улар учун белгиланадиган тўловлар тақдири мактабгача таълим муассасасининг кузатув кенгаши йиғилишида муҳокама қилиниши шарт.

Қўшимча пуллик-таълим-тарбия хизматлари учун тўлов миқдорининг давлат мактабгача таълим муассасасининг Кузатув кенгашида муҳокама қилинганлиги Кузатув кенгашининг йиғилиш қарори билан расмийлаштирилади.

17. Давлат мактабгача таълим муассасалари томонидан кўрсатиладиган қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларининг нархлар прейскуранти тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими билан келишилган ҳолда мактабгача таълим муассасасининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

18. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларининг тасдиқланган прейскурант нархлари мактабгача таълим муассасасининг барча шахслар кириши ва кўриши мумкин бўлган жойда (жойларда) эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

19. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш учун даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда штатлар жадвали Адлия вазирлигида 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом”да белгиланган шакллар ва талаблар асосида ишлаб чиқилади.

20. Даромадлар ва харажатлар сметаси режалаштирилаётган хизматлар ҳажми ва уларни бажариш харажатлари, тасдиқланган нархлар ва тарифлардан келиб чиққан ҳолда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлим марказлаштирилган молия-бухгалтерия хизмати мутахассислари (иқтисодчиси) томонидан тузилади ва тегишли давлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

21. Агар молия йили мобайнида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларидан олинадиган даромадлар режалаштирилган тушумларга нисбатан камайса ёки кўпайса, давлат мактабгача таълим муассасаси харажатларни тегишли миқдорга мустақил равишда камайтиради ёки кўпайтиради.

22. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатишдан олинган даромадлар давлат мактабгача таълим муассасасининг Ривожлантириш жамғармаси бўйича шахсий ғазна ҳисобварағида (4001....) жамланади ва харажатлар амалга оширилади.

23. Давлат мактабгача таълим муассасасининг Ривожлантириш жамғармаси бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига (4001....) қўшимча пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган

маблағлар қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш бўйича умумий харажатлар қоплангандан кейин;

80 фоизи - мактабгача таълим муассасаси ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда мактабгача таълим муассасаси моддий-техника базасини яхшилашга (таъмирлаш, инвентарь ва ускуналар, ўқув-услубий материаллар сотиб олиш ва бошқалар);

10 фоизи - Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармасига;

5 фоизи - тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига;

5 фоизи - Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади.

24. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлар ҳисобига даромадлар олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш пайтида давлат мактабгача таълим муассасалари қуйидагиларга амал қилишлари лозим:

Амалдаги қонун ҳужжатларидан ёки улар томонидан тузилган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

ўриндошлик асосида жалб этилган ходимлар билан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва тўғри амалга ошириш;

хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш;

тегишли мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, белгиланган тартиб ва муддатларда тақдим этиш.

## 4-боб. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатишда ота-оналар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш

25. Болаларнинг қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳига қатнаганлиги учун тўловлар тижорат банклари орқали нақд пулда, пластик карточкада, электрон тўлов шаклида ёки пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз шаклда тўланади. Бунда, тўловнинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси мактабгача таълим муассасасига тақдим этилади (электрон тўлов бундан мустасно).

26. Қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳларига қатнаганлик учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан 100 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади.

27. Қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳларига қатновчи болаларнинг ота-оналари билан ҳисоб-китоблар мазкур услубий қўлланманинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳларига қатновчи болаларнинг давомат ҳисоби табели асосида ҳақиқий қатнаган кунларидаги соатларга мувофиқ амалга оширилади.

28. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари бўйича ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар мазкур услубий қўлланманинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги қайднома орқали юритилади.

## 5-боб. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш бўйича даромадлар ва харажатларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш

29. Сарф-харажатларни қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари таннархига олиб бориш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари билан боғлиқ бевосита ва билвосита моддий сарф-харажатлар амалга оширилганда:

090 “Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар” субсчёти дебети бўйича;

06 “Бошқа товар-моддий захиралар” ва бошқа тегишли субсчётларнинг кредити бўйича;

б) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари амалга оширилганда:

090 “Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар” субсчёти дебети бўйича;

173 “Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар” субсчёти ва бошқа тегишли субсчётлар кредити бўйича;

в) иш ҳақидан иш берувчининг ажратмалари суммаси ҳисобланганда:

090 “Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар” субсчёти дебети бўйича;

161 “Ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоб-китоблар” субсчётининг кредити бўйича;

г) бошқа бевосита ва билвосита ишлаб чиқариш харажатлари (ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган коммунал хизматлар харажатлари, алоқа хизмати харажатлари ва бошқа харажатлар) суммаларига:

090 “Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар” субсчёти дебети бўйича;

159 “Бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти ва бошқа тегишли субсчётлар кредити бўйича.

30. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларининг таннархига киритилмайдиган давр харажатлари суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

211 “Давр харажатлари” субсчёти дебети бўйича;

сарф-харажатларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредити.

31. Давлат мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ келиб тушган олдиндан тўлов суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

112 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари” субсчёти дебети бўйича;

152 “Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти кредити бўйича.

32. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари топширилганда, яъни даромад тан олинганда (болаларнинг давомат ҳисоби бўйича табель асосида) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

152 “Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти дебети бўйича;

200 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” субсчёти кредити бўйича.

33. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари таннархи аниқланганда ва ҳисобдан чиқарилганда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

200 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” субсчёти дебети бўйича;

090 “Товар (иш, хизмат)ларга харажатлар” субсчёти кредити бўйича.

34. Давлат мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ қолган сумма келиб тушганда бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

112 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари” субсчёти дебети бўйича;

152 “Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” субсчёти кредити бўйича.

35. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари реализациясидан юзага келган ижобий молиявий натижа (фойда) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

200 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” субсчёти дебети бўйича;

262 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар” субсчёти кредити бўйича.

36. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари реализациясидан юзага келган салбий молиявий натижа (зарар) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

262 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар»” субсчёти дебети бўйича;

200 “Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси” субсчёти кредити бўйича.

37. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари бўйича амалга оширилган операцияларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир хизмат тури бўйича алоҳида юритилиши лозим.

## 6-боб. Ҳисобот ва назорат

38. Давлат мактабгача таълим муассасалари ўзлари томонидан кўрсатилган қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари бўйича тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимига ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 10 санасига қадар ҳисобот топширади.

Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари туман (шаҳар) да кўрсатилган қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари ҳақида тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 15 санасига қадар ҳисобот топширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳудудда кўрсатилган қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 20 санасига қадар ҳисобот топширади.

39. Қўшимча пуллик таълим тарбия хизматлари бўйича молиявий натижалар тўғрисидаги ҳар ойлик ҳисоботлар мазкур услубий қўлланманинг 6-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этилади.

40. Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари нархларининг тўғри шакллантирилиши ва қўлланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида ўрнатилган тартибда тегишли Давлат назорат органлари томонидан амалга оширилади.

## 7-боб. Якуний қоидалар

41. Давлат мактабгача таълим муассасалари қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатишни амалга ошириш пайтида ўзига бириктирилган ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига харид қилинган асосий воситалардан фойдаланишлари мумкин.

42. Давлат мактабгача таълим муассасасига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларнинг жалб этилиши бюджетдан молиялаштиришнинг камайишига сабаб бўлмайди.

Услубий қўлланмага
1-ИЛОВА

**-сон**
**ШАРТНОМА**

**__________________ тумани (шаҳри)** **“____ ”________ 2019 й.**

Мазкур шартнома, Устав асосида фаолият юритувчи _______________________ туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимига қарашли ____________ -сон мактабгача таълим муассасаси номидан ушбу мактабгача таълим муассасаси мудири, матнда кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталувчи ________________________бир томондан, ____________________________ (бола ФИО) нинг отаси (онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс), матда кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи_____________________(отаси-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахс) иккинчи томондан (биргаликда “Томонлар” деб аталади) ушбу шартномани имзолади.

## I. Шартноманинг предмети

1.1. Ушбу шартноманинг предмети Бажарувчи томонидан Буюртмачининг фарзандига қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларини (кейинги ўринларда - Хизмат) кўрсатишдан иборат. Буюртмачи кўрсатилган хизматлар учун тўловни Бажарувчи томонидан тасдиқланган нарх прейскурантига мувофиқ тўлаши шарт.

1.2. Буюртмачининг фарзандига кўрсатиладиган хизмат номи мазкур шартноманинг иловасида келтирилган шаклга мувофиқ томонларнинг ҳар бири томонидан имзоланадиган буюртма асосида белгиланади. Томонларнинг янги буюртмани имзолаши билан олдинги буюртма ўзининг юридик кучини йўқотади.

## II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

Бажарувчининг шахсий ҳисобварағига тўлов келиб тушгандан кейин тасдиқланган иш режа ва машғулотлар жадвалига асосан Хизмат кўрсатиш;

Хизмат кўрсатиш жараёнида санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ хона ажратиш, хонани жиҳозлаш, таълим-тарбия жараёни учун зарур бўлган бошқа шарт-шароитларни яратиш;

боланинг касаллик вақтида, даволанаётганида, ота-онасидан бири (уларнинг ўрнини босувчи шахс) нинг меҳнат таътили даврида бола бир ҳафта ёки ундан ортиқ вақт машғулотларга қатнамаслиги тўғрисида маълумотнома (Буюртмачининг аризаси) берилганда, боланинг жойини сақлаб қолиш ҳамда жорий ой учун амалга оширилган тўловларни боланинг қатнамаган кунлари ҳисобига қайта ҳисоблаб чиқиш ва амалга оширилган тўловларнинг боланинг қатнамаган машғулотлар сонига мос миқдорини кейинги ой тўловларида ҳисобга олиш;

боланинг ўзига хос хусусиятлари сабабли унга машғулотлар ўтиш мумкин бўлмаганда ёки машғулотлар ўтиш педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда, Буюртмачини бу ҳақда хабардор қилиш;

Бажарувчининг устави ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

2.2. Бажарувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Хизматларнинг нарх прейскурантини тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. Нарх прейскуранти ўзгаргандан кейин Буюртмачининг Хизматлардан фойдаланишда давом этиши унинг Бажарувчи томонидан ўзгартирилган нарх прейскурантига сўзсиз қўшилганлиги ва ушбу нархга Буюртмачининг розилигини билдиради;

Нарх прейскурантига ўзгартириш ёки қўшимча киритилиши ҳақида янги нарх прейскуранти юридик кучга киришидан камида 10 кун олдин, уни сайтга ёки эълонлар тахтасига жойлаштириш ва шу каби йўллар билан Буюртмачини хабардор қилиш;

Хизматлар рўйхатига киритилган машғулотлар жадвали ва иш режаларига ўзгартиришлар киритиш;

Буюртмачи томонидан тўловлар ўз вақтида ёки умуман амалга оширилмаган ҳолларда Хизмат кўрсатишни тўхтатиш ёки ушбу шартномани бир томонлама бекор қилиш;

болада ўқишга ҳоҳиш-истак бўлмаганида ёки ўқишнинг қайсидир йўналишларига нисбатан болада салбий муносабат бўлганида, шунингдек, Хизматнинг айни туридан фойдаланишга боланинг соғлиги тўсқинлик қилганида, ота-оналарга (уларнинг ўрнини босувчи шахсларга) Хизматнинг бошқа турларини танлашни тавсия қилиш.

2.3. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

жорий ойдаги машғулотлар қийматига мос миқдордаги Хизматлар бўйича дастлабки тўловни мазкур шартноманинг иловасида келтирилган буюртма Томонларнинг ҳар бири томонидан имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида, кейинги тўловларни эса тасдиқланган нарх прейскурантларига мос миқдорда ҳар ойнинг 5 санасига қадар амалга ошириш;

Хизматларнинг нарх прейскурантларидаги ўзгаришлар ҳамда муассасадаги янгиликлар, жумладан, муассаса сайти ва эълонлар тахтасига жойлаштирилган янгиликлар билан ҳар 10 кунда танишиб бориш;

боланинг машғлотларга ўқув жадвалига мувофиқ ўз вақтида ва тўлиқ қатнашишини таъминлаш;

боланинг машғулотларга қатнамайдиган кунлари ҳақида тегишли ариза тақдим этиш орқали Бажарувчини ўз вақтида ёзма равишда хабардор қилиш;

яшаш манзили ёки телефон рақами ўзгарганда Бажарувчини ёзма равишда хабардор қилиш;

боланинг хулқ-атвори ёки унинг машғулотларга бўлган муносабати бўйича Бажарувчида саволлар бўлганда, Бажарувчининг сўрови бўйича суҳбатга ёки йиғилишларга келиш;

зарур ҳолларда, болани тўлақонли таълим олиши учун зарур материаллар билан таъминлаш;

ўтказилган машғулотлар бўйича бола билан шуғулланиш, унинг муваффақиятларини қўллаб-қуватлаш ва уй вазифаларини бажаришда кўмаклашиш;

Бажарувчининг маъмурияти, педагог ва бошқа ходимларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

2.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга;

Хизмат кўрсатадиган педагог ходимларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар бериш;

болага кўрсатилаётган Хизматларнинг самарадорлиги бўйича маълумот талаб қилиб олиш;

Хизматлар рўйхатини ўзгартириш ва исталган вақтда мазкур шартномани бекор қилиш.

## III. Ҳисоб-китоб шартлари

3.1. Шартнома суммаси 1-илова (буюртма) да келтирилган Хизматлар турига қараб аниқланади. Шартноманинг ҳақиқий суммаси мазкур шартнома бўйича Хизмат кўрсатиш муддатидаги барча ойларда амалга ошириладиган тўловларнинг умумий қийматидан иборат бўлади.

3.2. Хизматлар учун тўловлар нақд пулда, пластик карточкалар орқали, электрон тўлов шаклида ёки пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз шаклда тижорат банклари орқали Бажарувчининг шахсий ғазна ҳисобварағига тўланади. Агар қонунчиликда бошқа қоидалар тасдиқланган бўлса, тўловлар ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

## IV. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этиш тартиби

4.1. Бажарувчи ва Буюртмачи ўз мажбуриятларини умуман ёки талаб даражасида бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

4.2. Мазкур шартномани бажаришда пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон борича томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

4.3. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ судда кўриб чиқилиши керак.

4.4. Томонлар мазкур шартномада келтирилган ҳуқуқ ёки мажбуриятларини амалга оширишда коррупцияга қарши қонунчилик талабларини бажариш ва коррупцияга қарши қонунчилик меъёрларини бузувчи ҳар қандай ҳаракатлардан четда бўлади. Жисмоний ва юридик шахслардан, хусусан, тижорат ташкилотлари, бошқарув ва ҳокимият органлари,давлат хизматчилари, нодавлат юридик шахслар ва уларнинг вакилларидан ноқонуний тўловларнинг ҳар қандай турларини, пул ёки бошқа шаклдаги тўловларни қабул қилиш, уларга таклиф қилиш, ваъда қилиш ёки шу каби бошқа ҳаракатларни амалга оширмаслик мажбуриятини олади;

4.5. Форс-мажор (ёнғин, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар, ҳар қандай турдаги ҳарбий ҳаракатлар, амалдаги, жумладан, мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликнинг мазкур шартномани бажариш имконини бермайдиган ҳолатда ўзгариши, шунингдек, Томонларнинг назоратига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар) ҳолатларида Бажарувчи ва Буюртмачи мазкур шартномани бажариш ёки талаб даражасида бажариш бўйича жавобгар бўлмайдилар.

## V. Якуний қоидалар

5.1. Мазкур шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири унинг бекор қилинишини эълон қилмагунга қадар амал қилади.

5.2. Шартнома Томонлардан бирининг ёзма билдиришномаси келиб тушган кундан бошлаб бекор қилинган деб ҳисобланади. Шартноманинг бекор қилиниши Буюртмачини кўрсатилган Хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

5.3. Мазкур шартномада келтирилмаган бошқа ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги меъёрларига амал қиладилар.

5.4. Мазкур шартнома ҳар бири Томонлар учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

## VI. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

| **Бажарувчи:** | **Буюртмачи:** |
|---|---|
| **Тўлиқ номи:** | **Тўлиқ исми:** |
| **Юридик манзили:** | (ФИО)<br>**Яшаш манзили:** |
| **Телефон рақами:** | **Телефон рақами:** |
| **Ҳисоб рақами:** | |
| **Банк номи:** | |
| **Банк коди:** | |
| **Ғазначилик номи:** | |
| **Ғазна органи СТИР:** | |
| **Шахсий ҳисобварағи:** | |
| **Муассаса СТИР:** | |
| **Муассаса мудири ФИО** | **Фуқаро ФИО** |
| (имзо) | (имзо) |

____________2019 й.

№___ шартномага

**Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматларининг номи |
|---|---|
| | |
| | |
| | |

Хизмат нархлари бажарувчининг тасдиқланган нарх прейскуранти асосида белгиланади.

**Томонларнинг имзолари:**

**Буюртмачи:**

**ФИШ** (имзо)

**Бажарувчи:**

**ФИШ** (имзо)

Услубий қўлланмага
2-ИЛОВА

**Тўлов эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисида**
**_____________________________________-сон ШАРТНОМА**

**_______________ тумани (шаҳри)** **“__ ”________**2019 **й.**

Мазкур шартнома, Устав асосида фаолият юритувчи ________________ туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимига қарашли ________ -сон мактабгача таълим муассасаси номидан ушбу мактабгача таълим муассасаси мудири, матнда кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи _____________________ бир томондан, ___________________________ манзилда яшовчи, матнда кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталувчи, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ________________ (паспорт серияси _______ , ________ ИИБ томонидан ______ да берилган) иккинчи томондан (биргаликда “Томонлар” деб аталади) ушбу шартномани имзолади.

## I. Шартноманинг предмети

1.1. Бажарувчи Буюртмачининг топшириғига асосан ушбу шартномада белгиланган муддатларда Буюртмачининг тарбияланувчиларига ____________________________________ бўйича қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари (кейинги ўринларда - Хизмат) ни кўрсатиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи мазкур шартноманинг 1.1-бандида келтирилган Хизматларни кўрсатиш учун етарли малакага эга эканлигини кафолатлайди. Бажарувчининг диплом нусхаси мазкур шартномага илова қилинади.

1.3. Мазкур шартноманинг 1.1-бандида келтирилган Хизматлар Буюртмачи ва Бажарувчи томонидан тасдиқланган график асосида 2019 йил “_____________ ” ________ дан 2019 йил 31 декабргача бўлган даврда амалга оширилади. График Давлат ўқув дастурларига халақит бермаган ҳолда тузилади ва унга Томонларнинг ҳар бири имзо қўяди.

1.4. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилиги меъёрлари қўлланиладиган фуқаровий-ҳуқуқий шартнома ҳисобланади.

## II. Тўлов қиймати ва уни амалга ошириш тартиби

2.1. Мазкур шартнома бўйича кўрсатиладиган Хизматларнинг бир ойлик қиймати **(сумма суз билан)** сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачининг моддий бойликларига зарар етказилганда, шунингдек, мазкур шартномани бажариш муносабати билан Буюртмачининг молиявий ҳолати ёмонлашганда Хизматларнинг қиймати камайтирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартноманинг 1.3-бандида келтирилган Хизмат кўрсатиш даври мобайнида ҳар ойда Буюртмачи томонидан тўловлар амалга оширилади.

Мазкур шартноманинг 1-иловасида келтирилган шаклдаги, Томонларнинг ҳар бири томонидан имзоланадиган “Кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси” кўрсатилган Хизматлар учун тўловларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

2.4. Мазкур шартнома бўйича Хизмат кўрсатиладиган барча даврда ҳар ойнинг 5 санасига қадар Буюртмачи томонидан тўловлар амалга оширилади.

2.5. Буюртмачи Бажарувчи томонидан кўрсатилган Хизматлар учун ҳақ тўлашда солиқ агенти сифатида мазкур шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган суммадан қонунчиликда белгиланган тартибда солиқлар ва иш ҳақидан бошқа мажбурий ушланмаларни белгиланган тартибда ушлаб қолади.

## III. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

3.1.1. Кўрсатилган Хизматларнинг мазкур шартнома талабларига мувофиқ келмаслиги, шунингдек, Хизматлар кўрсатиш жараёнида бошқа хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчини бу ҳақда хабардор қилади;

3.1.2. Кўрсатилган Хизматлар учун мазкур шартноманинг II бўлимида келтирилган тартибда ва муддатларда тўловларни амалга оширади;

3.1.3. Мазкур шартномани сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида Бажарувчига Хизмат кўрсатиш учун жой ажратади, ўқув мебеллари билан таъминлайди.

3.2. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Мазкур шартнома бўйича кўрсатилаётган Хизматларнинг ҳолати бўйича Бажарувчидан ахборот талаб қилиб олади;

3.2.2. Хизмат кўрсатиш муддати тугагандан кейин Бажарувчидан мазкур шартнома доирасида унга берилган моддий бойликлар, жиҳозлар ва ҳужжатларни қайтаришни талаб қилиб олади (агар бундай моддий қимматликлар берилган бўлса);

3.2.3. Бажарувчи томонидан мазкур шартноманинг 4.2.2-бандида келтирилган мажбуриятларни бажариш шартлари бузилганда, Буюртмачи мазкур шартнома шартларини бажаришни бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шартнома ушбу бандда келтирилган сабабларга кўра бекор қилинганда, Буюртмачи Бажарувчининг зарарини қоплаб бериш мажбуриятини олмайди;

3.2.4. Бажарувчи томонидан кўрсатилган Хизматлар мазкур шартномада кўзда тутилган муддатда ва белгиланган сифатда бажарилмаган ҳолларда, Бажарувчи томонидан ҳақиқатда кўрсатилган Хизматлар қийматига мос равишда тўловларни амалга оширади;

3.2.5. Бажарувчи томонидан алкоголли ичимликлар, наркотик ёки токсик моддалар таъсири остида, шунингдек, Хизмат кўрсатишга тўсқинлик қилувчи касалликка чалинган ҳолда Хизматлар кўрсатилганда Бажарувчини олдиндан огоҳлантирмасдан шартномани бир томонлама бекор қилади.

## IV. Бажарувчининг мажбуриятлари

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

4.1.1. Мазкур шартнома бўйича, шунингдек, Томонларнинг келишувига мувофиқ графикда келтирилган муддатларда шахсан ўзи сифатли Хизматлар кўрсатади;

4.1.2. Мазкур шартномада келтирилган ҳуқуқ ёки мажбуриятларини амалга оширишда коррупцияга қарши қонунчилик талабларини бажариш ва коррупцияга қарши қонунчилик меъёрларини бузувчи ҳар қандай ҳаракатлардан четда бўлади. Жисмоний ва юридик шахслардан, хусусан, тижорат ташкилотлари, бошқарув ва ҳокимият органлари, давлат хизматчилари, нодавлат юридик шахслар ва уларнинг вакилларидан ноқонуний тўловларнинг ҳар қандай турларини, пул ёки бошқа шаклдаги тўловларни қабул қилиш, уларга таклиф қилиш, ваъда қилиш ёки шу каби бошқа ҳаракатларни амалга оширмаслик мажбуриятини олади;

4.1.3. Хизматларни Буюртмачининг назорати остида хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда амалга оширади. Электр, ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига, шунингдек, Буюртмачининг ишлаб чиқариш, маиший ва ёрдамчи биноларида ҳамда унинг ҳудудида ўзини тутиш қоидаларига амал қилади;

4.1.4. Ўзининг моддий бойликлари, жиҳозлари ва ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда Хизмат кўрсатади. Буюртмачининг моддий бойликлари, жиҳозлари ва ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда Хизмат кўрсатилганда, Бажарувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Буюртмачи томонидан берилган моддий бойликлар, жиҳозлар ва ҳужжатларни авайлаб асрайди ва улардан тежамкорлик билан фойдаланади;

б) Хизмат кўрсатиш даври тугагандан кейин Буюртмачи томонидан берилган моддий бойликларнинг сарфланиши бўйича Буюртмачига ҳисобот беради;

в) Хизмат кўрсатиш даври тугагандан кейин бир кун муддат ичида Буюртмачи томонидан берилган, фойдаланилмаган моддий бойликлар ва жиҳозларни Буюртмачига қайтариб беради;

4.1.5. Буюртмачининг моддий бойликларига Бажарувчи томонидан зарар етказилганлиги ҳақида тасдиқланган далолатнома тақдим этилган тақдирда, Бажарувчи талабнома киритилгандан бошлаб 10 календарь кун **мобайнида етказилган зарарни қоплаб** бериш мажбуриятини олади. Талабнома Бажарувчига таништирилган кундан эътиборан Бажарувчи уни олган ҳисобланади;

4.1.6. **Бажарувчи томонидан ўз моддий бойликлари, жиҳозлари ва ҳужжатларидан** фойдаланган ҳолда Хизматлар кўрсатилганда, Хизмат кўрсатиш бошланишидан олдин уларнинг намуналарини Буюртмачи билан келишиб олади;

4.1.7. Хизмат кўрсатиш жараёнида кўрсатиладиган Хизматнинг сифати пасайишига таъсир кўрсатувчи, хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси талабларига мос келмайдиган моддий қимматликлар ва жиҳозлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди;

4.1.8. Бажарувчининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда Хизмат кўрсатиш жараёнини қийинлаштирадиган ёки унга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар бўйича Буюртмачини дарҳол (ҳолат юзага келган кундан бошлаб бир суткадан кечикмаган ҳолда) огоҳлантиради.

## V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Томонлар мазкур шартнома шартларини умуман ёки талаб даражасида бажармаганлиги учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

5.2. Хизмат кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг 1.3-бандида келтирилган муддатдан кечиктирилган ҳолларда Бажарувчи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун кўрсатиладиган Хизмат умумий қийматининг 0,2 фоизи тақдирда пеня тўлайди. Бунда, пеня Бажарувчига тўланиши лозим бўлган суммадан ушлаб қолиниши мумкин.

5.3. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг II- бўлимида келтирилган талаблар бажарилмаган тақдирда Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кўрсатиладиган Хизмат умумий қийматининг 0,2 фоизи миқдорда пеня тўлайди.

5.4. Бажарувчи қуйидагилар бўйича жавобгар бўлади:

а) Кўрсатиладиган хизматларнинг хавфсизлигига;

б) Атроф-муҳит муҳофазаси ҳақидаги қонунчилик талабларининг бузилмаслигига, жумладан, учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади;

в) Меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнғин хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитария қоидаларига амал қилишга;

г) Буюртмачи томонидан тақдим этилган моддий қимматликлар, жиҳозлар ва ҳужжатларнинг сақланишига.

## VI. Махфийлик

6.1. Бажарувчи томонидан мазкур шартномани амалга ошириш жараёнида Буюртмачининг тижорат сири бўлган махфий маълумотларни фақатгина ушбу шартномада, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Буюртмачининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардагина учинчи шахсларга ошкор этиши ва тарқатиши мумкин. Бажарувчи мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавоб беради.

## VII. Низоларни ҳал этиш

7.1. Томонлар мазкур шартномани бажаришда пайдо бўлиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликларни имкон борича музокаралар йўли билан ҳал этишлари лозим.

7.2. Низолар ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда улар Буюртмачининг жойлашган жойи бўйича судда кўриб чиқилади.

## VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати ва уни муддатидан олдин бекор қилиш

8.1. Шартнома Томонларнинг ҳар бири томонидан имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва мазкур шартноманинг 1.3-бандида келтирилган Хизмат кўрсатиш даври мобайнида амал қилади.

8.2. Буюртмачи шартнома бекор қилинишидан 30 кун олдин Бажарувчини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, Бажарувчига ҳақиқатда кўрсатилган Хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга ошириш шарти билан, шартнома шартларини бажаришни бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.3. Бажарувчи шартнома бекор қилинишидан 10 кун олдин Буюртмачини ёзма **равишда огоҳлантирган ҳолда шартнома шартларини бажаришни бир томонлама бекор** қилиш ҳуқуқига эга.

## IX. Якунловчи қоидалар

9.1. Мазкур шартнома ҳар бири Томонлар учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартиришлар Томонларнинг ўзаро келишувчи асосида амалга оширилади ва ёзма равишдаги қўшимча келишув сифатида расмийлаштирилади.

9.3. Мазкур шартномада келтирилмаган бошқа ҳолатларда Томонлар амалдаги қонунчилик талабларига амал қиладилар.

## 10. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

| **Буюртмачи:** | **Бажарувчи:** |
|---|---|
| **Тулиқ номи:** | **Тўлиқ исми:** |
| **Юридик манзили:** | (ФИО)<br>**Яшаш манзили:** |
| **Телефон рақами:** | **Телефон рақами:** |
| **Ҳисоб рақами:** | **Паспорт серияси:** |
| **Банк номи:** | **Ким томонидан ва қачон берилган:** |
| **Банк коди:** | |
| **Ғазначилик номи:** | **ШЖПХ ШНПС):** |
| **Ғазна органи СТИР:** | **СТИР ШНН):** |
| **Шахсий ҳисобварағи:** | **Пластик карточка:** |
| **Муассаса СТИР:** | **Фуқаро ФИО** |
| **Муассаса мудири ФИО** | |
| (имзо) | (имзо) |

____________2019 й.

№___шартномага

**Кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш**
**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тўлов эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги 2019 йил “....... ” _________даги_____ -сон шартномага асосан Бажарувчи 2019 йил “ ”_______________дан 2019 йил “ ”___________ гача бўлган даврда қуйидаги хизматларни амалга оширди:

Тўлов эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага асосан кўрсатилган хизматларнинг ҳисобот давридаги қиймати__________ (сумма сўз билан) ташкил этади.

Хизматлар белгиланган муддатларда, талаб этилган ҳажм ва сифатда бажарилган.

Кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси бўйича тўловлар қонунчиликда белгиланган тартибда солиқлар ва иш ҳақидан бошқа мажбурий ушланмалар белгиланган тартибда ушлаб қолинган ҳолда амалга оширилди.

**Топширди:____________________ФИО**

**Қабул қилди:__________________ФИО**

Кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тасдиқлаймиз:

**Томонларнинг имзолари:**

| **Буюртмачи:** | **Бажарувчи:** |
|---|---|
| **ФИО** | **ФИО** |
| ИМЗО | ИМЗО |

_________________________________________________________________ 2019 й.

№____________________________________________________________ шартномага

**Тижорат сири ва бошқа махфий маълумотларни сир сақлаш тўғрисидаги**
*МАЖБУРИЯТ (КЕЛИШУВ)*

Мен, _________________________________ ФИО (кейинги ўринларда - Бажарувчи), ___________________ (кейинги ўринларда - Буюртмачи) билан фуқаровий-ҳуқуқий муносабатда бўлган шахс сифатида, иш жараёни давомида Буюртмачининг маълумотларини, жумладан, махфий тусдаги маълумотларини олиш ҳуқуқига эгалигимни биламан.

Мен, мазкур мажбуриятларга зид келувчи, Буюртмачи билан ўзаро фаолиятимизга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай учинчи шахслар олдида мажбуриятим йўқлигини ҳамда Буюртмачи (унинг ҳуқуқий вориси) билан шартномавий муносабатда бўлган давримда ва ундан кейин 3 йил мобайнида қуйидагиларга мажбурлигимни тасдиқлайман:

Хизмат кўрсатиш жараёнида менга маълум бўлган, Буюртмачининг тижорат сири ва бошқа махфий маълумотларни ошкор этмаслик;

Буюртмачининг тижорат сирига алоқадор маълумотларни учинчи шахсларга бермаслик ва уларни оммага ошкор қилмаслик;

Хизмат кўрсатиш жараёнида менга маълум бўлган, вазирлик ва идораларнинг хизмат сирларини, шунингдек, Буюртмачи билан ҳамкорликда иш олиб борувчи мижозларнинг тижорат сирларини сир сақлашлик;

ҳар қандай фаолият билан шуғулланганда Буюртмачининг тижорат сири ва бошқа махфий маълумотлардан фойдаланмаслик;

шартнома бекор қилинганда, шартнома бўйича Хизмат кўрсатиш даврида менинг ихтиёримда бўлган, ўзида Буюртмачининг тижорат сири ҳақидаги маълумотларни акс эттирган ҳар қандай воситаларни, хусусан, қўлёзма, қоралама варақлар, ҳужжатлар ва шу каби бошқа воситаларни Буюртмачига тақдим этиш;

Буюртмачининг тижорат сири ва бошқа махфий маълумотларни акс эттирувчи воситалар йўқолганда ёки ушбу воситаларнинг етишмовчилиги аниқланганда дарҳол Буюртмачига хабар бериш.

**Томонларнинг имзолари**

| | |
|---|---|
| **Буюртмачи:**<br>**(имзо)**<br>**2019 йил** | **Бажарувчи:**<br>**(имзо)**<br>**2019 йил** |
| **(ФИО)** | **(ФИО)** |

Услубий қўлланмага
3-ИЛОВА

**ТАСДИҚЛАЙМАН**
давлат мактабгача таълим муассасаси
раҳбари_ ____________________ ФИО

**КЕЛИШИЛГАН**
Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими
раҳбари ________________________ ФИО

____________________________________________ 20__ й.

“ __ ”_____________ 20__ й.

**ҚЎШИМЧА ПУЛЛИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ХИЗМАТИ КАЛЬКУЛЯЦИЯСИ**

(пуллик таълим-тарбия хизмати номи)

Гуруҳдаги тарбияланувчилар сони: ________ нафар

Кўрсатиладиган хизмат вақт нормаси: ҳафтасига__________ соат

Ой давомидаги машғулотлар сони:_________ машғулот

| № | Харажатлар номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Баҳоси (сўм) | Қиймати (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар** | | | | |
| 2 | **Иш ҳақидан ажратмалар** | | | | |
| 3 | **Товар-моддий қимматликлар** | | | | |
| 4 | **Иш ва хизматлар** | | | | |
| 5 | **Бошқа харажатлар** | | | | |
| 6 | **Жами харажат** *(1+2+3+4+5)* | | | | |
| 7 | **Рентабеллик (фоизда) %** | | | | |
| 8 | **Рентабеллик ҳисобига харажат** (*6*7)* | | | | |
| 9 | **Жами харажат** *(6+8)* | | | | |
| | **Бир нафар тарбияланувчига тўғри келадиган харажат** *(9 қатор* / *нафар бола)* | | | | |

**Бош иқтисодчи (иқтисодчи)** **ФИО**

Услубий қўлланмага
4-ИЛОВА

**Қўшимча пуллик таълим-тарбия гуруҳларига қатновчи болаларнинг давомат ҳисоби**
ТАБЕЛИ

(пуллик таълим-тарбия хизмати номи)

Давлат мактабгача таълим муассасаси номи ________________________________________________

Ой _______________

| **Болаларнинг фамилияси ва исми** | **Давомат кундларидаги соатлар** | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Шахсий х/р | ***1*** | ***2*** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** | **9** | **10** | **11** | **12** | **13** | **14** | **15** | **16** | **17** | **18** | **19** | **20** | **21** | **22** | **23** | **24** | **25** | **26** | **27** | **28** | **29** | **30** | **31** | Жами соат |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |

Муассаса раҳбари ____________ ____________________________________________
(имзо) (Ф.И.Ш)

Тарбиячи(масъул шахс)
(имзо) (Ф.И.Ш)

Услубий қўлланмага
5-ИЛОВА

**Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари бўйича ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар**
**ҚАЙДНОМАСИ**

Давлат мактабгача таълим муассасаси номи

Ой _______________
Ўлчов бирлиги: сўм.

| Т/р | Боланинг исми ва фамилияси | Ой бошига қолдиқ | | Қатнов кунларидаги соатлар | | Тўлов келиб тушди | | Ой охирига қолдиқ | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Тўланма-ган | ортиқча тўлов | соати | сумма | Сана | сумма | Тўланма-ган | ортиқча тўлов |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | |

Масъул шахс

(имзо) (Ф.И.Ш)

Услубий қўлланмага
6-ИЛОВА

**Қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари бўйича молиявий натижалар тўғрисида**
**ҲИСОБОТ**

| Хизматлар номи | Қўшимча пуллик хизмат гуруҳига қатновчи | Ой бошига қолдиқ | Ҳисобот давридаги тушум | Ҳисобот давридаги харажат | Шундан: | | | | | Молиявий |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | Иш ҳақидан ажратмалар | Бошқа харажатлар | …. | … | |
| 1 | | 2 | 3 | 4=5+6+7+ | 5 | 6 | 7 | | | 8=2+3-4 |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |

Муассаса раҳбари ______________ ____________________________________
(имзо) (Ф.И.Ш)

Масъул шахс
(имзо) (Ф.И.Ш)

**19 - илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
22-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 11 февраль 2019 йил

**Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгашини ташкил этиш ҳақида**

Мактабгача таълим муассасаларини ўқув-методик ва дидактик адабиётлар билан таъминлаш, таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини мувофиқлаштириш, инновацион таълим технологияларини ҳамда хорижий илғор тажрибаларни ўқув жараёнига жорий этиш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни, ўқув-методик ва дидактик адабиётларни ҳамда дидактик воситаларни амалга татбиқ этиш орқали таълим-тарбия сифатини янада яхшилаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши таркиби 1-иловага, “Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши тўғрисидаги низом” 2-иловага, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳузуридаги “Ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгаш тўғрисидаги намунавий низом” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Белгилансинки, 2019 йил 1 мартдан бошлаб мактабгача таълим тизими учун яратилган ўқув-методик ва дидактик адабиётлар, шунингдек, дидактик воситаларни Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши тавсиясига кўра амалиётга жорий этилади.
3. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига:

бир ҳафта муддатда тизимдаги барча туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари, мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларига мазкур буйруқ ва “Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши тўғрисида”ги низомининг мазмун-моҳиятини етказиш;

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ҳузуридаги Ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш;

тизимда яратилаётган ўқув методик ва дидактик адабиётларни белгиланган тартибда Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгашида кўриб чиқиш учун тақдим этиб бориш вазифалари топширилсин.

4. Ишлар бошқармаси (Д.Қаршиев), Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш, керақли офис жиҳозлари, компьютер техникаси ва канцелярия маҳсулотлари билан таъминласин.

5. Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишлари кенгаши ишчи органи - Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти (К.Эшпулатов)га бир ой муддатда:

Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгашининг ишчи органи фаолиятини самарали йўлга қўйиш;

Ишчи органга тажрибали раҳбар ва мутахассисларни жалб қилиш, улар ўртасида иш ҳажмларини тақсимлаш ҳамда уларга зарур шарт-шароит яратиш, кераqли офис жиҳозлари, компьютер техникаси ва канцелярия маҳсулотлари билан таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Назорат ва таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева)га мазкур буйруқни ўрнатилган тартибда жойларга етказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини таъминланиш назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **.Шин**

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 11 февралдаги
22-сонли буйруғига
2-илова

**Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни Мувофиқлаштириш кенгаши**
**ТАРКИБИ**

| Т/р | Фамилияси исми, шарифи | Лавозими |
|---|---|---|
| 1 | А.Шин | Мактабгача таълим вазири, Мувофиқлаштириш Кенгаши раиси |
| 2 | С.Турғунов | Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Мувофиқлаштириш Кенгаш раис ўринбосари |
| 3 | Қ.Олимов | Мактабгача таълим вазирлиги, Педагогик кадрлар сифатини ошириш бошқармаси бошлиғи,<br>Мувофиқлаштириш Кенгаши масъул котиби |
| | **Аъзолар:** | |
| 4 | М.Юлдашев | Мактабгача таълим вазирининг ўринбосари |
| 5 | К.Эшпулатов | Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти ректори |
| 6 | Е.Тен | Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш бош бошқарма бошлиғи |
| 7 | Д.Махмудова | Ўқув методик мажмуаларини яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи |
| 8 | Ҳ.Мадраимов | Таълимда илғор ва ахборот технологияларини жорий этиш бўлими бошлиғи |
| 9 | Н.Абдуназарова | Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти ўқув ишлари бўйича проректори |
| 10 | Г.Джанпеисова | Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Мактабгача таълим” кафедраси доценти |
| 11 | Ф.Қодирова | Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти профессори |
| 12 | Ф.Пўлатова | Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессори |
| 13 | А.Султонов | Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институтининг АКТ бўлими бошлиғи |
| 14 | Р.Турсунов | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси |
| 15 | Ҳ.Ризаева | Тошкент шаҳар 366-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси |
| 16 | Г.Исманова | Тошкент шаҳар 408-сонли мактабгача таълим муассасаси методисти |
| 17 | С.Ашурова | Педагогик кадрлар сифатини ошириш бошқармаси бош мутахассиси |

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 11 февралдаги
22-сонли буйруғига
2-илова

**Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши тўғрисидаги**

# НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мактабгача таълим соҳасида давлат талаблари асосида ўқув дастурлари, ўқув-методик ва дидактик адабиётларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ҳамда чоп этишни, шунингдек дидактик воситаларни амалда жорий этишни мувофиқлаштириш борасидаги фаолиятни тартибга солади.

Кенгаш мактабгача таълим жараёнини ўқув методик ва дидактик адабиётлари билан таъминлаш, таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини мувофиқлаштириш, инновацион таълим технологияларини ҳамда хорижий илғор тажрибаларини ўқув жараёнига жорий этиш, ахборот коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш, дидактик воситаларни амалда жорий этиш, ўқув меъёрий ҳужжатларни, ўқув методик ва дидактик адабиётларини тасдиқлаш ҳамда таълим жараёнига татбиқ этиш орқали таълим-тарбия сифатини яхшилаш мақсадида ташкил этилган коллегиал орган ҳисобланади.

2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Кенгаш ўз фаолиятида қонунийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик ва коллегиаллик тамойилларига амал қилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳри мактабгача таълим бош бошқармаси ҳузурида Мактабгача таълим соҳасидаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар (кейинги ўринларда Ҳудудий кенгашлар деб аталади) фаолият кўрсатади.

Ҳудудий кенгашларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқлари, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда ҳудудий кенгашларнинг ўзаро ҳамкорлиги Мактабгача таълим соҳасидаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар тўғрисидаги намунавий низомларда белгиланади.

5. Мактабгача таълим соҳасида давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган:

а) “Илк қадам” Давлат ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган парциал дастурлар, методик тавсиянома, мактабгача тайёрлов гуруҳлари учун ўқув дастурлари, болалар адабиёти, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари ва шу каби материаллар Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгашида;

б) вариатив ва ишчи ўқув дастури, дидактик ўйинлар, методик ишланмалар, тарқатма материаллари, машғулот ишланмалари, мультимедиали иловалар, педагоглар ижодий материаллари, илғор тажрибалари ва шу каби материаллар Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳри мактабгача таълим бош бошқармаси ҳузуридаги Мактабгача таълим соҳасидаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларда кўриб чиқилади.

## II. Кенгашнинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари

6. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурлари (“Илк қадам” Давлат ўқув дастури, “Илк қадам” давлат дастурлари асосида ишлаб чиқилган порциал дастурлар, мактабгача тайёрлов гуруҳлари учун ўқув дастурлари), ўқув-методик ва дидактик адабиётларнинг (болалар адабиёти, методик тавсиянома, дидактик материаллар, электрон таълим ресурслари) янги авлодини кўриб чиқиш ҳамда нашрга тавсия этиш;

-мактабгача таълим тизими учун мўлжалланган дидактик воситаларни амалда жорий қилишга тавсия этиш;

- Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёни учун ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурларини тасдиқлаш ҳамда яратилган ўқув адабиётларини нашрга тавсия этиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда Мактабгача таълим соҳасидаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича Ҳудудий кенгашлар таркибини тасдиқлаш;

7. Кенгаш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

мактабгача таълим тизимининг бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан кенгаш ваколатига тааллуқли зарур маълумот ва материалларни сўраш ва олиш;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун ишчи орган ишига олимлар ва амалиётчи-мутахассисларни ишига жалб этиш;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни, уларни такомиллаштириш борасидаги таклиф ва тавсияларини Кенгаш мажлисларида муҳокама қилиш;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ва дидактик адабиётларини тасдиқлаш ва нашрга тавсия этиш;

Нашрга тавсия этилаётган ўқув-методик ва дидактик адабиётларига Мактабгача таълим вазирлигининг грифини бериш бўйича қарор қабул қилиш;

мактабгача таълим тизими учун мўлжалланган дидактик воситаларни амалда жорий қилиш учун қарор қабул қилиш;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш борасида ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этиш.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## III. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Кенгаш унинг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзоларидан иборат таркибда тузилади. Кенгаш таркиби Мактабгача таълим вазирининг буйруғи билан тасдиқланади. Кенгаш таркибига олий маълумотли, юқори малакали, мактабгача таълим соҳасида юксак салоҳиятга ҳамда ўқув-методик ва дидактик адабиётларини яратиш борасида амалий тажрибага эга бўлган раҳбар ва педагогик ходимлар ҳамда мутахассислар киритилади.

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) ҳисобланади.

9. Кенгашга Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим вазири жамоатчилик асосида раислик қилади ва Кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдир.

Кенгаш раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

Кенгаш мажлислари кун тартибини белгилаш ва мажлисларни чақириш;

Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назорат ташкил этиш;

Кенгаш аъзоларининг Кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Кенгаш ишчи органи фаолиятини назорат қилиш;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлашга доир бошқа ишларни бажариш.

10. Кенгаш аъзолари:

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш фаолияти самарали йўлга қўйилишига кўмаклашадилар;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан Кенгашга таклифлар киритадилар;

Кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашадилар;

Кенгаш муҳокамасига киритилган масалалар бўйича ёзма хулосалар ва оғзаки тушунтиришлар берадилар;

Кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар ижросини ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

11. Ушбу Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Кенгаш ҳар йили ўз иш режасини тасдиқлайди, шунингдек раис ўринбосари, масъул котиб ва Кенгашнинг бошқа аъзолари вазифаларини белгилайди.

12. Кенгаш фаолияти билан боғлиқ ёзишмаларни юритишда хатлар Кенгаш раиси ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Кенгаш ўз бланкасига эга бўлади.

13. Кенгаш ўз фаолиятини доимий асосда, ўз иш режасига мувофиқ амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказади.

Кенгаш раиси қарори билан, Кенгаш раисининг ўринбосари ёки Кенгаш аъзолари ярмидан кўпининг ташаббусига кўра навбатдан ташқари мажлис ўтказилиши мумкин. Кенгашнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисидаги таклиф зарур ҳужжатлар билан биргаликда ишчи органга юборилади.

14. Кенгаш мажлисини унинг раиси бошқаради. Кенгаш раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Кенгаш мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш қарорлари мажлисда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўз фикр-мулоҳазасини ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисни ўтқазиш учун кворум бўлмаганда, Кенгашнинг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади. Янги мажлисни ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

15. Кенгаш раисининг рухсати билан мажлисда унинг узрли сабабларга кўра қатнашмаётган аъзолари ўрнига уларнинг вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашиши мумкин.

16. Кенгаш мажлисига унда кўриб чиқилаётган масалаларнинг моҳиятига мактабгача таълим тизими бошқарув органлари раҳбар ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

17. Кенгаш қарорлари баённома билан расмийлаштирилади, уни раис ёки унинг ўринбосари, шунингдек масъул котиб имзолайди.

18. Кенгаш қарорлари Кенгашнинг барча аъзоларига ва манфаатдор шахсларга етказилади.

## IV. Кенгашнинг ишчи органи фаолиятини ташкил этиш

19. Ишчи орган:

Кенгаш мажлисларига тайёргарликни ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ишларини амалга оширади;

Кенгаш фаолияти учун зарур барча ҳужжатларни (таҳлилий маълумотлар, жадваллар ва ҳ.к.) шакллантиради ва қарорлар лойиҳалари бўйича келишувни амалга оширади;

фаолият йўналишларига тааллуқли материалларни тўплайди, таҳлил қилади, қарорлар ва чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини тайёрлайди;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш ишларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, мувофиқлаштириш натижалари бўйича ҳисобот ва ахборот материалларини тайёрлайди;

Ҳудудий кенгашлар ишчи органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ишчи орган Кенгаш қарорига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Кенгаш қарорларининг бажарилиши натижалари ҳақида Ишчи орган ҳар чоракда Кенгашга тегишли зарур материалларни илова қилган ҳолда таҳлилий маълумотларни тақдим этади.

21. Ишчи орган раҳбари тайёрланган материаллар ва мажлис кун тартиби бўйича Кенгаш раисига ахборот беради, раис томонидан маъқулланган тақдирда, кенгаш мажлиси бўлиб ўтадиган кун ва вақтни, шунингдек таклиф этиладиган шахсларни белгилайди.

22. Кенгаш масъул котиби Кенгаш мажлиси материалларини баён лойиҳаси билан биргаликда мажлисни ўтказиш санасидан камида беш кун олдин Кенгашнинг ҳар бир аъзосига, зарур ҳолларда мажлисга таклиф этилган бошқа шахсларга тақдим этилишини таъминлайди.

Мажлис кун тартиби ўзгарган тақдирда, Кенгаш масъул котиби Кенгашнинг ҳар бир аъзосини ҳамда мажлисга таклиф этилган шахсларни мажлис бошланишидан олдин уч кундан кечикмай бундай ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади.

23. Ишчи орган Кенгаш ишига тайёргарлик кўриш мақсадида унинг ваколатлари доирасида зарур материалларни мактабгача таълим тизими бошқарув органлари ва ташкилотлардан сўраш ҳамда олиш ҳуқуқига эга.

24. Кенгаш Ҳудудий кенгашлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади ҳамда Ҳудудий кенгашлар фаолиятига ташкилий ва услубий жиҳатдан раҳбарликни амалга оширади.

Ҳудудий кенгашлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш, Ҳудудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ва уни мониторинг қилиш Кенгаш томонидан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Ҳудудий кенгашлари йилнинг ҳар чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида Кенгашга ҳисобот берадилар.

25. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри— Ҳудудий кенгашларининг таркиби ҳамда уларнинг низомлари Кенгаш томонидан тасдиқланади.

## IV. Якунловчи қоида

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 11 февралдаги
22-сонли буйруғига
3-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича Ҳудудий кенгаши тўғрисидаги**

# НАМУНАВИЙ НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом мактабгача таълим соҳасида давлат талаблари асосида ишчи ўқув дастурлари, ўқув-методик ва дидактик материалларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва чоп этишни мувофиқлаштириш борасидаги фаолиятни тартибга солади.

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш бўйича Ҳудудий кенгаш (кейинги ўринларда Ҳудудий кенгашлар деб аталади) томонидан мактабгача таълим жараёнини ўқув-методик ва дидактик материаллар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини мувофиқлаштириш, инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш, ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, ишчи ўқув дастурлари ҳамда ўқув-методик ва дидактик материалларни тасдиқлаш ҳамда амалга татбиқ этиш орқали таълим-тарбия сифатини яхшилаш мақсадида ташкил этилган.

2. Ҳудудий Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, Мактабгача таълим вазирлигига ва ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Ҳудудий кенгаш ўз фаолиятида қонунийлик, ошкоралик, тенг ҳуқуқлилик ва коллегиаллик тамойилларига амал қилади.

4. Мактабгача таълим соҳасида давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган вариатив ва ишчи ўқув дастури, дидактик ўйинлар, методик ва тарқатма материаллари, машғулот ишланмалари, мультимедиали иловалар, педагоглар ижодий материаллари, илғор тажрибалари ва шу каби материаллари Ҳудудий кенгашларда кўриб чиқилади ва ҳар томонлама талабга жавоб берган матеиалларни фойланиш учун тавсия берилади.

Ҳудудий кенгаш томонидан Республикадаги бошқа мактабгача таълим муассасаларида тажриба тариқасида фойдаланишлари учун жамланган материалларни Мактабгача таълим вазирлигининг Кенгашига тақцим этилади.

II. Ҳудудий кенгашнинг асосий вазифалари ва ҳуқуқлари

5. Кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Мактабгача таълимга қўйилган давлат талаблари асосида ишлаб чиқилган вариатив ва ишчи ўқув дастури, дидактик ўйинлар, методик ишланмалар, тарқатма материаллари, машғулот ишланмалари, мультимедиали иловалар, педагоглар ижодий материаллари, илғор тажрибалари ва шу каби материалларнинг янги авлодини кўриб чиқиш ҳамда чоп этишга тавсия этиш;

- Чоп этишга тавсия этилаётган ўқув-методик ва дидактик материалларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича қарор қабул қилиш;

Ҳududдаги мактабгача таълим муассасаларининг педагоглари томонидан яратилган ўқув-методик ва дидактик адабиётларини (болалар адабиёти, методик тавсиянома, дидактик материаллар, электрон таълим ресурслари) Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгашига кўриб чиқиш учун тавсия бериш;

- Илғор педагогик тажрибаларини кўриб чиқиш ва вилоят миқёсида оммалаштиришга тавсия этиш;

6. Ҳудудий кенгаш ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мактабгача таълим муассасалари ўқув-методик ишларни мувофиқлаштиришга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

мактабгача таълим тизимининг бошқарув органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳудудий кенгаш ваколатига тааллуқли зарур маълумот ва материалларни сўраш ва олиш;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун ишчи орган ишига олимлар ва амалиётчи-мутахассисларни жалб этиш;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни, уларни такомиллаштириш борасидаги таклиф ва тавсияларини Ҳудудий кенгаш мажлисларида муҳокама қилиш;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ва дидактик материалларни тасдиқлаш ва чоп этишга тавсия этиш;

мактабгача таълим соҳасида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш борасида ҳудудий ўқув семинарлари ва давра суҳбатлари ташкил этиш.

Ҳудудий кенгаш томонидан оммалаштирилиши тавсия этилган илғор педагогик тажрибаларни барча таълим муассасалари амалиётига самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

7. Ҳудудий кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## III. Ҳудудий кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Ҳудудий кенгаш унинг раиси, раис ўринбосари, масъул котиби ва аъзоларидан иборат таркибда тузилади. Кенгаш таркиби Мактабгача таълим вазирининг буйруғи билан тасдиқланади. Кенгаш таркибига олий маълумотли, юқори малакали, мактабгача таълим соҳасида юксак салоҳиятга ҳамда ўқув-методик ва дидактик адабиётларини яратиш борасида амалий тажрибага эга бўлган раҳбар ва педагогик ходимлар ҳамда мутахассислар киритилади.

Ҳудудий кенгаш таркиби Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Ҳудудий кенгашнинг ишчи органи (кейинги ўринларда Ишчи орган деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларининг “Таълим-тарбия сифатини таъминлаш ва методик хизматни ташкил этиш” бўлими ҳисобланади.

9. Ҳудудий кенгашга Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқарма бошлиғи ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи жамоатчилик асосида раислик қилади ва Ҳудудий кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдир.

Ҳудудий кенгаш раисининг ваколатига қуйидагилар киради:

Ҳудудий кенгаш мажлислари кун тартибини белгилаш ва мажлисларни чақириш;

Ҳудудий кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назорат ташкил этиш;

Ҳудудий кенгаш аъзоларининг Ҳудудий кенгашга юкланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ишларини мувофиқлаштириш;

Ҳудудий кенгаш ишчи органи фаолиятини назорат қилиш;

Ҳудудий кенгашнинг самарали ишлашини таъминлашга доир бошқа ишларни бажариш.

10. Ҳудудий кенгаш аъзолари:

мактабгача таълим муассасаларида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш фаолиятини самарали йўлга қўйилишига кўмаклашадилар;

мактабгача таълим муассасаларида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан Ҳудудий кенгашга таклифлар киритадилар;

Ҳудудий кенгаш мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашадилар;

Ҳудудий кенгаш муҳокамасига киритилган масалалар бўйича ёзма хулосалар ва оғзаки тушунтиришлар берадилар;

Ҳудудий кенгаш мажлисларида қабул қилинган қарорлар ижросини ўз ваколатлари доирасида таъминлайдилар.

11. Ушбу Низомда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ҳудудий кенгаш ҳар йили ўз иш режасини тасдиқлайди, шунингдек раис ўринбосари, масъул котиб ва Кенгашнинг бошқа аъзолари вазифаларини белгилайди.

12. Ҳудудий кенгаш фаолияти билан боғлиқ ёзишмаларни юритишда хатлар Кенгаш раиси ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Ҳудудий кенгаш ўз бланкасига эга бўлади.

13. Ҳудудий кенгаш ўз фаолиятини доимий асосда, ўз иш режасига мувофиқ амалга оширади ва мажлисларини заруриятга кўра, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказади.

Ҳудудий кенгаш раиси қарори билан, Ҳудудий кенгаш раисининг ўринбосари ёки Ҳудудий кенгаш аъзолари ярмидан кўпининг ташаббусига кўра навбатдан ташқари мажлис ўтказилиши мумкин. Ҳудудий кенгашнинг навбатдан ташқари мажлисини ўтказиш тўғрисидаги таклиф зарур ҳужжатлар билан биргаликда ишчи органга юборилади.

14. Ҳудудий кенгаш мажлисини унинг раиси бошқаради. Ҳудудий кенгаш раиси бўлмаган тақдирда мажлисни унинг ўринбосари бошқаради.

Ҳудудий кенгаш мажлиси аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

Ҳудудий кенгаш қарорлари мажлисда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Ҳудудий кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Ҳудудий кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўз фикр-мулоҳазасини ёзма равишда баён қилиш ҳуқуқига эга.

Мажлисни ўтқазиш учун кворум бўлмаганда, Ҳудудий кенгашнинг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади. Янги мажлисни ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

15. Ҳудудий кенгаш раисининг рухсати билан мажлисда унинг узрли сабабларга кўра қатнашмаётган аъзолари ўрнига уларнинг вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашиши мумкин.

16. Ҳудудий кенгаш мажлисига унда кўриб чиқилаётган масалаларнинг моҳиятига кўра мактабгача таълим тизими бошқарув органлари раҳбар ва мутахассислари таклиф этилиши мумкин.

17. Ҳудудий кенгаш қарорлари баённома билан расмийлаштирилади, уни раис ёки унинг ўринбосари, шунингдек масъул котиб имзолайди.

18. Ҳудудий кенгаш қарорлари Ҳудудий кенгашнинг барча аъзоларига ва манфаатдор шахсларга етказилади.

## IV. Ҳудудий кенгашнинг ишчи органи фаолиятини ташкил этиш

19. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси Ишчи органи:

Ҳудудий кенгаш мажлисларига тайёргарликни ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ишларини амалга оширади;

Ҳудудий кенгаш фаолияти учун зарур барча ҳужжатларни (тахлилий маълумотлар, жадваллар ва ҳ.к.) шакллантиради ва қарорлар лойиҳалари бўйича келишувни амалга оширади;

фаолият йўналишларига тааллуқли материалларни тўплайди, таҳлил қилади, қарорлар ва чора-тадбирлар режалари лойиҳаларини тайёрлайди;

мактабгача таълим муассасаларида ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш ишларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, мувофиқлаштириш натижалари бўйича ҳисобот ва ахборот материалларини тайёрлайди;

Ишчи орган Ҳудудий кенгаш қарорига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

20. Ҳудудий кенгаш қарорларининг бажарилиши натижалари ҳақида Ишчи орган ҳар чоракда Ҳудудий кенгашга тегишли зарур материалларни илова қилган ҳолда таҳлилий маълумотларни тақдим этади.

21. Ишчи орган раҳбари тайёрланган материаллар ва мажлис кун тартиби бўйича Ҳудудий кенгаш раисига ахборот беради, раис томонидан маъқулланган тақдирда, кенгаш мажлиси бўлиб ўтадиган кун ва вақтни, шунингдек таклиф этиладиган шахсларни белгилайди.

22. Ҳудудий кенгаш масъул котиби Ҳудудий кенгаш мажлиси материалларини баён лойиҳаси билан биргаликда мажлисни ўтказиш санасидан камида беш кун олдин Ҳудудий кенгашнинг ҳар бир аъзосига, зарур ҳолларда мажлисга таклиф этилган бошқа шахсларга тақдим этилишини таъминлайди.

Мажлис кун тартиби ўзгарган тақдирда, Ҳудудий кенгаш масъул котиби Ҳудудий кенгашнинг ҳар бир аъзосини ҳамда мажлисга таклиф этилган шахсларни уч кундан кечикмай бундай ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилади.

23. Ишчи орган Ҳудудий кенгаш ишига тайёргарлик кўриш мақсадида унинг ваколатлари доирасида зарур материалларни мактабгача таълим тизими бошқарув органлари ва ташкилотлардан сўраш ҳамда олиш ҳуқуқига эга.

24. Ҳудудий кенгашлар йилнинг ҳар чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисида Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгашига ҳисобот берадилар.

25. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳудудий кенгашларининг таркиби ҳамда уларнинг низомлари Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги ўқув-методик ишларни мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан тасдиқланади.

## IV. Якунловчи қоида

26. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**20 - илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**

**43-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 15 март 2019 йил

**Мактабгача таълим муассасаларида "Маънавият куни"ни ташкил этиш тўғрисида**

Мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қарайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган, миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирларга қарши туришга қодир баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Мактабгача таълим тизимидаги барча мактабгача таълим муассасаларида ҳар ҳафтанинг жума куни "Маънавият куни" деб белгилансин.

2. Таълим муассасаларида "Маънавият куни"ни ташкил этиш ва амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи 1-иловага, "Маънавият куни" доирасида ташкил этиладиган тадбирларни ўтказиш бўйича тавсия 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳи (Н.Ким), Мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш институти (К.Эшпулатов) га:

бир ой муддатда "Маънавият куни"ни намунавий ўтказиш бўйича Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 34-сонли мактабгача таълим муассасасида Республика семинарини ташкил этиш;

мактабгача таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ва "Маънавият куни" доирасида амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва самарадорлигини ҳар чоракда вазирлик Ҳайъат кенгаши муҳокамасига киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига:

уч кун муддатда мактабгача таълим муассасаларида “Маънавият куни”ни ташкил этиш ва амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳлар шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш;

ҳар ҳафтанинг жума куни мактабгача таълим муассасаларида “Манавият куни” тадбирларини ҳамда ҳар ойнинг охирги жума кунида мактабгача таълим тизимидаги ходимлар ва педагог-тарбиячилар учун “Маънавият соатлари”ни ташкил этиш;

ҳар ойда бир марта ота-оналар томонидан фарзандларини маданият масканларига, тизимли жалб этиш юзасидан тарғибот чораларини кўриш;

тарбияланувчиларга мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, айниқса сўнги йилларда таълим соҳасида эришилган ютуқлар билан таништириш;

тарбияланувчилар учун таълим муассасалари кутубхоналари ва гуруҳларда турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

педагоглар ва тарбияланувчиларнинг миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирлардан, паст савияли “оммавий маданият” ҳуружларидан ҳимоя қилишга қаратилган профилактик тадбирлар (суҳбат, учрашув, семинар) ташкил этиш;

таълим-тарбия жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида ўзини-ўзи бошқарув тузилмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

икки ой муддатда муассасанинг «Маънавият ва маърифат» хоналарини вазирликнинг тавсиялари асосида жиҳозлаш ва унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган семинарлар ташкил этиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чорак якунлари бўйича навбатдаги ойнинг 5-санасига қадар вазирликнинг Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш бошқармасига ёзма маълумот тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Матбуот хизмати (Д.Ахмедова) га:

ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг веб-сайтида кенг ёритиб бориш вазифалари юклатилсин.

6. Назорат-таҳлил бошқармаси бошлиғи (Л.Бердиева) бир кун муддатда ушбу буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим

вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига етказилишини таъминлансин.

7. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С.Турғунов заммасига юклатилсин.

**Вазир** **А.Шин**

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 15 мартдаги
43-сонли буйруғига
2-илова

**«Биз “Тарбия гўдақликдан бошланади”, деган ҳикматли сўзга амал қилиб, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришларни унинг энг қуйи босқичи-мактабгача таълим тизимидан бошладик»**

Шавкат Мирзиёев

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “МАЪНАВИЯТ КУНИ”НИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЮЗАСИДАН ТАВСИЯ

## Кириш

Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади.

Ёшларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда миллий тарбия модулини яратиш, тарбияланувчи-ёшларда маънавий дунёқарашини шакллантириш ҳамда инсон манфаатларининг халқ, миллат, давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлигини таъминлашни, маънавият инсоннинг улғайиши ва куч-қудрат манбаи эканлигини, маънавий тикланиш ва юксалишда албатта мустақилликнинг зарурлигини, маънавий баркамол, ғоявий курашчан инсон Ватанимиз тараққиётининг пойдевори эканлигини тарбияланувчиларга тушунтириш лозим.

Ўсиб келаётган ёш авлод бугунги эзгулик йўлидаги бунёдкорлик ишларининг давомчисидир. Миллий маънавиятимиз қирраларини келажак авлодимизга етказишда ҳамда юксалтириш учун барчамиз масъулмиз.

Мактабгача таълим муассасаларидаги педагог ходимлар ва тарбияланувчи-ёшларни маънан баркамол, комил инсон қилиб тарбиялашда “Маънавият куни”ни режа асосида, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни қамраб олган ҳолда ташкил этиш таълим-тарбия ишларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Тарбияланувчи-ёшларга замонавий таълим бериш билан бирга уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, юксак инсонии фазилатлар руҳида тарбиялаш, онги ва қалбини мафкуравий ва маънавий тахдидлардан ишончли

ҳимоя қилиш, уларда ғоявий иммунитет ва фаол бола позициясини шакллантириш масалалари давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмокда.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этади.

## 1. Мактабгача таълим муассасаларида педагоглар томонидан “Маънавият куни”ни ташкил этиш юзасидан тавсиялар

Муҳтарам Президентимиз томонидан маънавий-маърифий соҳага йўналтирилган бир қанча фармон ва қарорлари қабул қилинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли қарорида мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди.

Мамлакатимизда қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да энг аввало, давлат бошқарув органларининг қуйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий хамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Мактабгача таълим муассасаларида “Маънавият куни”ни ташкил этишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш талаб этилади:

- юқори малакали, маънавий салоҳиятга бой педагоглардан иборат ташвиқот гуруҳлари ташкил этиш;
- ахлоқий-тарбиявий, маданий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш;
- миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти, қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кунда ривожланиш тамойилларини акс эттирувчи, аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

- тарбияланувчиларни ўқув тарбия жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида сўнги йилларда юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, айниқса таълим соҳасида эришилган ютуқлар билан таништириш;

- мактабгача таълим муассасалари кутубхоналарида тарбияланувчилар ўртасида “Жажжи китобхон”, “Китоблар мўъжизаси”, “Китоблар оламига саёҳат”, “Эртаклар-яхшиликка етаклар” мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ва саҳна кўринишлари ташкил этиш (ҳар чоракда бир марта);

- педагоглар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларни миллий менталитетимизга ёт зарарли таъсирлардан, “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга қаратилган профилактик тадбирлар ташкил этиш (ҳар ойда бир марта);

- педагог ва тарбияланувчилар учун маънавий-маърифий интеллектуал тадбирлар ва спорт мусобақаларини уюштириш (ҳар ойда бир марта);

- таълим-тарбия жараёнини мувофиқлаштириш мақсадида ўзини-ўзи бошқарув тузилмалари (“Ёшлар” иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти, “Кузатув кенгаши”) фаолиятидан кенг фойдаланиш (мунтазам);

Маънавият инсонийликни намоён этадиган хусусият эканлигини, аждодларимизнинг айнан шу масалаларда ибратли тажрибаларга эришганини, бой маънавий мерос яратганини биламиз. У бизнинг кўп минг йиллик тарихимиз, тилимиз ва динимиз, ёзма ва оғзаки ёдгорликларимиз, санъат ва адабиётимиз, илм-фанимиз тимсолида замонлар оша яшаб келмоқда. Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар кўламини такомиллаштириш, “Маънавият куни”ни мазмунли ва самарали ташкил этиш мақсадида педагог ходимлар ва тарбияланувчилар билан юқоридаги тадбирларни ўтказиш мумкин,

“Маънавият куни”нинг асосини ташкил этишини назарда тутиб, таълим муассасаларида услубчи ва тарбиячилар иш олиб бориши лозим.

2. Мактабгача таълим муассаса тарбияланувчи-ёшлар учун;

- Буюк алломаларимиз, миллий қаҳрамонларимиз, саркардаларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганиш, бобокалонларимиз билан нафақат фахрланиш, балки уларнинг бой маънавий меросини ўрганиш бўиича маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш;

- “Келинг танишамиз” таълимий ўйинини ўтказиш, шунингдек тарбияланувчилар тенгдошлари билан мулоқот қилиш жараёнида дўстона муносабат ўрнатишда мулоқот маданиятини шакллантириш;
- “Менинг шаҳрим” мавзусида суҳбат ўтказиш, тарбияланувчиларни Она-Ватанга бўлган муҳаббати, ҳурматини шакллантириш;
- “Мен ва менинг оилам” мавзусида суҳбат ўтказиш, тарбияланувчиларни оила аъзолари ва атрофдагиларга нисбатан илиқ, мулойим сўзлар (раҳмат, марҳамат, илтимос, лаббай ва ҳ.к.)ни айтиш жараёнида оила аъзоларига бўлган ҳурмат ҳиссини шакллантириш;
- “Мен ва менинг дўстларим” сюжетли-ролли ўйинлар саҳналаштириш;
- “Устоз ва мураббийлар” куни муносабати билан маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш;
- “Нон-азиз” мавзусида суҳбат ўтказиш;
- “Рангли чироқ” мавзусида давра суҳбати ўтказиш асосида кўчада йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишни сингдириб бориш;

Бизга мерос қолган халқ оғзаки ижоди намуналарини, ранг-баранг маънавий меросни, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда “Халқ қўшиқларини ўрганамиз”, “Эртаклар-яхшиликка етаклар”, “Топган-топалоқ”, “Тарбияда ўзбек миллий ўйинларининг таъсири” мавзусида тадбирлар ташкил этиш.

“Маънавият куни”да ўтказиладиган тадбирларга албатта, ота-оналарни таклиф этиш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, мажбуриятлари нималардан иборат эканлиги ҳақида тушунчалар бериш фойдадан холи бўлмайди.

Жумладан, таълим муассасасида ташкил этилган Кузатув кенгаши, ота-оналар қўмитаси фаолиятида иштирок этиш, таълим муассасаси раҳбарияти ва педагогик жамоа билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, ота-оналар бадал пулларини ўз вақтида тўлаш, фарзандини соғлом турмуш тарзига ўргатиш, соғлом оилага тайёрлаш, турли салбий оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, спортга жалб этиш ҳақида тушунчаларни бериш мақсадга мувофиқдир.

“Маънавият куни”да “Менинг-мактабгача таълим муассасам!” шиори остида унинг тарихини ўрганиш, ташкил бўлган давридан бошлаб, то ҳозирги кунгача бўлган фаолияти, сўнги икки йил давомида мактабгача таълим тизимида амалга оширилган ишлар, таълим-тарбия мазмуни, муассаса тараққиёти омиллари нималардан иборат эканлиги қатъийлик ва масъулиятлилик ҳиссини оширади.

“Маънавият куни”нинг мавзулари чекланмаган, юқорида таъкидлаганимиздек, бу жуда серқирра тушунча. Ҳаётдаги ибрат сўзи билан қараш мумкин бўлган анъана, маросим, тажрибаларнинг барчасидан бу кунга мавзу топиш, йўналтира билиш муҳимдир.

**Қўшимча тадбирларни ўтказишда фойдаланиладиган тахминий мавзулар рўйхати:**

1. **Маънавий-маърифий йўналишда:** “Ватан-саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Яхшилик ва ёмонлик нима?”, “Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик”, “Одобли бола-элга манзур”, “Ўзбекистон-ягона Ватан”, “Сизни шарафлаймиз, азиз устозлар”, “Маънавият умр чашмаси”, “Тил-дил кўзгуси”, “Дўстлик билан гўзалдир олам”, “Давлатимиз рамзлари-муқаддас тимсоллар”, “Огоҳлик-давр талаби”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни”, “Уч буюк қадрият: маънавият, одоб-ахлоқ ва маърифат”, “Ёшлар-юрт таянчи”, “Соғлом авлод-юрт келажаги”, “Меҳнат обрў ва бахт келтирар”, “Китоб бизнинг дўстимиз”, “Илм-бахт калити”.

2. **Экология йўналишида:** “Биз табиатни севамиз”, “Табиат соқчилари”, “Табиат сирлари”, “Табиат-умумий уйимиз”, “Биз яшаётган ўлка”, “Ўзбекистоннинг қизил китобини биласизми?”, “Сувни тежанг-у ҳаёт манбаи”, “Табиат ва биз”, “Ўзбекистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси”, “Дарахтлар ҳақида қандай тушунчага эгасиз”, “Табиат тухфалари”, “Нима зарар, нима фойдали”, “Гуллар ва қушлар байрами” ҳақида биласизми?”, “Табиат олами”, “Орол бизнинг тақдиримизда”, “Томчи сувда-ҳаёт жилваси”.

3. **Спорт-соғломлаштириш йўналишида:** “Соғ танда-соғлом ақл”, “Қувноқ стартлар”, “Шахмат-шашка”, “Соғлигим-бойлигим”, “Соғломлик-комиллик”, “Соғлом авлод-келажак таянчи”, “Соғломжон-полвонжон”, “Кичкинтой гижингтоймиз”.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**47-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 19 март 2019 йил

**“Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик танловини ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги “Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларининг айрим тоифалари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3571-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарори, “Ўзбекистон Республикасининг Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожлантиришга қўйиладиган Давлат талабларини тасдиқлаш ҳақида”ги Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-мқ-сон буйруғи ижросини таъминлаш ҳамда Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг инновацион фаолиятини қўллаб қувватлаш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш, таълим-тарбия жараёнига “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари ёшдаги болаларни ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари асосида янги педагогик технологияларни жорий этиш, мактабгача таълим тизимида фаолият юритиб келаётган ижодкор ва иқтидорли педагогларни рағбатлантириш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик танловини ўтказиш тўғрисидаги Низом 1 -иловага;

“Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик танловини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига:

“Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик танловини босқичма-босқич, тасдиқланган Низом асосида ўтказиш ва ғолибларнинг Республика босқичига иштироки таъминлансин.

3. Педагогик кадрлар сифатини ошириш бошқармаси (Қ.Олимов) ва Кадрлар бошқармаси (А.Юсупов)ларга:

“Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик танловининг ғолибларини Олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” таълим йўналишига

белгиланган имтиёзлар асосида киришлари учун ўрнатилган тартибда ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари таъминлансин.

4. Матбуот хизмати (Д.Ахмедова) “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик танловининг ҳар бир босқичини оммавий ахборот воситалари ва вазирликнинг расмий веб сайтида кенг ёритилиши таъминлансин.

5. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л. Бердиева) 3 кун муддатда мазкур буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига етказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **А.Шин**

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 19 мартдаги
47-сонли буйруғига 1 -илова

# “ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИСИ” КАСБИЙ КЎРИК ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1. “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик танлови (кейинги ўринда танлов) 3 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида ўтказилади.
2. Юқори малакали тарбиячиларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларнинг педагогик маҳорати ва ижодий қобилиятини ривожлантириш, илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятнинг нуфузини янада ошириш, касбий фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш танловни ўтказишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

3. Кўрик танлов шиори “Касбий маҳорат, ижодкорлик, инновация”.

4. Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

а) **“Энг яхши методист тарбиячи”,** бунда мактабгача таълим жараёнидаги ўқитиш методикасига оид ишлар кўриб чиқилади;

б) **“Энг яхши ижодкор тарбиячи”,** бунда тарбиячининг мактабгача таълим тизимига оид киритган янгиликлари, яратган ижодий маҳсулотлари, видео роликлари, кўргазмали ва дидактик материалларини таълим-тарбия жараёнига жорий этилиши бўйича эришган ютуқлари кўриб чиқилади;

в) **“Инновацион ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши тарбиячи”,** бунда ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларини мактабгача таълим-тарбия жараёнидаги машғулотларга самарали қўллашга оид ишлари кўриб чиқилади.

5. “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” танлови босқичма-босқич, ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ схема асосида ўтказилади ва қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

а) танловнинг биринчи туман (шаҳар) босқичи;

б) танловнинг иккинчи Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар босқичи;

в) танловнинг учинчи Республика босқичи.

6. Қуйидагилар танловни ўтказишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) биринчи туман (шаҳар) босқичида:

мактабгача таълим муассасаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, методик, илмий, маънавий-маърифий материаллар ва ишланмаларни қабул қилиш ва таҳлил этиш;

танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган методик, илмий, маънавий - маърифий материаллар ва ишланмаларни баҳолаш;

танлов иштирокчилари томонидан тақдим этилган “Интернет - портфолио”ни ва тарбиячининг педагогик фаолиятини акс эттирувчи видеоролик тақдимотини баҳолаш;

ҳар бир номинация бўйича ғолибларни аниқлаш ва уларга танловнинг вилоят босқичида қатнашиши учун тавсияномалар бериш;

б) иккинчи вилоят босқичида :

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари томонидан танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини, методик, илмий, маънавий-маърифий материаллари ва ишланмаларини қабул қилиш ва таҳлил этиш;

“Болалар билан ўтказиладиган педагогик тадбир” ва “Касбий мулоқот” ток-шоу тадбирларини ўтказиш ва баҳолаш;

ҳар бир номинация бўйича ғолибларини аниқлаш ва уларга танловнинг Республика босқичида қатнашиши учун тавсияномалар бериш;

танлов ғолибларининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишини ташкил қилиш;

в) учинчи Республика босқичида:

Ҳудудий бошқармалар томонидан танловнинг вилоят босқичида ҳар бир номинация бўйича фақат биринчи ўринни эгаллаган тарбиячиларнинг Республика танловида иштирок этишлари учун тақдим этилган ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни таҳлил қилиш;

танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган “Педагогик концепция” тақдимотини ташкил этиш ва баҳолаш;

танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган ўқув, илмий ва маънавий - маърифий ишлар ҳамда ишланмаларни баҳолаш;

ҳар бир номинация бўйича ғолибларни аниқлаш;

танлов ғолибларининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишини ташкил қилиш;

танловнинг ўтиши ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил қилиш:

7. Танлов ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги ҳисобланади.

## II. Ташкилий қўмита фаолиятини ташкил этиш

8. Танловнинг Республика босқичини ўтказиш ташкилий қўмитаси (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби Мактабгача таълим вазири томонидан тасдиқланади. Ташкилий қўмита таркибига Мактабгача таълим вазирлиги, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари ва мутахассисларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, мактабгача таълим муассасалари касаба уюшма қўмитаси ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

9. Қуйидагилар ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

танловни ўтказиш муддатларини белгилаш;

танловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш;

танлов доирасида ўтказиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг веб-сайтида ёритиб бориш.

10. Ташкилий қўмита, қоидага кўра, раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзоларидан камида 11 кишидан иборат таркибда шакллантирилади.

11. Ташкилий қўмита раиси:

Ташкилий қўмита йиғилиш кун тартибини белгилайди ва уни ўтказади;

Ташкилий қўмита қарорларини тасдиқлайди ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Ташкилий қўмита аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

12. Ташкилий қўмита аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ташкилий қўмита танлов натижалари ва бошқа кўриб чиқилаётган масалаларни муҳокама қилишда ва ҳал этишда қатнашиш;

Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича таклифларини киритиш.

13. Ташкилий қўмита йиғилишини раис, у бўлмаганда эса - раис ўринбосари бошқаради.

Ташкилий қўмита йиғилиши аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади.

14. Ташкилий қўмита котиби:

Ташкилий қўмита йиғилишига барча зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Ташкилий қўмита раиси томонидан йиғилишнинг ўтказиладиган жойи ва вақтини келишади;

Ташкилий қўмита котиби аъзоларни йиғилишнинг ўтказилиш санаси, жойи ва кун тартиби билан хабардор қилади;

Ташкилий қўмита йиғилишини кун тартибидаги масалалар бўйича ўтказилишини ташкил этади;

Ташкилий қўмита йиғилиши баёнларини расмийлаштиради ва тасдиқлайди.

## III. Танловнинг биринчи - туман (шаҳар) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш

15. Танловнинг биринчи-туман (шаҳар) босқичи ҳар йили 10 май -20 май кунлари мобайнида ўтказилади.

16. Танлов комиссияси туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими юқори малакали методистлар ва мактабгача таълим муассасаси педагог ходимлари ва касаба уюшма қўмитаси вакилларидан иборат таркибда ташкил этилади.

17. Танловнинг туман (шаҳар) босқичи ғолиби тўғрисидаги қарор мактабгача таълим бўлими бошлиғи тасдиқлайдиган камида 7 кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан қабул қилинади.

18. Танлов комиссияси қуйидаги функцияларни бажаради:

Танловнинг биринчи туман (шаҳар) босқичини ташкил қилади;

танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари ва материалларини қабул қилади;

мазкур Низомнинг 19-бандига мувофиқ танлов иштирокчиси тақдим этган ҳужжатлар тўпламини таҳлил қилади ва баҳолайди;

танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун туман (шаҳар) босқичи ғолибларининг ҳужжатларини тайёрлайди ва тавсия қилади.

19. Танлов иштирокчиси танлов комиссиясига қуйидаги тартибда ҳужжатлар тўпламини тақдим этади:

танлов иштирокчисининг аризаси ва шахсий варақаси;

танлов иштирокчисининг педагогик ва жамоат ишларидаги фаолиятини ёритувчи мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг тақдимномаси;

танлов иштирокчисининг аҳамиятли бўлган ўқув-услубий, илмий, маънавий маърифий ва ижодий ишларини акс эттирувчи материаллар;

турли танловларда фахрий ёрлиқлар ва дипломлар билан тақдирланганлиги тўғрисидаги маълумотлар (нусхалари илова қилинади);

халқаро ва республикада ўтказилган конференция ва семинарларда иштироки ҳақидаги маълумотлар;

халқаро лойиҳалар ва дастурлардаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар ;

малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларидан ҳамда стажировкадан ўтганлиги тўғрисидаги сертификат ва гувоҳномалар нусхалари;

танлов иштирокчисининг педагогик фаолияти бўйича «Интернет-портфолио» си;

танлов иштирокчисининг педагогик фаолиятини акс эттирувчи видео ролик;

ҳужжатлар тўпламига киритилган материаллар ва ахборотларда танлов иштирокчисининг сўнги 3 йилдаги фаолиятига доир маълумотлар бўлиши лозим.

20. Танловнинг биринчи - туман (шаҳар) босқичи қуйидаги 3 та турни ўз ичига олади:

а) танлов иштирокчисининг педагогик фаолияти бўйича «Интернет-портфолио» си.

«Интернет-портфолио»да танлов иштирокчисининг мактабгача таълим муассасининг интернет-сайтидаги саҳифасида "Илк қадам" мактабгача таълим давлат дастурини амалга оширувчи методик ёки бошқа муаллифлик ишлари, педагогик тажрибасини акс эттирувчи фото ва видео лавҳалар ҳамда материаллар қамраб олишниши лозим.

Интернет-ресурс манзили иштирокчининг шахсий варақасига киритилади. Рўйхатга фақат битта, ҳар қандай браузердан кириш мумкин бўлган интернет-манзил киритилиши керак.

«Интернет-портфолио» ни баҳолаш мезонлари:

Мазмуннинг баён қилиниши, материалларнинг аҳамиятлилиги, маълумотни тақдим қилиш маданияти - 25 баллгача.

Ресурслар сифати, қулайлиги ва мазмунига мослиги - 25 баллгача.

Жами - 50 балл.

б) Танлов иштирокчисининг мактабгача таълим муассасасида педагогик фаолиятини, ижтимоий ҳаётдаги иштирокини, шахсий ютуқларини ва машғулотларни акс эттирувчи видеоролик.

Видеоролик 5 дақиқадан ортиқ бўлмаслиги, кўп сонли замонавий рақамли қурилмаларида ижро этилиши, сифати 36PXдан кам бўлмаслиги лозим. Видеороликда иштирокчиниг исми-шарифи ва ишлаётган мактабгача таълим муассасасини номи кўрсатилиши лозим.

Баҳолаш мезонлари:

Иштирокчини педагогик маҳорати ва ижодий қобилиятининг намоён қилиниши - 20 баллгача.

Янгилиги- 15 баллгача.

Ҳаққонийлиги - 15 баллгача.

Жами- 50 балл.

Видеоролик жанри иштирокчи томонидан танланади.

в) Танлов иштирокчисининг ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишларни акс эттирувчи материаллари ва ижодий ишлари, фахрий ёрлиқлари ҳамда дипломлари, халқаро лойиҳалар ва дастурлардаги иштироки;

Танлов иштирокчисининг аҳамиятли бўлган ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий материаллари ва ишланмалари - 20 баллгача;

турли танловларда олган фахрий ёрликлар ва дипломлар билан тақдирланганлиги - 10 баллгача;

халқаро лойиҳалар ва дастурлар, конференция ва семинарлардаги иштироки - 10 баллгача;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан, стажировкадан ўтганлик тўғрисидаги сертификат ва гувоҳномалар -10 баллгача;

Жами- 50 балл.

Ушбу босқич бўйича баҳолаш максимал 150 баллни ташкил қилади.

21. Туман (шаҳар) босқичи натижалари бўйича қайдномалар расмийлаштирилади.

22. Танлов иштирокчиси танлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

23. Танлов комиссияси ўтказилган баҳолаш натижалари асосида ҳар йили 25 майга қадар ҳар бир номинация бўйича ғолибларни аниқлайди ва биринчи ўринларни эгаллаган ғолиблар номзодини танловнинг вилоят босқичида қатнашиш учун тавсия этади.

24. Танлов комиссиясининг қарори аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

25. Танлов комиссиясининг қарорлари икки нусхада баённома билан расмийлаштирилади, улар танловнинг йиғилишида иштирок этган барча аъзолари томонидан имзоланади.

26. Туман (шаҳар) босқичи танлов комиссиясининг масъул ходими томонидан

ҳар бир номинация бўйича биринчи ўринни эгаллаган ғолибларнинг ҳужжатларини (19- банд бўйича), шунингдек 3 та тур бўйича баҳолаш натижалари қайдномаси ва тавсияномани вилоят босқичи танлов комиссиясига 5 июнгача бўлган муддатда тақдим этади.

## IV. Танловнинг вилоят босқичини ташкил этиш ва ўтказиш

27. Танловнинг вилоят босқичи ҳар йили 10 июн - 20 июнь кунлари мобайнида ўтказилади.

Танловнинг вилоят босқичини ўтказиш санаси ва жойи Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларининг буйруғи билан белгиланади.

28. Танловнинг вилоят босқичи ғолиби тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи тасдиқлайдиган камида 7 кишидан иборат таркибдаги танлов комиссияси томонидан қабул қилинади.

29. Танлов комиссияси таркибига юқори малакали методистлар ва мактабгача таълим муассасаси педагог ходимлари, касаба уюшма қўмитаси ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилади.

30. Танлов комиссияси қуйидаги функцияларни бажаради:

Танловнинг вилоят босқичини ташкил қилади ва ўтказади;

туман (шаҳар) танлов комиссиясидан танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини қабул қилади;

мазкур Низомнинг 19-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини, шунингдек қайднома ва тавсияномани кўриб чиқади;

танловнинг Республика босқичида иштирок этиш учун вилоят босқичи ғолибларининг ҳужжатларини тайёрлайди ва тавсия қилади.

31. Вилоят босқичи қуйидаги 3 та турни ўз таркибига олади:

а) «Болалар билан ўтказиладиган педагогик тадбир».

Тадбирни ўтказиш учун болалар ёши ва гуруҳи танлов комиссияси томонидан қура ташлаш йўли билан аниқланади. Танлов иштирокчилари тадбирни мактабгача таълим муассасасидаги машғулот жадвалига мувофиқ ўтказади.

Болалар билан ўтказиладиган педагогик тадбирда иштирокчи амалий тажрибасини кўрсатиши, инновацион таълим технологиялари ва интерфаол методларини қўллашини намоён этиши лозим.

Регламент: Болалар билан ишлаш вақти 20 дақиқагача;

ўзини -ўзи текшириш 5 дақиқагача;

танлов комиссияси томонидан берилган саволлар учун 10 дақиқагача.

Баҳолаш мезонлари:

Педагогик маҳорати (тарбиявий-таълим жараёнида қўйилган вазифаларни тўғри қўллаш қобилияти ва жараённинг бошқа иштирокчилари (педагоглар ва тарбияланувчилар) билан биргаликдаги фаолиятини тўғри ташкил қилиши- 10 баллгача;

методик тақдимоти (таълим шакли, мазмуни ва методларининг болалар ёшига мослиги) - 10 баллгача;

болаларни машғулотнинг фаолият тури ва мазмуни билан қизиқтира олиши, улардаги ташшабус ва мустақил фикрлашни қўллаб-кувватлаш- 10 баллгача;

машғулотларда болалар фаолиятини ташкил қилиш ва ўзаро интеграллашган ёндашувни амалга ошириш -10 баллгача.

Жами - 50 балл.

б) Ток-шоу “Касбий мулоқат”.

Ҳар бир иштирокчига мактабгача таълим муасссасидаги таълим жараёнида юзага келадиган муаммоли вазият бўйича топшириқ берилади. Берилган шарт бўйича иштирокчилар томонидан муаммоли вазиятларни келтириб чиқиш сабаблари аниқланади. Иштирокчилар муаммоли вазият ечимлари бўйича тавсияларини ишлаб чиқишади, берилган саволларга жавоб беришади. Баҳс мунозарада ўзларининг фикрларини эркин билдирадилар. Ток-шоу мавзуси ва бошловчи танлов комиссияси томонидан белгиланади ва тадбир ўтказилишидан аввал эълон қилинади.

Регламент: 10-15 дақиқа

Баҳолаш мезонлари:

Мавзу бўйича ўз позициясига эга бўлиши -10 баллгача;

ҳар бир тақдимотнинг мазмундорлиги ва асосланиши- 10 баллгача;

муаммоли вазият ечимларининг оптималлиги ва аниқлиги -10 баллгача

касбий фаолият доирасидаги мулоқатни олиб бориш қобилияти -10 баллгача;

нутқининг равонлиги ва нотиқлик маданияти- 10 баллгача;

Жами - 50 балл

в) Танлов иштирокчисининг ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишларни акс эттирувчи материаллари ва ижодий ишлари, фахрий ёрлиқлари ҳамда дипломлари, халқаро лойиҳалар ва дастурлардаги иштироки:

Танлов иштирокчисининг аҳамиятли бўлган ўқув-услубий, илмий ва маънавий маърифий материаллари ва ижодий ишлари- 20 баллгача;

турли танловларда олган фахрий ёрлиқлар ва дипломлар билан тақдирланганлиги - 10 баллгача;

халқаро лойиҳалар ва дастурлар, конференция ва семинарлардаги иштироки - 10 баллгача;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан, стажировкадан ўтганлик тўғрисидаги сертификат ва гувоҳномалар -10 баллгача;

Жами- 50 балл.

Ушбу босқичда баҳолаш максимал 150 баллни ташкил қилади.

Вилоят босқичи натижалари бўйича қайдномалар расмийлаштирилади.

32. Танлов иштирокчиси танлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

33. Танлов комиссияси ўтказилган баҳолаш натижалари асосида ҳар йили 30 июнгача ҳар бир номинация бўйича ғолибларни аниқлайди ва биринчи ўринларни эгаллаган ғолиблар номзодини танловнинг Республика босқичида қатнашиш учун тавсия этади.

34. Танлов комиссиясининг қарори аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

35. Танлов комиссиясининг қарорлари икки нусхада баённома билан расмийлаштирилади, улар танловнинг йиғилишида иштирок этган барча аъзолари томонидан имзоланади.

36. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасининг йўлланма хати билан вилоят босқичида ҳар бир номинация бўйича биринчи ўринни эгаллаган ғолибларнинг ҳужжатлари (19-банд бўйича), 3 та тур бўйича баҳолаш натижалари қайдномаси ва тавсияномаларни Республика босқичи танлов комиссиясига 10 июлгача бўлган муддатда тақдим этилади.

## V. Танловнинг республика босқичини ташкил этиш ва ўтказиш

37. Танловнинг республика босқичи ҳар йили 1 август - 25 август кунлари мобайнида ўтказилади.

38. Ҳар бир номинация бўйича танловнинг республика босқичи ғолибларини аниқлайдиган танлов комиссиясининг камида 11 нафардан иборат таркиби Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

39. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси томонидан ҳар бир номинация бўйича вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган ғолибларнинг ҳужжатларига қўшимча қуйидаги материаллар илова қилинган ҳолда тақдим этилади:

Танлов иштирокчисининг асосий касбий ютуқларининг тавсифидан иборат резюмеси;

иштирокчининг педагогик концепцияси (5-7 бет ҳажмда).

40. Барча материаллар қоғозда ва электрон шаклда тақдим этилади ва қайтариб берилмайди.

41. Ҳар бир номинация бўйича иштирокчиларнинг ҳужжатлари ва материаллари Республика танлов комиссияси томонидан 1 июлдан 20 июлгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

42. Танловнинг республика босқичи 2 та турни ўз ичига олади.

а) Республика босқичига тақдим этилган ишларни баҳолаш.

Баҳолаш мезонлари:

танлов иштирокчисининг аҳамиятли бўлган ўқув-услубий, илмий ва маънавий маърифий материаллари ёки ижодий ишлари- 10 баллгача;

турли танловларда олган фахрий ёрлиқлар ва дипломлар билан тақдирланганлиги - 5 баллгача;

халқаро лойиҳалар ва дастурлар, конференция ва семинарлардаги иштироки - 10 баллгача;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан, стажировкадан ўтганлик тўғрисидаги сертификат ва гувоҳномалар -5 баллгача;

танлов иштирокчисининг «Интернет-портфолио» си -10 баллгача;

танлов иштирокчисининг педагогик фаолиятини акс эттирувчи видео ролик - 10 баллгача;

вилоят босқичида болалар билан ўтказилган тадбир бўйича олинган натижалари- 10 баллгача (вилоят тадбирида 50 баллик тизимдаги баҳолаш.

натижалари 10 баллик тизим қуйидаги тартибда ўтказилади (**олган бали*10/50)**

вилоят босқичида “Касбий мулоқот” ток-шоу тадбири натижалари- 10 баллгача (вилоят тадбирида 50 баллик тизимдаги баҳолаш натижалари 10 баллик тизимга қуйидаги тартибда ўтказилади). ( **олган бали*10/50)**

Жами-70 балл.

б) танлов дастури доирасида иштирокчи ўзининг педагогик концепцияси бўйича тақдимотини намойиш этади. Мазкур жараёнда унга педагогик махоратини, касбий салоҳиятини, ижодий имкониятлари ва қизиқишларини намоён этиш имкони берилади.

Жами- 30 балл.

Республика босқичида баҳолаш максимал 100 баллни ташкил қилади.

Танлов комиссияси томонидан ҳар бир номинация бўйича Республика босқичи натижалари бўйича қайдномалар расмийлаштирилади.

43. Танлов комиссияси ўтказилган баҳолаш натижалари асосида ҳар йили 30 августга қадар ҳар бир номинация бўйича ғолибларни аниқлайди. Танлов комиссиялари томонидан баённома расмийлаштирилади ва Ташкилий қўмита раиси томонидан тасдиқланади.

44. Ҳар бир номинация бўйича энг юқори балл тўплаган биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган иштирокчилар танловнинг республика босқичи ғолиблари ҳисобланадилар.

45. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида ва вазирликнинг расмий веб сайтида ёритилади.

## VI. Ғолибларни аниқлаш ва мукофотлаш

46. Ҳар бир номинация бўйича танловнинг Республика босқичида биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган иштирокчилар танлов ғолиби деб топилади. Икки ва ундан ортиқ иштирокчининг баллари тенг бўлиб қолганда ғолиб танлов комиссияси аъзоларининг яширин овоз бериш йўли билан аниқланади. Ҳар бир танлов комиссияси аъзоси битта овозга эга. Овозлар сони тенг бўлганда танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Танлов комиссияси қарори баённома билан расмийлаштирилиб, Мактабгача таълим вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

47. Танловнинг Республика босқичи ғолибларини эълон қилиш ва тақдирлаш ҳар йили сентябр ойида ўтказилади.

48. Ҳар-бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган танловнинг Республика босқичи ғолиблари фахрий дипломлар билан мукофатланадилар ва улар 1-ўрин учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача, 2-ўрин учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваригача, 3-ўрин учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача тақдирда моддий рағбатлантириладилар.

49. Республика босқичининг барча иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг мақтов ёрлиғи ва совғалари билан тақдирланадилар.

50. Танловнинг Республика босқичида ҳар бир номинация бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга бўлган ғолиблар Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг “Мактабгача таълим” йўналишига ўқишга киришда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 393-сонли қарорининг 23-бандида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда тегишли вазирликлар, идоралар томонидан ҳар йили ўтказиладиган педагогика ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчилари ва таълим муассасалари тарбияланувчиларининг «Тарбиячи» республика танлови ғолиби вазирликлар, идоралар ва жамғармалар тақдимномаларига мувофиқ Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига, мос таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз давлат грантлари асосида қабул қилиши белгиланган) имтиёзга эга бўлади.

51. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигида танлов ғолиблари тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантирилади.

## VII. Танловни молиялаштириш

52. Танловнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш ва рағбатлантиришни молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бюджет маблағлари ҳисобидан, Республика босқичини молиялаштириш эса Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**22- илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**69-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 2 май 2019 йил

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳудудий бошқармалари тасарруфидаги туман (шаҳар) мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида “Китобхон болажон” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида**

Мактабгача ёшдаги болалар ўртасида китоб мутоласини тинглаш кўникмасини тарғиб қилиш, болалар қалбида инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, олийжаноблик каби фазилатларни шакллантириш, мустақил фикрлаш кўникмасини ошириш, нутқини ўстириш ва бойитиш, уларни ёшликдан китобга бўлган муҳаббатини уйғотиш, шунингдек, улуғ ишларга, олийжаноб хизматларга жалб этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуслари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 декабрдаги 07/1-16184-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 декабрдаги 07/1-16184-сонли топшириғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. 2019 йилдан бошлаб ҳар йили май-июнь ойларида Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги муассасаларнинг тарбияланувчилари ўртасида “Китобхон болажон” туман (шаҳар) кўрик-танлови ўтказилсин.
3. Ўқув методик мажмуаларини яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқармаси (Д.Махмудова)га:

Кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичининг юқори савияда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

ҳудудларда ўтказилган кўрик-танловнинг якуний маълумотларини олиш ва умумлаштириш вазифалари юклатилсин.

5. “Китобхон болажон” кўрик-танловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, кўрик-танловни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълими вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқарма бошлиқларига:

кўрик-танловнинг туман (шаҳар) босқичини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишни ташкил этиш;

кўрик-танловнинг муассаса ва туман (шаҳар) босқичлари иштирокчиларига керақли шароитларни ташкил этиш;

ўтказилаётган кўрик-танловлар тўғрисидаги маълумотларни Республика ташкилий қўмитага бериб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Матбуот хизмати (Д.Ахмедова) кўрик-танлов тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг веб-сайтида кенг ёритиб борсин.

8. Назорат-таҳлил бошқармаси бошлиғи (Л.Бердиева) уч кун муддатда ушбу буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига етказилишини таъминласин.

9. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринч ўринбосари С.Турғунов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **А.Шин**

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 2 майдаги
69-сонли буйруғига 1 –илова

**“Китобхон болажон” кўрик-танловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмита**
**ТАРКИБИ**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **1.** | С.Турғунов | – | Вазирнинг биринчи ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари |
| **2.** | Д.Махмудова | | Ўқув методик мажмуаларини яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, ишчи гуруҳ котиби |
| **АЪЗОЛАРИ:** | | | |
| **3.** | Н.Ким | | Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш бошқармаси бошлиғи |
| **4.** | С.Обидов | | Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари |
| **5.** | Л.Евстафьева | | Ўқув методик мажмуаларини яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| **6.** | М.Исхакова | | Ўқув методик мажмуаларини яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқарма бош мутахассис |
| **7.** | Ф.Келдибеков | | Ўқув методик мажмуаларини яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқарма бош мутахассис |
| **8.** | Т.Пўлатова | | Ўқув методик мажмуаларини яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқарма етакчи мутахассис |

***Изоҳ:*** *Ишчи гуруҳ аъзоси бошқа ишга ўтганда ёки вазифасидан озод этилганда унинг ўрнига тайинланган шахсга ишчи гуруҳининг вазифаси юклатилади.*

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 2 майдаги
69-сонли буйруғига 2 –илова

# Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказиладиган “Эртакчи болажон” кўрик танловини ўтказиш тўғрисида

# Н И З О М

## I.Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимидаги барча мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида **“Китобхон болажон”** кўрик-танловини ташкил этиш (кейинги ўринда - кўрик-танлов) ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мактабгача ёшдаги болалар ўртасида китоб мутоласини тинглаш кўникмасини тарғиб қилиш, болалар қалбида инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, олийжаноблик каби фазилатларни шакллантириш, мустақил фикрлаш кўникмасини ошириш, болалар нутқини ўстириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббуслари ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

## II. Кўрик-танловнинг мақсади ва вазифалари

3. Кўрик-танловнинг асосий мақсади - муассаса тарбияланувчилари ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, болалар қалбида инсонпарварлик, ватанпарварлик, мардлик, олийжаноблик каби фазилатларни шакллантириш, мустақил фикрлаш кўникмасини, дунёқарашини ошириш, нутқини ўстириш ва ҳаётда ўз фикрига эга шахсларни тарбиялашдан иборат.

4. Кўрик-танловнинг вазифалари - муассаса тарбияланувчилари қалбида ижобий фазилатларни шакллантириш, эртанги кунга ишонч билан қарашга ўргатиш, ватанпарвар, мард, қаҳрамон ва буюк сиймоларимизга интилишни қўллаб-қувватлаш.

5. Кўрик-танлов давомида яратилган сара эртаклар асосида болалар ижод намуналарини яратиш. Шунингдек, мактабгача таълим муассасалари учун яратиладиган ва нашр этиладиган ўқув-методик ва дидактик адабиётларни яратишда болалар ижодидан фойдаланиш.

## III. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

14. Кўрик-танловнинг бош ташкилотчилари:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари.

15. Бошқармалар қошида кўрик-танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий ташкилий қўмиталар тузилади.

16. Ҳудудий ташкилий қўмиталар кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

- кўрик-танлов устидан амалий раҳбарлик қилиш учун унинг қуйи босқичларида малакали мутахассислардан иборат вакилларининг иштирокини таъминлайди;
- ҳудудий ташкилий қўмиталар жойларда кўрик-танлов ўтказилиши ва кўрик -танловнинг якуний босқичи ўтказилганлиги юзасидан ҳисоботларни ўз вақтида (танлов ўтганидан кейин 10 кун ичида) топширишни таъминлайди;
- ғолиб бўлган иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг ижодий эртаклари ва эртак воқеалари акс эттирилган қўл меҳнати асосида чизилган расмларни умумлаштириш;

17. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар таълим муассасаларининг ойлик иш режасига киритилади. Кўрик-танлов иштирокчининг қобилияти, ижодкорлиги, кенг дунёқараши, келажакдаги орзуларини баён қила олиши ва нутқининг равонлиги каби фазилатларининг ривожланганлиги асосида ўтказилади.

18. Кўрик-танлов иштирокчилар томонидан ижодий эртакларни яратиш асосида икки босқичда ўтказилади:

- яратилаётган ижодий эртаклар баҳолаш мезонлари асосида яратилиши лозим:
- муассаса босқичи ҳар йили май ойида ташкил этилиб, муассасада ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан гуруҳ тарбиячилари томонидан тайёрланган ва тавсия этилган тарбияланувчилар орасидан ғолиб аниқлаб олинади;
- туман (шаҳар) босқич ҳар йил июнь ойида ташкил этилиб, муассасаларда ғолиб чиққан тарбияланувчилар ўртасида ташкил этилади.

19. Туман (шаҳар) босқичи ўтказиладиган жой ташкилий қўмита томонидан белгиланади ва камида 30 кун олдин таълим муассасалари ва масъул ташкилотларга маълум қилинади.

20. Ташкилий қўмита кўрик-танловни ўтказиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этади, ҳакамлар ҳайъати таркибини тасдиқлайди.

## IV. Кўрик-танлов иштирокчилари

21. Кўрик-танловда таълим муассасаларининг 5-7 ёшли тарбияланувчилари якка тартибда иштирок этади.

22. Мактабгача таълим муассасаси томонидан 1 ҳафта олдин кўрик-танлов иштирокчилари тўғрисидаги қўйидаги ҳужжатлар ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки нусхаси);
- муассаса тарбияланувчиси эканлигини тасдиқловчи маълумотнома (сурати билан, муҳрланган);
- кўрик-танлов учун тайёрлаган ижодий эртагининг қоғоз нусхаси.

23. Юқоридаги ҳужжатларни ўз вақтида топширмаган мактабгача таълим муассасаси иштирокчилари кўрик-танловда иштирок эта олмайди.

## V. Кўрик-танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

24. Кўрик-танлов иштирокчиси қуйидаги мезонлар асосида баҳолаб борилади:

**Ижодий эртакнинг талаблар асосида яратилганлиги.**

Бу шартда, ижодий эртак бошланиш, мантиқий боғланиш, яратилган қаҳрамонлар ва улардаги фазилатлар, воқеалар ривожи, ижобий якун, тарбиявий аҳамияти каби қисмлардан иборатлиги ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан овоз бериш орқали “20” баллик тизимда баҳоланади.

**Иштирокчининг ижодкорлиги.**

Бу шартда, ижодий эртакнинг болалар тилига яқинлиги, сўзларниш ўзаро оҳангдорлиги, тилининг соддалиги ва қаҳрамонларнинг кураш шакллари, миллий урф-одатларнинг қўлланилиши, якунда эзгуликнинг ғалаба қозониши, янги эртак қаҳрамонларнинг яратилганлиги ҳайъатининг барча аъзолари томонидан овоз бериш орқали “20” баллик тизимда баҳоланади.

**Келажакдаги орзуларининг ижодий эртақда акс эттирилиши.**

Бу шарт, давомида бола қанчалик келажакни кўра олиши, эгалламоқчи бўлган касбига бўлган муносабати, болаларча самимий орзу-умидларини бош қаҳрамонлар орқали акс эттира олиши, шунингдек эртак сюжетларида моҳирона фойдаланганлиги ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан овоз бериш орқали “25” баллик тизимда баҳоланади.

**Баён қилиш нутқининг равонлиги.**

Бу шартда иштирокчининг ижодий эртагини равон тилда баён қилиши, образларга кириши, қаҳрамонлар тилидан мимика ва ҳатти-ҳаракатлари асосида сўзларни баён қилиши, халқ оғзаки ижоди ва ўз ижод намуналаридан фойдаланиши ҳакамлар ҳайъатининг барча аъзолари томонидан овоз бериш орқали “25” баллик тизимда баҳоланади.

**Ижодий эртак учун ишланган расмлари.**

Бу шартда, иштирокчи томонидан ижодий эртак воқеалари асосида ишланган расмларнинг ўз қўллари билан ишланганлиги *(тарбиячи ёки ота-оналарининг ёрдами билан ҳам яратилганлиги муҳим аҳамият касб этмайди, сабаби уларнинг ёрдами ва эътибори асосида боладаги қобилияти янада ўсиб шаклланиб боради),* расм ва эртақдаги воқеаларнинг ўзаро мутаносиблиги инобатга олинган ҳолда “10” баллик тизимда баҳоланади.

## VI. Ғолибларни тақдирлаш

25. Кўрик-танлов ғолиблари қўйидаги тартибда тақдирланади:

- Биринчи - муассаса босқичи ғолиблари таълим муассасаларининг I, II ва III даражали дипломлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

- Иккинчи - туман (шаҳар) босқич ғолиблари “Ёшлар иттифоқи” туман (шаҳар) кенгашлари ва туман (шаҳар) бўлимларининг I, II ва III даражали дипломлари ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирланади.

26. Давлат ва нодавлат ташкилотлари кўрик-танловда ҳомийлик қилишлари мумкин.

## VII. Якуний қоидалар

27. Мазкур кўрик-танловнинг муассаса босқичи билан боғлиқ барча ҳужжатлар (материаллар) муассасада, якуний туман (шаҳар) босқичи бўйича ҳужжатлар (материаллар) туман (шаҳар) бўлимларида сақланади.

**23- илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**

**99-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 2 май 2019 йил

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида кадрларни ротация қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида”ги 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон қарори, “Мактабгача таълим тизимни бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон қарорига мувофиқ, Мактабгача таълим тизимида кадрларни ротация қилиш тартибини белгилаш, ходимнинг касбий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳисобига мактабгача таълим тизими самарадорлигини ошириш, коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида кадрларни ротация қилиш тартиби тўғрисидаги Низом 1 -иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим тизимида Ротация қилинадиган лавозимлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бошқармаси бошлиғи (А.Юсупов)га вазирлик номенклатурасига кирувчи лавозимларга ротация қилишни Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ва мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширишни таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) мазкур буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига электрон шаклда етказилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **А.Шин**

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 10 июндаги 99-сон
буйруғига 1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизими раҳбар ва ходимларнинг ротацияси тўғрисида низом**

## 1. Умумий қоидалар

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда-Вазирлик) ва вазирлик тизимининг локал норматив ҳужжати бўлиб, вазирлик ҳамда тизим ходимларининг, шунингдек, истиқболга эга кадрлар захирасига киритилган мутахассисларнинг ротациясини тартибга солади.

2. Ушбу Низомда ротация деганда, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимни вақтинча бошқа лавозимга унинг иш жойини (лавозим) ва шу лавозимга мувофиқ хизмат вазифаларини сақлаган ҳолда ўтказиш тушунилади.

3. Вазирлик ходимларини ротация қилиш қуйидаги мақсадларга амалга оширилади:

фаолияти жараёнида мактабгача таълим соҳасида тўпланган касбий билимлари ва илғор тажрибасини вазирликнинг бошқа бўлинмалари ва тармоқларида жорий этиш;

мутахассисларнинг ишлаш қобилиятини ва улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, жамоада соғлом иш шароитини таъминлаш;

лавозим мавқеини суиистеъмол қилиш, ўз касбий вазифаларига совуққонлик билан қараш ҳамда коррупцияга оид жиноятлар каби салбий ҳолатларни бартараф этиш.

4. Ротация натижаси - бу вазирлик тизими ходимларидан самарали фойдаланиш, бўлимлар орасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ходимлар томонидан жорий ва истиқболли вазифаларни биргаликда ечишга шароит яратиш ва вазирлик ташкилий-хўжалик фаолиятини унумдорлигини оширишдир.

5. Ходимларни ротация қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 92, 93, 94 ва 95-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

Бунда ротация ходимнинг розилиги, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга асосан, ушбу Низомда назарда тутилган алоҳида ҳолларда эса иш берувчининг ташаббуси билан - ходимнинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

6. Ротация қуйидаги турларга булинади:

**Ички**-Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати ичида ходимларини бошқа лавозимга ўтказиш;

Ички ротация Мактабгача таълим вазирининг буйруғи асосида ўтказилади.

**Тизим ичидаги -** Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига киритилган ҳамда келишиш белгиланган лавозимлар ҳамда вазирлик тизимида фаолият юритаётган раҳбарларни бошқа лавозимга ўтказиш.

Тизим ичида ротацияни ўтказиш Мактабгача таълим вазирлиги тизимининг тасдиқланган ташкилий тузилмасига мувофиқ (вазирликнинг номенклатурасига киритилган лавозимлар) Мактабгача таълим вазирининг буйруғи асосида, вазирлик тизимидаги мактабгача таълим ташкилотлари мудираларини ҳамда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирлари ўринбосарлари тизим ичида ротация қилиш ҳудудий бошқармаларга раҳбарлик қилаётган раҳбарнинг тақдимномасига кўра, вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

## 2. Ротация қўлланадиган ҳолатлар

7. Ходимнинг розилигисиз, иш берувчининг ташаббуси билан ходимлар ротациясини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) Ходимнинг бир лавозимда узоқ муддат фаолият юритганлиги;

б) Вазирлик тизимидаги ташкилий ўзгаришлар штатлар сонининг ўзгаришига олиб келганлиги;

в) Бўш иш ўринларини тугатиш зарурияти туғилганда;

г) Ходимнинг шахсий ютуқлари, иш сифатидан унумли фойдаланиш зарурияти юзага келганда;

д) Ходимнинг янги мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидан ўтганлиги муносабати билан;

е) Ходимнинг соғлиғи ҳолати ўзгарганда;

ж) Ходим фаолияти юзасидан асосли шикоятлар ва эътирозлар келиб тушганда;

з) Шунингдек, бошқа зарур ҳолларда.

8. Ходимнинг бир лавозимда узоқ муддат фаолият юритиш муносабати билан ротация қилиш қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:

а) Марказий аппаратнинг, бошқарма ва бўлимлари мутахассислари-бир лавозимда уч йилдан ортиқ ишлаган тақдирда;

б) Марказий аппарат, бошқарма ва бўлим бошлиқлари-бир лавозимда тўрт йилдан ортиқ муддатда ишлаган тақдирда;

в) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармаси бошлиқлари ва ўринбосарлари-бир лавозимда беш йилдан ортиқ муддат давомида ишлаган тақдирда;

г) Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирлари ва ўринбосарлари - бир лавозимда тўрт йилдан ортиқ муддат давомида ишлаган тақдирда;

д) мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари -бир лавозимда уч йилдан ортиқ муддат ишлаган тақдирда;

е) вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг раҳбар ва мутахассислари бир лавозимда уч йилдан ортиқ муддат ишлаган тақдирда.

9. Қуйидаги ҳолатларда ходимлар муддатидан қатъий назар ротация қилиниши мумкин:

а) Вазирлик тизимидаги фаолиятида ютуқларга эришган ва иш жойининг ривожи бўйича фаоллик кўрсатган ходимларга-бир мунча юқори вазифа топшириб ёки юқори ташкилотда амалиёт ўтаб, ўз малакасини ошириш мақсадида;

б) Фаолиятида хато ва камчиликка йўл қўйиб келаётган ёки ўзининг ижобий томонларини кўрсата олмаган ходимларни - қуйи органлар ёки қуйи ташкилотларга жалб қилиш орқали амалий кўникмаси ва тажрибасини ошириш мақсадида;

в) Бундай ҳолатлар қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа ҳолатларда хам қўлланилиши мумкин.

10.Бажараётган ишига кўра алоҳида хусусиятга эга бўлган ва мутахассислиги бўйича фақатгина шу лавозимда фаолият юритиши мумкин бўлган ходимлар ротация қилинмайди.

Мактабгача таълим тизимида ротация қилинмайдиган ходимлар рўйхати ушбу низомга илова қилинади.

## 3. Ротацияни амалга ошириш тартиби

11. Ходимларга нисбатан ротация амалиётини қўллаш учун Марказий аппарат ва тизимдаги худудий ташкилий бўлинмаларда ташкил этилган Ходимларнинг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси (бундан кейин “комиссия” деб юритилади) томонидан алоҳида қарор қабул қилинган бўлиши, ушбу қарорда ротация қилинадиган жой ва лавозимлар ҳамда бошқа муҳим шартлар кўрсатилган бўлиши лозим.

12. Марказий аппаратда Кадрлар бошқармаси бошлиғи ҳудудий таркибий бўлинмаларда кадрлар бўйича мутахассис Комиссиянинг ишчи органи сифатида ротация амалиётини қўллаш бўйича материалларни тайёрлайди, ўрганиш натижалари ёки таркибий бўлинмалар раҳбарларидан келиб тушган таклифлар асосида комиссия эътиборига таклиф киритиб боради.

13. Ходимларни ротация қилиш Ўзбекистон Республикаси меҳнат Кодексининг 92,93,94-моддаларига мувофиқ амалга оширилса, у ҳолда ходимнинг ёзма розилигини олиш йўли билан, агарда ротация Меҳнат кодексининг 95-моддасига мувофиқ ишлаб чиқиш ёки меҳнат зарурияти ёхуд бекор туриб қолиниши муносабати билан амалга оширилганда, ходимдан розилик олиш талаб этилмайди.

14. Ходимлар ротацияси ходимнинг маълумоти, квалификацияси, мутахассислиги иш тажрибаси ва шахсий фазилатларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Буйруқ шу куннинг ўзида ротация қилинадиган ходимга таништирилиб, ундан ёзма равишда тилхат олинади.

15. Ротация ходимнинг меҳнатга лаёқати, унинг фаолиятига нисбатан бевосита раҳбарнинг тавсифи, интизомий жазоларнинг бор ёки йўқлиги ва бошқа омиллар инобатга олинади.

16. Барча керакли тартиблар амалга оширилгандан сўнг, ротация қилинаётган ходимни вақтинча ёки доимий лавозимга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

17. Ходим ротация қилинганда унинг илтимосига кўра меҳнат дафтарчасига ротация асосида вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолда, ходимни ротацияга жалб этилганлиги ҳолати унга бериладиган тавсифнома билан тасдиқланиши мумкин.

18. Ротация муддати Комиссия томонидан белгиланади ва бу ротация тўғрисидаги буйруқ учун асос сифатида олинади.

Ротация муддати мамлакатимиз қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Ротация муддати тугалланганидан сўнг, ушбу муддат тугаган кундан бошлаб 10 кунлик муддат ичида ходимнинг ҳисоботи қабул қилинади, ушбу ҳисобот таҳлилига қараб, ходимнинг асосий иш жойи тўғрисида тавсия берилади.

20. Ротацияни бошқариш ва ротация билан ишлаш функцияси Марказий аппаратда Кадрлар бошқармасига, тизимдаги ҳудудий таркибий бўлинмаларда тўғридан-тўғри биринчи раҳбарларнинг зиммасига юклатилади.

## 4. Якуний қоидалар

21. Ушбу Низом вазирликнинг барча бўлинмаларига, шу жумладан, тизимдаги ҳудудий таркибий бўлинмалар ҳамда вазирлик тизимидаги раҳбарият билан меҳнат шартномаси тузган барча ходимларга нисбатан тадбиқ этилади ва мажбурий деб ҳисобланади.

22. Низом вазирнинг асосий фаолият бўйича буйруғи билан тасдиқланади, ўзгартирилади ва бекор қилинади. Ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан сўнг, низом вазир томонидан имзолангандан сўнг 5 иш куни ичида ходимларга таништирилиши шарт.

23. Низом вазир томонидан тасдиқланган кундан кучга киради. Ўзгартириш ва қўшимчалар, агар ҳужжатнинг матнида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, вазир томонидан тасдиқланган кундан сўнг кучга киради.

Низом қуйидаги ҳолларда ўз кучини йўқотади;

-янги таҳрирда қабул қилинганда;

-меҳнат ёки унга боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ўзгарганда;

-бекор қилинганда.

24. Мазкур низом Мактабгача таълим вазирлигининг Касаба уюшмаси қўмитаси раиси билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 10 июндаги 99-сон
буйруғига 2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таьлим вазири буйруғи билан Ротация қилинадиган лавозимлар**
**РЎЙХАТИ**

1. Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати (Бошқарма бошлиғи, ўринбосари, бўлим бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис).

2. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи, вилоятлар мактабгача таълим бошқарма бошлиқлари;

3. Қорақалпоғистон Рсспубликаси Мактабгача таълим вазир ўринбосари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоятлар мактабгача таълим бошқарма бошлиғи ўринбосарлари;

4. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудирлари;

5. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудир ўринбосарлари вазирликнинг розилик хати асосида;

6. Давлат мактабгача таълим муассасалари мудираларига вазирликнинг розилик хати асосида.

*Изоҳ*: Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудир ўринбосарлари ҳамда Давлат мактабгача таълим муассасалари мудиралари Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи, вилоятлар мактабгача таълим бошқарма бошлиқлари буйруқлари асосида ротация қилинади - вазирлик билан келишилган ҳолда.

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирлиги
тизими раҳбар ва ходимларнинг
ротацияси тўғрисидаги низомга
илова

**Мактабгача таълим вазирлиги тизимида ротация қилинмайдиган ходимлар рўйхати**

1. Юридик хизмат ходимлари.
2. Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти илмий ва педагог ходимлари.
3. Ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати ходимлари.
4. Биринчи бўлим ходимлари.
5. Вазирлик ва тизимдаги техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар.

**24- илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
132-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 29 июль 2019 йил

**Танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ҳамда мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тармоғини кенгайтириш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон қарорига асосан танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун бўш ер ва бино-иншоотлар рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича танлов Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) таркиби 1-иловага, “Мактабгача таълим тизимида танлов эълон қилиш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи А.Хакимов бир ҳафта муддатда танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун танлов матни ва танлов ҳужжатларини матбуотда эълон қилинишини таъминласин.

Танлов ҳақидаги эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши таъминлансин:

- танловга қўйилган объект номи, жойлашган ери, сони, таснифи;

- давлат-хусусий шерикчилик лойиҳасини амалга ошириш шартлари;
- танлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- танлов таклифлари қабул қилинадиган охирги муддат (куни ва соати кўрсатилган ҳолда).

4. Белгилаб қўйилсинки, Комиссия ўз фаолиятини Низом талаблари асосида олиб боради.

5. Комиссия (А.Хакимов) танлов якунлари бўйича комиссия томонидан қабул қилинган қарорлар натижаларини вазирликнинг расмий веб сайтига жойлаштириш орқали танлов иштирокчиларига етказилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари жойларда танлов орқали давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш бўйича ташаббускорларга низом талабларига асосан тушунтириш ишларининг олиб борилишини таъминласинлар.

7. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) ушбу буйруқни вазирликнинг барча бошқарма ва бўлимлари ҳамда ҳудудий бўлинмаларга етказсин.

8. Мактабгача таълим вазирлиги матбуот хизмати (Д. Аҳмедова): танлов ўтказилиши, натижалари ва муддатлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиши таъминлансин.

9. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М.Юлдашев зиммасига юклансин.

**Вазир** **А.Шин**

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 29 июль
132-сонли буйруғига I- илова

**Танлов ўтказиш орқали давлат-хусусий шерикчилик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича танлов Комиссия**

**ТАРКИБИ**

| **Т/Р** | **Комиссия раиси, раиси ўринбосари ва аъзолари** | **Иш жойи ва лавозими** |
|---|---|---|
| **1** | Шин А.В. | Мактабгача таълим вазири, комиссия раиси |
| **2** | Юлдашев М.А. | Мактабгача таълим вазири ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари |
| **3** | Султонов Д.Э. | Молия вазирлигининг Ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармаси бош иқтисодчиси |
| **4** | Кароматова А.И. | Қурилиш вазирлигининг Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш бўлими бошлиғи |
| **5** | Тангриев С. | Давлат активларини бошқариш агентлигининг Инвестиция мажбуриятларини бажарилиши мониторинги бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| **6** | Ибатходжаева У.У. | Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг таълим ва маданият тизимини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси |
| **7** | Холиқов А.А. | Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шериклик агентлиги етакчи мутахассиси |
| **8** | Раҳматов А.И. | Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Давлат хизматларини жорий этиш ва ривожлантириш бошқармаси етакчи маслаҳатчиси |
| **9** | Ҳақимов А.С. | Мактабгача таълим вазирлиги Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаларини фаолиятини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи |

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 29 июль
132-сонли буйруғига 2- илова

**Мактабгача таълим тизимида танлов эълон қилиш орқали давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш**
**ТАРТИБИ**

## 1- боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу тартиб Давлат-хусусий шерикчилик асосида мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини ташкил этишда хусусий тадбиркорни танлаб олиб, битим имзолаш учун танлов ўтказиш, танловда иштирок этиш шартлари бўйича тўлиқ маълумотларни тақдим этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

2. Танлов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги 3651-сонли “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида тасдиқланган Низомга (кейинчалик- Низом) мувофиқ ўтказилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

давлат-хусусий шериклик - хусусий инвестицияларни жалб қилиш, ресурсларни бирлаштириш ва хавф-хатарларни тақсимлаш мақсадида давлат шериги ва хусусий шерикнинг аниқ муддатга юридик расмийлаштирилган мактабгача таълим соҳасидаги ўзаро самарали ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим (кейинги ўринларда матнда битим деб юритилади) - томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишнинг бошқа шартларини белгилаб берадиган давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган ёзма шартнома;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим томонлари (кейинги ўринларда матнда томонлар деб юритилади) - давлат шериги ва хусусий шерик;

давлат шериги - Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Вазирлик деб юритилади);

хусусий шерик - битим тузган ёки битим тузиш истагини билдирган юридик ёхуд жисмоний шахс. Давлат ташкилотлари хусусий шериклар бўла олмайди, шунингдек хусусий шериклар тарафида иштирок эта олмайди;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим объекти (кейинги ўринларда матнда объект деб юритилади) - битим бўйича мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш мақсадида фойдаланилиши мумкин бўлган ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан ишламайдиган ва бут қилинмаган давлат мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда бошқа объектлар.

4. Давлат шериги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят хокимликлари ва Тошкент шаҳар хокимиятининг таклифлари, шу худудда яшовчи аҳолининг талабидан келиб чиқиб танлов эълон қилади.

5. Давлат шериги танлов бошланишидан 30 кун аввал танлов савдолари ўтказилиши эълони, муддати, танлов ўтказилиш тартиби, танлов талаблари, мавжуд объектлар ҳақидаги маълумотни Вазирликнинг расмий веб саҳифасининг махсус бўлимида, бошқа оммавий ахборот воситаларида, «Илк қадам» журналида, ижтимоий тармоқларда жойлаштиради, шунингдек ушбу ахборотни Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва бошқа манбалар орқали тарқатади.

## 2-боб. Танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни расмийлаштириш тартиби

6. Хусусий шерик вазирликнинг веб саҳифада жойлаштирилган танлов талаблари, мавжуд объектлар ҳақидаги маълумотлар билан танишиб чиққандан сўнг, танловда иштирок этиш учун ҳужжатларни тайёрлайди.

7. Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида, Хусусий шерик томонидан келиб тушган ҳужжатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва Мактабгача таълим вазирлигига тақдим этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят бошқармалари ва Тошкент шаҳар бош бошқармаси негизида худудий Ишчи гуруҳи тузилади ва унинг фаолияти Мактабгача таълим вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

8. Танлов эълон қилинган кундан 30 кун давомида хусусий шерик Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда, Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ариза наъмунасини тўлдириб, мухрланган таклифини худудий ишчи гуруҳга топширади.

9. Худудий ишчи гуруҳ:

ўрнатилган тартибда хусусий шерик томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олади ва Танлов буюртма китобида рўйхатдан ўтказади;

10. Танлов муддати тугагандан сўнг, худудий ишчи гуруҳи томонидан (3) уч иш куни давомида Давлат шеригига, хусусий шерик томонидан келиб тушган ариза ва ҳужжатларни асл ҳолда Танлов комиссияси кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

11. Давлат шериги:

Худудий ишчи гуруҳга хусусий шерик томонидан тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилиб олади ва Танлов буюртма китобида рўйхатдан ўтказади.

12. Уч иш куни давомида Давлат шериги Танлов комиссиясига ҳужжатларни тайёрлайди ва ҳужжатларни бирламчи очиш кунини белгилайди.

13. Бир кун давомида Танлов комиссияси хусусий шерикдан келиб тушган таклифларни очилишини амалга оширади, баёнлаштиради ва Низом талабларига мослигини текшириш учун Давлат шеригига тақдим этади.

14. Комиссия котиби ёки Комиссия раиси томонидан тайинланган шахс барча иштирокчилар иштирокида таклифларни очилишини амалга оширади ва аризада кўрсатилган ҳужжатлар рўйхатини эълон қилади.

15. Комиссия томонидан барча Танлов таклифлари кўриб чиқилиши шарт.

16. Танловда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларни очиш баёнининг ҳар бир бети Комиссия аъзолари ва Комиссия котиби томонидан имзоланади.

17. Тақдим этилган аризада талаблар бузилганлиги ҳақидаги хабар ёзма шаклда, худудий ишчи гуруҳи вакили орқали хусусий шерикка топширилади (жўнатилади).

Хабарда қандай талаблар бузилганлиги, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва хусусий шерик кўрсатилган талаблар бузилишини бартараф этиб, ҳужжатларни давлат шеригига такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилади.

Хусусий шерик талаблар бузилишини бартараф этишга ва ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақли бўлган муддат ёзма ёки электрон хабар олинган кундан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлишига йўл қўйилмайди. Такроран юборилган ҳужжатлар улар такроран юборилган кун қабул қилинган ҳисобланади. Аризани такроран кўриб чиқиш учун йиғим ундирилмайди.

18. Тайёрланган таклифлар танлов комиссияси томонидан қарор қабул қилиш учун кўриб чиқилади.

Агар таклифлар икки ёки ундан кўпроқ бўлган хусусий шерикдан келиб тушган бўлса, танлов натижалари бўйича қарор қабул қилиш ва ғолибни аниқлаш муддати 7 иш кунини ташкил этади. Агар битта хусусий шерикдан келиб тушган бўлса, танлов ўтказилмайди ва беш ишчи куни давомида танловга тақдим этилган ҳужжатлар Танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилгандан кейин қарор қабул қилинади. Комиссия хусусий шерикнинг таклифини Низом талабларига мувофиқлиги асосида ижобий ёки салбий
қарор қабул қилади.

19. Комиссия йиғилиши ўтказилмасдан Танлов таклифларни кўриб чиқиш ман этилади.

20. Бундай ҳолатда Комиссиянинг танловни эътироф этиш тўғрисидаги қарори бекор қилинади ва ушбу танловга тақдим этилган танлов таклифлари орасида энг яхши танлов таклифи яна танланади.

## 3-боб. Танлов таклифларини танлаш мезонлари

21. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ва танлаб олиш Комиссия томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари орқали амалга оширилади.

22. Баҳолаш мезонлари ҳар бир мезон учун балл ёки фоизли қиймат йўли орқали баҳоланади.

## 4- боб. Танлов ҳужжатларини тайёрлаш тилига қўйиладиган талаб

23. Хусусий шерикнинг танловга тақдим этилаётган ҳужжатлари “Давлат тили тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши лозим.

24. Ҳужжатлар апостиль ёки қонунийлаштирилган шаклда ўзбек ва рус тилига қилинган таржимаси билан бирга келтирилган ҳолда бошқа тилда тақдим этилиши мумкин (акс ҳолда ҳужжат тақдим этилмаган деб ҳисобланади).

## 5- боб. Битим тузиш

25. Танлов натижалари асосида Комиссиянинг қарори билан Танлов таклифи тасдиқланади, таклиф берувчи хусусий шерик ғолиб деб эълон қилинади

26. Давлат шериги Комиссиянинг танлов якунлари бўйича қарори қабул қилинган кундан икки кун давомида ўз расмий веб-сайтига ахборот жойлаштириш орқали танлов натижалари ҳақида танлов иштирокчиларини хабардор қилади.

27. Комиссия қарори баён орқали расмийлаштирилади.

28. Танлов комиссиянинг ижобий қарори қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида давлат шериги ва хусусий шерик қонун ҳужжатлари ва Низом талабларига риоя қилган ҳолда битим тузади. Битимни имзолашга тайёрлаш учун давлат шериги хусусий шерикка битим лойиҳасининг матнини тақдим этади.

29. Агар зарур бўлса, битим қоидаларини давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида келишиб олиш мақсадида музокаралар ўтказилиши мумкин.

30. Битим давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида икки нусхада, томонларнинг ҳар бири учун биттадан нусхада имзоланади.

31. Битим томонлар тарафидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва битим муддати тугашигача ёки бекор қилинишигача амал қилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

32. Танлов иштирокчиси Комиссия томонидан қабул қилинган қарорга рози бўлмаса, у қарор устидан судда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

33. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

**25- илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**136-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 1 август 2019 йил

**Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сонли “Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда соғлом овқатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш орқали таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга кенг имкониятлар яратиш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сонли “Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) таркиби 1-иловага;

давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш тартиби 2-иловага;

Мактабгача таълим вазирлигининг 2019-2021 йилларда давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Комиссия (М.Юлдашев)га:

уч ой муддатда эксперимент тарзда овқатлантириш ташкил этилаётган аутсорсер корхоналар томонидан амалга оширилаётган ишларни ўрганиб чиқиш ва фаолиятини давом эттириш ёки тўхтатиш бўйича қарор қабул қилиш вазифалари белгилансин.

4. Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси (А.Содиқов):

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни белгиловчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини уч ой муддатда қайта кўриб чиқиб, зарур ҳолларда ўзгартириш киритиш чораларини кўрсин;

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларга истеъмол учун берилаётган таомлар сифати бўйича қатъий назоратни таъминласин;

ошпазлар ва ошпаз ёрдамчиларининг ҳар уч йилда бир марта малакасини ошириш ишларини ташкил этсин;

оммавий ахборот воситаларида мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин.

5. Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Қ.Олимов):

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим ташкилотларида тегишли йил учун тасдиқланган умумий квоталар доирасида “Умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш” йўналиши бўйича талабни инобатга олган ҳолда олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

вазирлик тизимига ўтказилган педагогика коллежлари базасида давлат мактабгача таълим ташкилотларига ошпазлар тайёрлаш бўйича таклиф киритиш вазифалари топширилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари ҳамда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудирларига:

мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тўлиқ амал қилган ҳолда соғлом овқатлантириш ва уларнинг мақсадли сарфланишини ташкил этиш;

тарбияланувчиларнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилиб бориш ҳамда ҳар чорак якунлангандан кейинги ойнинг 25 санасига қадар вазирликнинг Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси (А.Содиқов) га ҳисобот бериб бориш;

ошхоналарда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлмаган ҳолатларни зудлик билан бартараф этиш чораларни кўриш;

жорий йилнинг 5 сентябрига қадар 3-чорак учун аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича режаларни тасдиқлаш ва Комиссияга тақдим этиш вазифалари топширилсин.

7. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) уч кун муддатда мазкур буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига етказилишини таъминласин.

Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари М.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **А.Шин**

Мактабгача таълими вазирининг
2019 йил 1 августдаги
136-сонли буйруғига
2-ИЛОВА

**Давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш**

**ТАРТИБИ**

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартиб тарбияланувчиларнинг тўлақонли соғлом овқатлантиришини ташкил этиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш ва таълим тарбия жараёнининг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тасдиқланган.

2. Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шарт-шароитлар яратилган ҳолда амалга оширилади.

3. Ушбу Тартиб барча давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов ўтказиш жараёнига нисбатан татбиқ этилади.

4. Ташкилотларда тарбияланувчиларни аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилади.

5. Танлов ўтказиш бўйича эълонлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

## II. Танлов ўтказиш Комиссияси фаолияти

6. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини соғлом, хавфсиз ва сифатли овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича комиссия (кейинги матнларда комиссия деб номланади) ташкил этилади.

7. Комиссия таркиби Мактабгача таълим вазири томонидан тасдиқланади.

8. Комиссия, танлаб олиш жараёнини баҳолаш меъзонлари асосида амалга оширади.

9. Комиссия эълонда белгиланган муддатларда танловни ўтказади.

10. Танлов якунлари бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш баёни 3 кун муддатда расмийлаштирилади.

11. Танлов комиссиясининг йиғилиши қарори аутсорсер билан туман мактабгача таълим бўлими ўртасида шартнома тузиш учун асос бўлади.

12. Комиссия аутсорсерлар фаолиятини мониторинг қилиб боради ҳамда мониторинг жараёнида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради.

## III. Мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш бўйича комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатлар

13. Танловда иштирок этиш учун тақдим қилинадиган ҳужжатлар:

ариза;

бюджетдан қарздорлиги бор йўқлиги тўғрисида маълумот;

банкдан айланма маблағлари тўғрисида маълумот;

корхонанинг балансидаги бино, иншоот, автомашина, санитария талабларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган машина, ишлаб чиқариш жиҳозлари, агар ижарада бўлса ижара шартномаси;

корхонанинг куз-қиш мавсумига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳира қилиш имконияти (омборлар ва совутгичли сиғимлар) мавжудлиги;

корхонанинг озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган омборхонаси, гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларини сақлаш учун совутгичлар билан таъминланганлиги;

мактабгача таълим муассасасида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан лойиҳавий таклиф. Бунда аутсорсинг усулида шу кунгача фаолият юритиб келаётган бўлса, қилинган ишлар бўйича тақдимот, агар аутсорсинг усулида фаолият юритмаган бўлса келажакда қилинадиган ишлар бўйича истиқболли режа тақдимоти. Тақдим этилган маълумотлар хаққонийлиги комиссия томонидан ўрганиб чиқилади;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (умумий овқатлантиришни ташкил этиш бўйича инженер-технолог, диетолог) мавжудлиги, 3-7 ёшли тарбияланувчиларга мўлжалланган 10 кунлик намунавий таомнома ва таомномада келтирилган таомлар технологик харитаси мавжудлиги;

ошпазлар малака разрядлари сони (энг камида 3 разрядли) билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотлар;

умумий овқатлантиришни ташкил этиш бўйича инженер технолог, диетолог ҳамда ошпазлар корхонда фаолият юритишини тасдиқловчи ҳужжатлар (буйруқ дафтари, буйруқдан кўчирма);

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилинишини таъминлаш бўйича белгиланган тадбирлари;

лотда белгиланган мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб, уларни овқатлантириш учун бир ойлик харажатлар (бизнес режа);

ошхона ва ошхона жиҳозларини таъмирлаш, майда инвентарлар, ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантириш ва ювиш воситалари учун харажатлар сметаси.

## IV. Танловда қатнашиш учун даъвогарларни танлаб олиш

14. Танлов бошлангунга қадар танловда иштирок этиш учун қўйиладиган даъвогарларнинг танлов комиссияси томонидан малакали танлови ўтказилади.

15. Ишчи органи томонидан амалга ошириладиган малакали танловда:

қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

малакали танлов учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

илгари тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларни зарур даражада бажармаган;

суд ёки ҳакамлик муҳокамасида иши кўриб чиқилаётган;

тижорат ва молия кўрсаткичлари бўйича танлов комиссиясининг талабларига жавоб бермайдиган ташкилотлар ва корхоналарнинг танловларда иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

16. Танлаб олинган қатнашчилар рўйхати танлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

17. Танловда қатнашишга рухсат этишни рад этиш тўғрисидаги қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу ҳақда ишчи орган даъвогарларни ёзма равишда хабардор қилади.

## V. Танлов ўтказиш тартиби

18. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтининг махсус бўлимига жойлаштирилган сана танлов очилган сана ҳисобланади.

19. Ўтказиладиган танловлар доирасида танлов таклифлари тайёрлаш муддати танлов комиссияси томонидан белгиланади ва танлов очилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатиб ўтилади.

20. Танлов комиссияси танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин, ушбу қарор танловнинг барча қатнашчиларига нисбатан жорий этилади.

21. Танлов комиссияси ўз иши тартибини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди. Мазкур масала бўйича қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

22. Танлов таклифлари фақат муҳрланган икки қаватли хат жилдда қабул қилинади. Ишчи органнинг номи ва манзили кўрсатилган ташқи хат жилдда танлов қатнашчиси томонидан берилган техник талаб ҳужжатлари, ички хат жилдда тижорат таклифлари бўлади.

23. Барча ҳужжатлар рўйхатга олиш дафтарига топширувчи ва қабул қилиб олувчи шахснинг имзоси билан қабул қилиб олинган сана ва вақт ёзиб қўйилган ҳолда қабул қилинади. Рўйхатга олиш дафтари ип ўтказиб боғланган, тартиб рақами қўйилган ва мактабгача таълим вазирлигининг гербли муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

24. Хат жилдларни очиш тартиби, уларни кўриб чиқиш ва сақлаш тартиби махфийлик меъёрига риоя қилинган ҳолда танлов комиссияси томонидан белгиланади.

25. Танлов комиссияси танлов буюртманомаларини қабул қилишнинг охирги санасини, хат жилдларни очиш вақти ва жойини белгилайди.

Кўрсатиб ўтилган санадан кейин олинган таклифлар кўриб чиқилмайди ва хат жилдлар очилмасдан танлов қатнашчиларига қайтариб юборилади.

26. Танлов комиссияси йиғилишини ўтказиш учун кворум унинг таркибининг 70 фоизини ташкил этади. Танлов комиссиясининг барча йиғилишлари ва барча қабул қилинган қарорлари йиғилиш баёни билан расмийлаштирилиши зарур.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари солинган хат жилдлар бевосита танлов комиссияси йиғилишида очилади. Бундай ҳолларда танлов комиссияси йиғилишининг баёнида танлов қатнашчилари томонидан тақдим этилган таклифларнинг танлов ҳужжатларига мувофиқлиги ёзиб қўйилади.

27. Танлов таклифларини кўриб чиқиш муддати танлов комиссияси томонидан хат жилд очилган вақтдан бошлаб белгиланади.

28. Агар:

танловни ёпиш муддати тугайдиган вақтгача бирорта ҳам танлов таклифи тушмаса;

танловга иккитадан кам қатнашчининг таклифи тақдим этилса;

тақдим этилган барча танлов таклифларида зарур ҳужжатларнинг пакети бўлмаганда танлов комиссияси томонидан танлов ўтказилмаган деб эълон қилиниши мумкин.

29. Агар тушган танлов таклифларининг бирортаси танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, танлов ўтказилди, аммо салбий натижага эга деб ҳисобланади.

30. Тақдим этилган маълумотлар хаққонийлиги комиссия томонидан жойига чиқиб ўрганиб чиқилади.

## VI. Танлов таклифларини баҳолаш тартиби

31. Танлов таклифларини баҳолаш танлов комиссияси томонидан белгиланган муддат мобайнида ўтказилади. Таклифларни баҳолаш танлов комиссияси томонидан белгиланган ҳар бир баҳолаш мезони бўйича балл қўйиш йўли билан амалга оширилади. Танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари танлов таклифларини баҳолаш чоғида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Баҳолаш чоғида танлов комиссияси тушунтиришлар бериш, қўшимча маълумотлар ва тасдиқлашлар олиш учун даъвогарларни чақириш ҳуқуқига эга. Танлов хулосаларини чиқаришда танлов қатнашчилари ва уларнинг ишончли вакиллари иштирок этиши мумкин.

32. Танлов ғолиби тўғрисидаги расмий қарор танлов комиссияси томонидан қабул қилинади. Ушбу масала бўйича қарор танлов комиссияси аъзолари сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда танлов комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

33. Танлов таклифлари қуйидаги баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади:

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (умумий овқатлантиришни ташкил этиш бўйича инженер-технолог, диетолог, ошпазлар малака разрядлари), уларнинг корхонда фаолият юритишини тасдиқловчи хужжатлар (буйруқ дафтари, буйруқдан кўчирма),

2- 7 ёшли тарбияланувчиларга мўлжалланган 10 кунлик намунавий таомнома ва таомномада келтирилган таомлар технологик харитаси мавжудлиги;

мактабгача таълим муассасасида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан лойиҳавий таклиф. Бунда аутсорсинг усулида шу кунгача фаолият юритиб келаётган бўлса қилинган ишлар бўйича тақдимот, агар аутсорсинг усулида фаолият юритмаган бўлса келажакда қилинадиган ишлар бўйича истиқболли режа тақдимоти;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилинишини таъминлаш бўйича белгиланган тадбирлари;

бюджетдан қарздорлиги, банкдан айланма маблағлари бор йўқлиги, тўғрисида маълумот;

корхонанинг балансидаги бино, иншоот, автомашина, санитария талабларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган машина, ишлаб чиқариш жиҳозлари, агар ижарада бўлса ижара шартномаси;

корхонанинг озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган омборхонаси, гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотларини сақлаш учун совутгичлар билан таъминланганлиги куз-қиш мавсумига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳира қилиш имконияти (омборлар ва совутгичли сиғимлар) мавжудлиги ёки ижара шартномаси борлиги.

34. Баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар баҳолаш тартиботига расман алоқаси бўлмаган шахсларга маълум қилинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур маълумотларнинг ошкор қилиниши учун жавоб берадилар.

35. Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлган тақдирда танлов комиссияси танлов таклифларини қайтариш ёки танлов таклифларини бундан кейин танловда кўриб чиқиш шартларини, бу ҳакда танлов қатнашчисини хабардор қилган ҳолда, белгилаш ҳуқуқига эга.

36. Танлов комиссиясининг танлов ғолиби тўғрисидаги йиғилиш баёнида қуйидаги маълумотлар бўлади:

танлов ғолиби ва танлов ғолибидан кейин энг юқори баллга эга бўлган қатнашчиларнинг номлари;

танлов комиссиясининг таркиби;

овоз бериш натижалари;

танлов қатнашчиларининг танлов таклифлари жамлама жадвали;

танлов ғолиби билан шартномани имзолаш муддатлари.

Йиғилиш баёни танлов комиссиясининг қатнашаётган аъзолари томонидан имзоланиши ва танлов комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланиши керак.

37. Агар танлов ғолиби шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, танлов тузиш ҳуқуқи захирадаги биринчи қатнашчига берилади.

38. Агар танлов бўлиб ўтмаган ёки салбий натижага эга бўлган тақдирда танлов қайтадан ўтказилиши мумкин.

39. Танловни ўтказиш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

40. Танлов натижалари 3 кун мобайнида ишчи орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтининг махсус бўлимида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

## VII.Танлов ғолиби фаолиятини ташкил этилиши

41. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими танловда ғолиб чиққан аутсорсер билан мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш хизматини кўрсатиш бўйича белгиланган намунавий шакл асосида шартнома тузади.

Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими танловда ғолиб чиққан аутсорсер билан шартнома тузишдан бош тортишга ҳақли эмас.

42. Шартномани миқдор, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича бажармаган танлов ғолиби қонун ҳужжатларида ва/ёки шартномада назарда тутилган тарзда жавоб беради.

43. Танлов комиссияси аутсорсер фаолияти юзасидан алоҳида мониторинг олиб боради. Шунингдек, уларнинг фаолияти натижаларига кўра, Аутсорсерни “инсофли ижрочи” ёки “инсофсиз ижрочи” рўйхатига киритиш ҳуқуқига эга.

44. Танлов комиссияси “инсофсиз ижрочи” рўйхатига киритилган Аутсорсерни ўрнига мактабгача таълим ташкилотига “инсофли ижрочи”ни аутсорсер сифатида кириб бориши тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

## VIII . Якуний қоидалар

45. Мазкур тартиб талабларини бузганликда айбдор шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Мактабгача таълими вазирининг
2019 йил 1 августдаги
136-сонли буйруғига
3-ИЛОВА

**Мактабгача таълим вазирлигининг 2019-2021 йилларда давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишни янада такомиллаштириш бўйича**
**ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

| т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш** | | | | |
| 1. | Мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишни кенгайтириш. | Мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш режаларини туманлар бўйича ишлаб чиқиш.<br>2. Режа асосида мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этиш. | 2019 йил сентябрдан ҳар чоракда<br>2019-2020 йиллар | Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси,<br>Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги. вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари |
| 2. | Болаларни овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан чет эл тажрибасини ўрганиш бўйича хизмат сафарларини ташкил этиш. | 1. Болаларни овқатлантиришни ташкил эгиш юзасидан чет эл тажрибасини ўрганиш бўйича мутахассислар ишчи гуруҳини шакллантириш.<br>2. Болаларни овқатлантиришни ташкил эгиш юзасидан чет эл тажрибасини ўрганиш бўйича хизмат сафарларига юбориш ва халқаро | 2019 йил сентябрь<br>2019-2020 йиллар | Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси<br>Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил эгиш бошқармаси. |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | тажрибани ўрганиш натижалари юзасидан таклифлар киритиш | | Халқаро ҳамкорлик ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси |
| | Мактабгача таълим ташкилотларида эксперимент тарзида аутсорсинг усулида овқатлантириш ташкил этаётган корхоналар фаолиятини ўрганиб чиқиш. | 1. Аутсорсинг корхоналар фаолиятини ўрганиб чиқиш юзасидан ишчи гуруҳ таркиби ва ўрганиш графигини тасдиқлаш.<br>2. Республикадаги мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида фаолият юритаётган корхоналарни ўрганиб чиқиш ва натижаларини комиссия муҳокамасига қўйиш. | 2019 йил сентябрь-октябрь | Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси |
| **II. Мактабгача таълим тизимида умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш** | | | | |
| 3. | Умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш. | Умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш йўналишида мутахассислар тайёрлаш бўйича республикадаги олий таълим муассасаларидан керақли шарт-шароиглари ва мутахассислари мавжуд олий таълим муассасаларини танлаш ва 2020-2021 ўқув йилидан ушбу йўналишларни очиш бўйича таклифларни Иктисодиёт вазирлигига киритиш.<br>2.2020-2021 йилдан белгиланган олий таълим муассасаларида умумий | 2019-2020 йиллар | Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фоалиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси<br><br>Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика |

| т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш. | 2020-2021 ўқув йили | коллежлари фоалиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси |
| 4. | Мактабгача таълим вазирлиги тизимига ўтказилган педагогика коллежлари базасида давлат мактабгача таълим ташкилотларига ошпазлар тайёрлашни йўлга қўйиш. | 1. Педагогика коллежлари моддий-техника базаси ҳамда ошпазларни тайёрлаш бўйича мавжуд мутахассисларини ўрганиб чиқиш.<br>2. Ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб зарур шароитлари ва мутахассислари мавжуд педагогика коллежларида ошпазларни тайёрлашни йўлга қўйиш. | 2020-2021 Ўқув йили | Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика колежжлари фоалиятини мувофиқлаштириш бошқармаси, Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси |
| 5. | Мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналарида фаолият юритаётган ошиазларнинг соҳага оид махсус касбий маълумотга тга бўлишини таъминлаш. | Мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган ошпазларнинг касбий билимларини ошириш. | 2019-2020 йиллар | Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси, Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси |
| 6.<br>1 | Мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналарида фаолият юритаётган ошпазларнинг 3 йилда бир марта болалар учун таомлар тайёрлаш технологияси қоидалари ва соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича<br>малакасини ошириш. | Мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган ошпазларнинг малака оширишини ташкил этиш. | 2019-2021 йиллар | Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси. Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амадга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| III. **Мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш** | | | | |
| 7. | Мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналарини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ жиҳозлаш. | 1. Мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналарининг технологик жиҳозлар, совутгичлар, ошхона жиҳозлари, омборхонада маҳсулотларни сақлаш шароитлари юзасидан хатлов ўтказиш.<br>2. Хатлов натижаларига кўра мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича Дастур ишлаб чиқиш ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига киритиш. | 2019-йил сентябрь-октябрь<br><br>2019 йил ноябрь | Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари |
| 8. | Мактабгача таълим ташкилотларининг ошхоналари фаолияти, харид қилинаётган озиқ-овқат махсулоглари ва гайёрланаётган таомлар, шунингдек, уларда фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишини таъминлаш. | 2. Мактабгача таълим ташкилотларининг ошхоналари фаолияти харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, шунингдек, уларда фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхоналар ходимларининг санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этишини аниқлаш | 2019 йил сентябрдан доимий | Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари, ҳудудий ДСЭНМлар ' |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | юзасидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар ойда бир марта барча мактабгача таълим ташкилотларида мониторинг ишларини ўтказиш бўйича тасдиқланган жадвал асосида ўрганишни ташкил этиш. | | |
| **IV. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларининг соғлом овқатланишини ташкил этиш ишларини янада такомиллаштириш тадбирларини молиялаштириш** | | | | |
| 9. | Давлат мактабгача таълим ташкилотлари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчилари лавозим маошларини уларнинг малака разрядларидан келиб чиқиб белгилаш тизимини жорий этиш. | 1. Давлат мактабгача таълим ташкилотлари ошпазлари ва ошпаз ёрдамчиларининг малака тоифалари бўйича лавозим маошларини белгилаш. | 2019 йил сентябрдан | Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси |
| **V. Мактабгача таълими ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишга доир тарғибот-ташвиқот ишлари** | | | | |
| 10. | Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш. | Тарбияланувчилар учун овқатлантиришни ташкил этишда таомларни тайёрлаш усуллари, уларни истеъмол қилишнинг ижобий таъсири, овқатланиш режими, овқатлантиришни ташкил этишни замонавий усулларини тарғиб қилиш. | 2019 йил сентябрдан доимий | Матбуот хизмати, Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкснт шаҳар мактабгача таълим бошқармалари |
| 11. | Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари учун "Тўғри овқатланиш машғулотлари" таълим дастурини жорий этиш. | Тарбиялан)вчиларни соғлом ҳаёт тарзи ва тўғри овқатланиш қоидалари билан таништириш. | 2019-2020 ўқув йилидан | Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент |

| Т/р | Тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Амалга ошириш муддатлари | Маеъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | шаҳар мактабгача таълим бошқармалари |
| 12. | Тарбияланувчилар, педагог ходимлар, ота-оналарнинг соғлом овқатланиш қоидаларига амал қилиниши юзасидан билим ва кўникмаларини янада ривожлантириш бўйича давра суҳбатлари ўтказиш. | Тарбияланувчилар, педагог ходимлар, ота-оналар ўртасида соғлом овқатланиш қоидаларига амал қилиниши юзасидан давра суҳбатлари ўтказиш. | 2019 йил сентябрдан доимий | Мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бошқармаси, Матбуот хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бошқармалари |

**26- илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**143-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 20 август 2019 йил

**Умумий типдаги давлат мактабгача таьлим ташкилотининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

1.Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг Намунавий устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари, давлат мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари:

икки ҳафга муддатда ушбу Намунавий устав асосида давлат мактабгача таълим ташкилотлари ўз уставларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, уларни белгиланган тарғибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

давлат мактабгача таълим ташкилотлари томонидан уставлар асосида ўз иш фаолиятларини ташкил қилинишини таъминласин.

2. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш ва стратегик ривожлантириш бошқармаси (Е. Тен) Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари, давлат мактабгача таълим ташкилотларига мазкур устав асосида ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун методик ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

3. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л. Бердиева) ушбу буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларига ижро учун етказсин.

4. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Мактабгача таълим вазирининг 2017 йил 11 декабрдаги 34-сон "Мактабгача таълим муассасаларининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С. Турғунов зиммасига юклансин.

**Вазир** **А.Шин**

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 20 августдаги
143- сонли буйруғига
ИЛОВА

# Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг

# НАМУНАВИЙ УСТАВИ

**……………..-сонли “………………………..” номли**

**умумий типдаги давлат ДМТТнинг**

## УСТАВИ

### 1- боб. Умумий қоидалар

**1.** ___________ - сонли “________________________” номли умумий типдаги давлат

ДМТТ (кейинги ўринларда ДМТТ деб аталади)

вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси ёки Тошкент шаҳар) тумани

нинг 2019 йил« »

-сонли қарори асосида ташкил этилган.

**2**. ДМТТнинг юридик манзили: ________________ тумани,

……. кўчаси, ……уй.

3. ДМТТнинг таъсисчиси:…………………………………………….

4. Мазкур Устав ДМТТнинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

5. ДМТТ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг (кейинги ўринларда вазирлик деб юритилади) идоравий ва таркибий бўйсунувида ҳисобланади. МТТ Устави қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади.

6. ДМТТ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишлари, мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ҳамда мазкур Уставга мувофиқ амалга оширади.

7. ДМТТ юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси герби тасвири туширилган ва давлат тилида ўз номи ёзилган муҳр ва штамп, бюджет ва бюджетдан ташқари ғазначилик шахсий ҳисоб рақамига эгадир.

8. ДМТТ аккредитацияси ваколатли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги аттестация асосида амалга оширилади.

9. ДМТТнинг бино ва иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилмасдан хусусийлаштирилмайди, ажратиб олинмайди ва қайта ихтисослаштирилмайди.

### 2- боб. ДМТТнинг мақсад ва вазифалари

10. ДМТТнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

боланинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш;

боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланишини сақлаш ва мустаҳкамлаш;

боланинг ижтимоий мослашувини ва умумтаълим муассасаларида таълимни давом эттиришга тайёргарлигини таъминлаш.

11. ДМТТнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

болалар, шу жумладан алоҳида эҳтиёжли болалар томонидан якка тартибдаги ўқув дастурларининг ўзлаштирилиши, шунингдек замонавий мактабгача таълим ва тарбия олиши учун қулай шароит яратиш;

болаларда Ватанга муҳаббат, оиласига, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат, атроф-муҳитга оқилона муносабатда бўлиш туйғуларини шакллантириш;

бола шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий тажриба орттиришига кўмаклашиш;

боланинг ижтимоий мослашувини ва унинг бошланғич таълимга тайёргарлигини таъминлаш;

таълим-тарбия жараёнига замонавий Ўқув дастурлари ҳамда технологияларни жорий этиш.

## 3-боб. ДМТТнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

12. ДМТТ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирлик томонидан тасдиқланган "Илк қадам" Давлат таълим дастури асосида илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ўз ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

боланинг қонуний вакиллари билан тузилган келишув асосидаги тўлов эвазига мактабгача таълимнинг давлат таълим дастуридан ташқари қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш, дам олиш кунлари ёки белгиланган иш соатларидан ташқари болаларни парваришлаш ва уларга қараб туриш;

боланинг қонуний вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича инновацион фаолиятда иштирок этиш;

ДМТТ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. ДМТТнинг мажбуриятлари:

ўқув таълим-тарбия жараёнини илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ амалга ошириш;

мактабгача таълимнинг ўзига хос сифатини таъминлаш;

болага таълим бериш ва уни тарбиялаш масалалари бўйича унинг қонуний вакилларига маслаҳатлар бериш;

болаларни ривожлантириш, тарбиялаш ва таълим олиши учун хавфсиз шарт-шароитларни яратиш;

мактабгача таълим сифати таъминланишини назорат қилишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиш;

ДМТТнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

14. ДМТТ қуйидагилар учун жавобгарликни ўз зиммасига олади:

боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишини олдини олиш;

болаларнинг ДМТТда бўлган вақтида уларнинг ҳаётини ҳимоя қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган шакллар, усуллар ва воситалар болаларнинг ёши, руҳий ва физиологик хусусиятлари, қизиқишлари, қобилиятлари, манфаатлари ва эҳтиёжларига мувофиқ келмаслигини олдини олиш;

болаларни шахс сифатида шаклланишига йўналтирилган ёндашувни қўллаган ҳолда бошлангич таълимга тайёрлаш;

таълим дастурларининг ўзига хос сифатда ва белгиланган ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш;

мазкур Устав билан белгиланган вазифалар ва функцияларни бажариш.

15. ДМТТнинг ўқув жараёни сиёсий ёки таълим олаётган болаларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид ҳаракатларни содир этишга ундаш мақсадларида фойдаланиш тақиқланади.

### 4-боб. ДМТТнинг фаолиятини ташкил қилиш

16. ДМТТ мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ болаларни тарбиялашни, ўқитишни, уларга қараб туришни, уларни парваришлашни ва соғломлаштиришни таъминлайди.

17. ДМТТ гуруҳларининг иш тартиби:

3- ____________кунлик соат (9, 10,5 ва 12 соат)

Соат 08:00 дан _____ гача (ДМТТ иш давомийлиги билан боғлиқ ҳолда)

Қисқа муддатли гуруҳларда икки сменада ташкил этилади:

1- __________ смена: ________ соатдан гача (3 соатдан кам бўлмаган)

2- __________ смена: ________ соатдан гача (3 соатдан кам бўлмаган)

18. ДМТТ ва боланинг қонуний вакиллари билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, боланинг ДМТТда таълим-тарбия олиш вақти боланинг қонуний вакиллари билан тузилган шартнома асосида тартибга солинади.

19. Шартномада боланинг ДМТТга келиш вақти, кун тартиби, овқатланиш жараёни ва бошқа шартлар кўрсатилади.

20. ДМТТда Ўқув йили жорий йилнинг 2 сентябрь кунидан келгуси йилнинг 31 май кунига қадар бўлган даврни, ёзги соғломлаштириш даври йилнинг 1 июнь кунидан 31 август кунига қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

21. ДМТТда болалар учун таълим-тарбия жараёни Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунига мувофиқ давлат тили ва бошқа тилларда ташкил этилади.

## 5- боб. ДМТТга болаларни қабул қилиш ва ундан чиқариш

22. ДМТТга 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинади.

23. Болани ДМТТга доимий ёки вақтинча қатнашга қабул қилиш ушбу ташкилотда бўш жойлар бўлса, календарь йил давомида қуйидагилар асосида амалга оширилади:

боланинг қонуний вакил томонидан берилган аризасига кўра;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 28.03.2018 йилдаги 244-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламентига мувофиқ берилган йўлланмалар;

боланинг соғлиғи ҳолати тўғрисидаги тиббий маълумотнома.

24. Боланинг қонуний вакиллари унинг тиббий харитаси, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси нусхаси, қонуний вакилнинг паспорт нусхаси ва боланинг 2 дона рангли фотосурати (3х4 ўлчамли фотосурат).

25. ДМТТга болани қабул қилиш, уни гуруҳдан гуруҳга ўтказиш билан боғлиқ имтихон ва тест синовларисиз амалга оширилади.

26. Болани ДМТТга қабул қилиш ДМТТ раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади;

27. Тарбияланувчиларни ДМТТ ҳисобидан чиқариш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

боланинг қонуний вакил томонидан берилган аризасига кўра;

тегишли тиббий хулоса асосида;

ота-она бадаллари ўз вақтида тўланмаган тақдирда (Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 23 августда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2821);

тарбияланувчининг қонуний вакиллари ва ДМТТ ўртасида тузилган шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда.

## 6-боб. ДМТТ гуруҳлари тўлдирилиши

28. Гуруҳ ДМТТнинг таркибий бирлиги ҳисобланади.

29. ДМТТдаги гуруҳлар бир хил ёшдаги ҳамда турли ёшдаги болалар билан тўлдирилиши мумкин.

30. ДМТТ тарбияланувчиларини тўлдириш ва бир гуруҳдан бошқасига ўтказиш ҳар йили ўқув йили бошланишидан олдин амалга оширилади.

31. ДМТТда гуруҳлар қуйидаги миқдорда тўлдирилади:

3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган гуруҳларда — камида 20 нафар ва кўпи билан 30 нафар бола;

болалар қисқа вақт бўладиган гуруҳларда — кўпи билан 30 нафар бола;

турли ёшдаги гуруҳларда — камида 20 нафар ва кўпи билан 25 нафар бола.

32. ДМТТнинг тегишли ёшдаги гуруҳини тўлдириш учун ушбу ташкилот тарбияланувчиларини бошқа ёшдаги гуруҳдан қабул қилиш жорий ўқув йили тугаганидан кейин амалга оширилади. Янги тарбияланувчиларни ушбу гуруҳларга қабул қилиш ДМТТдаги бўш жойлар очилишига қараб белгиланган тартибда амалга оширилади.

33. Агар ДМТТ жойлашган жойда ДМТТга боришни хоҳловчи мактабгача ёшдаги болалар сони 20 нафар боладан кам бўлса ва бу жойда бошқа ДМТТ бўлмаса, вазирлик билан келишган ҳолда кам сонли болалардан иборат гуруҳларни ташкил этишга йўл қўйилади.

## 7- боб. ДМТТда таълим-тарбия жараёни ва методика ишларини ташкил этиш

34. ДМТТдаги таълим жараёни вазирлик томонидан тасдиқланган “Илк қадам” Давлат ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган таълим дастури билан белгиланади.

35. Тарбияланувчилар, уларнинг қонуний вакиллари, ДМТТнинг педагог ходимлари таълим-тарбия жараёнининг иштирокчилари ҳисобланади.

36. ДМТТдаги таълим-тарбия жараёни йиллик, календарь-мавзули режалар ва машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

37. ДМТТда таълим ва тарбиянинг шакли, воситалари ва методикалари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларига мувофиқ амалга оширилади.

38. ДМТТда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли ўйин ҳисобланади.

39. Ҳар бир ёшдаги гуруҳлар машғулотлари ва ўйинларининг ҳар кунги сони, давом этадиган даври ва изчиллиги ДМТТдаги тегишли педагог ходимнинг ўқув режаси билан белгиланади.

40. ДМТТда қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининнг “Давлат мактабгача таълим муассасаларида қўшимча пуллик таълим-тарбия хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш тарғиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига мувофиқ амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3123).

## 8- боб. ДМТТда тарбияланувчилар соғлиғини асраш

41. ДМТТда тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган ҳолда вазирлик томонидан белгиланади.

42. ДМТТ тарбияланувчиларига дастлабки тиббий ёрдам ДМТТ штатига кирадиган тиббиёт ходими, томонидан таъминланади ҳамда у ДМТТнинг раҳбари ва бошқа ходимлари билан биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиги ва жисмоний камолоти, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш режими ва сифатига риоя этилиши учун жавобгардир.

43. ДМТТ тиббиёт ходиминиинг фаолиятини назорат қилиш туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси томонидан амалга оширилади.

44. ДМТТ штатидаги ходимлар соғлиқни сақлаш муассасаларида белгиланган тартибда бепул тиббий текширувдан ўтади.

45. ДМТТ тиббиёт ходимининг малакасини ошириш бепул асосда соғлиқни сақлаш тизимининг малака ошириш муассасаларида 3 йилда камида бир марта ўтказилади.

46. ДМТТда тиббиёт ходими учун алоҳида хона ажратилиб, фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилади.

47. Тарбияланувчиларнинг даврий тиббий кўриги туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси билан келишилган ҳолда ўтказилади.

## 9- боб. ДМТТда соғлом овқатланишни ташкил этиш

48. ДМТТда соғлом овқатлантириш тартиби қонун ҳужжатлари, санитария нормалари ва гигена талабларига мувофиқ амалга оширилади.

49. ДМТТда болаларни соғлом овқатланишини ташкил қилиш учун жавобгарлик ташкилот раҳбари зиммасига юклатилади.

50. ДМТТда болаларни соғлом овқатланиш тартиби амалдаги СанПИН меъёрлари асосида белгиланади.

51. ДМТТда овқатланиш белгиланган тартибда ташкилот раҳбари ва тиббиёт ходими томонидан тасдиқланган таомнома асосида ташкил этилади.

52. ДМТТнинг раҳбари, тиббиёт ходими ва озиқ-овқат хизмати ходимлари таомларнинг ўзига хос сифати (хилма-хиллиги), озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария меъёрлари, қоидалари ва гигиена талабларига мувофиқ сақланиши ва фойдаланилиши, овқатларни тайёрланиши технологияси, таъми, шунингдек, овқатланиш бўлими ва ошхонанинг санитария талабларига риоя этилиши ахволи учун жавобгар ҳисобланади.

53. ДМТТда соғлом овқатланишни ташкил этиш қонунчиликка мувофиқ аутсорсинг услубида ташкил этилиши мумкин.

## 10- боб. ДМТТ фаолиятини молиялаштириш

54. ДМТТ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, болаларни ДМТТда сақлаш учун олинадиган ота-оналар тўлови, жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

55. ДМТТга қўшимча бюджет маблағларни жалб қилиш бюджетдан молиялаштиришни камайтиришга олиб келмайди.

## 11-боб. Болаларни ДМТТда сақлаш учун ота-оналар тўлови

56. Тарбияланувчиларни ДМТТда сақлаш деганда тарбияланувчиларни парваришлаш, овқатлантириш ва уларга қараб туриш тушунилади.

57. Болаларни ДМТТда сақлаш учун ота-оналар тўлови қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

58. Ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилалар фарзандларини сақлаш учун ота-оналар тўлови имтиёзли шартларда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда амалга оширилади.

## 12- боб. ДМТТни бошқариш

59. ДМТТни бошқариш қонун ҳужжатларида ва мазкур Уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

60. ДМТТга вазирлик билан келишув бўйича вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан мактабгача таълим муассасаси Кузатув кенгаши томонидан танланадиган мудир раҳбарлик қилади.

61. ДМТТ фаолиятига мудир жорий раҳбарлик қилади ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотининг Кузатув кенгаши ва муассиси олдида ҳисоб беради.

62. ДМТТ раҳбари:

мазкур устав асосида унга берилган ваколатлар доирасида фаолият юритади;

ДМТТ фаолиятига раҳбарлик қилади ва ишни самарали ташкил этади;

вазирликнинг тегишли худудий бўлинмаси билан келишилган ҳолда ДМТТ штатларини тасдиқлайди ва белгиланган тартибда ваколатли органлардан рўйхатдан ўтказади;

ДМТТ номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, жойлардаги ҳокимият ва давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан бўлган муносабатларда ташкилот манфаатларини ифода этади;

белгиланган тартибда ДМТТнинг мол-мулки ва воситаларидан фойдаланади, ўз ваколати доирасида вазирлик ва унинг худудий бўлинмалари билан келишган ҳолда битимлар тузади;

ўз ваколати доирасида буйруқлар чиқаради ва ишончномалар беради;

ДМТТ фаолиятини такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш юзасидан тегишли туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлинмасига таклифлар киритади;

тарбияланучиларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, шунингдек ўқув жараёнини самарали ташкил этишни таъминлайди;

ДМТТнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий талабларга жавоб берадиган жиҳозлар, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедия воситалари билан таъминлаш бўйича ишларни ташкил этади;

ДМТТнинг молиявий-хўжалик фаолияти учун жавоб беради;

бюджетдан ташқари қўшимча молиялаштириш манбалари ва моддий ресурсларни, шу жумладан қонунда тақиқланмаган ҳомийларнинг маблағларини жалб қилади;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ ДМТТ ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

вазирлик билан келишган ҳолда ДМТТнинг ички тартиб қоидаларини, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа қоидаларни тасдиқлайди;

қонун ҳужжатлари талаблари ва меъёрларига мувофиқ, шунингдек бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш ҳисобига ДМТТнинг моддий-техник жиҳатдан таъминланишини ва хоналарни жиҳозланишини амалга оширади;

ДМТТнинг молиявий маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлайди;

ўз ваколати доирасида ДМТТнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ДМТТ ходимлари ўртасида хизмат вазифаларини қайта тақсимлаши ёки зарур ҳолларда қонунчилик билан тақиқланмаган ва ДМТТни ривожлантиришга қаратилган янги вазифаларни бажаришни юклаши мумкин;

ДМТТ ходимлари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш талаблари ва меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини таъминлайди, шаффоф ва ҳалол танлов орқали ходимларни меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилишни, малакаси оширилишини ва ищдан бўшатилишини амалга оширади;

ДМТТнинг фаолияти бўйича ҳисоботларни ва бошқа зарур маълумотларни белгиланган тартибда вазирликнинг худудий бўлинмаларига тақдим этилишини таъминлайди;

ДМТТнинг хўжалик-молиявий фаолиятига раҳбарлик қилади, амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставда вазирлик ва унинг худудий бўлинмалари ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;

вазирликнинг буйруқлари, фармойишлари ва бошқа норматив ҳужжатларини сўзсиз ижро этилишини таъминлайди;

вазирликнинг норматив ҳужжатларига мувофиқ ҳолда тайёрланган ДМТТнинг норматив ҳужжатларини тасдиқлайди ва жорий этилишини таъминлайди;

ДМТТ фаолиятида манфаатлар тўқнашувларини хал қилиш, шунингдек ДМТТ ва ўзнинг фаолиятида ҳуқуқбузарлик ва коррупция ҳолатларига йўл қўймасликни самарали чораларини кўради, бу каби ҳолатларга йўл қўйилиб, ўрнатилган одоб аҳлоқ қоидаларига риоя қилинмаганида вазирликнинг худудий бўлинмаларига хабар қилади;

фавқулотда вазиятлар, аниқланган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар, хавфли ва салбий ҳолатлар, ДМТТ тарбияланувчилари, уларнинг ота-оналари ва ходимларнинг соғлиғи ва ҳаётига етказилган зарарлар тўғрисида вазирликнинг худудий бўлинмаларига дархол хабар қилади;

ДМТТнинг иш фаолияти ҳақида вазирликнинг худудий бўлинмаларига ойлик ва чорақлик ҳисобот беради;

ДМТТнинг ва ходимларининг фаолиятини қонун ҳужжатлари, вазирликнинг буйруқлари, фармойишлари ва бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ ташкил қилади ва таъминлайди;

ДМТТнинг ривожлантирилишига қаратилган қонун билан тақиқланмаган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

63. ДМТТ мудири лавозимига қўйиладиган малака талаблари вазирлик томонидан белгиланади.

64. ДМТТнинг мудири лавозимида фаолият олиб боришга қонун ҳужжатларида чекловлар белгиланиши мумкин.

## 13- боб. МТТ бошқариш органлари

65. Қуйидагилар ДМТТнинг бошқарув органлари ҳисобланади:

Педагогик кенгаши;

Кузатув кенгаши.

ю

66. ДМТТнинг Педагогик кенгаш фаолияти жамоатчилик асосида ташкил қилинади. Педагогик кенгаш ДМТТ ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, шунингдек унинг фаолияти билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни мувофиқлаштириш бўйича коллегиал орган ҳисобланади.

67. ДМТТнинг Педагогик кенгаши:

ДМТТда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқади;

ДМТТнинг иш режасини ва педагог ходимларининг педагогик юкламасини белгилайди;

ДМТТнинг таълим дастурини амалга ошириш натижаларини баҳолайди;

ДМТТ ва боланинг қонуний вакиллари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тартибини белгилайди;

ДМТТнинг педагог ходимлари малакасини ошириш, уларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш, таълим жараёнига фан ютуқларини ва илғор педагогик тажрибани жорий этиш масалаларини муҳокама этади;

ДМТТ ходимларини маънавий ва моддий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқади;

ДМТТ раҳбари ва педагог ходимлар ҳисоботларини эшитади.

ДМТТ Педагогика кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам бажариши мумкин.

ДМТТ Педагогика кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби вазирлик томонидан белгиланади.

68. ДМТТда болани тарбиялаш, шакллантириш ва ўқитишда кўмаклашиш мақсадида Кузатув кенгаши ташкил этилади. Унинг таркиби ушбу ташкилотга борадиган болаларнинг қонуний вакиллари, унинг ходимлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари орасидан тузилади.

69. ДМТТнинг кузатув кенгаши 11 кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади. Унинг таркибига ҳар бир гуруҳдан тарбияланувчиларнинг қонуний вакиллари орасидан 3 нафардан, ДМТТнинг педагоглари ва тарбиячиларнинг ёрдамчилари орасидан 2 нафардан, ДМТТ маъмуриятидан 1 нафар, тегишли ҳудудий мактабгача таълим бўлимидан 1 нафар, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар орасидан 2 нафар аъзолар киритилади.

ДМТТнинг Кузатув кенгаши:

ДМТТни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди;

мактабгача таълимнинг туман (шаҳар) бўлими томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан ДМТТ раҳбарини сайлайди, шунингдек, уни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритади;

ДМТТ раҳбарининг унинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, молия-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет, бюджетдан ташқари, ҳомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларини вақти-вақти билан эшитади;

ДМТТда соғлом овқатланишни ташкил қилиниши сифатини аниқлаш мақсадида ДМТТ овқатланиш бўлими фаолияти юзасидан мониторинг ўтказади;

ДМТТ раҳбари, педагог ходимлар ва бошқа ходимлар фаолиятига таааллуқли ижтимоий сўровлар ўтказади;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларига ДМТТ ходимларини рағбатлантириш тўғрисида таклифлар киритади.

ДМТТнинг Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

ДМТТнинг Кузатув кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби вазирлик томонидан белгиланади.

## 14- боб. Бола қонуний вакилларинииг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

70. Боланинг қонуний вакиллари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўзининг боласи учун мактабгача таълим шаклини ва таълим бериш тилини танлаш;

ДМТТ маъмуриятидан мактабгача ёшдаги болаларга мактабгача таълим бериш ва тарбиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;

болани ривожлантириш, тарбиялаш ва таълим бериш масалалари юзасидан ваколатли органларга мурожаат қилиш;

боланинг шахсига ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

ДМТТда болалар таълим олиши ва тарбияланишини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

ДМТТнинг ўқув режалари ва дастурлари билан танишиш;

ДМТТ Кузатув кенгаши таркибини сайлаш ва унга сайланиш.

Боланинг қонуний вакиллари қонун ҳужжатларига ва ДМТТ билан тузилган шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

71. Бола қонуний вакилларининг мажбуриятлари:

Боланинг жисмоний саломатлиги, руҳий ҳолати ҳақида доим қайғуриши, унинг табиий қобилиятлари, иштиёқлари ва истеъдодларини ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитлар яратиши;

ДМТТдаги таълим-тарбия жараёнининг бошқа иштирокчилари ор-номуси ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши;

болаларни Ватанга муҳаббат, меҳнатга, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши;

оилада бола ҳар томонлама ривожланиши, тарбия ва таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиши шарт.

Боланинг қонуний вакиллари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

## 15- боб. ДМТТ педагог ва бошқа ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

72. ДМТТ ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги қонун ҳужжатлари, мазкур Устав ва меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви билан белгиланади.

73. ДМТТ педагог ва бошқа ходимлари билан меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш меҳнат шартномаси, ДМТТнинг ички меҳнат қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ амалга оширилади.

74. ДМТТда тегишли педагогик маълумотга, мактабгача таълим соҳасида касбий тайёргарликка ва юксак маънавий, аҳлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

75. Суднинг ҳукми ёки тиббий хулосага асосан педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларга ДМТТда педагогик фаолият олиб боришига йўл қўйилмайди.

76. ДМТТ педагог ва бошқа ходимлари лавозимларида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Қонунда бошқа чекловлар ҳам белгиланиши мумкин.

77. ДМТТнинг педагог ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

касбий ор-номуси ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

ижодий ташаббус кўрсатиш, таълим бериш ва тарбиялаш методикаларини, ўқув қўлланмалари ҳамда таълим бериш воситаларини эркин танлаш;

ДМТТни бошқаришда мазкур Уставда белгиланган тартибда иштирок этиш;

мактабгача таълимнинг Ўқув дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

педагогик фаолиятда маънавий ва моддий рағбатлантириш;

мактабгача ёшдаги болаларга мактабгача таълим бериш ва тарбиялаш соҳасидаги илмий, инновацион, халқаро тадбирларда иштирок этиш.

ДМТТнинг педагог ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

ДМТТнинг педагог ходимларини ўз касбий мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган иш турларига жалб қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

78. ДМТТ педагог ходимларининг мажбуриятлари:

ДМТТда болаларга юксак касбий даражада таълим ва тарбия бериши;

педагогика одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, болаларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши, болаларни тазйиқ ўтказилишидан ҳимоя қилиши, уларни ватанпарварлик, меҳнатга, атроф-муҳитга ва ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялаш;

ўз вақтида ва белгиланган тартибда касбий маҳорат ва малакаларини ошириш;

ўз касбий кўникмалари ва педагогик маҳоратини доимий такомиллаштириб бориши шарт.

ДМТТнинг педагог ходимлари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

ДМТТда таълим-тарбия жараёнидан сиёсий мақсадларда ёки болаларни қонун ҳужжатларига зид ҳаракатларни содир этишга ундаш учун фойдаланиш тақиқланади.

79. ДМТТ педагог ходимлари қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

ДМТТдаги фаолиятида хизмат вазифаларининг ижросини таъминлаш, мазкур Уставга мувофиқ берилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

фаолиятдаги ҳуқуқбузарлик ва мансабга совуққонлиги юзасидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида келиб чиққан жиддий зиён ва зарар;

малака талаблари ва лавозим йўриқномасига мувофиқ топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш.

ДМТТ педагог ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа жавобгарлик ҳам белгиланиши мумкин.

## 16- боб. ДМТТнинг мол-мулки ва маблағлари

80. Таъсисчи, вазирлик ёки у ваколат берган орган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ДМТТга ўтказадилар.

ДМТТга ўтказилган мол-мулк унинг тезкор бошқарувида бўлади. ДМТТ ўзига тегишли ва харажатлар сметаси бўйича ўзига ажратилган маблағлар ҳисобига харид қилинган мол-мулкни қонун ҳужжатлари ва вазирлик томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тасарруф этади.

81. ДМТТнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ молиялаштирилади.

82. ДМТТ мол-мулки ва пул маблағлари манбалари шакллантирилиши қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари;

тарбияланувчиларни сақлаш учун ота-оналар тўлови;

ДМТТда қўшимча пуллик таълим хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек хориждан келган қонун билан тақиқланмаган ҳомийлик ҳайрия маблағлари;

маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

83. ДМТТни молиялаштириш белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметасига мувофиқ амалга оширилади.

84. Болаларнинг ДМТТда сақлаш учун тўлов накд пул, пластик карта электрон тўлов ёки тижорат банклари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу ҳолатда тўловни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ДМТТга тақдим этилади (электрон тўловдан ташқари). Болаларни ДМТТда сақлаш учун тўлов келгусида белгиланган тартибда фойдаланиш учун тегишли ДМТТнинг ота-оналар тўлови бўйича ғазначилик ҳисоб рақамига тушади.

85. Қонун ҳужжатларига мувофиқ тўловнинг бошқа қоидалари ҳам белгиланиши мумкин.

86. ДМТТнинг молия-хўжалик фаолияти туман (шаҳар) марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари орқали бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга опшради.

87. ДМТТни бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси маблағлари фақатгина ДМТТ раҳбарининг асослантирилган талабномасига кўра туман (шаҳар) марказлашган молия-бухгалтерия хизматлари орқали сарфланади.

## 17- боб. Якуний қоидалар. ДМТТни қайта ташкил этиш ва тугатиш

88. ДМТТда сиёсий партиялар ва диний муассасаларнинг ташкилий тузилмалари ташкил этилишига ва фаолиятига йўл қўйилмайди.

89. Халқаро ҳамкорлик, педагогик ахборот ва тажриба алмашиш, педагог ходимлар амалиётини ўтказиш ва малакасини ошириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

90. ДМТТни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

ПРИЛОЖЕНИЕ

к приказу Министра дошкольного образования
Республики Узбекистан

от 20 августа 2019 г. № 143

# ТИПОВОЙ УСТАВ

## государственной дошкольной образовательной организации общего типа

# УСТАВ

## государственной дошкольной образовательной организации общего типа

## № ……………

### Глава 1. Общие положения

1. Государственная дошкольная образовательная организация общего типа (далее - ГДОО) № _______________ “ ______________________”, создана на основании Решения______________________________________________________ района ______________________________________________________________ области (Республики Каракалпакстан или города Ташкента) от “ _______________ ” _________ 20_______ года за №______________________.

2. Юридический адрес ГДОО: _____________________________________ район, улица ______ , дом______________.

3. Учредитель ГДОО: ____________________________________________________

4. Настоящий Устав определяет цели и задачи, права, обязанности и ответственность ГДОО, а также порядок организации его деятельности.

5. ГДОО находится в ведомственном и структурном подчинении Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан (далее - Министерство). Устав ГДОО утверждается и регистрируется в установленном законодательством порядке.

6. ГДОО осуществляет свою деятельность в соответствии с Конституцией и законами Республики Узбекистан, постановлениями палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, указами, постановлениями и распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета Министров, Государственными требованиями к развитию детей раннего и дошкольного возраста и настоящим Уставом.

7. ГДОО является юридическим лицом, имеет печать с изображением Государственного герба Республики Узбекистан и своим наименованием на государственном языке и штамп, бюджетные и внебюджетные казначейские лицевые счета.

8. Аккредитация ГДОО осуществляется уполномоченным государственным органом на основе аттестации в порядке, установленном законодательством.

9. Здания и сооружения ГДОО не подлежат приватизации, отчуждению и перепрофилированию без согласования с Министерством.

### Глава 2. Цели и задачи ГДОО

10. Целями ГДОО являются:

обеспечение реализации права ребёнка на образование;

сохранение и укрепление физического, умственного и духовного развития ребёнка;

обеспечение социальной адаптации ребёнка и готовности продолжать образование в общеобразовательных учреждениях.

11. **Задачами ГДОО являются:**

создание благоприятной среды позволяющей детям, в том числе детям с особыми потребностями, получать индивидуальные образовательные программы, а также современное дошкольное образование и воспитание;

формирование у детей чувства любви к Родине, уважительного отношения к семье, национальным, историческим, культурным ценностям своего народа, бережного отношения к окружающей среде;

формирование личности ребёнка, развитие его творческих способностей, приобретение им социального опыта;

обеспечение социальной адаптации ребёнка и его готовности к начальному образованию;

внедрение современных образовательных программ и технологий в образовательно-воспитательных процесс.

## Глава 3. Права, обязанности и ответственность ГДОО

12. **ГДОО имеет право:**

на основе утвержденной Министерством Государственной учебной программы «Илк қадам» разрабатывать собственную образовательную программу в соответствии с государственными требованиями к развитию детей раннего и дошкольного возраста;

оказывать дополнительные платные образовательные услуги сверх государственной образовательной программы дошкольного образования, услуги по уходу и присмотру за детьми в нерабочие дни или сверх установленных рабочих часов на основе договора с законными представителями ребёнка;

осуществлять взаимодействие с законными представителями ребёнка;

принимать участие в инновационной деятельности по развитию системы дошкольного образования.

ГДОО может иметь и иные права в соответствии с законодательством.

13. ГДОО обязана:

осуществлять образовательно-воспитательный процесс в соответствии с Государственными требованиями к развитию детей раннего и дошкольного возраста;

обеспечивать надлежащее качество дошкольного образования;

оказывать консультативную помощь законным представителям ребёнка по вопросам его воспитания и образования;

з

создавать безопасные условия для развития, воспитания и обучения детей;

оказывать содействие уполномоченным государственным органам в проведении контроля за обеспечением качества дошкольного образования.

ГДОО может нести и иные обязанности в соответствии с законодательством.

14. ГДОО несет ответственность за:

нарушение прав и законных интересов ребёнка;

организацию охраны жизни и укрепления здоровья детей во время их нахождения в ГДОО;

несоответствие применяемых форм, методов и средств организации образовательно-воспитательного процесса возрастным, психическим и физиологическим особенностям, склонностям, способностям, интересам и потребностям детей;

качество подготовки детей к начальному образованию с применением личностно-ориентированного подхода;

обеспечение надлежащего качества и установленного объема реализации образовательных программ;

выполнение задач и функций, предусмотренных настоящим Уставом.

15. Запрещается использовать учебных процесс ГДОО в политических целях или для побуждения обучающихся детей к совершению действий, противоречащим Конституции и законодательным актам Республики Узбекистан.

**Глава 4. Организация деятельности ГДОО**

16. ГДОО обеспечивает обучение, воспитание, присмотр, уход детей в соответствии с установленными государственными требованиями, предъявляемыми к дошкольному образованию.

17. Порядок работы групп ГДОО:
5-дневка______ часов (9, 10,5 и 12 часов)
С 8:00 часов до _______ (в зависимости от длительности работы ГДОО).
Кратковременные группы организуются в две смены:

1- ___________ смена: с_________ часов до (не менее 3 часов)

2- ___________ смена: с_________ часов до (не менее 3 часов)

18. Взаимоотношения между ГДОО и законными представителями ребёнка, а также время пребывания детей в ГДОО регулируются договором, которые заключается с законными представителями ребёнка.

19. В договоре указывается режим посещения ребёнком ГДОО, кратность питания и иные условия.

20. Учебный год в ГДОО включает период со 2 сентября текущего года до 31 мая следующего года, летний оздоровительный период - с 1 июня по 31 августа текущего года.

21. Обучение и воспитание детей в ГДОО ведется на государственном языке и других языках в соответствии с Законом Республики Узбекистан «О государственном языке».

## Глава 5. Прием и выбытие детей из ГДОО

22. В ГДОО принимаются дети в возрасте от 3 до 7 лет.

23. Прием ребёнка на постоянное или временное посещение в ГДОО осуществляется в течение календарного года при наличии свободных мест в ГДОО на основании:

заявления законного представителя ребёнка;

направления, выданного в соответствии с Административным регламентом оказания государственных услуг по приему детей в государственные дошкольные образовательные учреждения, утвержденного постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28.03.2018 г. №244 “Об утверждении Административного регламента оказания государственных услуг по приему детей в государственные дошкольные образовательные учреждения);

медицинского заключения о состоянии здоровья ребёнка.

24. Законные представители ребёнка обязаны представить медицинскую карту ребёнка, копию свидетельства о рождении, копию паспорта законного представителя и 2 цветных фото ребёнка (размер фото - 3x4).

25. Приём ребёнка в ГДОО, его перевод из группы в группу осуществляется без проведения испытательных экзаменов и тестирования его знаний.

26. Приём ребёнка в ГДОО оформляется приказом руководителя ГДОО;

27. Выбытие воспитанников из ГДОО осуществляется в следующих случаях:

на основе заявления законного представителя ребёнка;
на основе соответствующего медицинского заключения;

при несвоевременной оплате родительских взносов (Зарегистрировано Министерством юстиции 23 августа 2016 г. Регистрационные № 2821);

в случае невыполнения условий договора, заключённого между ГДОО и законными представителями воспитанника.

## Глава 6. Комплектование групп ГДОО

28. Группа является структурной единицей ГДОО.

29. Группы в ГДОО могут комплектоваться как по возрастной, так и разновозрастной категориям.

30. Комплектование и перевод воспитанников ГДОО из одной группы в другую осуществляется ежегодно до начала учебного года.

31. В ГДОО комплектность групп составляет, соответственно:

в группах для детей в возрасте от 3 лет до 7 лет - не менее 20 и не более 30 детей;

в группах с кратковременным пребыванием детей - не более 30 детей;

в разновозрастных группах - не менее 20 и не более 25 детей.

32. Комплектование групп соответствующей возрастной группы ГДОО воспитанниками данного ГДОО из другой возрастной группы осуществляется после завершения текущего учебного года, новые воспитанники в данную группу принимаются по мере освобождения мест в ГДОО в установленном порядке.

33. Если в месте расположения ГДОО количество детей дошкольного возраста, желающих посещать ГДОО, не достигает 20 детей и в данной местности нет другой ГДОО, допускается организация малокомплектных групп по согласованию с Министерством.

## Глава 7. Образовательно-воспитательный процесс и методическая работа в ГДОО

34. Содержание образования в ГДОО определяется образовательной программой, разработанной на основе утвержденной Министерством Государственной учебной программы «Илк қадам».

35. Воспитанники, их законные представители, педагогические работники ГДОО являются участниками образовательно-воспитательного процесса.

36. Образовательно-воспитательный процесс в ГДОО регламентируется годовым, календарно-тематическим планом, а также расписанием занятий.

37. ГДОО выбирает формы, средства и методы обучения и воспитания в соответствии с законодательством Республики Узбекистан и Государственными требованиями к развитию детей раннего и дошкольного возраста.

38. Основной формой организации образовательно-воспитательного процесса в ГДОО является игра.

39. Ежедневное количество, периодичность и последовательность занятий, игр в каждой возрастной группе определяется планом работы соответствующего педагогического работника ГДОО.

40. Дополнительную платные образовательно-воспитательные услуги в ГДОО организовываются в строгом соответствии с приказом Министра дошкольного образования Республики Узбекистан “Об утверждении положения о порядке организации деятельности по оказанию дополнительных платных образовательно-воспитательных услуг в государственных дошкольных образовательных учреждениях» (Зарегистрирован Министерством юстиции Республики Узбекистан 18 января 2019 г. Регистрационный № 3123).

## Глава 8. Охрана здоровья воспитанников ГДОО

41. Порядок организации зашиты жизни и здоровья воспитанников ГДОО определяется Министерством по согласованию с Министерством здравоохранения Республики Узбекистан.

42. Оказание первой медицинской помощи воспитанникам ГДОО осуществляется медицинским работником, входящим в штат ГДОО, которые совместно с руководителем и другими работниками ГДОО несут ответственность за жизнь, здоровье и физическое развитие детей, проведение лечебно-профилактических мероприятий, соблюдение санитарно-гигиенических норм, режим и качество питания.

43. Контроль за деятельностью медицинского работника ГДОО осуществляется районными (городскими) медицинскими объединениями.

44. Штатные работники ГДОО проходят бесплатное медицинское обследование в учреждениях здравоохранения в установленном порядке.

45. Повышение квалификации медицинского работника ГДОО осуществляется на бесплатной основе в учреждениях повышения квалификации системы здравоохранения не менее одного раза в 3 года.

46. В ГДОО выделяется отдельное помещение для медицинского работника и создаются необходимые условия для его работы.

47. Периодический медицинский осмотр воспитанников проводится по согласованию с районными (городскими) медицинскими объединениями.

## Глава 9. Организация здорового и сбалансированного питания в ГДОО,

48. Организация питания в ГДОО осуществляется в соответствии с законодательством и требованиями санитарных норм, правил и гигиенических нормативов.

49. Ответственность за организацию здорового и сбалансированного питания детей в ГДОО возлагается на руководителя ГДОО.

50. Распорядок питания детей в ГДОО определяется действующими нормами СанПиН.

51. Питание в ГДОО организовывается на основе меню, утверждённого руководителем и медицинским работником ГДОО в установленном порядке.

52. Руководитель, медицинский работник и работники пищеблока ГДОО несут ответственность за надлежавшее качество (разнообразие) блюд, хранение и использование продовольственной продукции в соответствии с требованиями санитарных норм, правил и гигиенических нормативов, технологии приготовления, вкусовых качеств, а также за санитарное состоянием пищеблока и столовой ГДОО.

53. Здоровое и сбалансированное питание в ГДОО может быть организовано методом аутсорсинга в соответствии с законодательством.

## Глава 10. Финансирование деятельности ГДОО

54. Финансирование деятельности ГДОО осуществляется за счет средств Государственного бюджета Республики Узбекистан, родительской платы за содержание детей в ГДОО, благотворительных пожертвований физических и юридических лиц и других источников, не запрещенных законодательством.

55. Привлечение в ГДОО дополнительных внебюджетных средств не влечет за собой снижения бюджетного финансирования.

## Глава 11. Родительская плата за содержание детей в ГДОО

56. В содержание воспитанников в ГДОО включается уход, питание и присмотр воспитанников.

57. Родительская плата за содержание детей в ГДОО осуществляется в размерах, установленных законодательством.

58. Родительская плата за содержание детей из семей, нуждающихся в социальной поддержке, осуществляется на льготных условиях в размерах, установленных законодательством.

## Глава 12. Управление ГДОО

59. Управление ГДОО осуществляется в порядке, предусмотренном законодательством и настоящим Уставом.

60. Руководителем ГДОО является заведующий, избираемым

Наблюдательным советом дошкольной образовательной организации из числа кандидатов, рекомендованных территориальными подразделениями Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан по согласованию с Министерством.

61. Заведующий осуществляет текущее руководство деятельностью ГДОО и подотчетен Наблюдательному совету, учредителю и Министерству.

62. Заведующий ГДОО:

действует на основании настоящего Устава в рамках предоставленных ему полномочий;

руководит деятельностью и эффективно организует работу ГДОО;

утверждает штатное расписание ГДОО по согласованию с соответствующим территориальным подразделением Министерства и регистрирует в установленном порядке уполномоченных органах;

без доверенности действует от имени ГДОО, представляет его интересы в отношениях с государственными органами, органами местной власти на местах, юридическими и физическими лицами;

в установленном порядке распоряжается имуществом и средствами ГДОО, совершает сделки в рамках своих полномочий и по согласованию с Министерством и его территориальными подразделениями;

в пределах своей компетенции издает приказы и выдает доверенности;

вносит в соответствующий районный (городской) отдел дошкольного образования предложения по совершенствованию деятельности ГДОО, укреплению его материально-технической базы, обеспечению социальной зашиты сотрудников;

обеспечивает эффективную организацию зашиты жизни и здоровья воспитанников, а также образовательно-воспитательного процесса;

организует работу по укреплению материально-технической базы ГДОО, обеспечению его необходимым инвентарем, оснащением, учебно-методическими пособиями и мультимедийными средствами, отвечающими современным требованиям;

отвечает за финансово-хозяйственную деятельность ГДОО;

привлекает дополнительные внебюджетные источники финансирования и материальные средства, включая средства спонсоров, не запрещенных законодательством;

назначает и освобождает от должности сотрудников ГДОО в соответствии с действующим законодательством;

по согласованию с Министерством утверждает правила внутреннего распорядка ГДОО, а также иные правила в соответствии с законодательством;

осуществляет материально-техническое обеспечение, оборудование помещений в соответствии с установленными законодательством требованиями и нормативами, в том числе, за счет привлечения внебюджетных средств;

обеспечивает целенаправленное и рациональное использование финансовых средств ГДОО;

издает в пределах своей компетенции приказы и даёт указания, обязательные для всех сотрудников ГДОО;

может перераспределять должностные обязанности между сотрудниками ГДОО или при необходимости поручать им выполнение новых обязанностей, не запрещенных законодательством и направленных на развитие ГДОО;

обеспечивает соблюдение трудового законодательства и требований по исключению конфликта интересов между сотрудниками ГДОО, осуществляет прозрачный и честный подбор, прием на работу по трудовому договору сотрудников, повышение их квалификации и увольнение в соответствии с трудовым законодательством;

обеспечивает представление в установленном порядке отчетов и другой необходимой информации о деятельности ГДОО в территориальные подразделения Министерства;

осуществляет текущее руководство хозяйственной и финансовой деятельностью ГДОО, за исключением вопросов, отнесенных действующим законодательством или настоящим Уставом к компетенции Министерства и его территориальных подразделений;

принимает к безусловному исполнению приказы, распоряжения и другие нормативные акты Министерства;

утверждает и внедряет нормативные акты ГДОО в соответствии с нормативными актами Министерства;

принимает меры по разращению ситуаций конфликтов интересов, принимает эффективные меры по исключению и недопущению в деятельности ГДОО и в своей работе коррупционных факторов и нарушений, сообщает о фактах коррупции, ситуации конфликта интересов и несоблюдения установленных этических правил в территориальные подразделения Министерства;

незамедлительно сообщает территориальным подразделениям Министерства о чрезвычайных ситуациях, обнаруженных нарушениях, преступлениях, опасных и негативных ситуациях, о вреде, повлёкших ущерб здоровью и жизни воспитанников, их законных представителей и работников;

ежемесячно и ежеквартально отправляет отчет в соответствующее территориальное подразделения Министерства о деятельности ГДОО;

организовывает и обеспечивает работу ГДОО и его сотрудников в соответствии с требованиями законодательства, приказами, распоряжениями и другими нормативными актами Министерства;

выполняет другие задачи, не запрещенные законодательством и направленные на развитие ГДОО.

63.Квалификационные требования, предъявляемые к должности заведующего ГДОО, определяются Министерством.

64.Законодательством могут быть установлены ограничения на осуществление деятельности лиц на должности заведующего ГДОО.

## Глава 13. Органы управления ГДОО

65. Органами управления ГДОО являются:

Педагогический совет;

Наблюдательный совет.

66. В ГДОО на общественных началах организуется деятельность Педагогического совета. Педагогический Совет является коллегиальным органом по координации основных вопросов и всех организационных вопросов, относящихся к образовательно-воспитательной деятельности ГДОО.

67. Педагогический совет ГДОО:

рассматривает вопросы совершенствования образовательно-воспитательного процесса в ГДОО;

утверждает план работы ГДОО и педагогическую нагрузку педагогических работников;

оценивает результаты реализации образовательной программы ГДОО;

определяет порядок сотрудничества ГДОО с законными представителями ребёнка;

обсуждает вопросы повышения квалификации педагогических работников ГДОО, развития их творческой инициативы, внедрения в образовательный процесс достижений науки и передового педагогического опыта;

рассматривает вопросы морального и материального поощрения работников ГДОО;

заслушивает отчеты руководителя и педагогических работников ГДОО.

Педагогический совет ГДОО может осуществлять и иные полномочия в соответствии с законодательством.

Порядок организации деятельности Педагогического совета дошкольной образовательной организации устанавливается Министерством.

68. В ГДОО в целях оказания содействия в воспитании, развитии и образовании ребёнка создается Наблюдательный совет, состав которого формируется из числа законных представителей детей, посещающих данную организацию, его работников, а также представителей негосударственных некоммерческих организаций и спонсоров.

69. Наблюдательный совет ГДОО создаётся в количестве не менее 11 человек, в составе 3 человек из числа законных представителей детей из каждой группы ГДОО, по 2 человека из числа педагогов и помощников воспитателей, 1 представителя территориального подразделения дошкольного образования, 1 представителя администрации ГДОО и 2 представителей общественных структур и спонсоров.

Наблюдательный совет ГДОО:

определяет приоритетные направления развития ГДОО;

избирает заведующего ГДОО из числа кандидатур, рекомендованных районным (городским) отделом дошкольного образования по согласованию с Министерством, а также вносит в установленном порядке предложения по освобождению его от занимаемой должности;

периодически заслушивает отчеты заведующего ГДОО о принимаемых мерах по совершенствованию его деятельности, финансово-хозяйственном состоянии, доходах и расходах, использовании бюджетных, внебюджетных, спонсорских и иных средств;

проводит мониторинг деятельности пищеблока ГДОО с целью контроля за качеством организации здорового и сбалансированного питания в ГДОО;

проводит социальные опросы, касающиеся деятельности заведующего, педагогических и других работников ГДОО;

вносит в соответствующие районные (городские) отделы дошкольного образования предложения о поощрении работников ГДОО.

Наблюдательный совет дошкольной образовательной организации может осуществлять и иные полномочия в соответствии с законодательством.

Порядок организации деятельности Наблюдательного совета дошкольной образовательной организации устанавливается Министерством.

## Глава 14. Права и обязанности законных представителей ребёнка

70. Законные представители ребёнка имеют право:

защищать права и интересы ребёнка;

выбирать для своего ребёнка формы дошкольного образования и язык обучения в соответствии с законодательством;

требовать от администрации ГДОО обеспечения необходимых условий, предусмотренных законодательством в сфере дошкольного образования;

обращаться в уполномоченные органы по вопросам развития, воспитания и обучения ребёнка;

требовать уважительного отношения к личности ребёнка;

принимать активное участие в организации обучения и воспитания детей в ГДОО;

знакомиться с учебными планами и программами ГДОО;

избирать и быть избранными в состав Наблюдательного совета ГДОО.

Законные представители ребёнка могут иметь и иные права в соответствии с законодательством и договором, которые заключается с ГДОО.

71. Законные представители ребёнка обязаны

постоянно заботиться о физическом здоровье, психическом состоянии ребёнка, создавать надлежащие условия для развития его природных задатков, наклонностей и способностей;

уважать честь и достоинство других участников образовательно-воспитательного процесса в ГДОО;

воспитывать детей в духе любви к Родине, уважительного отношения к труду, к национальным, историческим, культурным ценностям своего народа, бережного отношения к окружающей среде;

обеспечивать необходимые условия для всестороннего развития, воспитания и образования ребёнка в семье.

Законные представители ребёнка могут иметь и иные обязанности в соответствии с законодательством.

## Глава 15. Права, обязанности и ответственность педагогических и других работников ГДОО

72. Права, обязанности и ответственность работников ГДОО определяются законодательными актами, настоящим уставом, а также трудовым договором или трудовым соглашением.

73. Заключение и расторжение трудового договора с педагогическим и другими работниками ГДОО осуществляется в соответствии с трудовым договором, Правилами внутреннего трудового распорядка ГДОО и Трудового Кодекса Республики Узбекистан.

74. Педагогической деятельностью в ГДОО имеют право заниматься лица, имеющие соответствующее педагогическое образование, профессиональную подготовку в сфере дошкольного образования и высокие нравственные качества.

75. Не допускаются к осуществлению педагогической деятельности в ГДОО лица, которых по приговору суда на основе медицинского заключения запрещено заниматься педагогической деятельностью.

76. Законодательством могут быть установлены другие ограничения на осуществление трудовой деятельности лиц на должности педагога и других работников ГДОО.

77. Педагогические работники ГДОО имеют право на:

защиту профессиональной чести и достоинства;

творческую инициативу, свободу выбора методик обучения и воспитания, учебных пособий и средств обучения;

участие в управлении ГДОО в порядке, определяемом настоящим Уставом;

участие в разработке образовательных программ дошкольного образования;

моральное и материальное поощрение за успехи в педагогической деятельности;

участие в научной, инновационной, международной деятельности в сфере дошкольного образования.

Педагогические работники ГДОО могут иметь и иные права в соответствии с законодательством.

Не допускается привлечение педагогических работников ГДОО к видам работ, не связанных с выполнением ими своих профессиональных обязанностей, за исключением случаев, предусмотренных законодательством.

78. Педагогические работники ГДОО обязаны:

обучать и воспитывать детей на высоком профессиональном уровне;

соблюдать педагогическую этику, уважать честь и достоинство ребёнка, защищать детей от проявлений насилия, воспитывать их в духе патриотизма, уважительного отношения к труду, родителям и бережного отношения к окружающей среде;

повышать свою квалификацию в установленном порядке и в установленные сроки;

постоянно совершенствовать свои профессиональные навыки и педагогическое мастерство.

Педагогические работники ГДОО могут иметь и иные обязанности в соответствии с законодательством.

Запрещается использовать образовательно-воспитательный процесс ГДОО в политических целях или для побуждения детей к совершению действий, противоречащих законодательству.

79. Педагогические работники ГДОО несут ответственность за:

деятельность в ГДОО и исполнение своих должностных обязанностей, своевременное и качественное исполнение возложенных задач в соответствии с настоящим Уставом;

ущерб и убытки, нанесенный в результате действий или бездействий, нарушений в работе и халатности;

своевременное и качественное исполнение задач в соответствие с должностной инструкцией и квалификационными требованиями к должности.

Педагогические работники ГДОО могут нести и другую ответственность в соответствие с законодательством.

## Глава 16. Имущество и средства ГДОО

80. Учредитель, Министерство или уполномоченным им орган в установленном порядке передают имущество ГДОО.

Переданное ГДОО имущество, находится в оперативном управлении ГДОО. ГДОО управляет имуществом, принадлежащим ему и приобретённым им за счёт выделенных средств согласно смете расходов в соответствии с законодательством и другими нормативными актами Министерства.

81. Деятельность ГДОО финансируется в соответствии с требованиями законодательства.

82. Источниками формирования имущества и финансовых средств ГДОО являются:

средства Государственного бюджета Республики Узбекистан;

родительская плата за содержание воспитанников;

доходы, полученную за счёт оказания дополнительных платных образовательно-воспитательных услуг в ГДОО;

не запрещённая законодательством спонсорская и благотворительная помощь физических и юридических лиц, в том числе иностранных;

гранты местных и международных организаций;

другие источники, не запрещённые законодательством.

83. Финансирование ГДОО осуществляется в соответствии с утверждённой и зарегистрированной в установленном порядке сметой расходов.

84. Оплата за содержание воспитанников в ГДОО производится наличными, пластиковыми карточками, в виде электронного платежа или безналичному расчету путем перечисления через Коммерческие банки. При этом, копии документов, подтверждающие оплату, предоставляются в ГДОО (кроме электронного платежа). Плата за содержание воспитанников в ГДОО поступает на казначейский счет по Родительской плате соответствующего ГДОО для дальнейшего использования в установленном порядке.

85. Законодательством могут быть определены иные правила оплаты.

86. Финансово-хозяйственная деятельность ГДОО осуществляется в рамках бюджетных и внебюджетных средств через районную централизованную финансово-бухгалтерскую службу.

87. Средства фонда внебюджетного развития ГДОО расходуются на основании обоснованного требования заведующего ГДОО через районную централизованную финансово-бухгалтерскую службу.

## Глава 17. Заключительный положения, реорганизация и ликвидация ГДОО

88. В ГДОО не допускается создание и деятельность организационных структур политических партий и религиозных учреждений.

89. Международное сотрудничество, обмен педагогической информацией и опытом, прохождение стажировки и повышение квалификации педагогических работников осуществляются в установленном порядке.

90. Реорганизация и ликвидация ГДОО осуществляются в порядке, установленном законодательством и по согласованию с Министерством.

**27- илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**144-сонли буйруғи**

Тошкент шаҳри 20 август 2019 йил

**Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг Намунавий устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари, мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларига:

икки ҳафта муддатда Намунавий устав асосида Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ўз уставларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари уставлар асосида ўз иш фаолиятларини ташкил қилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш ва страгегик ривожлантириш бошқармаси (Е. Тен) ҳамда Ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, болаларни реабилитация қилиш ва соғлигини таъминлаш бўлими (У. Мухиддинова) уставлар асосида ўз иш фаолиятларини ташкил этишлари учун Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари, мактабгача таълим ташкилотларига методик ёрдам кўрсатсин.

4. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л. Бердиева) ушбу буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларига ижро учун етказсин.

5.Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С. Турғунов зиммасига юклансин.

**Вазир** **А.Шин**

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 20 августдаги
144-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотининг**
**НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. _________ _____________________________ - сонли "____" - номли Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти (кейинги ўринларда - ИМТТ) ________________ вилояти (шаҳар) ҳокимининг 20 _______________ йил " ________" __даги _________-сонли қарорига асосан ташкил этилган.

2. ИМТТ нинг юридик манзили___________________________________

3. ИМТТ таъсисчиси ______________________________________________

4. ИМТТ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низомга, Илк ва мактабгача ёшидаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига ҳамда ушбу Уставга амал қилади.

5. ИМТТ юридик шахс бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ҳамда штампга, бюджет ва бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисоб-варақларига эга бўлади.

6. ИМТТ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги идоравий ва таркибий бўйсинишидадир. ИМТТни Устави қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади ва рўйхатга олинади.

7. ИМТТ ўз номидан мулкий ва номулкий ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради, судда даъвогар ва жавобгар сифатида мустақил равишда қатнашади.

8. ИМТТ ни аккредитация қилиш ваколатли давлат органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестация асосида амалга оширилади.

9. ИМТТ бинолари ва иншоотлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги рухсатисиз хусусийлаштиришга, мусодара қилинишига ва ўзгартирилишига йўл қўйилмайди.

## 2-боб. ИМТТнинг мақсад ва вазифалари

10. ИМТТ нинг фаолияти жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мактабгача таълим олишига, шунингдек, уларни тарбиялаш ва реабилитация қилишга қаратилган.

11. ИМТТ нинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

боланинг таълим олишга бўлган ҳуқуки амалга оширилишини таъминлаш;

болаларни ўқитиш ва тарбиялаш, жамиятга мослаштириш, шунингдек, ривожланишидаги нуқсонларни коррекциялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг ёш ва ўзига хос имкониятларига, қобилиятлари ва эҳтиёжларига мувофиқ уларнинг жисмоний,ақлий ва маънавий камол топишини таъминлаш;

боланинг шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, унинг ижтимоий тажриба орттиришини таъминлаш.

12. ИМТТ нинг вазифалари:

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига, шунингдек, улар асосида ишлаб чиқилган таълим-тарбия ва коррекцион ишларни ташкил этиш дастурларига мувофиқ тарбияланувчиларга таълим-тарбия ва коррекцион-педагогик ёрдам берилишини таъминлаш;

болаларда Ватанга муҳаббат туйғусини, оилага ҳурмат билан муносабатда бўлиш, миллий қадриятлар ва урф – одатларга ҳурмат, ўзига ва атроф муҳитга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

тиббий абилитация ва реабилитация ўтказиш, болалар ривожланишидаги нуқсонларни компенсация ва коррекция қилиш;

болаларга сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиш имконини берадиган шарт-шароитлар яратиш;

болаларнинг ижтимоий мослашувчанлигини ҳамда таълим ва тарбия олишни давом эттиришга тайёрлигини таъминлаш;

болаларни умумтаълим муассасаларида ўқишга тайёрлаш;

ўқув жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни жорий этиш.

## 3-боб. ИМТТ нинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

13. ИМТТ нинг мажбуриятлари:

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига, шунингдек, улар асосида ишлаб чиқилган таълим-тарбия ва коррекцион ишларни ташкил этиш дастурларига мувофиқ таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

болаларнинг жисмоний ўсиши ва соғлиғи мустаҳкамланиши учун санитария-гигиена меъёрларига мувофиқ шарт-шароитлар яратиши ва уларга риоя этилишини таъминлаш;

таълим-тарбия ва коррекцион-педагогика жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган шакллар, усуллар ва воситаларнинг болаларнинг ёш, психик ва физиологик хусусиятлари, қизиқишлари, қобилиятлари, манфаатлари ва эҳтиёжларига мос келишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли нозологияларни даволаш стандартларига мувофиқ болаларнинг абилитацияси ва реабилитациясини ўтказиш учун шарт-шароитларни яратиш;

болалар тўғри овқатланишини ва уларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

болаларни шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаган ҳолда умумтаълим муассасаларида ўқишга сифатли тайёрлашни таъминлаш;

мактабгача таълим сифатини таъминлаш устидан назорат олиб боришда, саломатликни мухофаза ва мустаҳкамлаш, абилитация ва реабилитация тадбирларини ўтказишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиш;

ИМТТ даги гуруҳларни кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларга қўйиладиган талабларга мувофиқ болалар билан тўлдириш;

ИМТТ Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. ИМТТ нинг ҳуқуқлари:

тасдиқланган мослаштирилган таълим дастури асосида мустақил равишда ўз таълим дастурини ишлаб чиқиш;

боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорлик қилиш;

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича инновацион фаолиятда қатнашиш;

боланинг соғлиғини ҳолати ҳақидаги тиббий хулоса мавжуд бўлганда ёки тиббий кўрик ўтказиш вақтида ёки таҳлил натижалари асосида мактабгача таълим ташкилотида кейинчалик қолишига тўсқинлик қиладиган касалликлар аниқлаганда бола ИМТТга қатнашишидан четлаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёш хусусиятлари ва ташхисдан келиб чиққан ҳолда ташкилотнинг гуруҳларига болаларни жойлаштириш;

ходимларни қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ИМТТ Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. ИМТТ нинг жавобгарлиги:

болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

болалар ИМТТ да бўлган вақтида уларнинг ҳаётини муҳофаза қилишни ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш;

белгиланган талабларга мувофиқ таълим-тарбия, коррекцион-педагогика ҳамда реабилитация жараёнларини амалга ошириш;

болани тарбиялаш ва таълим бериш масалалари бўйича унинг қонуний вакилларига маслаҳатлар билан ёрдам бериш;

умумтаълим дастурларини амалга оширишни тегишли сифатда ва белгиланган ҳажмда таъминлаш;

ушбу Уставда назарда тутилган вазифалар ва функцияларни бажариш.

16. Ўқув жараёнидан сиёсий мақсадларда ёки таълим олаётган болаларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид ҳаракатларни содир этишга ундаш учун фойдаланиш тақиқланади.

## 4- боб. ИМТТ га болаларни қабул қилиш ҳамда ундан чиқариш

17. ИМТТ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган 2-7 ёшдаги болаларни қабул қилади.

18. Болаларни ИМТТ га қабул қилиш ушбу ташкилотда бўш жойлар бўлса, календарь йил давомида амалга оширилади.

ИМТТ нинг гуруҳларига жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар қуйидагилар асосида қабул қилинади:

бола қонуний вакилларининг аризаси;

тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг белгиланган тартибда берган хулосаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган шакл бўйича боланинг тиббий картаси ва профилактик эмлаш картаси.

Боланинг қонуний вакиллари боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси, болани қонуний вакиллари (ота-она) нинг паспорти нусхаларини ҳамда боланинг иккита рангли фотосурати (3х4 ўлчамда) ни ИМТТ га тақдим этишлари шарт. Болани ИМТТ га қабул қилиш (юқорида белгиланган ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг) ИМТТ ва боланинг қонуний вакиллари ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Боланинг қонуний вакиллари тақдим этилаётган таълим, тиббий-коррекцион ва реабилитацион ёрдам хизматларининг таркиби билан танишиш ҳуқуқига эга.

19. ИМТТ га қуйидаги нуқсонлари бўлган болалар қабул қилинмайди:

оғир ва чуқур даражадаги ақли заифлик;

шизофрения, ҳиссий ироданинг чуқур бузилишлари;

тез-тез такрорланувчи умумлашган эпилептик хуружлар;

турли сабабли психопатия ва психопатсимон ҳолатларнинг оғир шакллари;

асаб тизимининг органик шикастланганлиги сабабли сийдик ва нажас ушлаб туролмаслик;

юрак-қон томир, нафас олиш ва овқат ҳазм қилиш тизимининг хуруж ва декомпенсация босқичи.

20. Болалар қуйидаги ҳолатларда ИМТТ дан чиқарилиши мумкин:

қонуний вакилларнинг аризасига биноан;

тегишли тиббий хулоса асосида;

ИМТТ ва боланинг қонуний вакиллари ўртасида тузилган шартномани шартлари бажарилмаганда;

ИМТТ нинг ички тиббий-педагогик-психологик кенгаш хулосаси асосида;

Тиббий-педагогик-психологик комиссиясининг хулосасида кўрсатилган болани ташкилотда бўлиш муддати тугагандан кейин.

## 5- боб. ИМТТ да гуруҳларни тўлдириш

21. ИМТТда жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган 2 ёшдан 7 ёшгача тарбияланувчилар контингентига мувофиқ қуйидаги гуруҳлар тузилади:

нутқида оғир нуқсонлари бўлган тарбияланувчилар учун;

эшитишида оғир нуқсонлари бўлган тарбияланувчилар учун;

кўришида оғир нуқсонлари бўлган тарбияланувчилар учун;

психик ривожланишида кечикаётган тарбияланувчилар учун;

ақли заиф бўлган тарбияланувчилар учун;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлари бўлган тарбияланувчилар учун.

22. ИМТТ да гуруҳлар болаларнинг тоифасига ва ёшига қараб қуйидаги тартибда тўлдирилади:

кар тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда - камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

заиф эшитувчи тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда - камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

кўзи ожиз тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

заиф кўрувчи тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда - камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

таянч-ҳаракат аппаратида нуқсонлар бўлган тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 15 нафар ва кўпи билан 8 нафар тарбияланувчи;

гемипарез, монопарез, плегия асоратлари бўлган тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

болалар церебрал фалажи синдроми асоратлари бўлган тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда - камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

енгил даражада ақли заиф бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 8 нафар ва кўпи билан12 нафар тарбияланувчи;

ўрта даражада ақлий заиф бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда - камида 6 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

нутқида оғир нуқсонлари бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда - камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

аутизм касаллиги бўлган уч ёшдан катта тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда - камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи;

психик ривожланишида кечикаётган уч ёшдан катта болаларга мўлжалланган гуруҳларда – камида 10 нафар ва кўпи билан 12 нафар тарбияланувчи;

мураккаб нуқсонли (икки ва ундан ортиқ нуқсонли) тарбияланувчиларга мўлжалланган гуруҳларда - камида 8 нафар ва кўпи билан 10 нафар тарбияланувчи.

**6-боб. ИМТТ да таълим - тарбия жараёнини ташкил этиш**

23. ИМТТ мактабгача таълимга қўйиладиган белгиланган давлат талабларига мувофиқ болалар таълим олиши, тарбияланиши, парваришланиши ва соғломлаштирилишини таъминлайди.

24. ИМТТ даги таълим-тарбия жараёнининг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган таълим дастури асосида, Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган (шу жумладан, муаллифлик, мослаштирилган ва бошқа) дастур билан белгиланади.

25. Таълим-тарбия жараёни машғулотларнинг йиллик, тақвим-мавзули режалари ва жадвали билан тартибга солинади.

26. ИМТТ да таълим-тарбия жараёни ишлаб чиқиладиган якка тартибдаги йўналиш асосида жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилади. Машғулотлар фронтал, кичик гуруҳ ва якка тартибда олиб борилади.

27. ИМТТ да таълим-тарбия жараёни махсус мактабгача таълим бўйича тегишли малакага эга педагог ходимлар томонидан ўтказилади. ИМТТ да таълим-тарбия жараёнини психологик-педагогик кузатуви психологлар томонидан амалга оширилади.

28. Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар қуйидаги тамойиллар асосида ўқитилади ва тарбияланади:

таълимнинг коррекцион йўналтирилганлиги;

ижтимоий мослашуви;

таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда таълимнинг махсус методологиясидан ва тоифаланган ёндашувдан фойдаланиш.

29. ИМТТ ҳафтада 5 кунлик иш режимида фаолият кўрсатади.

ИМТТ да қуйидаги гуруҳлар ташкил этилади:

___та қисқа муддатли гуруҳлар (кунига 3,5 — 4 соатли);

___та тўлиқ кунли гуруҳлар (кунига 10,5 ва 12 соатгача);

___та болалар кечаю-кундуз бўладиган гуруҳлар (24 соатли).

30.ИМТТ ва боланинг қонуний вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, ИМТТ ва боланинг қонуний вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бола ушбу ташкилотга жойлаштирилганда тузиладиган шартнома билан тартибга солинади.

31.ИМТТ қонунчиликда белгиланган ўқитиш ва тарбиялаш усуллари, шакллари ва воситаларни танлашда мустақилдир ва замонавий таълим-тарбия дастурларни жорий этади.

32.Коррекцион таълим-тарбия ишларни умумий бошқаруви таълим - тарбия бўйича услубчиси томонидан амалга оширилади.

33.ИМТТ да таълим-тарбия давлат тилида ҳамда “Давлат тили тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

## 7- боб. ИМТТ да реабилитация жараёнини ташкил этиш

34.ИМТТ да ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари бўлган болалар учун реабилитация тадбирлари ИМТТ штатидаги тиббиёт ходимлари, шунингдек, ИМТТ га ҳудудий бириктирилган соғлиқни сақлаш органлари тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббиёт ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш стандартларига мувофиқ тарбияланувчининг ривожланишидаги нуқсонларни коррекция қилишга, ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари бўлган болаларни тиббий реабилитация қилиш, абилитация қилиш ва ижтимоий мослашувга қаратилган даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўтказади.

35.Даволашнинг белгиланган курси доирасида тиббий реабилитация муолажаларини ўтказиш ҳар бир тарбияланувчи учун машғулотлар жадвалини ҳисобга олиб якка тартибда ўтқазилади.

36.ИМТТ да ҳар бир бола учун ривожанишидаги нуқсонлари кўрсатилган алоҳида тиббий карта юритилади. ИМТТ да боланинг бўлиш муддати тугаганидан сўнг унинг қонуний вакиллари яшаш жойидаги тиббиёт муассасаси учун ривожланишида жисмоний ёки психик нуқсонлари бўлган ҳар бир боланинг тиббий картасидан кўчирма берилади.

37.Тиббий жисмоний тарбия бўйича машғулотлар тиббий жисмоний тарбия инструктори ёки тегишли тайёргарликка эга ўқитувчи томонидан ўтказилади.

38.ИМТТ да барча соғломлаштириш ва реабилитация тадбирлари тўғри ташкил этилиши ҳамда ўтказилиши устидан назорат Қорақапоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси (кейинги ўринларда соғлиқни сақлаш худудий бошқарув органлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

39.ИМТТ нинг штатидаги ходимлари соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтади.

40. Тарбияланувчиларни даврий тиббий кўрикдан ўткизиш соғлиқни сақлаш худудий бошқарув органлари билан келишилган ҳолда йилига камида 2 марта ўтказилади.

## 8- боб. ИМТТ да овқатланишни ташкил этиш

41. ИМТТ да овқатланиш амалдаги қонунунчиликка, санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ амалга оширилади.

42. ИМТТ да тарбияланувчиларнинг соғлом ва оқилона овқатланишини ташкил этиш учун жавобгарлик ушбу ИМТТ нинг раҳбари зиммасига юкланади.

43. ИМТТ да болаларнинг овқатланиш тартиби СанҚваМнинг амалдаги меъёрларига асосланиб белгиланади.

44. ИМТТ да овқатланиш ташкилот раҳбари ва тиббий ходими томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган таомнома асосида ташкил этилади.

45. ИМТТ раҳбари, тиббий ходими ва ошхона ишчилари таомларнинг сифати (хилма-хиллиги) га, озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария қоидалар ва меъёрлар ҳамда гигиеник меъёрлар асосида сақланилиши ва ишлатилишига, таомларни тайёрлаш технологиясига, уларни таъм сифатига ҳамда ошхонанинг санитария ҳолатига жавобгардирлар.

46. ИМТТ да соғлом ва оқилона овқатланиш қонунчилик талабларига мувофиқ аутсорсинг орқали ташкиллаштирилиши мумкин.

## 9- боб. ИМТТ даги педагог, тиббий ва бошқа ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари

47. ИМТТ ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва имтиёзлари қонун ҳужжатларида, ушбу Уставда, шунингдек, меҳнат шартномасида белгиланади.

48. ИМТТ ходимлари ушбу Уставда белгиланган тартибда муассаса фаолиятини ташкил қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар ва уларнинг шаъни ва қадр - қиммати ҳимоя қилинади.

49. ИМТТ ходимлари қуйидагиларга мажбур:

ахлоқ-одоб нормаларига қатъий риоя қилиш, боланинг қадр - қимматини ҳурмат қилиш, ҳар қандай зўравонликдан ҳимоя қилиш, болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, ота - оналарни ҳурмат қилиш, атроф - муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

ўз касбий маҳоратини мунтазам такомиллаштириш, шунингдек, ўз малакаларини белгиланган муддатда ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг қарорлари, буйруқлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига тўлиқ риоя этиш, ўз фаолиятида коррупция омилларини бартараф этиш, коррупция ҳақида ҳабар бериш, манфаатлар тўқнашуви ва аниқ аҳлоқ қоидаларига риоя қилмаслик бўйича чораларни кўриш.

50. Ходимлар, педагог ва тиббий ходимлар ўз лавозим вазифалари доирасида ИМТТ фаолиятига, уларга юклатилган вазифаларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва сифатли бажариш учун жавоб берадилар. ИМТТ ходими билан тузилган шартнома унинг иши ва компетенциясига ҳамда ИМТТ фаолиятига тааллуқли тартиб - қоидаларни бузиш туфайли тугатилиши мумкин. Ходим ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар, ишдаги тартиб - қоидаларни бузиш ва масъулиятсизлик натижасида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан етказиладиган зарарни қоплашга мажбурдир. Зарарни қоплаш ходимни жавобгарликдан озод қилмайди, таъсисчи ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг тузилган шартномани бекор қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

51. ИМТТ нинг педагог ходимлари ўз коррекцион ишида дефектологлар ва тегишли тиббий ходимларнинг ишини давом эттирадилар, боланинг жисмоний ёки психик ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашувни амалга оширадилар, улар фаолият юритадиган гуруҳдаги болалар ҳаёти ва соғлигининг хавфсизлиги учун маъсулдир.

52. ИМТТ тиббий ходимлари ташкилотнинг маъмурияти билан биргаликда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг психофизиологик ҳолатини мустаҳкамлаш, реабилитация ёрдамини кўрсатиш, эпидемияга қарши профилактик санитар - гигиеник тадбирларни ўтказиш, болаларни чиниқтириш ва уларнинг сифатли овқатланишини назорат қилиш учун маъсулдир.

53. ИМТТ ходимлари қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

54. ИМТТ ходимларига ойлик маош (расмий иш ҳақи) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

55. ИМТТ раҳбари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида ходимларга мукофот, ҳар ойлик устама, қўшимча ҳақ ва бошқа тўловларни амалга оширади.

56. Педагогик ва тиббий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига тегишли касбий таълим, касбий тайёргарлиги ва юқори ахлоқий хусусиятларига эга бўлган шахслар эгадир.

57. Қонунда назарда тутилган, суд ҳукми ёки тиббий хулоса асосида педагогик ва тиббий фаолият таъқиқланган шахслар педагогик ва тиббий фаолият юритишга йўл қўйилмайди.

58. ИМТТ ходимларининг вазифалари қонун ҳужжатлари, малакавий талаблар, лавозим йўриқномалари, вазир ва раҳбарларнинг буйруқлари ва фармойишлари билан белгиланади.

59. ИМТТ ходимига меҳнат шартномасини тузиш ва уни тўхтатиш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги асосида амалга оширилади.

## 10- боб. Болаларни ҳуқуқий вакилларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

60. Қонуний вакиллар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

боланинг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

бола учун мактабгача таълим шаклларини ва қонунга мувофиқ таълим олиб бориладиган тилни танлаш;

ташкилот маъмуриятидан қонунчиликда назарда тутилган мактабгача таълим соҳасидаги ва мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашга оид зарур шарт-шароитларни таъминланишини талаб қилиш;

боланинг ривожланиши, таълим ва тарбиясига оид масалалари бўйича ваколатли органларга мурожаат қилиш;

бола шахсига ҳурмат қилинишини талаб қилиш;

ИМТТ да болаларга таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

ИМТТ нинг ўқув режаси ва дастурлари билан танишиш;

ИМТТ нинг Кузатув кенгашига сайланиш ва сайлаш.

Болани қонуний вакиллари қонунга ва ИМТТ билан тузилган шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

61. Болани қонуний вакилларининг мажбуриятлари:

боланинг жисмоний саломатлиги, психик ҳолатига ғамхўрлик қилиш, унинг табиий мойиллиги ва қобилиятларини ривожлантириш учун муносиб шарт - шароитлар яратиш;

ИМТТ даги таълим - тарбия жараёнининг қолган барча иштирокчиларнинг шаъни ва қадр қимматини ҳурмат қилиш;

болаларда Ватанга муҳаббат, меҳнатга иззат билан муносабатда бўлиш, миллий қадриятлар ва урф-одатларга хурмат, ўзига ва теварак атрофига онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

боланинг оилада ҳар томонлама ривожланиши, таълим ва тарбияси учун муҳим шарт - шароитларни яратиб бериш;

болани қонуний вакиллари қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 11-боб. ИМТТ ни бошқаруви

62. ИМТТ га Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий мактабгача таълим бошқармалари томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан Кузатув кенгаши томонидан танланадиган мудир раҳбарлик қилади.

63. ИМТТ мудири:

унга берилган ваколатлар доирасида ушбу Устав асосида фаолият юритади;

ИМТТ фаолиятини бошқаради ва ишини ташкил этади;

ИМТТ номидан ишончномасиз иш юритади, давлат органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатда ИМТТ манфаатларини ифодалайди.

ИМТТнинг мулки ва маблағларини бошқаради, ваколати доирасида келишувларни амалга оширади;

ўз компетенцияси доирасида буйруқлар чиқаради, ишончномалар беради ва барча ходимлар учун мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ИМТТ тузилмаси, ички тартиб қоидаларини белгилайди, ИМТТ нинг штат жадвалини ва бошқа низомларни тузади;

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга ва меъёрларга мувофиқ, шу жумладан, бюджетдан ташқари жамғармаларни жалб қилиш йўли билан моддий-техника таъминоти, хоналарни жиҳозланишини таъминлайди;

маблағларни мақсадли ва оқилона сарфлашни таъминлайди;

Уставда белгиланган фаолиятни амалга ошириш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларни ва моддий ресурсларни, шу жумладан ҳомийларнинг маблағларини жалб қилади;

ҳудудий мактабгача таълим бўлинмалари билан келишилган ҳолда ИМТТ ходимларини амалдаги қонунларга мувофиқ тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

ИМТТ ходимлари орасидаги лавозим вазифаларини қайта тақсимлаш ёки агар зарурат туғилса, уларга қонун билан тақиқланмаган ва ИМТТ ни ривожланишига йўналтирилган янги мажбуриятларни бажариш топшириғини бериш ҳуқуқига эга;

барча ходимларнинг вазифаларини таснифловчи, малака талаблари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;

меҳнат қонунчилигига ва манфаатлар тўқнашувларини бартараф этиш бўйича талабларга риоя қилинишини таъминлайди, очиқ ва адолатли танлашни, меҳнат шартномаси асосида ходимларни ишга қабул қилишни, уларнинг малакасини ошириш ва меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишдан бўшатишни амалга оширади;

таълим-тарбия ва реабилитация жараёнининг самарали ташкил этилишини, шунингдек, тарбияланувчилар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлайди;

ҳар ой ва ҳар чоракда тегишли ҳудудий мактабгача таълим бўлинмаларига ИМТТ фаолиятига оид ҳисоботни тақдим этишни таъминлайди;

амалдаги қонунларга ёки ушбу Уставга тааллуқли масалалардан мустасно тарзда ИМТТ нинг хўжалик ва молиявий фаолиятининг кундалик бошқарувини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг қарорлари, буйруқлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни сўзсиз бажариш учун қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳолда меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг қарорлари, буйруқлари ва меъёрий ҳужжатларни бажаради ва уларга риоя қилади, манфаатлар тўқнашуви натижасида келиб чиққан низоларни ҳал этиш бўйича чоралар кўради, ИМТТ ва ўз фаолиятида коррупция омилларини қонун бузиш ҳолатларни бартараф этиш ва уларни олдини олиш бўйича самарали чора-тадбирлар кўради, коррупция, манфаатлар тўқнашуви ва ахлоқ қоидалари бузилиш ҳолатлари ҳақида маълум қилади;

фавқулодда вазиятлар, қонунбузарликлар, жиноятлар, хавфли ва салбий ҳолатлар, тарбияланувчиларнинг, уларнинг ота-оналари ва ИМТТ ходимларининг ҳаётига, шу жумладан, ўлимга олиб келган зарар ҳақида дарҳол Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига хабар беради;

ИМТТ ва унинг ходимлари ишларини қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги буйруқлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ташкил қилади ва таъминлайди.

64. ИМТТ мудири лавозимига қўйиладиган малакавий талабларни Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

65. ИМТТ мудири ИМТТ фаолиятини амалга ошириш учун жавобгар бўлади, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади;

66. ИМТТ мудири давлат, жамият ва таъсисчи олдида малакавий талаблар, меҳнат шартномаси ва ушбу Уставда назарда тутилган функционал мажбуриятларига мувофиқ ўзининг фаолияти учун жавобгар.

67. ИМТТ мудири ўз ҳаракатларида ёки ҳаракатсизлиги, ишдаги тартиб-қоидаларни бузилиши, шунингдек совуққонлиги оқибатида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга мажбурдир. Зарарларни қоплаш мудир масъулиятини зиммасидан олмайди, Таъсисчи ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигини эса меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

68. ИМТТ мудири лавозимидаги шахсларни меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қонунчилик билан чекловлар белгиланиши мумкин

69. ИМТТ мудири билан тузилган меҳнат шартномаси унинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ўз кучини йўқотади. Амалдаги раҳбар умумий асосда кейинги муддатга раҳбарликка ўз номзодини қўйиши мумкин. Агар раҳбар билан иш шартномасининг қонуний кучини йўқотиш вақтида янги раҳбар ўз вақтида кейинги муддатга сайланмаса, ҳудудий мактабгача таълим бошқармаси бошлиғининг буйруғига биноан ИМТТ мудирининг вазифасини вақтинча методист-тарбиячи ёки тарбиячига юклатилади.

70. ИМТТ мудири мактабгача таълим ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятига тааллуқли бўлган барча қонун ҳужжатлари, талаблар ва стандартларни билиши ва уларни ўз ишида қўллаши шарт.

## 12-боб. ИМТТ нинг педагогик кенгаши

71. ИМТТ да жамоатчилик асосида педагогик кенгаши тузилади. Ташкилотнинг педагогик кенгаши ташкилот фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ташкилий, таълим - тарбиявий масалаларни жамоавий ҳал қилувчи коллегиал орган ҳисобланади.

72. ИМТТнинг педагогик кенгаши:

ИМТТда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқади;

ИМТТ иш режасини ҳамда педагогик ходимларининг педагогик юкламасини тасдиқлайди;

ИМТТ таълим дастурини амалга ошириш натижаларини баҳолайди;

ИМТТининг боланинг қонуний вакиллари билан ҳамкорлиги тартибини белгилайди;

ИМТТ педагогик ходимлари малакасини ошириш, уларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш, таълим жараёнига фан ютуқларини ва илғор педагогика тажрибасини жорий этиш масалаларини муҳокама этади;

ИМТТ ходимларини ахлоқий ва моддий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқади;

ИМТТ раҳбари ва педагогик ходимлари ҳисоботларини эшитади;

ИМТТининг педагогик кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам бажариши мумкин.

Педагогик кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

## 13- боб. ИМТТ нинг Кузатув кенгаши

73. ИМТТда боланинг таълим-тарбияси ва ривожланишига ёрдам бериш мақсадида Кузатув Кенгаши ташкил этилади. Унинг таркиби ушбу ИМТТ га бораётган болаларнинг қонуний вакиллари сонидан, ИМТТ нинг ходимларидан ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан шаклланади.

74. ИМТ нинг Кузатув Кенгаши:

кенгаш 11 кишидан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда тузилади. Бунда, Кузатув кенгаш таркибига ИМТТ нинг педагоглари орасидан 2 нафар, тиббий ходимлари орасидан 2 нафар, тарбиячи ёрдамчилари орасидан 2 нафар, ИМТТ маъмуриятидан 1 нафар, тегишли ҳудудий бўлинмадан 1 нафар, жамоат ташкилотлари ва ҳомийлар орасидан 2 нафар ҳамда ҳар бир гуруҳидан тарбияланувчиларнинг ота-оналаридан камида 3 нафар, аъзо киритилади;

ИМТТ ривожланшининг устувор йўналишларини белгилаб беради;

ИМТТ мудирини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳудудий мактабгача таълим бошқармаси томонидан

тавсия этилган номзодлар орасидан танлайди ва белгиланган тартибда уни лавозимидан озод этилиши бўйича таклиф киритади;

ИМТТ нинг фаолиятини такомиллаштириш, молиявий - иқтисодий аҳволи, даромадлари ва харажатлари, бюджетдан ташқари, хомийлик ва бошқа маблағлардан фойдаланиш бўйича қабул қилинган чора - тадбирлар тўғрисидаги мудиранинг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб боради;

ИМТТда соғлом ва оқилона овқатланиш ташкил этилишини назорат қилиш мақсадида ИМТТ нинг ошхона фаолиятини мониторинг қилади;

ИМТТнинг раҳбари, педагог ва бошқа ходимлари фаолиятига тегишли ижтимоий сўровлар ўтказиб боради;

тегишли ҳудудий мактабгача таълим бўлинмаларига ИМТТ ходимларни рағбатлантириш ҳақидаги таклифларни киритади.

ИМТТнинг Кузатув кенгаши қонунга ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам бажариши мумкин.

75. Кузатув кенгашининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан белгиланади.

## 14- боб. ИМТТ нинг тиббий - психологик - педагогик кенгаши

76. ИМТТда психолог, тиббий ва педагогик ходимлардан иборат бўлган тиббий - психологик - педагогик кенгаши ташкил этилади фаолият юритади.

77. ИМТТнинг тиббий-психологик-педагогик кенгаши:

жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонлари бўлган бола ИМТТ да қабул қилинганда унинг ўзига хос ва ёш хусусиятларини, соғлиги ҳолати ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиб коррекцион - педагогик ҳамда реабилиация тадбирларини ўтказиш юзасидан индивидуал йўналишни ишлаб чиқади;

индивидуал йўналишни амалга ошириш жараёнида бола ривожланиши динамикасини аниқлайди ва зарурат бўлса, унга ўзгартиришлар киритади;

Педагогик жараённи жамоа бўлиб кузатиш ҳар бир гуруҳлар кесимида йилда 2 марта режалаштирилади. Бунда, марказларда ишлаш, умумий гуруҳ бўлиб ишлаш жараёнларининг ташкил этилиши кузатилади. Педагогик иш стажи 3 йил бўлмаган ёш мутахассислар учун педагогик жараённи жамоа бўлиб кузатиш режалаштирилмайди.

**Кўрик - танловлар ва тадбирлар**

Мазкур бандга кўрик- танловлар ва оммавий тадбирлар, байрам эрталиклари, кўнгил очиш соатлари, спорт байрамлари ва мусобақалари режалари киритилади

**Ёш мутахассислар билан ишлаш**

Мактабгача таълим ташкилотида ёш мутахассислар сони 3 нафардан кўп бўлган тақдирда ёш мутахассислар билан ишлаш режаси тузилади. Ушбу режада ёш мутахассислар тажрибали педагогларга бириктирилади, маслаҳат соатлари белгиланади.

**Илғор иш тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш.**

Педагогнинг илғор иш тажрибаси бир йил ўрганилади, бир йил (иккинчи йилда) оммалаштирилади, учинчи йили ўрганилган ва оммалаштирилган ҳужжатлар умумлаштирилиб, туман миқёсида оммалаштиришга тавсия қилинади. Илғор иш тажрибани ўрганиш-семинар ёки ишлаб чиқариш йиғилишларида, оммалаштириш педагогик кенгашда муҳокама қилинади (Мактабгача таълим ташкилоти, туман, вилоят ва республика миқёсида шу босқичда амалга оширилади).

**МТТнинг методик таъминоти ва ресурс базасини бойитиш**

Йиллик иш режа асосида олиб борилган ташкилий ва таълим-тарбиявий ишлар асосида тўпланган материаллар жамланган йиғмажилд, инновацион иш кўринишларига оид кўргазма, жиҳозлар, тарқатма материаллар, ўқув йили давомида ўтказилган кўрик-танлов, кўргазма, тадбирлардан тўпланган материаллар, фотосуратлар;

ахборот-коммуникатив технологиялар: телевизор, DVD, компьютер, мультимедиа, смартстол, интерактив доска, планшет;

ўйин ва ўйинчоқлар;

мебель;

марказлар учун жиҳозлар;

мусиқа, ўйин ва спорт майдончалари учун жиҳозлар ва ҳ.к.

## V бўлим. Ҳамкорлик иш режаси

Ҳамкорлик иш режаси - ота-оналар, мактаб ва маҳалла билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларни ўз ичига олади. Мазкур ҳамкорлик режаси МТТ раҳбари, Кузатув кенгаши раиси, умумий ўрта таълим мактаби директори, МФЙ раисининг имзоси билан тасдиқланади.

**“КИРИТДИ”**

___________- сонли МТТ раҳбари
___________ ___________

**“КЕЛИШИЛДИ”**

__-МТТ Кузатув кенгаши раиси:

-Умумий ўрта таълим мактаби директори:

“..............” МФЙ раиси:

**- сонли мактабгача таълим ташкилотининг _________________-сонли мактаб, номли маҳалла фуқаролар йиғини ва ота-оналар билан ҳамкорлик иш режаси**

***Намуна***

| т/р | Иш мазмуни | Ўтказиш муддати | Маъсуллар | Бажарилганлиги ҳақида маьлумот |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |

Ҳамкорлик иш режасига турли мавзулардаги акциялар, маънавий-маърифий тадбирлар: мусиқа ва шеърият кечаси, байрамлар, экскурсиялар, дам олиш кунларининг таълимий маршрутлари, учрашувлар, кўргазмалар, медиатека, расмий сайт ташкил этиш, лойиҳа устида ишлаш, якка тартибда суҳбат, маслаҳат, стендлар, эслатмалар, буклетлар ишлаб чиқиш кабилар киритиш назарда тутилади.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг ота-оналари билан ўтказиладиган йиғилишлари режаси тузилади.

Умумий ота-оналар йиғилишлари таълим ташкилоти Кузатув кенгаши билан иштирокида ўқув йили давомида икки марта *(сентябрь, май)* ўтказилади. Эҳтиёжга кўра, навбатдан ташқари йиғилишлар ўтказилиши мумкин. Кун тартибига учтадан кўп бўлмаган асосий долзарб масалалар киритилади.

Мактабгача таълим ташкилоти ҳамда Кузатув кенгаши ҳамкорликда ишлаб чиқилган иш режаси асосида Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, моливий-хўжалик ҳолати, даромадлар ва харажатлар, бюджет ва бюджетдан ташқари ҳамда ҳомийлик ва хайрия маблағларидан фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар

муассаса раҳбарининг ҳисоботларини эшитилиши ва тегишли вазифаларни белгиланиши киритилади.

**VI бўлим. Мундарижа**

Иш режанинг барча бўлим ва бандлари номи ва саҳифалари кўрсатилади.

**01-14. Мактабгача таълим ташкилотининг педагогик кенгаши** - бошқарув органи ҳисобланади.

Ташкилот иш режаси ва педагогларнинг педагогик юкламасини белгилайди, Мактабгача таълим ташкилотининг таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқади ва таълим дастурларини амалга ошириш натижаларини баҳолайди. Боланинг қонуний вакиллари ҳамкорлиги тартибини белгилайди. Педагог ходимларнинг малакасини ошириш, уларнинг ижодий ташаббусини ривожлантириш, илғор педагогик тажрибаларни жорий этиш масалаларини муҳокама қилади, ташкилот ходимларининг моддий ва маънавий рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқади, раҳбар ва педагогларнинг хисоботи тингланади.

Педагогик кенгашга раис, унинг аъзолари, котиба сайланади. Кенгаш баённомаларини юритиш китоби ва муҳокама қилиш учун тайёрланган таҳлилий материаллар, маълумотлар котибада сақланади. Кенгаш баённомалари кенгаш котибаси томонидан ёзиб борилади.

Педагогик кенгаш режасига киритилган масалалар масъул ишчи гуруҳ томонидан бир ой олдин огоҳлантирилган ҳолда ўрганилади. Ўрганиш натижалари юзасидан тайёрланган маълумотлар ва қарор лойиҳаси педагогик кенгаш аъзоларига 10 кун олдин топширилади.

Кенгаш аъзолари томонидан кўриб чиқиб, берилган таклиф ва тавсиялар асосида қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Педагогик кенгаш баёнида ҳар бир масаладан сўнг, муддати белгиланган ҳолда қарор чиқарилади, қарор ижроси бўйича масъул шахсга юклатилиб, мазкур қарорларнинг ижросини бажарилиши кейинги педагогик кенгаш бошланишида ижросини сифатли таъминланишига кўра назоратдан олинади.

---

Ўрганилган масалаларга оид таҳлил натижалари ва барча ҳужжатлар йиғма жилди шакллантирилади. Педагогик кенгаш баённомалари дафтари тикилган, саҳифаланган, мактабгача таълим ташкилоти раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши лозим.

01-15. Мактабгача таълим ташкилотининг кузатув кенгаши-ташкилотни бошқаришда стратегик орган ҳисобланади.Кенгашнинг асосий мақсади-мактабгача таълим ташкилотини ривожлантиришда устувор вазифаларни белгилаш. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими томонидан тавсия этилган номзодлардан ташкилот раҳбарини сайлайди, ташкилотнинг мақсади ва вазифаларига эришиш режасини тасдиқлашда иштирок этади, уларни бажарилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши устидан назорат қилади.

01-16. Тафтиш комиссиялари, аудиторлар, давлат молиявий назорат идоралари томнидан ўтказилган текширув хулосалари ёки далолатномалари сақланади.

01-17 Мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини аттестация-аккредитациядан ўтказиш натижалари бўйича маълумотнома, далолатнома ва сертификатлари йиғилади.

01-18 Ташкилот раҳбарияти алмашганда тузилган топшириш-қабул қилиш далолатномалари ва уларга оид илова ҳужжатлар сақланади.

Далолатномалар юқори бошқарув органнинг буйруғи асосида тасдиқланган ишчи гуруҳ томонидан тузилади ва тасдиқланади.

01-19 Мактабгача таълим ташкилотига ташриф буюрувчиларни қабул қилиш бўйича

Намуна

| Келган санаси | Қайси ташкилотдан келди | Ташриф мақсади ва асоси | Ҳужжатнинг рақами ва санаси | Текширувчи нинг исми ва шарифи | Аниқлан ган камчилик лар | Камчиликла рни бартараф этиш муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | | |
| 2. | | | | | | |

**02 - Тарбияланувчиларга оид ҳужжатлар**

02-01. Умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотда болаларни қабул қилиш, гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш, ташкилотдан чиқариш ишлари ЭМИС тизими орқали, Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти (кейинги ўринда - ИМТТ) ва Қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилотлари (кейинги ўринда - ҚТМТТ)га қабул қилиш эса Тиббий-педагогик-психологик комиссиясининг (кейинги ўринда - ТППК) хулосаси асосида амалга оширилади.

Ташкилот раҳбари томонидан Давлат хизматлари орқали берилган йўлланма ёки ўрнатилган тартибда берилган ТППК хулосаси асосида келган болаларни ташкилотга қабул қилиш, гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш, чиқаришга оид буйруқлар китоби юритилади. Буйруқлар китоби тикилган саҳифаланган ва туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими томонидан муҳр ва имзо билан тасдиқланади.

Электрон тартибда гуруҳ таркибига қабул қилинган болалар учун ёки ТППК хулосаси асосида қабул қилинган болалар учун ташкилот раҳбарининг буйруғи чиқарилади. Ташкилот раҳбари томонидан боланинг гуруҳдан гуруҳга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилингач, мазкур буйруққа асосан болалар гуруҳларнинг давомат дафтарига қайд этилади.

Ўқув йили давомида ташкилот гуруҳларида бўшаган болалар ўринлари электрон навбатга қўйилган болалар ҳисобидан йўлланма чиқарилиб, ташкилотнинг буйруғи асосида тўлдириб борилади.

Болаларни мактабгача таълим ташкилотидан чиқариш тўғрисидаги буйруққа унинг ота-онаси томонидан берилган ариза асос бўлади. Бу тўғрисида ташкилот раҳбари томонидан ёки унинг назорати остида ЭМИС ахборот тизимига ҳар кунлик маълумотлар киритилиб, янгилаб борилади.

Буйруқлар ҳар ўқув йилининг бошидан (2 сентябрдан) 1 рақами билан бошланиб, келгуси йил 25 августда мактабгача таълим ташкилоти раҳбари имзоси ва муҳри билан саҳифа якунланади. Ушбу давр мобайнида чиқарилган буйруқлар сони рақамларда кўрсатилади.

***Намуна***

**Болаларни мактабгача таълим ташкилотига қабул қилиш, гуруҳдан-гуруҳга ўтказиш**
**ва мактабгача таълим ташкилотидан чиқариш тўғрисидаги буйруқлар намуналари**

***Тумани-сонли мактабгача таълим ташкилоти***
***________________________________*** ***“...” .............2019 й.***

***-сонли Буйруқ***
***“МТТга болани қабул қилиш тўғрисида”***

***(Боланинг ФИШ)*** ***- мактабгача таълим ташкилотига 20 йил “__ ” ______________ дан қабул қилинсин ва ________ -гуруҳ рўйхатига киритилсин.***
***Асос: ТуманДХМ томонидан берилган “___ ”__20 ______________________ йилдаги ___________ -сонли йўлланма ёки ТППК хулоса***

***МТТ раҳбари:*** ***(имзо)***

***........тумани -сонли мактабгача таълим ташкилоти***
***“...” .............2019 й.***

***__ -сонли Буйруқ***
***“Гуруҳдан гуруҳга ўтказиш тўғрисида”***
***-гуруҳ тарбияланувчилари:***

**1)**
**2)**
**3)**

. лар

***20 йил “ дан -гуруҳга ўтказилсин.***

*Асос: Гуруҳ тарбиячисининг билдиргиси.*

***МТТ раҳбари: __________ ____________***
***ФИШ (имзо)***

***тумани __ -сонли мактабгача таълим ташкилоти*** ***“ ” 2019 й.***

***________________________________ -сонли Буйруқ***
***“Болани МТТрўйхатидан чиқариш тўғрисида”***

***_________________ - __________________- гуруҳ тарбияланувчиси мактабга кетиши***
***(Боланинг ФИШ)*** ***муносабати билан 20 ______ йил “ ____ ” дан МТТ рўйхатидан чиқарилсин.***
***Асос: Ота-она ______________________________________ нинг аризаси***

***МТТ раҳбари:*** *(имзо)* *ФИШ*

---

02-02. Мактабгача таълим ташкилотига қабул қилинган болаларга Давлат хизматлари орқали берилган йўлланмалар, ёки ИМТТ ва ҚТМТТга қабул қилинган болаларга берилган ТППК хулосалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тузилган шартномаларни битта йиғма жилдга жамланган ҳолда шакллантириш тавсия этилади.

**Ота-оналар билан тузилган шартномалар** - болани МТТга қабул қилинган ва шартнома имзоланган кундан бошлаб, ўз кучига эга ҳисобланади. Бола МТТдан чиқарилгандан сўнг, ушбу шартнома бекор қилиниб, ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

Шартнома бола МТТдан кетгунга қадар тузилади ва ташкилот раҳбарининг имзоси, муҳри ҳамда ота-она (ёки ота-она ўрнини босувчи шахс) нинг имзоси билан тасдиқланади. Ташкилотга йилнинг сентябр ойидан қабул қилинган болалар рўйхати 1 рақамидан бошланади. Шартномага ўзгартиришлар қўшимча келишув шаклида киритилади ва ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

**02-03.** Давлат хизматлари томонидан берилган йўлланмалар ёки ТППК хулосалар ҳамда ота-оналар ўртасида тузилган шартномаларни қайд этиш китоби юритилади.

Мактабгача таълим ташкилотига болалар туман давлат хизматлари томонидан берилган йўлланма ёки ТППК хулоса асосида ўрнатилган тартибда (15 кун муддат ичида) ташкилотга келган кундан бошлаб, қабул қилинади ҳамда уларнинг ота-оналари ўртасида икки томонлама шартнома тузилиб, шартномаларни рўйхатга олиш китобига расмийлаштирилади.

Йўлланма ёки ТППК хулосалар ва шартномаларни қайд этиш китоби тикилган, саҳифаланган, мактабгача таълим ташкилоти раҳбари томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши лозим.

Китобда, йўлланмалар ёки ТППК хулосалар ва шартномалар ўқув йили бошида (2 сентябрь) 1 рақами билан рўйҳатга олинади. 31 августда МТТдаги мавжуд йўлланмалар ёки ТППК хулосалар ва қабул бўйича тахлилий ҳисобот ёзилади. Унда ташкилотда ўқув йили якунига келиб, мавжуд йўлланмалар ёки ТППК хулосалар сони (МТТдаги рўйхат бўйича жами болалар сонига тенг бўлиши лозим), ўтган йили 2 сентябрдан жорий йилнинг 31 августига қадар бўлган давр давомида қанча йўлланма ёки ТППК хулосалар қабул қилинган, неча нафар бола ташкилотдан кетган, улардан неча нафари мактаб таълимига юборилганлиги, ИМТТ ва ҚТМТТлар учун қўшимча неча нафари соғломлаштирилганлиги таҳлил қилинади. Ушбу таҳлил ташкилот раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

**Йўлланма ёки ТППК хулосалар ва ота-оналар ўртасида тузилган шартномаларни қайд этиш китобини юритиш тартиби**

**Намуна**

| | **Боланинг исми ва шарифи (тўлиқ)** | **Туғилган кун, ой, йил** | **Йўлланма ёки ТППК хулосасининг рақами ва берилган санаси** | **ТППК хулосасига асосан ИМТТ ёки ҚТМТТда бўлиш муддати** | **ТППК хулосасига асосан болага қўйилган ташхис** | **МТТга қабул қилинган кун** | **Шартнома тузилган сана ва рақами** | **Ота-онасининг исми шарифи** | **Ота-онасининг иш жойи** | **Яшаш манзили, телефон рақами** | **Бола расмийлаштирилган гуруҳ** | **МТТдан кетган сана ва сабаби** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | отаси: | | | | |
| | | | | | | | | онаси: | | | | |

Ўқув йили якунида йўлланма ва ота-оналар ўртасида тузилган шартномаларни қайд этиш китоби қуйидагича таҳлил қилинади ва ёпилади.

20______________ йил 31 августда жами йўлланмалар ёки ТППК хулосалар сони: ___ ;

Йил давомида ______________ нафар бола йўлланма ёки ТППК хулоса асосида МТТга қабул қилинди, _ та шартнома тузилди.

________________ нафар бола МТТдан чиқарилди, улардан __нафар бола мактаб таълимига кетди ва кўп тармоқли ихтисослаштирилган (ИМТТ)

ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотлар (ҚТМТТ) учун _________нафар бола соғломлаштирилди.

__(мухр, имзо)___ -сонли МТТ раҳбари: _______________Ф.И.Ш.

**02-04.** Коррекцион-педагогик ҳамда реабилитация тадбирларини ўтказиш юзасидан индивидуал йўналиш - бу аниқ бир бола учун мўлжалланган кўп йўналишли таълимий якка тартибдаги йўналишини тавсифловчи, шу жумладан оила билан ҳамкорликда олиб бориладиган ҳужжатдир.

Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотнинг тиббий-психологик-педагогик кенгаши бола қабул қилинганда унинг ўзига хос ва ёш хусусиятларини, соғлиғи ҳолати ва ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, коррекцион-педагогик ҳамда реабилитация тадбирларини ўтказиш юзасидан индивидуал йўналиш ишлаб чиқади, уни амалга ошириш жараёнида бола ривожланиши динамикасини аниқлайди ва зарурат бўлса, унга ўзгартиришлар киритади. Мазкур ҳужжатни юритилиши учун дефектолог масъул ҳисобланади.

Коррекцион-педагогик ва реабилитация тадбирлари натижалари, боланинг ўзига ўзи хизмат кўрсатиш кўникмалари даражаси ва ижтимоий мослашув динамикаси, таълим-тарбия дастурларини ўзлаштириши мониторинги олиб борилади ва баҳоланади.

Шахсий таълим йўналишини баҳолаш ва зарурий мослаштириш доимий равишда олиб борилиши керак. Бу боланинг таълимидаги ўзгаришлари ва унинг ривожланишини акс эттиради.

Тиббий-психологик-педагогик кенгаши хулосасига биноан Ихтисослаштирилган мактабгача ташкилот ва қўшма типдаги мактабгача ташкилотига қабул қилинган бола мутахассислар томонидан 2 ҳафта давомида кузатилади. Болада ўтказилган кўзатувлар натижасига кўра «Ривожланиш харитаси» тўлдирилади.

Коррекцион-педагогик ҳамда реабилитация тадбирларини ўтказиш юзасидан индивидуал йўналишни тузиш босқичлари:

**1.** Бола ҳақида маълумотларни тўплаш (кучли томонлари ва муаммолари).
**2.** Мақсад ва вазифаларни аниқлаш.
**3.** Таълим усулларини танлаш.
**4.** Амалга ошириш.
**5.** Баҳолаш (мақсадга қандай эришилди?).
**6.** Текшириш ва коррекциялаш.

Мақсадларни белгилашда унинг аниқлигини ҳисобга олиш ва бола унга ҳақиқатдан ҳам эришишга имкон берадиган ривожланиш даражасида эканлигига ишонч хосил қилиш лозим. Максадни шундай белгилаш керакки, олинган натижаларни ўлчаш ёки баҳолашнинг имкони бўлсин. Ҳар бир мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг контингентига қараб ўзига хос коррекцион-педагогик ҳамда реабилитация тадбирларини ўтказиш юзасидан индивидуал йуналишини тузиш ҳуқуқига эга.

**03- Мактабгача таълим ташкилоти раҳбари**

**03-01.** Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг шахсий иш режаси (Иш журнали)ни ўз ичига олади:

Раҳбарнинг шахсий иш журналига қуйидаги бўлимлар киритилади:

**1.** Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг ойлик иш режаси;

**2.** Таълим-тарбиявий ва педагогик жараёнларни кузатиш қайдлари;

**Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг ойлик иш режаси**

Ойлик иш режа - раҳбарнинг бир ойга мўлжалланган вазифаларини кундалик фаолиятига муқобиллаштириш асосида, ҳар бир бўлимга ой давомида бажарилиши лозим бўлган вазифалар олиниб, уларнинг бажарилиш вақти ҳафтадаги саналар асосида белгиланади.

Ойлик иш режа 5 та бўлимдан иборат бўлиб, қуйидагича юритилади:

***Намуна:***

**Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарининг**
**______ойи учун ойлик иш режаси**

| | **Режалаштирилган вазифалар** | **I-ҳафта (сана)** | **П-ҳафта (сана)** | **Ш-ҳафта (сана)** | **IV-ҳафта (сана)** | **V-ҳафта (сана)** | **Изоҳ** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Кадрлар билан ишлаш** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| **Ташкилий-педагогик ишлар** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| **Ота-оналар ва Кузатув кенгаши билан ишлаш** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| **Мактаб, маҳалла ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| **Маъмурий-хўжалик ишлари** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

**Таълим-тарбиявий ва педагогик жараёнларни кузатиш**

Ушбу бўлимда ташкилотда болаларнинг кун давомидаги барча фаолият турлари (эрталабки қабул, эрталабки соат, марказлардаги таьлимий ва мустақил жараёнлар, сайрлар, овқатлантириш, уйқу ва куннинг иккинчи ярмида ташкил этиладиган фаолиятлар)ни

кузатиш таҳлили олиб борилади. Бунда кузатув олдиндан белгиланган аниқ мақсад асосида олиб борилади ҳамда раҳбар томонидан бериладиган хулоса ва тавсиялар тарбиячига таништирилиб, тарбиячининг танишганлиги ҳақидаги имзоси билан якунланади.

***Намуна***

**2019 йил сентябрь ойи учун таълим-тарбиявий ва педагогик жараёнларни кузатиш дафтари**

| Сана | Ёш гуруҳи | Педагогнинг фамилияси, исми | Кузатув мақсади | Ривожлантирувчи муҳитни яратилганлиги | Хулоса ва тавсиялар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

**Мактабгача таълим ташкилотларида раҳбарлар томонидан таълим-тарбиявий (ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш), педагогик жараёнлар (фаолиятлар)ни кузатишнинг ойлик тақсимоти қуйидагича:**

| 3- 7 гуруҳгача | | 8 -12 гуруҳгача | | 13-20 гуруҳгача | | 20- 28 гуруҳгача | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш (1 ойда) | Фаолиятлар 1 ойда бир марта | Ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш (1 ойда) | Фаолиятлар 1 ойда бир марта | Ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш (1 ойда) | Фаолиятлар 1 ойда бир марта | Ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш (1 ойда) | Фаолиятлар 1 ойда бир марта |
| **2** | **3** | **2** | **4** | **3** | **6** | **4** | **8** |

**02-02** МТТ ходимларининг иш вақти ҳисобини юритиш табели ташкилот раҳбари томонидан ҳар ойда белгиланган шаклда юритилади. Табеллар бутун ташкилот бўйича ёки тузилмавий бўлинмалар бўлинган ҳолда юритилади. Ойнинг охирида табел бўйича ишланган кунларнинг умумий миқдори, шунингдек, ортиқча ишланган соатлар аниқланади.

Тўлдирилган ва тегишли имзолар билан расмийлаштирилган табел ва бошқа ҳужжатлар белгиланган муддатда иш ҳақини ҳисоблаш учун марказлашган бухгалтерияга топширилади.

Ушбу иш вақтини ҳисобга олиш электрон тарзда амалга оширилишига йўл қўйилади.

**03-03** Ходимлар билан йўриқнома ўтказиш китоби. Ходимлар билан жорий йўриқномалар - тўрт йўналишда ўтказилади.

**1.** Мактабгача таълим ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари билан таништириш йўриқномаси. Мазкур йўриқнома бир йилда бир маротаба ўқув йили бошида (август-сентябрь ойида) умумий ишлаб чиқариш мажлисида ўтказилади.

**2.** Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномаси йилда бир маротаба ўқув йили бошида касаба уюшмаси билан биргаликда ўтказилади.

**3.** Болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўрикнома ўқув йилида уч ойда бир маротаба сентябрь, декабрь, март ойларида таништирилади. Ёзги соғломлаштириш мавсумида ҳар ойда - июнь, июль, август ойларининг биринчи саналарида ҳар бир ходимга таништириб борилади.

**4.** Ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқнома йилда бир маротаба календар йил боши (январь ойи) да ўтказилади. Ушбу йўриқнома мактабгача таълим ташкилотининг ёнғин хавфсизлиги учун жавобгар масъул шахс бўлган (шу ҳақда МТТ раҳбарининг буйруғи чиқарилади) хўжалик ишлари бўйича раҳбар ўринбосари иштирокида ўтказилади.

Ҳар бир ўтказилган йўриқнома сўнгида йўриқнома билан таништирилган шахс ёки раҳбарнинг исми, шарифи, имзоси (раҳбар таништирган ҳолда муҳр) қўйилиши лозим.

**1-кўриниш**

| | **Сана** | **Йўриқнома билан таништириладиган шахснинг фамилияси, исми, шарифи** | **Лавозими** | **Йўриқноманинг йўналиши** | **Қаерда кўрилди** | **Йўриқнома билан танишган шахснинг фамилияси исми** | **Танишганлиги ҳақида белги** | **Имзо** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **8.08. 2019 й** | **Наримова К.** | **Тарбиячи** | **Ходимлар лавозимининг малака таснифлари билан таништириш** | **28.08.2019 йилдаги 1-сонли умумий ишлаб чиқариш йиғилиш** | **Наримова К.Н** | **Таниш дим** | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

**2-кўриниш**

| Т.р. | **Сана** | **Йўриқнома билан таништириладиган шахснинг фамилияси, исми,** | **Лавозими** | **Йўриқноманинг йўналиши** | **Қаерда кўрилди** | **Йўриқнома билан танишган шахснинг фамилияси, исми** | **Танишганлиги ҳақида белги** | **Имзо** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1.** | **8.08. 2019 й** | **Наримова К.** | **Тарбиячи** | **Техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномас** | **28.08.2019 йилдаги 1-сонли умумий ишлаб чиқариш йиғилиши** | **Наримова К.Н** | **Таниш дим** | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

3-кўриниш

| Т.р. | Сана | Йўриқнома билан таништириладиган шахснинг фамилияси, исми, | Лавозими | Йўриқноманинг йўналиши | Қаерда кўрилди | Йўриқнома билан танишган шахснинг фамилияси, исми | Танишганлиги ҳақида белги | Имзо |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 8.08. 2019 й | Наримова К. | Тарбиячи | Болалар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби | 28.08.2019 йилдаги 1-сонли умумий ишлаб чиқариш йиғилиши | Наримова К.Н | Танишдим | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

4-кўриниш

| Т.р. | Сана | Йўриқнома билан таништириладиган шахснинг фамилияси, исми, шарифи | Лавозими | Йўриқноманинг йўналиши | Қаерда кўрилди | Йўриқнома билан танишган шахснинг фамилияси, исми | Танишганлиги ҳақида белги | Имзо |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 8.01. 2020 й | Наримова К. | Тарбиячи | “Ёнғин хавфсизлиги" йўриқномаси | 8.01.2020 йилдаги раҳбар ҳузуридаги тезкор йиғилиш | Наримова К.Н. | Танишдим | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |
| | | | | | | | | |

21

**04- Мактабгача таълим ташкилоти методисти**

**04-01.** Ўзбекистон Республикасининг Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-МҲ-сон буйруғи билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 3 июль 2018 йилда 3032-сон билан рўйхатдан ўтган) "Ўзбекистон Республикаси илк ва мактабгача таълим ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари".

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган "Илк қадам"давлат ўқув дастури.

**04-02.** Методистнинг шахсий иш режаси (Иш журнали) га қуйидаги бўлимлар киритилган:

**1.** Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш юзасидан қайдномалар.
**2.** Педагогларнинг методик ишлардаги иштироки ҳақида маълумот.
**3.** Маслаҳат соатларини режалаштириш қайдномалари.
**4.** Таълим-тарбиявий ва педагогик жараёнларни кузатиш қайдномалари.
**5.** Методистнинг ойлик иш режаси.
**6.** Кейинги ўқув йили режаси учун ғоя ва таклифлар банки.

## 1. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш

Бу бўлимда ташкилотда фаолият юритаётган барча педагог ходимларнинг иш салоҳиятларини аниқлаш мақсадида аттестациядан ўтиш вақтлари, аттестация учун тақдим этиладиган ишлар мазмуни билан танишиш, белгилаб олиш ҳамда аттестация натижалари ҳақидаги маълумотлар берилади.

**Намуна**

**Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш**

| т.р. | Педагогнинг фамилияси, исми, шарифи | Лавозими | Аттестациядан ўтказиш режаси | | | | | Аттестация натижалари | Қандай кўринишда тақдим этилганлиги |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 20../.. ўқув йили | 20../.. ўқув йили | 20../.. ўқув йили | 20../.. ўқув йили | 20../.. ўқув йили | | |
| **1** | | | | | | | | | |
| **2** | | | | | | | | | |

## 2. Педагогларнинг методик ишлардаги иштироки ҳақида маълумот

Бу жадвалда педагог ходимларнинг фаолиятларини янада яхшилаш, самарадорлигини таъминлаш, янгиликларга интилиш ва инновацияларни иш фаолиятларига татбиқ этиш мақсадида олиб бориладиган ишлар режалаштирилади, таҳлили юритилади ҳамда шунга муносиб тарзда ходимларни рағбатлантириш чоралари белгилаб олинади. Масалан: ходимнинг ўқув йили давомида ташкил этган кўргазмалари, кўрик-танловлари ҳамда педагогик кенгашдаги чиқишлари, амалий ва назарий семинарлар, конференциялардаги иштироклари режалаштирилади.

*Намуна*

**Педагогларнинг ташкилий-методик ишларидаги иштироки ҳақида маълумот**

| | Педагог-нинг фамилияси, исми, шарифи | Педагогик кенгашдаги чиқишлари | Метод бирлашмаларга тайёргарлик ва уларни ўтказиш | Ижодий гуруҳда ишлаш | Илғор иш тажрибаларни оммалаштириш | | Иштирок этиш | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Болалар ишларининг намойиши | Илғор иш тажрибани ёзма ва видео ёзув тарзида тақдим этиш | Конференциялар | Амалий ва назарий семинарлар | Кўрик-танловлар | Кўргазмалар |
| | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | |

**3. Маслаҳатларни қайд этиш дафтари**

Маслаҳатлар мактабгача таълим ташкилотлари учун ойда 2 марта ўтказилади ва қуйидаги тартибда юритилади.

Намуна

| Т.р | Ўтказилган вақти | Маслаҳат мавзуси | Маслаҳатнинг қисқача мазмуни ва амалга ошириш бўйича вазифалар | Маслаҳат олувчи шахснинг фамилияси, исми, шарифи ва имзоси |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |

**4. Таълим-тарбиявий ва педагогик жараёнларни кузатиш**

Ушбу бўлимда муассасада болаларнинг кун давомидаги барча фаолият турлари (эрталабки қабул, эрталабки соат, марказлардаги таьлимий ва мустақил жараёнлар, сайрлар, овқатлантириш, уйқу ва куннинг иккинчи ярмида ташкил этиладиган фаолиятлар)ни кузатиш таҳлили олиб борилади. Бунда, кузатув олдиндан белгиланган аниқ мақсад асосида олиб борилади ҳамда методист томонидан бериладиган хулоса ва тавсиялар тарбиячига таништирилиб, тарбиячининг танишганлиги ҳақидаги имзоси билан якунланади.

*Намуна*

**Методист томонидан 2019 йил _________________________ ойи учун**
**таълим-тарбиявий ва педагогик жараёнларни кузатиш дафтари**

| Сана | Ёш гуруҳи | Педагогнинг фамилияси, исми | Кузатув мақсади | Ривожлантирувчи муҳитни яратилганлиги | Хулоса ва тавсиялар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |

**Мактабгача таълим ташкилотларида методистлар томонидан таълим-тарбиявий (ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш), педагогик жараёнлар (фаолиятлар)ни кузатишнинг ойлик тақсимоти қуйидагича:**

| **3- 7 гуруҳгача** | | **8 -12 гуруҳгача** | | **13-20 гуруҳгача** | | **20- 28 гуруҳгача** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш (1 ойда) | Фаолиятлар 1 ойда бир марта | Ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш (1 ойда) | Фаолиятлар 1 ойда бир марта | Ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш (1 ойда) | Фаолиятлар 1 ойда бир марта | Ривожлантириш марказлари ва умумий гуруҳ бўлиб ишлаш (1 ойда) | Фаолиятлар 1 ойда бир марта |
| **2** | **4** | **3** | **6** | **4** | **8** | **5** | **10** |

## 5. Методистнинг ойлик иш режаси

Ойлик иш режа методистнинг бир ойга мўлжалланган вазифаларини кундалик фаолиятига муқобиллаштириш тамойили асосида юритилади.

Ойлик режа қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

**1.** Педагог-кадрлар билан ишлаш.

**2.** Ташкилий-педагогик ишлар.

**3.** Ҳамкорлик ишлари.

**4.** Тадбирларга тайёргарлик.

Ҳар бир йўналишга ой давомида бажарилиши лозим бўлган вазифалар олиниб, уларнинг бажарилиш вақти ҳафтадаги саналар асосида белгиланади.

*Намуна*

**Мактабгача таълим ташкилоти методистининг_________ ойи учун ойлик режаси**

| | **Режалаштирилган вазифалар** | **I-ҳафта (сана)** | **II-ҳафта (сана)** | **III-ҳафта (сана)** | **IV-ҳафта (сана)** | **V-ҳафта (сана)** | **Изоҳ** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Педагог кадрлар билан ишлаш** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| **Ташкилий-педагогик ишлар** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| **Мактаб, маҳалла ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| **Тадбирларга тайёргарлик** | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

### 6. Кейинги ўқув йили режаси учун ғоя ва таклифлар банки

Иш журнали орқали методист ташкилот фаолиятидаги янгиликлар, ғоялар, таклифлар ҳамда амалий жараёнларни йил давомида йиғиб боради.

Иш журналида берилган таклифлар, тавсиялар, камчиликлар асосида келгуси ҳафта, ой режалари белгиланади.

**Кейинги ўқув йили режаси учун ғоя ва таклифлар банки**

**04-03.** Мактабгача таълим ташкилотида таълим сифати ҳамда педагогларнинг касбий малакасини ошириш бўйича иш режалари методист томонидан педагогларнинг касбий маҳоратларини оширишга қаратилган методик ўқишлар, педагогик минбарлар, турли мавзуларда тренинглар, учрашувлар, маҳорат мактаблари, устоз-шогирд, сиёсий ва маънавий онгни оширишга қаратилган тадбирлар ҳамда янги методик адабиётларни ўрганиш, янгиликларни ташкилот фаолиятига татбиқ этиш, муаллифлик дастурларини ишлаб чиқишга йўналтириш каби мавзулар киритилади.

***Намуна***

**Педагогларнинг касбий компетенцияси ва мактабгача таълим ташкилотида таълим сифатини ошириш бўйича иш режа**

| Т.р | Мавзу | Муддат | Масъул | Бажарилганлиги ҳақида изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |

**04-04**. Боланинг ривожланиш харитаси юритилишини назорат қилиш китоби ташкилотдаги гуруҳлар кесимида тарбияланувчиларнинг ривожланиш хариталари асосида юритилади. Гуруҳларда болалар билан йилда 3 марта кузатиш ўтказилади. Ривожланиш харитаси асосида болаларни кузатиш натижалари тахлил қилинади. Кузатиш жараёнида 5 та ривожланиш соҳаларига асосан белгиланган мезонлар бўйича ўзлаштирмаган болалар сони ёзилади. Дафтарнинг изоҳ қисмида кузатиш натижаларида болалар ривожланишида аниқланган бўшлиқлар асосида якка тартибда олиб бориладиган, таълим жараёнига ўзгартиришлар киритиш бўйича вазифалар қайд

| Т.р | Гуруҳ лар | Рўйхат бўйича болалар сони | Юритилган хариталар сони ва уларнинг юритилиш ҳолати | 5 та ривожланиш соҳалари бўйича ўтказилган 3 та кузатув натижалари | | | *Изоҳ (Кузатув натижасига кўра якка тартибда ишлаш, таълим жараёнига ўзгартиришлар киритилиши қайд этилади.* |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 1-куз | 2-куз | 3-кузатув | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |

### 05- Умумий типдаги мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси

**05-01.** Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-МҲ-сон буйруғи билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 3 июль 2018 йилда 3032-сон билан рўйхатдан ўтган) “Ўзбекистон Республикаси илк ва мактабгача таълим ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Илк қадам” Давлат ўқув дастури.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш” қўлланмаси ҳар бир тарбиячи ишлаётган гуруҳ ёшига мос равишда таъминланган бўлиши шарт.

**05-02.** Тарбиячининг шахсий иш режаси (Иш журнали) Журналнинг титул варағидан кейинги бетга тавсиялар жойлаштирилган бўлиб, тарбиячи бу тавсиялардан фаолияти давомида фойдаланиши мумкин. Кейинги саҳифада тарбиячининг жорий ўқув йилида ўз олдига қўйган асосий вазифалари ёритилади. Асосий вазифалар ташкилотнинг долзарб вазифаларидан келиб чиққан ҳолда олинади. Унда тарбиячи ўзининг педагогик салоҳиятини ошириш учун амалга оширмоқчи бўлган, марказлар фаолиятини бойитишга қаратилган, замонавий жиҳозлаш, режалаштирилган тадбирлар, ота-оналар, педагоглар билан ҳамкорликдаги ишлари ёритилади.

Гуруҳ ёшига ва МТТнинг иш вақтига қараб кун тартиби белгиланади. Бир ой учун 2 та эрталабки бадан тарбия комплекслари режалаштирилиб, 1-15 санагача предметсиз машқлар, 16-31 саналарда предметлар билан эрталабки бадан тарбия машқлари бажарилишига эътибор қаратилиши лозим. Эрталабки бадан тарбия машқларини апоҳида дафтарга ёзиб бориш ёки олдиндан картотекалар тайёрлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Кейинги варақларда тарбиячининг таълимий-тарбиявий фаолияти акс эттирилиб, ҳафта мавзуси, давр кўрсатилади. Эрталабки доирада болалар билан олиб бориладиган қабул, суҳбат, ўйинлар, эрталабки бадан тарбия комплексининг тартиб рақами киритилади.

**Марказлардаги фаолиятларга ўзгартириш** киритилган тақдирда, ўша марказ номи ва мавзу, унга керакли жиҳозлар ёзилади. Марказлардаги фаолиятлар ўзгармаган ҳолатларда бу жой бўш қолади.

**Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш** - бу фронтал машғулот бўлиб, унга нутқ ўстириш, математика, саводга ўргатиш, рус ва ўзбек тиллари, инглиз тили, жисмоний тарбия ҳамда мусиқа машғулотлари киради. Тарбиячи томонидан мутахассислар билан келишган ҳолда ушбу фронтал маашғулотларни ўтиш вақти белгиланади ва раҳбарият томонидан тасдиқланади.

Ёш тарбиячиларга фронтал машғулотларни тўлиқ очиб ёзиш, тажрибага эга бўлган тарбиячиларга эса фронтал машғулотларни тезис сифатида ёритиб бериш мумкин. Фронтал машғулотни ёзиш дафтари раҳбарият томонидан тасдиқланади ва назоратга олинади.

Иш журналининг сайр бўлими 5 қисмдан иборат. Бу қисмларда тарбиячи, энг аввало, кузатилаётган объектни ёритиши, объектга мос бўлган меҳнат турини, ҳаракатли ўйин, ихтиёрий ўйинларни режалаштиради. Тарбиячи болаларни ихтиёрий ўйинга жалб қилган

вақтда, асосий ҳаракат турларини мустаҳкамлашга муҳтож бўлган болалар билан ишлайди ва уларда сакраш, югуриш, тирмашиб чиқиш, улоқтириш, ирғитиш, турли усулларда юриш ва бошқа ҳаракатлар бўйича олган малакаларини мустаҳкамлайди.

Иш журналидаги куннинг иккинчи бўлими болалар билан якка ишлаш, бадиий адабиётлар, ўйин ва фаолиятлар қисмларига бўлинган бўлиб, унда тарбиячи бола билан қайси мавзуда якка ишлашини, ўқиб бериладиган, саҳналаштириладиган, ҳикоя қилиб бериладиган, ёд олинадиган асарлар номини, сюжетли-қоидали, таълимий, стол устида ўйналадиган, ривожлантирувчи ўйинлар, туғилган кунлар, учрашувлар, қўғирчоқ театрлари, тўгараклар ва бошқа таълимий-тарбиявий фаолиятлар режалаштирилади.

**Кечки сайрда** эса тарбиячи кузатиш, ихтиёрий ўйинлар, ота-оналар билан суҳбат қисмларини режалаштиради. Журналнинг давомида болалар фаолиятини ташкил этишдаги ўзгаришлар бўлими киритилган бўлиб, унда тарбиячи кун давомидаги фаолиятларда ўзгартишлар киритган бўлса, бу ҳақда албатта маълумот ёзиб қўяди. Масалан: Кун совуқ бўлганлиги учун режалаштирилган экскурсиянинг ўтказилмаганлиги. Иш журналида “Ҳафта якуни” бўлими бўлиб, у 4 қисмдан иборат:

- **“Болалар илгари нимани билишар эди?”** - Бу саволга тарбиячи ҳафта давомида берилаётган мавзулар ҳақида болаларнинг қанчалик тушунчалари борлигини ёзади;
- **“Болалар нимани билишди?”** - Саволига тарбиячи ҳафта давомида болалар томонидан марказлар ва умумий гуруҳларда ишлаш жараёнларида олган янгиликларини ёзади;
- “**Болалар нимани билишни ҳоҳлайдилар?”** - Бу саволга тарбиячи болаларда ҳосил бўлган саволлар, қизиқишлардан келиб чиққан ҳолдаги мавзуларни киритади;
- **“Келгуси ҳафтага ғоялар”-** да эса тарбиячи болалар қизиқишлари ва хоҳишлари асосида ташкил этиладиган фаолиятларни ёзади.

Иш журналидаги ҳафталик иш режасининг сўнггида режанинг қай ҳолатда ёзилганлиги бўйича мактабгача таълим ташкилоти раҳбарияти (раҳбар, методист)нинг тавсия ва кўрсатмалари берилади. Бу тарбиячига келгуси ҳафта иш режасини тузишда методик ёрдам бўлиб ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***05-02***

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИСИНИНГ ИШ РЕЖАСИ

28

**__________ шаҳар (вилоят)**

**_____ тумани «__________» номли**

**- мактабгача таълим ташкилоти**

**..................................гуруҳ**

**тарбиячисининг**
**20 _ - 20__ ўқув йили учун**
**шахсий**

# ИШ ЖУРНАЛИ

**Тарбиячилар: ________________**
(фамилияси, исми, шарифи)

(фамилияси, исми, шарифи)

**Телефон:**

29

**Тарбиячиларга тавсиялар**

**Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг ушбу иш журнали ташкилотда фаолият юритаётган тарбиячилар учун ишлаб чиқилган.**

**Мазкур ҳужжатни юритишдан мақсад, Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ҳамда “Илк қадам” давлат ўқув дастури талабларини бажариш асосида эрталабки соат, сайр, куннинг иккинчи ярмида болалар билан якка тартибда ишлашни лойиҳалаштиришдан иборатдир.**

**Мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолиятни режалаштириш болалар ҳаётини тўғри ташкил этишнинг негизи ҳисобланиб, бунда тарбиячилар таълимий вазифалар, болалар билан биргаликда олиб бориладиган иш шакллари, ривожлантирувчи муҳитга киритиш лозим бўлган ўзгартиришларни белгилаб беради.**

**Режалаштириш таълим-тарбия жараёнида индивидуал ёндашувни амалга ошириш, болаларга ахборот ва жисмоний вазифаларни меъёрлаш имконини беради.**

**Иш режасининг тўлақонли бажарилишини таҳлил қилиш, боланинг ривожланиш суръатини кузатиш ва улар учун янада қулай шароитлар яратиш имконини беради.**

## ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЙИЛЛИК ВАЗИФАЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

**ГУРУҲИНИНГ КУН ТАРТИБИ**
**(ўқув йили даврида)**

| Т.р. | ТАДБИРЛАРНИНГ НОМИ | МУДДАТ |
|---|---|---|
| Эрталабки доира | | |
| 1 | Болаларнинг саломатлигини текшириб қабул қилиш, ўйинлар, болалар билан суҳбат, эрталабки бадан тарбия | |
| 2 | Нонуштага тайёргарлик, нонушта | |
| 3 | Мустақил фаолият, ўйинлар | |
| 4 | Таълимий ўйин фаолияти | |
| Катта доира | | |
| 5 | Гуруҳдаги болалар билан таълимий фаолият | |
| 6 | Сайрга тайёргарлик ва сайр | |
| 7 | Сайрдан қайтиш, ўйинлар | |
| 8 | Тушликка тайёргарлик, тушлик | |
| 9 | Кундузги уйқуга тайёргарлик, уйқу | |
| 10 | Тетиклаштирувчи машқлар, сув ва ҳаво муолажалари | |
| 11 | Уйқусиз вақт (мустақил фаолият) | |
| 12 | Кечки чойга тайёргарлик, кечки чой | |
| Куннинг иккинчи ярми | | |
| 13 | Қўшимча таълим, якка ишлаш, бадиий адабиётларни ўқиш, ихтиёрий ўйинлар | |
| Кечки сайр | | |
| 14 | Кузатиш, ҳаракатли ўйинлар, ихтиёрий ўйинлар | |
| 15 | Ота-оналар билан суҳбат ва болаларни уйга кузатиш. | |

ЭРТАЛАБКИ ГИМНАСТИКА КОМПЛЕКСИ

| ой | ҲАФТА | ЭРТАЛАБКИ ГИМНАСТИКА КОМПЛЕКСИ |
|---|---|---|
| | 1-2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 1-2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 1-2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 1 -2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 1-2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 1 -2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 1-2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 1-2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 1 -2 | Эрталабки гимнастика комплекси № |
| | 3-4 | Эрталабки гимнастика комплекси № |

| | |
|---|---|
| МАВЗУ | |
| ДАВР | |

**Эрталабки қабул**
**Болалар билан суҳбат**
**Уйинлар**
**Эрталабки бадан тарбия ______**
**Эрталабки қабул**
**Болалар билан суҳбат**
**Ўйинлар**
**Эрталабки бадан тарбия ______**
**Эрталабки қабул**
**Болалар билан суҳбат**
**Ўйинлар**
**Эрталабки бадан тарбия ______**
**Эрталабки қабул**
**Болалар билан суҳбат**
**Ўйинлар**
**Эрталабки бадан тарбия ______**
**Эрталабки қабул**
**Болалар билан суҳбат**
**Ўйинлар**
**Эрталабки бадан тарбия ______**

**МАРКАЗЛАРДАГИ ФАОЛИЯТЛАРГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР**

| РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗЛАРИ | МАВЗУ, ЎЙИН ВА ТАДБИРЛАРНИНГ НОМИ | РЕСУРСЛАР ИЗОҲ |
|---|---|---|

**Машғулот:**
**Мавзу:**

**Ресурслар**

**Машғулот:**
**Мавзу:**

34

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Мақсад: | | |
| | | | Ресурслар | | |
| | | | Машғулот: | | |
| | | | Мавзу: | | |
| | | | Ресурслар | | |
| | | | Машғулот: | | |
| | | | Мавзу: | | |
| | | | Ресурслар | | |
| | | | Машғулот: | | |
| | | | Мавзу: | | |
| | | | Ресурслар | | |
| | | | | **ЎЙИН ВА ТАДБИРЛАР НОМИ** | **РЕСУРСЛАР, ИЗОҲ** |
| | | | Кузатиш | | |
| | | | Меҳнат | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | Кузатиш | | |
| | | | Меҳнат | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | Кузатиш | | |
| | | | Меҳнат | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

35

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | Кузатиш | | |
| | | | Меҳнат | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | **ЎЙИН ВА ТАДБИРЛАР** | **РЕСУРСЛАР, ИЗОҲ** |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

36

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Кузатиш | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | ЎЙИН ВА ТАДБИРЛАР | РЕСУРСЛАР, ИЗОҲ |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

**БОЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАГИ ЎЗГАРИШЛАР**

**______________________________ ҲАФТА ЯКУНИ:**
**Болалар илгари нимани билишар эди? ________**

**Болалар нимани билишди?**

**Келгуси ҳафтага ғоялар**

**Болалар нимани билишни хохлайдилар?**

## МТТ РАҲБАРИЯТИНИНГ ТАВСИЯ ВА КЎРСАТМАЛАРИ

05-03. Болалар давоматини қайд этиш дафтари (табель, фильтр, патронаж ва ота-оналар тўғрисидаги маълумотлар) Тарбиячи томонидан юритиладиган табель, фильтр ва патронаж дафтари бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, улар болаларни қабул қилиш ва қатновини назорат қилувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Дафтарда ота-оналар ҳақидаги маълумотлар ҳам қайд этилади. Дафтарлар умумий битта бўлиши ёки 4 та дафтар алоҳида юритилиши мумкин, алоҳида юритилганда, уларнинг ҳар бирига 05-03 рақами қўйилади. Дафтарларнинг юритилиш тартиби қуйидагича:

Болалар давоматини қайд этиш дафтари ёш гуруҳларида болалар қатновини ҳар куни соат 9.00 дан кечиктирмай белгилаб борилади ва келган болаларнинг умумий сони чиқариб қўйилади. Ой якунида рўйхатдаги болалар келган, келмаган кунларининг умумий сони чиқарилади ва натижалар умумлаштирилади. Таҳлилда рўйхат бўйича болалар сони, ушбу ой давомида келган ва умуман келмаган болаларнинг аниқ сони ёзилади. Ушбу таҳлил асосида бола куни бажарилиши аниқланади. Умумий болалар куни ва бола келмаган кунларнинг сабабли ва сабабсиз сони ёзилади. Таҳлил қилган тарбиячининг фамилияси ва имзоси, ҳамшира томонидан болалар сонининг ҳаққонийлигини тасдиқлаб имзо қўйилади. Ташкилот раҳбари ой давомида юритилган давомат ва таҳлилни назоратдан ўтказиб, имзо ва муҳр қўяди.

Табель дафтари тикилган, саҳифаланган, муҳрланган, раҳбар томонидан имзоланган бўлиши керак

**Фильтр дафтари:** Тарбиячи болаларни қабул қилиш вақтида ҳар бир боланинг ота-онаси билан бола саломатлиги ҳақида қисқача суҳбатлашади, бирламчи тиббий назоратдан ўтказади. Фильтр дафтарида тана ҳарорати, тери тозалиги, бош тозалиги(педикулёзга текширув) ва ота-онадан олинган сўровнома натижалари белгиланади. Боланинг фильтр назорати ота-она олдида ўтказилади.

Бола уч кун келмаган тақдирда фильтр назоратини ташкилотнинг тиббиёт ходимлари томонидан ўтказилиши ва ота-онадан боланинг муассасага келмаганлик сабабини

тасдиқловчи тегишли ҳудудий даволаш ташкилоти томонидан берилган махсус шаклдаги тиббий маълумотнома тақдим этилиши талаб этилади. Фильтр дафтари тикилган, саҳифаланган, муҳрланган, раҳбар томонидан имзоланган бўлиши керак.

**Патронаж дафтари:** ҳар бир ёш гуруҳида тарбиячи томонидан ойма-ой юритилади. Бола ташкилотга келмаган кунларнинг учинчи куни тарбиячи оилага ташриф буюриб (ёки телефон орқали), боланинг ташкилотга келмаслик сабабини аниқлайди. Бола узоқ муддат келмаган тақдирда, келмаган кунларнинг еттинчи куни иккинчи патронаж ва ўн тўртинчи куни учинчи патронажнинг ўтказилиши ва ҳар бир патронаж қилинган куннинг санаси ҳамда келмаслик сабаби ёзиб борилиши лозим. Уч кун ва ундан ортиқ ташкилотга қатнамаган боланинг ташкилотга келган куни мактабгача таълим ташкилоти тиббиёт ходими(шифокори ёки ҳамшираси) томонидан келмаган кунлар учун тақдим этилган тиббий маълумотнома асосида назоратдан ўтказиб, қабул қилиниши ва патронаж дафтарига имзо қўйилади. Бола кейинги ой ҳам ташкилотга келмаган ҳолатда тарбиячи ушбу болани яна белгиланган тартибда патронаж дафтарига рўйхатга олади. Патронаж дафтари тикилган, саҳифаланган, муҳрланган, раҳбар томонидан имзоланган бўлиши керак.

Ота-оналар ҳақидаги маълумотлар дафтари: ушбу дафтарга боланинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган санаси, уй манзили, телефон рақами, ота-онасининг фамилияси, исми, отасининг исми, уларнинг иш жойлари ҳақидаги маълумотлар киритилади ва қўшимча маълумотлар олинганда, дафтарга қайд этиб борилади. Ота-оналар ҳақидаги маълумотлар дафтари тикилган, саҳифаланган, муҳрланган, раҳбар томонидан имзоланган бўлиши керак.

Намуна

Болаларнинг кундалик давомати ____________________ойи ____________ йил

| Т.р | Тўлов, % | Болаларнинг фамилияси, исми | Кунлар | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
Таълимий даврнинг асосий мавзусини танлаш, албатта, болаларнинг барча фаолияти бу мавзуга бағишланган бўлиши керак, дегани эмас. Мавзунинг асосий даврларга тақсимлашдан мақсад - таълим фаолиятининг интеграциялаштириш ва болалар фаолиятини таълим соҳалари бўйича асоссиз тақсимланишини олдини олишдан иборат.

Таълим фаолияти мазмунини мавзули-комплекс равишда ташкил этиб режалаштиришда қуйидаги таълим соҳаларидан фойдаланилади:

- жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши;
- ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;
- нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакаларига тайёргарлик;
- билиш жараёнини ривожланиши;
- ижодий ривожланиш.

Ушбу мавзули режалаштириш мажмуасининг мазкур асоси болалар фаолиятнинг барча турларида мактабгача таълим мазмунининг ичига тўлиқ киришини таъминлайди.

Турли ёш гуруҳларида ўзаро боғлиқ ўхшаш мавзуларни киритилиши уларнинг индивидуал имкониятларига мувофиқ уйғун ривожланиш ва бутун мактабгача ёш даврининг турли гуруҳларида болаларни ривожлантиришда ўқув мақсадлари бирлигини

ва узлуксизлигини таъминлаш орқали таълимий мақсадга эришилишига олиб келади.

11-06 Куннинг иккинчи яримида болалар билан олиб борилаётган якка тартибда ишлаш дафтарида дефектолог томонидан вазифа берилиши ва берилган вазифа асосида тарбиячи куннинг иккинчи ярмида болага вазифаларни такрорлатишни акс эттирилади.

***Намуна***

Куннинг иккинчи яримида болалар билан олиб борилаётган якка тартибда ишлаш дафтарида (тарбиячи учун)

| **Сана** | **Якка тартибда иш олиб бориладиган болаларнинг исми, фамилияси** | **Дефектолог топшириғи** | | | | | | **Тарбиячининг бажарган иши** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Товушни шеърларда, тез айтиш, топишмоқларда мустаҳкамлаш** | **Луғат бойлиги устида ишлаш** | **Нутқнинг грамматик томони устида ишлаш** | **Тўғри товуш талаффузи** | **Боғланган нутқ устида ишлаш** | **Умумий гуруҳ болаларига бериладиган вазифа** | |
| **02.03.20** | Мухамедов Сардор | Вазифа 3 (2) шеърни аниқ, “с” товушига аҳамият берган ҳолда ёд олинг. | | | | | “Шолғом” эртагини ўқиб беринг | Тарбиячи амалга оширган ишлари ва уларнинг натижавийлигини аниқ қайд қилиб |

***Изоҳ:*** *Қуйидаги дафтарга дефектолог тарбиячи куннинг иккинчи ярмида айнан қайси бола билан вазифаларни мустаҳкамлаш зарурлигини қайд қилиб қўяди. Куннинг иккинчи ярмида тарбиячи берилган вазифаларга аҳамият бериб, кенг тарзда очилган “Вазифа дафтари”даги вазифаларни мустаҳкамлаш учун болаларга бажартиради. Дефектолог вазифаларни кенг тарзда очилган “Вазифа дафтари”га ёки карточкаларга илова тарзида вазифаларни аниқ қайд қилган ҳолда қўйиб кетади. Кунига тарбиячи 4-5 бола билан якка шуғулланиб, умумий болалар билан ҳар куни куннинг иккинчи ярмида “Умумий гуруҳ болаларига бериладиган вазифа” бўлимидан фойдаланиб олиб боради.*

11-07 Йиллик ҳисобот. Йилнинг охирида тарбиячилар олиб борилган ишлар ҳақида ҳисобот тайёрлаб, уни методистга топширади. Методист эса уларга асосланган ҳолда туман ёки шаҳар мактабгача таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлимига ҳисобот ёзади.

Ҳисоботда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

**1.** Гуруҳга келган болалар сони ва уларнинг ташхислари
**2.** Гуруҳларнинг жамланган вақти
**3.** Гуруҳдаги болаларнинг эришган натижалари ривожланиш соҳалари бўйича.

## 11 - Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилоти дефектологи

12.01 Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 1-мҳ-сон буйруғи билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 3 июль 2018 йилда 3032-сон билан рўйхатдан ўтган) “Ўзбекистон Республикаси илк ва мактабгача таълим ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-онли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Илк қадам” Давлат ўқув дастури ҳамда амалдаги ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган муаллифлик, мослаштирилган вариатив дастурлар .

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш” қўлланмаси ҳар бир тарбиячи ишлаётган гуруҳ ёшига мос равишда таъминланган бўлиши шарт.

11.02 Йиллик ва истиқбол иш режаси ҳар бир гуруҳнинг ёш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

***Намуна***

**Йиллик ва истиқбол иш режаси**

| | **Мавзу** | **Тўғри товуш талаффузи ва саводга ўргатиш** | **Луғат** | **Иш турлари сана** |
|---|---|---|---|---|
| | Нутқ ўстириш машғулоти бўйича мавзулар номи акс эттирилади | Тўғри товуш талаффузи ва саводга ўргатиш машғулоти бўйича танланган мавзулар номи акс эттирилади | Машғулотда болалар билан машқ қилина-диган мавзуга доир аниқ сўзлар (сўз туркумлари, сўз би-рикмалари, ибора ва гаплар тўплами) мавзуга мосини танлаб қайд қилинади | Мавзуни ёритишда қўлланиладиган ўйинлар, машқлар номи белгиланади |

**Катта ва ўрта гуруҳ учун**

| | **Мавзу** | **Тўғри товуш талаффузи** | **Луғат** | **Иш турлари** | **Сана** |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Кичик гуруҳ учун | | | |
| | **Мавзу** | | **Луғат** | **Иш турлари** | **Сана** |
| | | | | | |

11.03 Педагоглар билан ўзаро ҳамкорлик иш режаси дефектолог ва тарбиячи билан ҳамкорлигида амалга оширилади.

Мазкур ҳужжатни юритишдан мақсад Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ҳамда “Илк қадам”
мактабгача таълим ташкилотининг давлат ўқув дастури талабларини бажариш асосида

эрталабки соат, сайр, куннинг иккинчи ярмида болалар билан якка тартибда ишлашни лойиҳалаштиришдан иборатдир.

Мактабгача таълим ташкилотларида педагогик фаолиятни режалаштириш болалар ҳаётини тўғри ташкил этишнинг негизи ҳисобланиб, унинг ёрдамида тарбиячилар таълимий вазифалар, болалар билан биргаликдаги иш шакллари, ривожлантирувчи муҳитга киритиш лозим бўлган ўзгартиришларни белгилаб оладилар.

Режалаштириш тарбия жараёнида индивидуал ёндашувни амалга ошириш, болаларга ахборот ва жисмоний вазифаларни меъёрлаш имконини беради.

Иш режасининг бажарилганлигини таҳлил этиш боланинг ривожланиш суръатини кузатиш ва улар учун янада қулай шароитлар яратиш имконини беради.

***Намуна***

**Педагоглар билан ўзаро ҳамкорлик иш режаси**

(дефектолог ва тарбиячи томонидан юритиладиган ҳужжат)

**1.** Тарбиячи ойлик ва ҳафталик таълим-тарбия иш режасини тузади ва методист томонидан тасдиқланади.

**2.** Ойлик иш режа дафтари қуйидагича тўлдирилади:

иш режанинг титул варағи;

тасдиқланган ҳафталик машғулотлар жадвали;

бир ойлик машғулотлар ва фаолиятларнинг истиқбол режаси;

ҳар 15 кунга мўлжалланган эрталабки бадантарбия машқлари;

ота-оналар билан ишлаш режаси;

режанинг асосий қисмида кундалик фаолият баёни берилади.

12-04 Фронтал машғулотлар кундалик режаси (конспект) қуйидагича олиб борилади.

***Намуна***

Фронтал машғулотлар кундалик режаси

| Сана | Мавзу ва унинг мақсади | Машғулотнинг бориши | Жиҳоз | Вақт |
|---|---|---|---|---|
| | Мавзу: номи<br>Таълимий мақсад:<br>Коррекцион мақсад:<br>Тарбиявий мақсад: | I.Ташкилий қисм:<br>II.Асосий қисм:<br>1Янгимавзу<br>2.Жисмоний дақиқа<br>3 .Мустаҳкамлаш<br>Ш.Якунлаш<br>1 .Машғулотларга якун ясаш | Кўргазмали материаллар, дидактик ўйинлар | Тахминий вақт |

***Изоҳ:*** Фронтал машғулотлар кичик гуруҳларда 10-15 дақиқа, ўрта гуруҳларда 15-20 дақиқа, катта гуруҳларда 20-25 дақиқада, тайёрлов гуруҳларда 25-30 дақиқа олиб *борилади.*

Машғулотлар кундалик иш режаси ҳар куни “Дефектолог ва тарбиячининг ҳафталик иш режаси” дафтаридан мавзуларнинг муддатлари тўғри келган ҳолда, “Луғат” бўлимидан фойдаланиб кундалик иш режа ёзилади. Машғулотлар ўтишдан олдин кундалик иш режа ёзилиши лозим. Дефектолог босқичларни тўғри ташкиллаштирган ҳолда ижодий ёндашиб, машғулот учун кундалик иш режа тузади.

12-05 Болалар билан якка тартибда ишлаш режаси қуйидагича олиб борилади.

***Намуна***

Болалар билан якка тартибда ишлаш режаси

| Ҳафта кунлари | № | Сана | Боланинг исми ва шарифи | Машғулот мавзуси | Машғулот мақсади | Асосий машғулотлар босқичи | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Душанба | 1 | 2.01.18 йил | Алимов Акбар | “С” товушини нутққа қўйиш | Тўғри талаффуз устида ишлаш, артикуляцион аппаратни ривожлантириш нафасни тўғри қўллашга ўргатиш, майда қўл моторикани ривожлантириш | 1. Ташкилий Қисм<br>2. Нафас машқи<br>3. Артикуляцион машқ<br>4. Товуш қўйиш<br>5. Дидактик Ўйин<br>6. Якунлаш | Болада кузатиладига камчиликлар ютуқлар қилинади |
| | | | | | | | |

• Товуш қўйиш: Ташкилий қисм, нафас машқи, артикуляцион машқ, логомассаж, товуш қўйиш (тақлид усулида ёки механик усулида), товушни мустаҳкамлаш учун дидактик ўйинлар, якунлаш (рағбатлантириш, машғулотга якун ясаш).

• Автоматизация: Ташкилий қисм, нафас машқи, артикуляцион машқ, товушларни бўғинларда, сўзларда, оғзаки нутқда мустаҳкамлаш, товушни мустаҳкамлаш учун дидактик ўйинлар, якунлаш (рағбатлантириш, машғулотга якун ясаш).

• Дифференсация: Ташкилий қисм, товушларни бўғинлар, сўзларда, оғзаки нутқда мустаҳкамлаш, мавзуни мустаҳкамлаш учун дидактик ўйинлар, якунлаш (рағбатлантириш, машғулотга якун ясаш).

***Изоҳ:*** *Болалар билан якка тартибда ишлаш режаси ҳар куни юритилиб, юқорида кўрсатилган босқичлардан фойдаланилган ҳолда ёки боладаги ривожланиш камчиликларига қараб, мустақил равишда коррекцион-педагогик босқичлар танлаб қайд қилинади. Якка тартибдаги машғулотлар 15-20 дақиқа олиб борилади.*

12-06 Боланинг якка тартибдаги уй вазифаси дафтари қуйидагича олиб борилади

***Намуна***

**Боланинг якка тартибдаги уй вазифаси дафтари**

(уйда мустаҳкамлаш учун)

1. Нафас машқи
2. Артикуляцион машқ
3. Товушни нутққа қўйиш (товуш қўйиш, мустаҳкамлаш, фарқлаш)
4. Фонематик идрокни ривожлантириш
5. Луғат бойлигини ошириш
6. Нутқнинг грамматик томонини ривожлантирш
7. Тўғри товуш талаффузини шакллантириш ва саводга тайёрлаш, ўргатиш
8. Майда қўл моторикани ривожлантириш
9. Умумий моторикани ривожлантириш
10. Мустақил нутқни ривожлантириш

11. Мантиқий тафаккурни ривожлантириш
12. Боланинг ривожланишидаги камчиликларига қараб ижодий ёндашиш

**Изоҳ:** *Уй вазифаси дафтарига боланинг ҳолати, бажара олиш қобилиятига қараб, мустаҳкамлаш учун ҳафтасига 4-5 тадан вазифа берилади (ота-онага тушунтирилган ҳолда). Уй вазифаси дафтари ҳафтада бир маротаба тўлдирилиб, жума кунлари ҳафта машғулотларини такрорлаш, мустаҳкамлаш учун ота-оналарга бериб, душанба куни бола уй вазифаси дафтари билан қабул қилинади. Шунинг учун коррекцион-педагогик ишни тўғри ташкиллаштириш лозим ва ҳар бир босқични бола мактабга чиққунга кадар эгаллаган бўлиши керак. Уй вазифаси дафтарига болаларда кузатилган камчиликларни ва ютуқларни қайд қилиб бориш мақсадга мувофиқдир (масалан: Олим "С" товушини тўғри талаффуз қила бошлади баракалла!). Барча берилган 12 та компонент бир вақтнинг ўзида берилиши мумкин эмас.*

12-07 Йиллик ҳисобот. Йилнинг охирида дефектологлар олиб борилган ишлар ҳақида ҳисобот тайёрлаб, уни методистга топширади. Методист эса уларга асосланган ҳолда туман ёки шаҳар мактабгача таълими муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлимига ҳисобот ёзади.

Ҳисоботда қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим:

1. Гуруҳга келган болалар сони ва уларнинг ташхислари
2. Гуруҳларнинг жамланган вақти
3. Гуруҳдаги болаларнинг эришган натижалари бўйича:

а) яхши нутқ;
б) ўртача нутқ;
в) паст натижа билан баҳоланиши;

4. Йўлланма бериш:

а) умумтаълим мактабга (мактаб ёшига етган болалар учун);
б) махсус мактабга;
в) умумий типдаги мактабгача таълим муассасасига ёки махсус таълим муассасасининг кейинги босқичига.

5. Такрорий коррекцион таълим тарбияга қолдирилган болалар сони
6. Йил давомида турли сабабларга кўра гуруҳни тарк этган болалар сони
7. Йиллик иш режага киритилган тадбирларнинг бажарилиши.

**Изоҳ:** *Ҳар бир дефектолог ўз йўналиши бўйича ижодий ёндашиб, намунавий йиллик ҳисоботдан фойдаланади.*

**30-илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**188 - сонли буйруғи**

Т о ш к е н т   ш а ҳ а р                    1 4   о к т я б р ь   2 0 1 9   й и л

**Давлат мактабгача таълим ташкилотларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сон "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон "Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Қуйидагилар:

умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг намунавий штатлари 1-иловага мувофиқ;

кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг намунавий штатлари 2-иловага мувофиқ;

қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг намунавий штатлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 16 мартдаги "Давлат мактабгача таълим муассасаларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 50-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ имзоланган_кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **А.Шин**

' **Келишилган:**

**Молия вазири** **Ж.Кўчкаров**

2019 йил

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири** **Н.Хусанов**

2019 йил

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 14октябрдаги
188 -сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг**
**НАМУНАВИЙ ШТАТЛАРИ**

| Лавозимлар Номи | Гуруҳлар сонига қараб белгиланадиган штат бирликлари | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2 гурух | 3 гурух | 4 гурух | 5 гурух | 6 гурух | 7 Гурух | 8 гурух | 9 Гурух | 10 Гурух | 11 гурух | 12 ва ундан ортиқ гуруҳ |
| Мудир | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Тарбиячи-методист | | | | | | | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 |
| Тарбиячи-методист* | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 0,5 | 0,5 | | 0,5 | 0,5 |
| Катта тиббий ҳамшира | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 |
| Психолог | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Хўжалик мудири | | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Бош ошпаз** | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 |
| Ошпаз** | 1 | 1,5 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| Ошхона ишчиси** | | | | | | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 |
| Чойшабларни ювувчи машинист (қўлда ювилганда ёки тўлиқ автоматлашмаган кир ювиш машинасида ювилганда)*** | 0,5 | 1 | 1,25 | 1,25 | 1,5 | 1,5 | 2 | 2 | 2,5 | 2,5 | 2,5 |
| Чойшабларни ювувчи машинист (тўлиқ автоматлашган кир ювиш машинасида ювилганда)*** | 0,5 | 0,5 | 0,75 | 0,75 | 1 | 1 | 1,5 | 1,5 | 2 | 2 | 2 |
| Ёпиқ турдаги бассейн мавжуд бўлганда сузиш бўйича йўриқчи | - | - | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Ёпиқ турдаги бассейн мавжуд бўлганда Бино ва иншоотларга комплекс хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ишчи | - | - | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 |

**Изоҳлар:**
* ушбу лавозим:
**2019** йилдан - Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида;
**2020** йилдан - туман марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда;

**2021** йилдан — барча давлат мактабгача таълим ташкилотларида киритилади.

** Овқатлантириш аутсорсинг ёки кейтринг усулида ташкил этиладиган умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг штатлар жадвалига ушбу лавозимлар киритилмайди.

*** Болалар чойшаблари ва кўрпа-тўшаклар тегишли шартномага мувофиқ махсус кир ювиш корхоналари томонидан ювилганда,
умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти штатлар жадвалига ушбу лавозимлар киритилмайди.

Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида меҳнат таътилига чиқувчи қуйидаги ходимларнинг ўрнини босувчи бир неча касбда ва лавозимда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағ режалаштирилади: ташкилот мудири, қоровул, фаррош, омборчи, катта тиббий ҳамшира, тарбиячи, тарбиячи ёрдамчи (жумладан, тунги вақт учун), бош ошпаз, ошпаз, ошхона ишчиси ва чойшабларни ювувчи машинист.

Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун тегишли лавозимлар киритиш меъёрлари 1-иловага мувофиқ белгиланади.

Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячиси ва тарбиячи ёрдамчиси лавозимларини киритиш меъёрлари 2-иловага мувофиқ белгиланади.

Умумий типдаги давлат
мактабгача таълим
ташкилотларининг
Намунавий штатларига
1-ИЛОВА

**Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун тегишли лавозимларни киритиш МЕЪЁРЛАРИ**

**1.** Давлат мактабгача таълим ташкилотлари (бундан буён матнда ДМТТ деб юритилади)да хизмат хоналарининг ҳар 350 кв. м тозаланадиган майдони учун 0,5 бирлик хизмат хоналари фарроши ажратилади.

**2.** Уй-жой коммнуал хўжалик тизимига ўтказилмаган мактабгача таълим ташкилотларида иситиш мувсумида ўт ёқувчи лавозими:

локал иситиш тизимида кўмир, торф, мазут ва ҳоказолар билан иситиладиган ҳар бир қозонхонага, шунингдек, табиий газ ёқилғиси билан ишлайдиган ҳар бир қозонхонага (қозонхона ҳажмидан қатъий назар) ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун 1,0 бирликдан;

алоҳида кичик қозонлар билан иситиладиган ҳар бир алоҳида манзилда жойлашган бинолар мажмуасига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун қозонлар сони 6 тагача бўлса

**1.0** бирликдан, 6 ва ундан ортиқ бўлса 2,0 бирликдан;

иситиш печлари орқали иситилганда, ҳар 5 дона печ учун 0,5 бирлик ва кейинги ҳар 5 дона печ учун қўшимча 0,5 бирликдан (лекин ташкилот учун 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) иситиш мавсумига киритилади.

**3.** ДМТТнинг ҳар 2 500 кв. м тозаланадиган майдонини супуриш учун 1 бирлик ҳисобидан ҳовли супурувчи лавозими киритилади.

**4.** ДМТТнинг мевали боғ, гулзор ва кўкаламзорлаштирилган майдони камида 1,5 гектар бўлганда 1,0 бирлик боғбон лавозими киритилади. Ташкилотнинг ижарага берилган майдони бундан мустасно.

**5.** ДМТТнинг ташкилотни қўриқлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда 3,0 бирлик қоровул лавозими киритилади. Бунда ташкилот ҳудудидан ташқарида жойлашган бинолар учун алоҳида

**3.0** бирлик қоровул лавозими киритилади.

**6.** ДМТТнинг ҳар иккита гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан жисмоний тарбия йўриқчиси
киритилади.

**7.** ДМТТнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан мусиқа раҳбари киритилади.

**8.** ДМТТнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,08 бирлик ҳисобидан хореограф лавозими киритилади.

Ушбу лавозим:

**2019** йилдан - 5 ёшдан 6-7 ёшгача бўлган болалар гуруҳларида;

**2020** йилдан - 4-5 ёшли болалар гуруҳларида;

**2021** йилдан - 3-4 ёшли болалар гуруҳларида киритилади.

**9.** Ташкилотда болаларга иккинчи тилни ўргатиш мақсадида (5 ёшдан 6-7 ёшгача) мактабга тайёрлов гуруҳининг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан иккинчи тил ўқитувчиси киритилади.

10.ДМТТда нутқи, эшитиши ва кўришида енгил нуқсони бўлганлиги ҳақида тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тегишли хулосаси берилган ҳар 10 нафаргача болалар учун 0,5 бирлик, 10 нафардан ортиқ болалар учун 1,0 бирлик ҳисобидан ўқитувчи-логопед киритилади.

**11.** Қисқа муддатли гуруҳлар учун қуйидаги штат бирликлари белгиланади:
битта гуруҳ учун - 0,5 бирлик тарбиячи ва 0,5 бирлик тарбиячи ёрдамчиси;
икитта гуруҳ учун - 0,25 бирлик мусиқа раҳбари ва 0,25 бирлик тиббий ҳамшира.

**12.** Эксплуатация хизмати ташкил этилмаган туман (шаҳар) ларда жойлашган ташкилотлар учун хизмат кўрсатувчи ходимлар штатлари ташкилотда 4 ва ундан ортиқ гуруҳлар мавжуд бўлганда қуйидаги лавозимлар киритилади.

ёритиш нуқталари (включатель, разетка ва қароба, таълим муассасаси балансида бўлган кўча ёритиш нуқталари ҳам ҳисобланади) сони 700 тагача бўлганда - 0,5 бирлик, 700 дан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик электромонтёр лавозими киритилади.

сув қувурлари, канализация ва иссиқлик тармоғи билан жиҳозланган ҳар 2 800 кв.м майдон учун -1,0 бирлик ҳисобидан (бироқ, ДМТТда 2,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда) чилангар-сантехник киритилади.

**Изоҳ:**

*Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг гуруҳлари сонига қараб штатларини (тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси, мусиқа раҳбари ва тиббиёт ходимлари бундан мустасно) ҳисоблашда ҳар иккита қисқа муддатли гуруҳ битта тўлиқ гуруҳ ҳисобида олинади.*

Умумий типдаги давлат
мактабгача таълим
ташкилотларининг
Намунавий штатларига
2-ИЛОВА

**Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячиси ва тарбиячи ёрдамчиси лавозимларини киритиш**
**МЕЪЁРЛАРИ**

| Лавозимлар номи | Ташкилотнинг бир гуруҳига ҳисобланадиган штат бирликлар 5 кунлик иш ҳафтасида |
|---|---|
| **Тарбиячи** | |
| 9 соатли | 1,25 |
| 10,5 соатли | 1,46 |
| 12 соатли | 1,67 |
| 24 соатли | 2,2 |
| **Тарбиячи ёрдамчиси** | |
| 9 соатли | 1 |
| 10,5 соатли | 1,15 |
| 12 соатли | 1,25 |
| 24 соатли | 2 |

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 14 октябрдаги
188 -сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотларининг**
**НАМУНАВИЙ ШТАТЛАРИ**

| Лавозимлар | Гуруҳлар сонига қараб белгиланадиган штат бирликлари | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 6 гуруҳ | 7 гуруҳ | 8 гуруҳ | 9 гуруҳ | 10 гуруҳ | 11 гуруҳ | 12 гуруҳ | 13 гуруҳ | 14 гуруҳ | 15 гуруҳ | 16 ва ундан ортиқ гуруҳ |
| Мудир | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Тарбиячи-методист | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Тарбиячи-методист* | 0,5 | 0,5 | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |
| Психолог | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Хўжалик мудири | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Бош ошпаз** | | | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| Ошпаз** | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| Ошхона ишчиси** | | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| Чойшабларни ювувчи машинист (қўлда ювилганда ёки тўлиқ автоматлашмаган кир ювиш машинасида ювилганда)*** | 1,5 | 1,5 | 2 | 2 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 |
| Чойшабларни ювувчи машинист (тўлиқ автоматлашган кир ювиш машинасида ювилганда)*** | 1 | 1 | 1,5 | 1,5 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| Шифокор-педиатр | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1,5 |
| Катта тиббий ҳамшира | 0,5 | 1 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 |
| Бино ва иншоотларга комплекс хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ишчи | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |

**Изоҳлар:**
* ушбу лавозим:
**2019** йилдан - Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида;
**2020** йилдан - туман марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда;
**2021** йилдан - барча давлат мактабгача таълим ташкилотларида киритилади.

** Овқатлантириш аутсорсинг ёки кейтринг усулида ташкил этиладиган кўп тармоқли давлат мактабгача таълим ташкилотларининг штатлар жадвалига ушбу лавозимлар киритилмайди.

*** Болалар чойшаблари ва кўрпа-тўшаклар тегишли шартномага мувофиқ махсус кир ювиш корхоналари томонидан ювилганда, кўп тармоқли давлат мактабгача таълим ташкилоти штатлар жадвалига ушбу лавозимлар киритилмайди.

Кўп тармоқли давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида меҳнат таътилига чиқувчи қуйидаги ходимларнинг ўрнини босувчи бир неча касбда ва лавозимда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағ режалаштирилади: ташкилот мудири, қоровул, фаррош, омборчи, тиббий ҳамшира (катта тиббий ҳамшира), тарбиячи, тарбиячи ёрдамчи (жумладан, тунги вақт учун), бош ошпаз, ошпаз, ошхона ишчиси ва чойшабларни ювувчи машинист.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун тегишли лавозимлар киритиш меъёрлари 1-иловага мувофиқ белгиланади.

Кўп тармоқли давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячиси ва тарбиячи ёрдамчиси лавозимларини киритиш меъёрлари 2-иловага мувофиқ белгиланади.

Кўп тармоқли ихтисослаштирилган
давлат мактабгача таълим
ташкилотларининг
Намунавий штатларига
1-ИЛОВА

**Кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун тегишли лавозимларни киритиш**
**МЕЪЁРЛАРИ**

**1.** Кўп тармоқли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотлари (бундан буён матнда кўп тармоқли ДМТТ деб юритилади)да хизмат хоналарининг ҳар 350 кв. м тозаланадиган майдони учун 0,5 бирлик хизмат хоналари фарроши ажратилади.

**2.** Уй-жой коммнуал хўжалик тизимига ўтказилмаган мактабгача таълим ташкилотларида иситиш мувсумида ўт ёқувчи лавозими:

локал иситиш тизимида кўмир, торф, мазут ва ҳоказолар билан иситиладиган ҳар бир қозонхонага, шунингдек, табиий газ ёқилгиси билан ишлайдиган ҳар бир қозонхонага (қозонхона ҳажмидан қатъий назар) ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун 1,0 бирликдан;

алоҳида кичик қозонлар билан иситиладиган ҳар бир алоҳида манзилда жойлашган бинолар мажмуасига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун қозонлар сони 6 тагача бўлса
**1.0** бирликдан, 6 ва ундан ортиқ бўлса 2,0 бирликдан;

иситиш печлари орқали иситилганда, ҳар 5 дона печ учун 0,5 бирлик ва кейинги ҳар 5 дона печ учун қўшимча 0,5 бирликдан (лекин ташкилот учун 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) иситиш мавсумига киритилади.

**3.** Кўп тармоқли ДМТТнинг ҳар 2500 кв. м тозаланадиган майдонини супуриш учун 1 бирлик ҳисобидан ҳовли супурувчи лавозими киритилади.

**4.** Кўп тармоқли ДМТТнинг мевали боғ, гулзор ва кўкаламзорлаштирилган майдони камида
1,5 гектар бўлганда 1,0 бирлик боғбон лавозими киритилади. Ташкилотнинг ижарага берилган майдони бундан мустасно.

**5.** Кўп тармоқли ДМТТнинг ташкилотни қўриқлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда 3,0 бирлик қоровул лавозими киритилади. Бунда ташкилот ҳудудидан ташқарида жойлашган бинолар учун алоҳида
**3.0** бирлик қоровул лавозими киритилади.

**6.** Кўп тармоқли ДМТТнинг ҳар иккита гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан жисмоний тарбия йўриқчиси киритилади.

**7.** Кўп тармоқли ДМТТнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан мусиқа раҳбари киритилади.

**8.** Кўп тармоқли ДМТТнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,08 бирлик ҳисобидан хореограф лавозими киритилади.

Ушбу лавозим:

**2019** йилдан - 5 ёшдан 6-7 ёшгача бўлган болалар гуруҳларида;

**2020** йилдан - 4-5 ёшли болалар гуруҳларида;

**2021** йилдан - *3-4* ёшли болалар гуруҳларида киритилади.

**9.** Кўп тармоқли ДМТТда болаларга иккинчи тилни ўргатиш мақсадида (5 ёшдан 6-7 ёшгача) мактабга тайёрлов гуруҳининг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан иккинчи тил ўқитувчиси киритилади.

**10.** Кўп тармоқли ДМТТда нутқида оғир нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 1 бирлик ҳисобидан ўқитувчи-логопед киритилади.

**11.** Кўп тармоқли ДМТТда эшитиш ва кўришида оғир нуқсонлари бўлган, психик ривожланишдаги сустлик, ақли заиф ҳамда таянч ҳаракатланиш аппаратида нуқсонлари бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 1,0 бирлик ўқитувчи-дефектолог киритилади.

**12.** Кўп тармоқли ДМТТда тегишли офтальмологик ва эшитиш аппарати билан жиҳозланган хоналар мавжуд бўлганда ташкилот учун 1 бирлик асбоб-ускуналар ва аппаратураларни таъмирловчи уста киритилади.

**13.** Кўп тармоқли ДМТТнинг штатларида гуруҳлар сонига қараб қуйидаги тиббиёт ходимлари штат бирликлари киритилади:

нутқида ёки эшитишида оғир нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан отоларинголог, ЛОР шифокори;

кўришида оғир нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан офтолмолог;.

психик ривожланишда орқада қолган ёки ақли заиф болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан психоневролог, невролог;

таянч-ҳаракати аппаратида нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан ортопед;

физиотерапия ва реабилитация асбоб-ускуналари билан жиҳозланган хоналар мавжуд бўлганда 1 бирлик ҳисобидан физиотерапевт, реабилитолог лавозимлари киритилади.

**14.** Таянч ҳаракати аппаратида нуқсони бўлган болаларнинг гуруҳлар сони 7 тагача бўлганда 0,5 бирлик, 8 ва ундан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик тиббий ҳамшира (ЛФК)киритилади.

**15.** Таянч ҳаракати аппаратида нуқсони бўлган болаларнинг гуруҳлар сони 7 тагача бўлганда 0,5 бирлик, 8 ва ундан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик массажист лавозими киритилади.

**16.** Иш режими 24 соат бўлган ташкилотларда қўшимча 1 бирлик тиббий ҳамшира (тунги навбатчилик учун) лавозими киритилади.

**17.** Ёпиқ турдаги бассейн мавжуд бўлган тақдирда гуруҳлар сони 8 тагача бўлганда - 0,5 бирлик, 9 ва ундан ортиқ бўлганда - 1 бирлик;

таянч ҳаракати аппаратида нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,5 бирлик ҳисобидан сузиш бўйича йўриқчи киритилади.

**18.** Қисқа муддатли гуруҳлар учун қуйидаги штат бирликлари белгиланади:

битта гуруҳ учун - 0,5 бирлик тарбиячи ва 0,5 бирлик тарбиячи ёрдамчиси;

икитта гуруҳ учун - 0,25 бирлик мусиқа раҳбари ва 0,25 бирлик тиббий ҳамшира.

**19.** Эксплуатация хизмати ташкил этилмаган туман (шаҳар) ларда жойлашган ташкилотлар
учун хизмат кўрсатувчи ходимлар штатлари ташкилотда 4 ва ундан ортиқ гуруҳлар мавжуд бўлганда қуйидаги лавозимлар киритилади.

ёритиш нуқталари (включатель, разетка ва кароба, таълим муассасаси балансида бўлган кўча ёритиш нуқталари ҳам ҳисобланади) сони 700 тагача бўлганда - 0,5 бирлик, 700 дан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик электромонтёр лавозими киритилади.

сув қувурлари, канализация ва иссиқлик тармоғи билан жиҳозланган ҳар 2 800 кв.м майдон учун -1,0 бирлик ҳисобидан (бироқ, кўп тармоқли ДМТТда 2,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда) чилангар-сантехник киритилади.

**Изоҳ:**

*Кўп тармоқли давлат мактабгача таълим ташкилотининг гуруҳлари сонига қараб штатларини (тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси, мусиқа раҳбари ва тиббиёт ходимлари бундан мустасно) ҳисоблашда ҳар иккита қисқа муддатли гуруҳ битта тўлиқ гуруҳ ҳисобида олинади.*

Кўп тармоқли давлат мактабгача
таълим ташкилотларининг
Намунавий штатларига
2-ИЛОВА

**Кўп тармоқли давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячиси ва тарбиячи ёрдамчиси лавозимларини киритиш**
**МЕЪЁРЛАРИ**

| Лавозимлар номи | Кўп тармоқли ташкилотнинг бир гуруҳига ҳисобланадиган штат бирликлар 5 кунлик иш ҳафтасида |
|---|---|
| **Тарбиячи** | |
| 10,5 соатли | 2,1 |
| 12 соатли | 2,4 |
| 24 соатли | 3,2 |
| **Тарбиячи ёрдамчиси** | |
| 10,5 соатли | 1,15 |
| 12 соатли | 1,25 |
| 24 соатли | 1.5 |

Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 14 октябрь даги
188 -сон буйруғига
3-ИЛОВА

**Қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг**
**НАМУНАВИЙ ШТАТЛАРИ**

| Лавозимлар номи | 8 Гурух | 9 гурух | 10 гурух | 11 гурух | 12 гурух | 13 гурух | 14 Гурух | 15 гурух | 16 ва ундан ортиқ гурух |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Мудир** | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Тарбиячи-методист** | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Тарбиячи-методист*** | | | | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |
| **Психолог** | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Хўжалик мудири** | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Бош ошпаз**** | | | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Ошпаз**** | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| **Ошхона ишчиси*** | 1 | 1 | 1 | 1 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| **Чойшабларни ювувчи машинист (қўлда ювилганда ёки тўлиқ автоматлашмаган кир ювиш машинасида ювилганда)***** | 2 | 2 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 | 2,5 |
| **Чойшабларни ювувчи машинист (тўлиқ автоматлашган кир ювиш машинасида ювилганда)***** | 1,5 | 1,5 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 | 2 |
| **Шифокор-педиатр** | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1,5 |
| **Катта тиббий ҳамшира** | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 |
| **Ёпиқ турдаги бассейн мавжуд бўлган тақдирда сузиш бўйича йўриқчи** | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| **Бино ва иншоотларга комплекс хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ишчи** | 0,5 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |

**Изоҳлар:**
* ушбу лавозим:
**2019** йилдан - Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида;
**2020** йилдан - туман марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда;
**2021** йилдан - барча давлат мактабгача таълим ташкилотларида киритилади.

** Овқатлантириш аутсорсинг ёки кейтринг усулида ташкил этиладиган қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг штатлар жадвалига ушбу лавозимлар киритилмайди.

*** Болалар чойшаблари ва кўрпа-тўшаклар тегишли шартномага мувофиқ махсус кир ювиш корхоналари томонидан ювилганда, кўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти штатлар жадвалига ушбу лавозимлар киритилмайди.

Қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида меҳнат таътилига чиқувчи қуйидаги ходимларнинг ўрнини босувчи бир неча касбда ва лавозимда ишловчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағ режалаштирилади: ташкилот мудири, қоровул, фаррош, омборчи, тиббий ҳамшира (катта тиббий ҳамшира), тарбиячи, тарбиячи ёрдамчи (жумладан, тунги вақт учун), бош ошпаз, ошпаз, ошхона ишчиси ва чойшабларни ювувчи машинист.

Қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун тегишли лавозимлар киритиш меъёрлари 1-иловага мувофиқ белгиланади.

Қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячиси ва тарбиячи ёрдамчиси лавозимларини киритиш меъёрлари 2-иловага мувофиқ белгиланади.

Қўшма типдаги давлат мактабгача
таълим ташкилотларининг
Намунавий штатларига
1-ИЛОВА

**Қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун тегишли лавозимларни киритиш**

**МЕЪЁРЛАРИ**

**1.** Қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари (бундан буён матнда қўшма типдаги ДМТТ деб юритилади)да хизмат хоналарининг ҳар 350 кв. м тозаланадиган майдони учун 0,5 бирлик хизмат хоналари фарроши ажратилади.

**2.** Уй-жой коммунал хўжалик тизимига ўтказилмаган мактабгача таълим ташкилотларида иситиш мувсумида ўт ёқувчи лавозими:

локал иситиш тизимида кўмир, торф, мазут ва ҳоказолар билан иситиладиган ҳар бир қозонхонага, шунингдек, табиий газ ёқилғиси билан ишлайдиган ҳар бир қозонхонага (қозонхона ҳажмидан қатъий назар) ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун 1,0 бирликдан;

алоҳида кичик қозонлар билан иситиладиган ҳар бир алоҳида манзилда жойлашган бинолар
мажмуасига ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти учун қозонлар сони 6 тагача бўлса 1,0 бирликдан, 6 ва ундан ортиқ бўлса 2,0 бирликдан;

иситиш печлари орқали иситилганда, ҳар 5 дона печ учун 0,5 бирлик ва кейинги ҳар 5 дона печ учун қўшимча 0,5 бирликдан (лекин ташкилот учун 0,5 бирликдан кам бўлмаган ҳолда) иситиш мавсумига киритилади.

**3.** Қўшма типдаги ДМТТнинг ҳар 2500 кв. м тозаланадиган майдонини супуриш учун 1 бирлик ҳисобидан ҳовли супурувчи лавозими киритилади.

**4.** Қўшма типдаги ДМТТнинг мевали боғ, гулзор ва кўкаламзорлаштирилган майдони камида 1,5 гектар бўлганда 1,0 бирлик боғбон лавозими киритилади. Ташкилотнинг ижарага берилган майдони бундан мустасно.

**3.0** Қўшма типдаги ДМТТнинг Ташкилотни қўриқлаш учун дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил даврида ҳар бир ўрин алмашиш иш вақти ҳисобга олинган ҳолда 3,0 бирлик қоровул лавозими киритилади. Бунда ташкилот ҳудудидан ташқарида жойлашган бинолар учун алоҳида 3,0 бирлик қоровул лавозими киритилади.

**5.** Қўшма типдаги ДМТТнинг ҳар иккита гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан жисмоний тарбия йўриқчиси киритилади.

**6.** Қўшма типдаги ДМТТнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан мусиқа раҳбари киритилади.

**7.** Қўшма типдаги ДМТТнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,08 бирлик ҳисобидан хореограф лавозими киритилади.

Ушбу лавозим:

**2019** йилдан - 5 ёшдан 6-7 ёшгача бўлган болалар гуруҳларида;

**2020** йилдан - 4-5 ёшли болалар гуруҳларида;

**2021** йилдан - 3-4 ёшли болалар гуруҳларида киритилади.

**8.** Қўшма типдаги ДМТТда болаларга иккинчи тилни ўргатиш мақсадида (5 ёшдан 6-7 ёшгача) **мактабга тайёрлов** гуруҳининг ҳар бир гуруҳи учун (нутқида нуқсони бор ҳамда ақли заиф, психик ривожланишда орқада қолган болалар гуруҳларидан ташқари) 0,25 бирлик киритилади.

**9.** Қўшма типдаги ДМТТда Нутқида огир нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 1 бирлик ҳисобидан ўқитувчи-логопед киритилади.

**10.** Қўшма типдаги ДМТТда эшитиш ва кўришида оғир нуқсонлари бўлган, психик ривожланишдаги сустлик, ақли заиф ҳамда таянч ҳаракатланиш аппаратида нуқсонлари бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 1,0 бирлик ўқитувчи-дефектолог киритилади.

**11.** Қўшма типдаги ДМТТда тегишли офтальмологик ва эшитиш аппарати билан жиҳозланган хоналар мавжуд бўлганда ташкилот учун 1 бирлик асбоб-ускуналар ва аппаратураларни таъмирловчи уста киритилади.

**12.** Қўшма типдаги ДМТТнинг штатларида гуруҳлар сонига қараб қуйидаги тиббиёт ходимлари штат бирликлари киритилади:

нутқида ёки эшитишида оғир нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан отоларинголог, ЛОР шифокори;

кўришида оғир нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан офтолмолог;.

психик ривожланишда орқада қолган ёки ақли заиф болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан психоневролог, невролог;

таянч-ҳаракати аппаратида нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,25 бирлик ҳисобидан ортопед;

физиотерапия ва реабилитация асбоб-ускуналари билан жиҳозланган хоналар мавжуд бўлганда 1 бирлик ҳисобидан физиотерапевт, реабилитолог лавозимлари киритилади.

**13.** Таянч ҳаракати аппаратида нуқсони бўлган болаларнинг гуруҳлар сони 7 тагача бўлганда 0,5 бирлик, 8 ва ундан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик тиббий ҳамшира (ЛФК)киритилади.

**14.** Таянч ҳаракати аппаратида нуқсони бўлган болаларнинг гуруҳлар сони 7 тагача бўлганда 0,5 бирлик, 8 ва ундан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик массажист лавозими киритилади.

**15.** Иш режими 24 соат бўлган ташкилотларда қўшимча 1 бирлик тиббий ҳамшира (тунги навбатчилик учун) лавозими киритилади.

**16.** Ёпиқ турдаги бассейн мавжуд бўлган тақдирда таянч ҳаракати аппаратида нуқсони бўлган болаларнинг ҳар бир гуруҳи учун 0,5 бирлик ҳисобидан сузиш бўйича йўриқчи киритилади.

**17.** Қисқа муддатли гуруҳлар учун қуйидаги штат бирликлари белгиланади:

битта гуруҳ учун - 0,5 бирлик тарбиячи ва 0,5 бирлик тарбиячи ёрдамчиси;

иккита гуруҳ учун - 0,25 бирлик мусиқа раҳбари ва 0,25 бирлик тиббий ҳамшира.

**18.** Эксплуатация хизмати ташкил этилмаган туман (шаҳар) ларда жойлашган ташкилотлар учун хизмат кўрсатувчи ходимлар штатлари ташкилотда 4 ва ундан ортиқ гуруҳлар мавжуд бўлганда қуйидаги лавозимлар киритилади.

ёритиш нуқталари (виключатель, разетка ва кароба, таълим муассасаси балансида бўлган кўча ёритиш нуқталари ҳам ҳисобланади) сони 700 тагача бўлганда - 0,5 бирлик, 700 дан ортиқ бўлганда 1,0 бирлик электромонтёр лавозими киритилади.

сув қувурлари, канализация ва иссиқлик тармоғи билан жиҳозланган ҳар 2 800 кв.м майдон учун -1,0 бирлик ҳисобидан (бироқ, кўп тармоқли ДМТТда 2,0 бирликдан ортиқ бўлмаган ҳолда) чилангар-сантехник киритилади.

**Изоҳ:**

Қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг гуруҳлари сонига қараб штатларини (тарбиячи, тарбиячи ёрдамчиси, мусиқа раҳбари ва тиббиёт ходимлари бундан мустасно) ҳисоблашда ҳар иккита қисқа муддатли гуруҳ битта тўлиқ гуруҳ ҳисобида олинади.

Қўшма типдаги давлат мактабгача
таълим ташкилотларининг
Намунавий штатларига
2-ИЛОВА

**Қўшма типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячиси ва тарбиячи ёрдамчиси лавозимларини киритиш**
**МЕЪЁРЛАРИ**

| Лавозимлар номи ва иш режими | Қўшма типдаги ДМТТнинг тарбиячи ва тарбиячи ёрдамчиси лавозимларини киритиш меъёрлари | |
|---|---|---|
| | Инклюзив йўналишдаги умумтаълим гуруҳларида | Ихтисослаштирилган Гуруҳларда |
| **Тарбиячи** | | |
| 10,5 соатли | 1,46 | 2,1 |
| 12 соатли | 1,67 | 2,4 |
| 24 соатли | 2,2 | 3,2 |
| **Тарбиячи ёрдамчиси** | | |
| 10,5 соатли | 1,15 | 1,15 |
| 12 соатли | 1,25 | 1,25 |
| 24 соатли | 1,5 | 1,5 |

**31-илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
225-сонли буйруғи

Тошкент шаҳар 19 декабрь 2019 йил

**Мактабгача таълим тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш тартиби тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисида»ги Низом ижросини таъминлаш, мактабгача таълим тизими ходимлари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига қатъий амал қилиши, уларнинг масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, ножўя ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўриш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. «Мактабгача таълим тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома 1-иловага ва Хизмат текшируви натижаларини ўрганиш комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиқлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган мактабгача таълим тизими барча ходимларини мазкур буйруқ ва Йўриқнома талаблари билан таништирсин ҳамда раҳбарлик ва ижро учун қабул қилсин.

3. Мактабгача таълим тизимининг барча поғонадаги раҳбарлари:

ходимлар масъулиятини янада ошириш, уларда фидойилик, ҳалоллик, касбга садоқат каби хислатларни ривожлантириш;

қўл остидаги ходимларнинг шахси, ахлоқ-одоби, юриш-туриши, хизматга муносабати ва фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, вазифаларни адолатли тақсимлаш, жамоада соғлом ва ишчанлик муҳитини шакллантириш;

ходимлар ўртасида ножўя ҳатти-ҳаракатлар содир этилиши ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилинишини олдини олиш, коррупция каби салбий иллатларга йўл қўймаслик чораларини кўрсин ва бунинг учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

4. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) мазкур буйруқни Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига етказилишини таъминласин.

5. Ушбу буйруқ ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **А.Шин**

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 19 декабрдаги
225-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Мактабгача таълим тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш тартиби тўғрисида**

# Й Ў Р И Қ Н О М А

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги (кейинги ўринларда вазирлик деб аталади) тизимининг барча ходимларига нисбатан хизмат текширувини тайинлаш асослари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари, шунингдек хизмат текшируви хулосасини тузиш, ходимларнинг ҳатти-ҳаракатларига баҳо бериш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини белгилайди.

Ушбу Йўриқнома талаблари махфийлик режимини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан хизмат текширувларига татбиқ этилмайди.

2. Хизмат текшируви мактабгача таълим тизими ходими томонидан меҳнат ёки ижро интизомининг бузилиши ёхуд мактабгача таълим тизими ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб, шунингдек ножўя ҳатти-ҳаракатлар содир этилиши ҳолатлари юзасидан ўтказилади.

3. Меҳнат ёки ижро интизоми бузилиши деганда ходимлар томонидан ўзларига юклатилган хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармасликда, уларни бажаришда белгиланган тартиблар ва амалдаги қонунчилик талабларга риоя этмасликда ифодаланган қилмишлар тушунилади.

Мактабгача таълим тизими ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб ва ножўя ҳатти-ҳаракатлар деганда давлат бошқаруви органи ходимининг ҳуқуқий мақомига мос бўлмаган ва “Одоб-ахлоқ қоидалари” ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлган, шунингдек, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишга асос бўладиган қилмишлар тушунилади.

Хизмат текширувидан ва унинг натижаларидан манфаатдор шахслар деганда - ходимнинг ноқонуний, номуносиб ёки ножўя ҳатти-ҳаракати юзасидан мурожаат муаллифи ва ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходимлар тушунилади.

4. Хизмат текшируви вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмалари раҳбарларининг буйруғи асосида тайинланган масъул ходимлардан иборат Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби томонидан ўтказилади ва натижаси бўйича хулоса тузилади.

Хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи томонидан тўпланган ҳужжатлар ва тузилган хулоса вазирликнинг ёки унинг ташкилий тузилмаларининг Хизмат текшируви натижаларини ўрганиш комиссияси томонидан ўрганилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

5. Хизмат текширувининг тўлиқ, ҳар томонлама, холисона ва адолатли ўтказилиши юзасидан мазкур текширувни ўтказиш вазифаси юкланган ходимлар шахсан масъулдирлар.

## II. Хизмат текширувини тайинлаш асослари

6. Мактабгача таълим тизими ходимлари томонидан меҳнат ёки ижро интизомининг қўпол равишда бузилиши, номуносиб ёки ножўя ҳатти-ҳаракат содир этилганлиги ҳақидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, давлат органларининг хабарлари, оммавий ахборот воситалари томонидан берилган маълумотлар, ходимлар томонидан тақдим қилинган билдиргилар хизмат текширувини тайинлаш учун асос бўлади.

7. Аноним хабар ва мурожаатлар асосида хизмат текшируви ўтказилмайди. Хизмат текшируви бошлангандан кейин мурожаат аноним эканлиги аниқланган тақдирда хизмат текшируви ўтказилиши тўхтатилади.

8. Хабар ёки мурожаат аноним эканлиги аниқланиб, ўтказилаётган хизмат текшируви тўхтатилгунига қадар меҳнат ёки ижро интизомининг бузилиши, номуносиб, ножўя ҳатти-ҳаракат содир этилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, хизмат текширувини тайинлаш тўғрисидаги буйруқни қабул қилган вазирлик тизими раҳбари томонидан ходимга нисбатан тегишли чора кўрилади.

Хизмат текшируви ўтказиш учун асос бўладиган хабар, мурожаат ёки маълумот вазирлик тизими раҳбарига келиб тушган кундан эътиборан, беш кун ичида хизмат текшируви ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

Хизмат текшируви ўтказиш тўғрисидаги буйруқда:

хизмат текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳолатлар ҳамда хизмат текшируви ўтказиладиган вазирликнинг маркази аппарати таркибий бўлинмалари ёки унинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ёхуд уларнинг фаолиятида хизмат текшируви ўтказиладиган ходимлар доираси;

хизмат текширувини ўтказиш муддатлари;

хизмат текшируви ўтказиш учун тайинланган ишчи гуруҳ таркиби;

хизмат текшируви ўтказилишига жалб этиладиган мутахассислар;

хизмат текширувини белгиланган тартибда ўтказилишига масъул бўлган мансабдор шахслар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим.

9. Вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаларининг раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган барча ходимларга нисбатан хизмат текшируви тайинлашга ҳақли ҳисобланади.

Вазирликнинг ташкилий тузилмалари раҳбарлари ўз ўринбосарларига хизмат текширувини тайинлашда Мактабгача таълим вазирлиги раҳбарияти билан келишишлари шарт.

10. Хизмат текширувининг адолатли, ҳаққоний, сифатли, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказилишига хизмат текшируви ўтказаётган барча ходимлар бевосита масъул ҳисобланади.

## III. Хизмат текширувини ўтказиш тартиби ва муддатлари

11.Хизмат текширувини ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланиши лозим:

меҳнат ва ижро интизоми ҳақиқатда бузилганлиги ёки вазирлик тизими ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб ёхуд ножўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги;

меҳнат ва ижро интизоми бузилишида ёки вазирлик тизими ходими деган номга доғ туширувчи номуносиб ёхуд ножўя хатти-ҳаракат содир этилиши қандай ҳолатларда йўл қўйилганлиги;

зарар кўрган фуқаролар ва юридик шахслар доираси ва зарар миқдори;

бундай ҳатти-ҳаракат содир этилишининг объектив сабаблари ва бунга имконият берган шарт-шароитлар;

хизмат текшируви ўтказилаётган масалага алоқадор бошқа ҳолатлар.

12. Хизмат текшируви жараёнида аниқланган ҳар бир маълумот хизмат вазифаси бўйича мазкур ишга алоқаси бўлмаган бошқа шахсларга ошкор этилиши мумкин эмас.

13. Хизмат текширувини ўтказишда заруриятга қараб мутахассислар (бухгалтерия, қурилиш, автотехника, тиббиёт ва бошқа соҳаларда махсус билимга эга бўлган шахслар) жалб этилиши мумкин.

Бунда мутахассисга хизмат текширувини ўтказиш жараёнида ўзига маълум бўлган маълумотларни сир сақлаши ҳамда ўзини-ўзи рад этиши лозим бўлган ҳолатлар ва тегишли тартиблар тушунтириб ўтилиши лозим.

14. Хизмат текширувини ўтказиш зиммасига юклатилган ходимлар ёки ишчи гуруҳ хизмат текшируви тайинлаш учун асос бўлган ҳолатлар билан танишиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва муддатлари аниқ қайд этилган хизмат текшируви режасини ишлаб чиқади.

15. Хизмат текшируви ўтказишга масъул ходимлар:

вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси иш юритувида ёхуд сақловида бўлган ҳужжатлар билан танишиш, улардан нусха олиш;

хизмат текшируви ўтказишга алоқадор бўлган ижро иши, мактабгача таълим ташкилотларидаги, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари ва вазирликнинг ташкилий тузилмаларидаги материаллар билан танишиш;

ходимлардан хизмат текшируви давомида юзага келадиган масалалар бўйича маълумотлар ва тушунтиришлар олиш;

заруриятга қараб мутахассисларни жалб қилиш юзасидан вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбарига ёзма таклиф билан чиқиш;

тегишли ҳужжатларни ўрганиб, қонуний хулоса қилиш ҳақида тегишли тармоқ (бўлим) ходимларига кўрсатма бериш тўғрисида бунга ваколатли раҳбарга билдирги билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

16. Хизмат текшируви ўтказаётган ходимлар қуйидагиларга мажбурдир:

хизмат текшируви ўтказиш ҳуқуқини берувчи барча зарур ҳужжатларни хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга тақдим этиш;

хизмат текшируви давомида ўзларига маълум бўлган хизмат сирини ташкил этувчи маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик.

17. Хизмат текшируви жараёнида ҳар бир ҳолат бўйича зарур маълумотлар ва ҳужжатлар тўплаш, тегишли маълумотга эга шахслар ва ходимлардан тушунтиришлар олиш, текшириш материаллари ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш орқали аниқланади.

Тушунтириш беришдан бўйин товлаганлик ҳолатлари юзасидан масъул ходимлар ёки ишчи гуруҳ томонидан далолатнома тузилади.

18. Хизмат текшируви қоида тариқасида ўн беш кун ичида ўтказилади. Қўшимча текшириш талаб қилинадиган ҳолларда ва бошқа узрли сабабларга кўра мазкур муддат хизмат текширувини тайинлаган вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбари томонидан ўттиз кунгача узайтирилиши мумкин.

Хизмат текшируви тўлақонли ўтказилмаганлиги сабабли қайта хизмат текширув тайинланган тақдирда, хизмат текширувини ўтказиш муддатлари яна бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмалари раҳбарлари томонидан зудлик билан чора кўрилишини талаб қиладиган ҳолатлар юзасидан хизмат текширувининг қисқартирилган муддатлари белгиланиши мумкин.

19. Хизмат текшируви давомида якуний хулоса қилиш учун монелик қилувчи ҳолатлар (ходимнинг меҳнат таътилида ёки меҳнатга лаёқатсизлик даврида ҳамда хизмат текширувини тўлиқ ўтказиш учун тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолатлар) юзага келган тақдирда, бу ҳақда хизмат текшируви ўтказаётган ходимларнинг асослантирилган билдиргисига кўра уни тайинлаган раҳбар томонидан қайд этилган ҳолатлар бартараф этилгунига қадар хизмат текшируви тўхтатиб турилиши мумкин ҳамда тўхтатиб турилган муддат хизмат текширувини ўтказиш учун белгиланган муддатга қўшилмайди.

Бунда хизмат текширувини тўхтатилишига асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг текширув бўйича якуний хулоса қилинади.

20. Вазирлик ва унинг ташкилий тузилмалари ходимларига нисбатан терговолди текширув ишлари олиб борилаётганда ёки жиноят иши қўзғатилганда ёки уни айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинганда, суриштирув ёки терговни олиб бораётган орган билан ўзаро маълумот алмашиб, ҳолат юзасидан умумий асосларда хизмат текшируви ўтказилади.

21. Хизмат текширувини ўтказиш давомида бирон-бир шахс томонидан ходимларга нисбатан туҳмат қилинганлиги аниқланган тақдирда, тўпланган ҳужжатлар ушбу шахсларга нисбатан қонуний қарор қабул қилиш учун тегишли органга юборилади.

22. Хизмат текшируви ўтказиш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган тақдирда, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура органларига юборилиши лозимлиги тўғрисида хизмат текшируви ўтказаётган масъул ходимлар ёки ишчи гуруҳ томонидан вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмалари раҳбарига тегишли таклиф киритилади.

Ҳолат юзасидан хизмат текшируви ҳужжатлари ҳуқуқий баҳо бериш учун прокуратура органларига юборилиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, ҳужжатларнинг асл нусхалари прокуратура органларига юборилиб, улардан нусхалар олиниб, хизмат текшируви йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

23. Хизмат текшируви жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан ўтказилган тақдирда натижалари ҳақида қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда муаллифга маълум қилинади.

24. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим:

хизмат текшируви ўтказаётган ходим, хизмат текширувига жалб қилинган мутахассис ёки бошқа ходимларнинг иштирокини рад этиш юзасидан вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбарига билдирги билан мурожаат қилиш;

хизмат текшируви ўтказаётган ходимнинг рухсати билан текшириш ҳаракатларида иштирок этиш;

хизмат текшируви тамомлангандан сўнг барча материаллар билан танишиш;

хизмат текширувидан норози бўлган тақдирда шикоят қилиш ҳуқуқларига эга.

25. Хизмат текшируви натижасидан норози бўлиб берилган шикоят вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбари томонидан кўриб чиқилади ва хизмат текшируви ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

26. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим қуйидагиларга мажбурдир:

талаб қилинган ҳужжатлар, маълумотлар ва далилларни тақдим этиш;

хизмат текширувида аниқланиши лозим бўлган ва ишга алоқадор бошқа ҳар қандай ҳолатлар юзасидан тушунтириш бериш;

хизмат текшируви ўтказаётган ходимларга ёки ишчи гуруҳга текшириш ўтказиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

хизмат текшируви ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатларни, кўчирма нусхалари ва бошқа ахборотларни тақдим этиш;

хизмат текшируви ўтказувчининг текшириш ўтказишига тўсқинлик қилмаслик, унинг хизмат вазифаларини бажаришига нисбатан ҳар қандай таъсир ўтказмаслик.

27. Хизмат текшируви жараёнида тушунтириш беришдан бўйин товлаш, хизмат текширувига тўсқинлик қилиш, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни нотўғри маълумот беришга кўндиришга ҳаракат қилиш каби ҳаракатлар хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга нисбатан интизомий жазо қўллаш масаласини кўриб чиқишда оғирлаштирувчи ҳолат сифатида инобатга олинади.

## IV. Ходимни хизмат текшируви ўтказишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар

28. Қуйидаги ҳолларда вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмалари ходими, шунингдек, жалб этилган мутахассис хизмат текшируви ўтказишда иштирок этишга ҳақли эмас ва уни рад қилиш лозим, башарти:

1) у хизмат текширувидан ва унинг натижаларидан манфаатдор шахсларнинг қариндоши бўлса;

2) хизмат текшируви ўтказилаётган ходимга бевосита ёки бошқача тартибда бўйсунувда бўлса;

3) аввалги хизмат текшируви тўлақонли ўтказилмаганлиги ёки нохолис ўтказилганлиги юзасидан қўшимча хизмат текшируви тайинланган тақдирда, аввалги хизмат текширувини ўтказишда иштирок этган бўлса;

4) хизмат текшируви ўтказишда иштирок этувчи ходимнинг, шунингдек, жалб этилган мутахассиснинг холислигига ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

29. Ушбу Йўриқноманинг 28-бандида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда хизмат текшируви ўтказишга жалб этилган ёхуд хизмат текшируви ўтказаётган ходим, шунингдек жалб этилган мутахассис ўзини ўзи рад этиши ҳамда бу тўғрисида дарҳол вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбарига билдирги билан мурожаат қилади.

30. Ўзига нисбатан хизмат текшируви ўтказилаётган ходим ушбу Йўриқноманинг 28-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича хизмат текшируви ўтказаётган ходимни, шунингдек жалб этилган мутахассисни рад этиш тўғрисида вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбарига билдирги билан мурожаат қилиши лозим.

31. Вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбари томонидан қўшимча асосларга кўра (хизмат текшируви ўтказаётган ва хизмат текшируви ўтказилаётган ходимнинг бевосита ёки назорат қилувчи раҳбари, кадрлар бўйича ходимнинг билдиргиси ва бошқа ҳолатларга кўра) хизмат текшируви ўтказишга жалб этилган ходимни рад этиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

32. Хизмат текшируви ўтказишга жалб этилган ёхуд хизмат текшируви ўтказаётган ходимни рад этиш ҳар бир ҳолатда вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбари томонидан кўриб чиқилиб, рад этилади ёки асосли деб топилган ҳолатларда ходим хизмат текшируви ўтказишдан озод қилинади.

## V. Хизмат текшируви хулосасини тузиш, ходимларнинг хатти- ҳаракатларига баҳо бериш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш

33. Хизмат текшируви натижасига кўра, хизмат текширувини ўтказган ходимлар томонидан хулоса тузилади. Мазкур хулоса тегишлилигича хизмат текширувини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари томонидан имзоланиб, тасдиқланади.

Хулоса тасдиқланган кун текширув якунланган кун ҳисобланади.

34. Хизмат текшируви тўлақонли ўтказилмаганлиги ёки қўшимча текшириш зарурияти мавжудлиги ҳақидаги хулосага келинган тақдирда, тегишли вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси раҳбарининг буйруғига мувофиқ, қайта хизмат текшируви тайинланади.

35. Хизмат текшируви хулосасида ушбу Йўриқнома ва амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда олинган, текширилган ва баҳоланган маълумотлар, далиллар акс эттирилади.

Тасдиқлаш имконияти бўлмаган, гумон ёки тахминларга асосланган, манбаси аниқланмаган ҳамда шубҳали бўлган маълумот ёки далиллар хизмат текшируви ўтказилаётган ходим фойдасига ҳал этилади.

Бундай маълумотларга асосланган ҳолда ходимни муайян қилмишни содир этган деб топиш қатъиян ман этилади.

36. Хизмат текшируви хулосаси кириш, тавсиф-асослантириш, хулоса ва тавсия қисмларидан иборат бўлади.

Хизмат текшируви хулосасининг кириш қисмида хизмат текшируви ўтказган ходимлар, текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳолатлар, шу жумладан, мурожаатлар муаллифлари ҳақида маълумот, хизмат текшируви ўтказилган ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, лавозими, даражали унвони, эгаллаб турган лавозимда қачондан буён фаолият юритиши, текшириш муддатлари, ўтказилган жойи, хизмат текширувига жалб қилинган ходимлар ва бошқа мутахассислар ҳақида маълумотлар акс эттирилади.

Хизмат текшируви хулосасининг тавсиф-асослантириш қисмида хизмат текшируви давомида аниқланган ҳолат ёки қилмишнинг мазмуни, шу жумладан ўз тасдиғини топган ёки топмаган ҳолатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва вазирликнинг буйруқ ва кўрсатмаларининг бузилган талаблари, етказилган зарарнинг миқдори аниқ ва тушунарли қилиб баён этилади.

Шундан сўнг, баён этилган ҳолат ёки қилмишни тасдиқловчи маълумотлар, тушунтиришлар ва бошқа далиллар, шунингдек, уларни келтириб чиқарган сабаблар ва шарт-шароитлар акс эттирилади.

Хизмат текшируви хулосасининг хулоса қисмида аниқланган ҳолат ёки бевосита қилмишни содир этган шахслар, шунингдек, ушбу ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш чораларини кўрмаган бошқа ходимлар ҳақида аниқ маълумотлар берилади ҳамда айнан қайси қилмиш билан меҳнат ёки ижро интизоми бузилганлиги ҳамда номуносиб ёки ножўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

Хизмат текшируви хулосасининг тавсия қисмида қонун, меҳнат ёки ижро интизомини бузган, номуносиб ёки ножўя ҳатти-ҳаракат содир этган ходимга, шунингдек, мазкур ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўрмаган бошқа ходимларга нисбатан кўрилиши лозим бўлган интизомий ва бошқа тегишли чоралар ҳамда ушбу ҳолатларни келтириб чиқарган сабаб ҳамда шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар баён қилинади.

37. Хизмат текшируви хулосасида баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш ҳужжатлари текшириш йиғма жилдининг қайси саҳифасига тикилганлиги, хулоса қачон ва қаерда тузилганлиги кўрсатилиб, хулосани тузган масъул ходимлар томонидан имзоланади.

Хизмат текшируви хулосаси хизмат текширувини ўтказган масъул ходимлар ёки ишчи гуруҳи томонидан имзоланиб, тасдиқлангандан сўнг, хизмат текшируви ўтказилган ходимга таништирилади ҳамда ушбу ходим хизмат текшируви хулосаси билан танишганлиги тўғрисида хулосага имзо қўяди. Хизмат текшируви ўтказилган ходим хизмат текшируви хулосаси билан танишганлиги тўғрисида имзо қўйишдан бош тортган ҳолларда, бу тўғрисида камида уч киши томонидан имзоланадиган далолатнома расмийлаштирилади.

38. Хизмат текшируви хулосаси тасдиқланган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида вазирликнинг ёки унинг ташкилий тузилмаларининг Хизмат текшируви натижаларини ўрганиш комиссияси томонидан комиссия аъзолари ярмидан кўпи иштирок этган ҳолда кўпчилик овози билан хулоса асосида меҳнат ёки ижро интизомини бузган, номуносиб, ножўя ҳатти-ҳаракат содир этган ходимнинг хизмат вазифаларини қай даражада бажарганлигига баҳо берилиб, хизмат текшируви ўтказилган ходимга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик масаласи ҳал этилади ва тегишли қарор қабул қилинади.

39. Хизмат текшируви натижасига кўра қўлланиладиган жазо чоралари адолатли бўлиб, аввало профилактик аҳамиятга эга бўлиши лозим.

40. Хизмат текширувининг натижаси бўйича алоҳида белгиланган тартибда йиғма жилдга жамланган ҳужжатлар вазирлик кадрлар бошқармаси ёки унинг ташкилий тузилмалари кадрлар хизматига топширилади. Улар хизмат текшируви ҳужжатларининг сақланиши учун шахсан масъул ҳисобланади.

41. Ҳар бир хизмат текшируви ҳужжатлари алоҳида йиғма жилдда қуйидаги тартибда хронологик тарзда жамланади:

хизмат текшируви тайинлаш учун асос бўлган ҳужжат;

хизмат текшируви режаси ва тегишли кўрсатмалар;

ходимнинг меҳнат фаолиятига тегишли маълумотлар;

ишга алоқадор бошқа шахсларга тегишли маълумотлар;

алоқа хатлари, ёзишмалар ва тўпланган бошқа ҳужжатлар;

ҳолатга алоқадор ҳужжатларнинг нусхалари, улар бўйича хулосалар;

тушунтириш хатлари, хизмат текшируви хулосаси;

хизмат текшируви ўтказилган ходимга нисбатан қўлланилган чора ҳақидаги буйруқ нусхаси.

42. Меҳнат ёки ижро интизомининг бузилиши, номуносиб ёки ножўя хатти-ҳаракат юзасидан ходимга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви хулосасидан бир нусхаси кадрлар хизматида юритиладиган назорат йиғма жилдига қўшилади.

43. Вазирлик ёки унинг ташкилий тузилмаси кадрлар хизмати томонидан тегишлилиги бўйича ўтказилган барча хизмат текширувларининг компьютер базаси юритилади.

## VI. Якунловчи қоидалар

44. Хизмат текширувидан ва унинг натижаларидан манфаатдор шахслар хизмат текширувидан норози бўлган тақдирда юқори турувчи раҳбарига ёки бевосита вазирлик раҳбариятига шикоят қилиши мумкин.

45. Ушбу Йўриқнома талабларини бузилишида айбдор бўлган ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли жавобгарликка тортилади.

**32-илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**233-сон буйруғи**

Тошкент шаҳар 28 декабрь 2019 йил

**Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти ва тарбияланувчининг ота-онаси (қонуний вакили) ўртасидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти ва тарбияланувчининг ота-онаси (қонуний вакили) ўртасидаги Намунавий шартнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари, давлат мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти ва тарбияланувчининг ота-онаси (қонуний вакили) ўртасида тузиладиган шартномани мазкур буйруқ билан тасдиқланган Намунавий шартнома талаблари асосида тузилишини таъминласин.

3. Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш ва стратегик ривожлантириш бошқармаси (Е.Тен) Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкенг шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари, давлат мактабгача таълим ташкилотларига умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти ва тарбияланувчининг ота-онаси (қонуний вакили) ўртасида тузиладиган шартномани мазкур буйруқ билан тасдиқланган Намунавий шартнома талаблари асосида тузилишида методик ёрдам кўрсатилишини таъминласин.

4. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) ушбу буйруқни Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимларига ижро учун етказсин.

5. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Мактабгача таълим вазирининг 2017 йил 11 декабрдаги 35-сон “Туман (шаҳар) мактабгача таълим муассасаси ва тарбияланувчининг ота-она (ёки ота она ўрнини босувчи) ўртасида тузиладиган намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари С. Тургунов зиммасига юклансин.

**Вазир** **А. Шин**

Ўзбекистон Республикаси
Мактабгача таълим вазирининг
2019 йил 28 декабрдпги
233 - сонли буйруғига
ИЛОВА

**_________-сонли " ____________________________________ " номли**

***умумий типдаги давлат мактабгача***

***таълим ташкилоти ва тарбияланувчининг***

***ота-онаси (қонуний вакили) ўртасидаги***

# *НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА*

**_____ -сонли “ ____________________ ” номли**
**умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти**
**ва тарбияланувчининг ота-онаси (қонуний вакили) ўртасидаги**

**ШАРТНОМА**

20____йил «______ »____________ ____________ -сон __________________тумани (шаҳар)

________________________________тумани (шаҳар) мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги _________________________-сонли умумий типдаги давлат мактабгача таълим

ташкилоти (кейинги ўринларда ДМТТ деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбари ________________________________________________________________________________

**(Ф.И.Ш.)**

бир тарафдан ва тарбияланувчи ____________________

**(Ф.И.Ш. ва боланинг тугатган йил)** нинг

(кейинги ўринларда тарбияланувчи деб юритилади) ота-онаси (қонуний вакили) ___ ____________________________________________________________________________

**(боланинг ота-онаси ёки қонуний вакилининг Ф.И.Ш.)**

(кейинги ўринларда қонуний вакил деб юритилади) иккинчи тарафдан мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

## I. Шартнома предмети

1. ДМТТ мазкур шартнома шартларига асосан тарбияланувчининг барча ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда унга сифатли таълим-тарбия бериш, соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, интеллектуал, ахлоқий, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароит яратиб бериш мажбуриятини, қонуний вакил эса тарбияланувчини ДМТТдаги тегишли гуруҳ тарбиячисига топшириш, тарбияланувчини ДМТТда сақлаш учун ота-оналарнинг тўловини ўз вақтида амалга ошириш ва ДМТТнинг ички тартиб-қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олади.

Тарбияланувчини ДМТТда сақлаш вақти _________________ соатни ташкил қилади.

2. ДМТТда болаларни сақлаш учун тўланадиган тушумлар бошқа бюджет маблағлари билан бирга мақсадли тартибда тарбияланувчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳамда ДМТТнинг моддий-техник базасини яхшилаш, авваламбор, санитария-гигиена воситалари ва бошқа инвентарлар харид қилишга йўналтирилади.

Бунда ДМТТнинг моддий-техника базасини яхшилашга йўналтириладиган маблағлар миқдори жами йил давомида ота-оналар тўловидан тушган маблағларнинг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

## II. ДМТТнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

3. ДМТТ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ДМТТ ходимларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳамда қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

вазирлик томонидан тасдиқланган "Илк қадам" Давлат таълим дастури асосида “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари”га мувофиқ ўз ўқув дастурини ишлаб чиқиш;

тарбияланувчини оила муҳитида тарбиялаш бўйича тегишли таклифлар бериш, унинг қонуний вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

боланинг қонуний вакиллари билан тузилган келишув асосидаги тўлов эвазига мактабгача таълимнинг давлат таълим дастуридан ташқари қўшимча таълим хизматлари кўрсатиш, дам олиш кунлари ёки белгиланган иш соатларидан ташқари болаларни парваришлаш ва уларга қараб туриш;

мактабгача таълим тизимини ривожлантириш бўйича инновацион фаолиятда иштирок этиш;

ДМТТ Уставида белгиланган тартибда қонуний вакилнинг истаги ва тарбияланувчининг ёшини инобатга олиб, уларни гуруҳларга тақсимлаш;

тарбияланувчи касал бўлганида ёки тиббий кўрикда унинг касаллиги аниқланганида, ДМТТ тиббиёт ходими томонидан кунлик фильтрациядан ўтказилганида тарбияланувчининг соғлиғи бўйича ДМТТда бўлишини тақиқловчи ҳоллар юз берганида уни вақтинча ДМТТга қабул қилишни рад этиш;

қонуний вакил томонидан шартнома шартлари бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги, шу жумладан тўловни шартномада белгиланган миқдорда ҳамда мазкур шартноманинг 9-бандида кўрсатилган муддат ўтгач икки ҳафта мобайнида узрли сабабларсиз тўланмаган тақдирда, қонуний вакил билан тузилган шартноманинг амал қилинишини тўхтатиш ва тарбияланувчини ДМТТга келишини чеклаш;

қонуний вакилнинг тегишли рухсатисиз тарбияланувчини бошқа шахсларга бериб юборишни рад қилиш.

ДМТТ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. ДМТТнинг мажбуриятлари:

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг Маъмурий регламентига мувофиқ берилган йўлланмалар асосида тарбияланувчини ДМТТга қабул қилиш;

боланинг ДМТТда бўлиши вақтида унинг соғлиги ва ҳаётини асраш ҳамда ҳар томонлама ривожланиши, тарбияланиши ва таълим олиш билан боғлиқ зарур ва хавфсиз шароитларни яратиш;

болаларда Ватанга муҳаббат туйғусини, оилага, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатни шакллантириш;

тарбияланувчининг жисмоний, руҳий ва ақлий ривожланишини таъминлаш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш;

ҳар бир болага унинг ўз қобилиятларига қараб индивидуал ёндошишни таъминлаш, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

низоларни ҳал қилишда, авваламбор, боланинг манфаатларига асосланиш;

боланинг қонуний вакилига ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

ДМТТ Кузатув кенгашининг тўлиқ фаолият олиб борилишини таъминлаш;

ўқув таълим-тарбия жараёнини “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари”га мувофиқ амалга ошириш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши ва соғлиғига доир хусусиятларни ҳисобга олиб, мактабгача таълимнинг тегишли сифат, даража ва ҳажмга мувофиқлигини таъминлаш;

ДМТТ педагог кадрлари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиниши ҳамда боланинг ва унинг қонуний вакилининг ҳуқуқ ва шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилинишини таъминлаш;

болага таълим бериш ва уни тарбиялаш масалалари бўйича унинг қонуний вакилларига маслаҳатлар бериш;

мактабгача таълим сифати таъминланишини назорат қилишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиш;

тарбияланувчига биринчи тез тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш, даволовчи-профилактик тадбирларни ўтказиш (режа асосида профилактик эмлаш, йиллик тиббий кўрик ўтказилишини ташкил қилиш ва бошқалар);

белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ хавфсиз, сифатли ва соғлом овқатланишни ташкил қилиш ва таъминлаш;

қонуний вакилдан ёки тегишли рухсати бўлган шахслардан тарбияланувчини қабул қилиш ва унга топшириш;

тарбияланувчига тегишли нарса ва буюмларни тўлалигича сақлаш;

қонуний вакилга ДМТТ фаолиятига доир маълумотларни тақдим қилиш (ДМТТ устави, кун тартиби, таълим-тарбия дастурлари ва услублари);

ДМТТда ўзгартирилган тартиб ва бошқа ҳолатлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш.

ДМТТнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

ДМТТда тарбияланувчи эҳтиёжи ва турли мақсадларни важ қилиб қонуний вакилдан мажбурий тарзда пул йиғиш ёки моддий қимматликлар олиб келишни талаб қилиш таъқиқланади.

### III. Қонуний вакилнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

5. Қонуний вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тарбияланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ДМТТнинг устави билан танишиш;

ДМТТнинг турли тадбирларида фарзанди билан биргаликда иштирок этиш (байрам эрталиклари, кўриклар, кўнгилочар соатлар, машғулотлар ва ҳ.к.), мавсумий чеклов (карантин) ва хавфсизлик чоралари кучайтирилган даврдан ташқари;

ДМТТ фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ДМТТ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва унинг аъзоси бўлиб сайланиш;

ДМТТда тарбияланувчи таълим-тарбия бериш учун зарур шароитлар яратилишини ва унинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, болага сифатли таълим-тарбия беришни талаб қилиш;

ўзига қулай бўлган вақтда сабаби кўрсатилган ҳолда ёзма билдирги асосида тарбияланувчини ДМТТдан олиб кетиш;

ДМТТ раҳбариятини 7 кун олдин хабардор қилган ҳолда шартномани муддатидан аввал бир тарафлама бекор қилиш.

Қонуний вакил қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Қонуний вакилнинг мажбуриятлари:

мазкур шартнома талабларига қатъий риоя қилиш;

ота-она тўловини ўз вақтида амалга ошириш;

ходимлар билан келишмовчиликлар юзага келганда, тарбияланувчилар иштирокисиз зудлик билан ДМТТ раҳбарияти ва Кузатув кенгаши билан муаммони ҳал қилиш;

ДМТТга жойлаштириш учун тарбияланувчининг соғлиги ҳақидаги тиббий хулоса ва қонуний вакили ҳақидаги маълумотларни (телефон рақамлари, яшаш ва иш жойи ҳақида маълумотномалар) тақдим этиш;

тарбияланувчи бетоб бўлганда, зудлик билан ДМТТ маъмурияти ва тиббиёт ходимига хабар бериш ва тарбияланувчи соғайганидан сўнг тиббий маьлумотномани тақдим этиш;

тарбияланувчи ДМТТга вақтинча келмаган кунлари учун ДМТТ раҳбариятига ариза тақдим этиш;

ДМТТнинг барча ходимларига, бошқа тарбияланувчилар ва уларнинг қонуний вакилларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

тарбияланувчининг тўлақонли овқатланишини кузатиб бориш, уни ДМТТга тоза ва озода кийинган ҳолда олиб келиш;

тарбияланувчининг туғилган куни ва бошқа тадбирларини нишонлаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва пишириқларни ДМТТга олиб кирмаслик;

ДМТТга тарбияланувчини ҳар қандай қимматбаҳо тақинчоқлар, уяли алоқа воситалари ва бошқа техника воситалари билан олиб келмаслик, ушбу ҳолларда ДМТТ маъмурияти уларнинг сақланишига жавобгар бўлмайди;

яшаш жойи ёки телефон рақамлари ўзгарган тақдирда ДМТТнинг тегишли гуруҳ тарбиячисига ва раҳбариятига бу ҳақда хабар бериш;

болани ДМТТдан олиб кетишни вояга етмаган ёки бегона шахсларга топширмаслик;

эрталаб болада касаллик ҳолатлари кузатилган тақдирда ДМТТга олиб бормасдан шифокор кўригидан ўтказиш.

Қонуний вакилннинг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

## IV. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

7. Тарбияланувчининг ДМТТда бўлган даври учун бир ойлик тўлови ________________сўм.

Агарда қонуний вакилнинг бир нафардан ортиқ болалари ДМТТга қатнаган тақдирда тўловлар _______________________________________сўмни ташкил этади.

Бунда: бир оилада бир нафардан ортиқ болалар турли ДМТТларга қатнаса, қонуний вакил тегишли равишда бир ДМТТдан бошқасига фарзандларининг бошқа ДМТТга қатнаши тўғрисидаги маълумотномани ҳамда оила аъзолари ҳақидаги фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг маълумотномасини тақдим этишлари лозим.

8. ДМТТдаги тарбияланувчи учун ота-она тўлови миқдори қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзгарган тақдирда бу ҳақда ДМТТ маъмурияти томонидан қонуний вакилга маълум қилинади ҳамда шартномага қўшимча келишув тузилади.

9. ДМТТдаги тарбияланувчи учун ота-она тўлови ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан тўланади. Ойнинг 15-санасидан кейин келган болаларни сақлаш учун тўловлар эса бола келган кундан бошлаб 3 кун ичида тўланади. Бунда тўловлар боланинг шу ойда ДМТТга қатнайдиган кунларга мутаносиб равишда тўланади.

10. Боланинг ёки оила аъзоларининг касаллиги, карантин ҳолатида бўлганлиги туфайли, шунингдек, қонуний вакил ишдан (ўқишдан) бўш вақти даврида ёки бошқа сабабларга кўра бола ДМТТга кетма-кет уч кундан ортиқ келмаган даври учун тўланган тўловлар кейинги тўловларни амалга оширишда ҳисобга олинади. Бунда боланинг келмаган кунлари сони бир кунлик тўлов миқдорига кўпайтирилиб, кейинги тўлов суммаси чиққан суммага камайтирилади. Агар боланинг келмаган кунлари учун тўлов ҳали амалга оширилмаган бўлса, тўланиши лозим бўлган тўлов миқдори у келмаган кунлари учун ҳисобланган тўлов суммасига камайтирилади.

Боланинг ёки унинг оила аъзоларининг касаллиги, карантин ҳолатида бўлганлиги туфайли боланинг ДМТТга келмаганлиги тегишли даволаниш профилактика муассасаси ёки участка шифокори томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланиши шарт.

Тарбияланувчи ДМТТга келмаслигига қонуний вакилнинг узрли сабаби кўрсатилган ҳолда ДМТТ раҳбарияти номига олдиндан ёзган аризаси тарбияланувчининг жойи тўловсиз сақланиб туришига асос бўлиб ҳисобланади. Бунда боланинг бир йилда кўпи билан 60 кундан ортиқ бўлмаган муддатгача ДМТТга келмаслигига рухсат берилади.

Боланинг уйда қолган бошқа барча ҳолатларда қонуний вакил томонидан тўловлар умумий асосларда тўланади.

11. Ота-она тўлови икки ҳафта давомида ўз вақтида тўламаганлик учун ойнинг 15 кунидан бошлаб қонуний вакил ДМТТга ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Тарбияланувчи учун икки ой мобайнида узрли сабабларсиз ота-она тўлови тўланмаган тақдирда, шартнома бекор қилиниб, тарбияланувчи ДМТТдан четлаштирилади.

12. Қарздорлик келиб чиққан кундан бошлаб 60 календарь куни мобайнида тарбияланувчини ДМТТда сақлаш учун мавжуд бўлган қарздорлик қопланганда, тарбияланувчи ушбу ДМТТга тикланади. Кўрсатилган муддат ўтиб кетган ҳолларда, ДМТТга болани қабул қилиш умумий асосларга кўра амалга оширилади.

Тарбияланувчининг ДМТТга қатнаши вақтинча ёки бутунлай тўхтатилиши тўғрисида қонуний вакилнинг ёзма аризаси бўлмаган ҳолларда ота-она тўлови тўлиқ ой учун ҳисобланади ва умумий асосларда ундирилади.

Ўтган ой учун ота-она тўловининг қолган қисми тўлангандан сўнг тарбияланувчини ДМТТга қатнашига йўл қўйилади.

Қонуний вакилнинг олдиндан берган ёзма аризасига асосан, боланинг ДМТТга қатнаши бутунлай тўхтатилган тақдирда, тўлов тўлиқ бўлмаган ой учун, яъни тарбияланувчи амалда ДМТТга қатнаган кунлар учун тўланади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

13. Тарафлар ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

14. Тарафлар шартномани ўзгартириш ва бекор қилишни мазкур шартномада назарда тутилган ҳолларда ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириши мумкин.

15. Шартнома бажарилишини бир тарафлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир тарафлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

16. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ҳолда икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга кирган ҳисобланади.

17. Мазкур шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда тузилиб, тарафлар имзолаган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

18. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

19. Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида ҳал қилинади.

20. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар амалдаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибида ҳал этилади.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

21. Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар туфайли мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

22. Содир бўлган форс-мажор ҳолатлари тўғрисида тарафлар бир-бирларини зудлик билан ёзма ёки оғзаки тартибда хабардор қилиши шарт.

23. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини давомийлигини ҳисобга олиб шартномани амал қилиш муддатини узайтиришлари мумкин.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 20_____йилнинг кунига қадар амал қилади.

25. Мазкур шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлган ҳолда икки нусхада тузилди, бир нусхаси ДМТТда, иккинчи нусхаси қонуний вакилда сақланади.

## X. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| | |
|---|---|
| **-сонли ДМТТ** | **Қонуний вакил (ота-она)** |
| Юридик манзили: | Яшаш манзили: |
| Реквизитлар: | Паспорт маълумотлари: |
| (имзо, мухр) (Ф.И.Ш.) | (имзо) (Ф.И.Ш.) |

Шартнома нусхасини шахсан олдим ва ДМТТ Устави билан танишдим:

/

Имзо Ф.И.Ш.

20..... йил«.......»

ПРИЛОЖЕНИЕ

ПРИЛОЖЕНИЕ
к приказу Министра дошкольного
образования Республики Узбекистан
от « 28 » декабря 2019 года № 233

# *ТИПОВОЙ ДОГОВОР*

***между государственной дошкольной***

***образовательной организацией общего типа***

***№ ___________ «______________________________» и родителем***

***(законным представителем) воспитанника***

**ДОГОВОР**

между государственной дошкольной образовательной организацией
общего типа № __________ « ____________________ » и родителем
(законным представителем) воспитанника

«____» ___________ 20_____ года
г. Ташкент

Государственная дошкольная образовательная организация общего типа (далее - ГДОО) № ______________ при отделе дошкольного образования

**(район, город)**

в лице руководителя ____________________________________________ , действующая

**(Ф.И.О.)**

на основе Устава с одной стороны родитель (законный представитель)
(Ф.И.О. родителя или законного представителя ребёнка)
(далее - законный представитель) воспитанника ____________________________________
________________________________________________________ (далее - воспитанник)

*(Ф.И. О. ребёнка и год рождения)*

с другой стороны заключили договор следующего содержания:

## I. Предмет договора

1. ГДОО в соответствии с условиями данного договора обеспечивает все права воспитанника и берет на себя обязанности по воспитанию и обучению, защите и укреплению здоровья ребёнка, созданию условий для его интеллектуального, морального, культурного, эстетического и физического развития, а законный представитель берет на себя обязанности по передаче воспитанника лично воспитателю соответствующей группы ГДОО, своевременному внесению родительской платы за содержание воспитанника в ГДОО и соблюдению внутренних правил ГДОО. Время содержания воспитанника в ГДОО составляет …… часов.

2. Доходы от платы за содержание детей в ГДОО адресно направляются вместе с другими бюджетными средствами на обеспечение воспитанников продовольствием, улучшение материальной-технической базы ГДОО, прежде всего, приобретение санитарно-гигиенических средств и других инвентарей.

При этом размер средств, направляемых на улучшение материально-технической базы ГДОО, не должен превышать 5 процентов средств, поступивших от родительской платы в течение всего года.

## II. Права и обязанности ГДОО

3. ГДОО имеет следующие права:

защищать права и законную интересы, а также достоинство работников ГДОО;

разработать свою учебную программу на основе государственной образовательной программы «Первый шаг», утвержденной министерством согласно государственным требованиям к развитию детей раннего и дошкольного возраста;

вносить соответствующие предложения по воспитанию воспитанника в семейной обстановке, взаимодействовать с его законными представителями;

оказывать платные дополнительную образовательную услуги сверх государственной образовательной программы дошкольного образования, услуги по уходу и присмотру за детьми в выходную дни или сверх установленных рабочих часов на основе договора с законными представителями ребёнка;

принимать участие в инновационной деятельности по развитию системы дошкольного образования;

определять воспитанников в группы с учетом его возраста и желания законного представителя в порядке, установленном в Уставе ГДОО;

отказывать в приеме воспитанника в ГДОО при медицинских противопоказаниях, заболевании или выявлении его болезни в ходе медосмотра, появлении у воспитанника случаев, запрещающих его пребывание в ГДОО в ходе проведения медперсоналом ГДОО ежедневной фильтрации;

приостановить действие договора, заключенного с законным представителем и ограничить пребывание воспитанника в ГДОО при невыполнении или невыполнение должным образом законным представителем условий договора, в том числе, в случае неосуществления оплаты в размере, установленном в договоре и в двухнедельный срок с даты указанной в пункте 9 данного договора без уважительных причин;

отказать в передаче воспитанника лицам, не имеющим соответствующее разрешение законного представителя.

ГДОО может иметь другие права в соответствии с законодательством.

4. Обязанности ГДОО:

принимать воспитанника в ГДОО на основе направления, выданного в соответствии с Административным регламентом оказания государственных услуг по приему детей в государственную дошкольную образовательную учреждения;

создавать необходимую условия для сохранения здоровья и жизни ребёнка во время его пребывания в ГДОО, а также создать безопасную условия для всестороннего развития, воспитания и обучения ребёнка;

формировать у детей чувство любви к Родине, уважительного отношения к семье, национальный, историческим, культурным ценностям народа, проживающего на территории страны, а также бережного отношения к окружающей среде;

обеспечивать физическое, психическое и интеллектуальное развитие воспитанника, развивать его творческие способности и интересы.

обеспечивать индивидуальный подход к каждому ребёнку с учетом особенностей его развития, соблюдать законодательство о правах ребёнка;

при разрешении конфликтов руководствоваться интересами ребёнка;

уважительно относиться к законному представителю ребёнка;

обеспечить полноценное функционирование наблюдательного совета ГДОО;

осуществлять образовательно-воспитательный процесс в соответствии с государственными требованиями к развитию детей раннего и дошкольного возраста;

обеспечивать соответствие содержания, уровня и объема дошкольного образования особенностям развития и здоровья детей дошкольного возраста;

обеспечивать соблюдение педагогическими кадрами ГДОО правил этики, уважать права и достоинство ребёнка и их законных представителей;

консультировать законных представителей ребёнка по вопросам его обучения и воспитания;

содействовать уполномоченным государственным органам в осуществлении контроля над обеспечением качества дошкольного образования;

оказывать первую медицинскую помощь ребёнку, проводить лечебно-профилактические мероприятия (проведение профилактических привывок согласно утвержденного графика, организация проведения ежегодного медицинского осмотра);

обеспечивать качественный, безопасный, сбалансированный питанием в соответствие с установленными санитарными нормами, правилами и гигиеническими нормативами;

принимать и передавать воспитанника законным представителям или лицам имеющим соответствующее разрешение;

обеспечивать сохранность вещей воспитанников в полном объеме;

предоставлять законному представителю ребёнка информацию о деятельности ДОО (Устав ГДОО, режим дня ДОО, программы и методы образования и воспитания);

своевременно оповещать об изменениях режима ГДОО, методики и т.д..

ГДОО в соответствии с законодательством может нести и другие обязанности.

Запрещается в ГДОО принудительный сбор с законного представителя денег или требование от него материальных ценностей, ссылаясь на потребности воспитанников или в других целях.

## III. Права и обязанности законного представителя

5. Законный представитель ребёнка имеет следующие права:

защищать права и законные интересы ребёнка;

ознакомиться с Уставом ГДОО;

принимать участие вместе с ребёнком в различных мероприятиях ГДОО (в праздниках, на конкурсах, в развлекательных мероприятиях, на занятиях), за исключением периода, когда действуют сезонные ограничения (карантин) и меры безопасности;

вносить предложения по усовершенствованию работы ГДОО;

выбирать представителей членов наблюдательного совета и быть избранный наблюдательной совет ГДОО;

требовать создания необходимых условий для обучения и воспитания воспитанника в ГДОО, уважительного отношения к его личности, качественного обучения и воспитания ребёнка;

забирать ребёнка из ГДОО в удобное время с указанием причины на основе письменного оповещения;

досрочно расторгнуть в одностороннем порядке договор путем информирования за 7 дней руководства ГДОО.

Законный представитель может иметь другие права в соответствии с законодательством.

6. Обязанности законного представителя:

строго соблюдать требования данного договора;

своевременно вносить родительскую оплату;

при возникновении разногласий с сотрудниками немедленно разрешить проблему вместе с руководством ГДОО и наблюдательном советом без участия воспитанников;

предоставить медицинское заключение для приема ребёнка в ГДОО и сведения о законном представителе (номер телефона, справка о местожительстве и рабочем месте);

при болезни ребёнка немедленно информировать администрацию и медперсонал ГДОО и принести медицинскую справку после выздоровления ребёнка;

предоставить в ГДОО документ, подтверждавший внесение родительской платы за содержание воспитанника в ГДОО;

предоставить в администрацию ГДОО заявление в случае временного непосещения ребёнком ГДОО;

предоставить в администрацию ГДОО заявление в случае временного непосещения ребёнком ГДОО;

относиться уважительно ко всем сотрудникам ГДОО, другим воспитанникам и их законным представителям;

строго следить за полноценным питанием воспитанника, приводить ребёнка в ГДОО опрятно одетый и в ухоженный виде;

не приносить в ГДОО продукты питания с целью празднования дня рождения ребёнка или в связи с другими мероприятиями;

не приносить в ГДОО драгоценные и дорогостоящие предметы мобильные телефоны и другие средства техники, при таких случаях администрация ГДОО не несет ответственность за их сохранность;

при изменении местожительства или номера телефона информировать об этом воспитателю соответствующей группы и руководство ГДОО;

не возлагать обязанности забирать ребёнка из ГДОО на несовершеннолетних или других лиц;

при обнаружении утром у ребёнка симптомов болезни обратиться за медицинской помощью, не посещая ГДОО.

Законный представитель ребёнка в соответствии с законодательством может нести иные обязанности.

## IV. ПОРЯДОК ВНЕСЕНИЯ ПЛАТЫ

7. Ежемесячный размер родительской платы за содержание воспитанника в ГДОО составляет ________________________ сум.

При наличии в ГДОО более одного ребёнка законного представителя сумма родительской платы составляет ________________________________ сум.

При этом: если более одного ребёнка из одной семьи посещают разные ГДОО, то законный представитель должен предоставить в соответствующую ГДОО справку о посещении его ребёнка другому ГДОО и справку от органов самоуправления о составе и членах семьи.

8. В случае изменения в соответствии с законодательством размера родительской платы за содержание детей в ГДОО законный представитель об этом информируется администрацией ГДОО и с ним заключается дополнительное соглашение к договору.

9. Родительская плата за содержание ребёнка в ГДОО вносится не позднее 15 числа каждого месяца. Плата за содержание детей, устроившихся в ГДОО после 15 числа месяца, вносится в течение трех дней со дня их приема в ГДОО. При этом плата вносится пропорционально дням посещения ребёнком ГДОО.

10. Плата, внесенная за период, в течение которого ребенок более трех дней подряд не посещал ГДОО по причине болезни или болезни членов семьи, нахождения в карантине, а также в свободнее время от работы (учебы) законного представителя или по другим причинам учитывается при внесении следующей платы При этом количество дней, когда ребенок не посещал ГДОО, умножается на размер платы за один день. Данная сумма платежа подлежит перерасчету на следующий месяц. Если ещё не внесена плата за те дни, когда ребенок не посетил ГДОО, размер платежа, подлежащего уплате, уменьшается на сумму платежа, рассчитанной по дням, когда ребенок не посещал ГДОО.

Не посещение ребёнком ГДОО по причине болезни или болезни членов семьи, нахождения на карантине должно быть подтверждено справкой, выданной соответствующим участковым врачом или медучреждением.

Заявление на имя руководства ГДОО законного представителя ребёнка, написанное заблаговременно на уважительное непосещение ребёнком ГДОО, является основанием для сохранения места за ребёнком без взимания родительской платы. Максимальный срок, в течение которого ребенок может не посещать ГДОО с сохранением места составляет 60 дней в году.

Во всех остальных случаях, когда ребенок остается дома, плата вносится законным представителем на общих основаниях.

11. При несвоевременной оплате за содержание воспитанника в течении двух недель с 15 числа месяца законный представитель уплачивает ГДОО пеню в размере 0,4 процента суммы просроченного платежа за каждый день просрочки, но не более 50 процентов суммы просроченного платежа.

В случае невнесения платы за содержание воспитанника в течение двух месяцев без уважительных причин договор прекращается, а воспитанник отчисляется из ГДОО.

12. В случае погашения имеющейся задолженности за содержание воспитанника в ГДОО в течение 60 календарных дней с даты возникновения задолженности, возобновляется посещение воспитанником ГДОО. При истечении указанного срока, принятие воспитанника в ГДОО осуществляется на общих основаниях.

При отсутствии письменного заявления законного представителя о временном или полном приостановлении посещения воспитанником ГДОО, плата начисляется за целый месяц и взимается на общих основаниях.

Нахождение воспитанника в ГДОО допускается после внесения остальной части родительской платы за прошедший месяц.

В случае полного приостановления посещения воспитанником ГДОО на основании заблаговременного письменного заявления законного представителя, плата вносится не за полный месяц, а за те дни, в течение которых воспитанник посетил ГДОО.

## V. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ СТОРОН

13. Стороны в случаях невыполнения или невыполнения должным образом условий данного договора несут ответственность в соответствии с законодательством Республики Узбекистан.

## VI. ИЗМЕНЕНИЕ И РАСТОРЖЕНИЕ ДОГОВОРА

14. Стороны могут изменить и расторгнуть договор в случаях, предусмотренных в данном договоре и в соответствии с действующим законодательством.

15. Односторонний отказ от выполнения договора или одностороннее изменение условий договора допускается лишь в соответствии с законодательством.

## VII. ПОРЯДОК РЕШЕНИЕ СПОРОВ

16. Настоящий договор заключается в двух экземплярах, имеющих одинаковую юридическую силу, вступает в силу с момента его подписания сторонами.

17. Все дополнения и изменения, внесенные в данный договор, считаются действующими в случае их письменного заключения и подписания сторонами.

18. В случае возникновения споров по данному договору стороны как правило, принимают меры по разрешению их до суда.

19. Споры не разрешенные сторонами, решаются в суде в установленном законодательством порядке.

20. Случаи, не предусмотренную в данном договоре, решаются в установленном действующим законодательством порядке.

## VIII. ФОРС-МАЖОРНЫЕ ОБСТОЯТЕЛЬСТВА

21. Стороны не несут ответственность если докажут, что они не выполнили обязанности по договору или не выполнили их должным образом из-за форс-мажорных обстоятельств, то есть в случае возникновения обстоятельств непреодолимой силы чрезвычайных ситуаций и непредотвратимых при определенных условиях обстоятельств.

22. В случае возникновения форс-мажорных обстоятельств, стороны обязаны немедленно информировать друг друга об этом письменно или устно.

23. Стороны могут продлить срок действия данного договора с учетом продолжительности обстоятельств непреодолимой силы.

## IX. ЗАКЛЮЧИТЕЛЬНЫЕ ПРАВИЛА

24. Настоящий договор вступает в силу со дня его подписания и действует до « ___ » _________ 20 ___ года.

25. Настоявщий договор заключен на русском языке в двух экземплярах, имеющих одинаковую юридическую силу, один экземпляр сохраняется в ГДОО, другой у законного представителя.

## X. ЮРИДИЧЕСКИЕ АДРЕСА И РЕКВИЗИТЫ СТОРОН

| **ГДОО №** | **Законный представитель (родитель)** |
|---|---|
| Юридический адрес: | Место проживания: |
| Реквизиты | Паспортную данные: |
| (подпись, печать) (Ф.И.О.) | (подпись) (Ф.И.О.) |

Экземпляр договора получил(а) лично и ознакомлен(а) с Уставом ГДОО:

/

Подпись Ф.И.О.

« » 20 года

**33-илова**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**
**237-сон буйруғи**

Тошкент шаҳар 30 декабрь 2019 йил

## Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, келишиш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича тизимли ишларни такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сон, 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармонлари, 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сон, 2018 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3955-сон, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида”ги 929-сон, 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон, 2019 йил 18 майдаги “Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 418-сон, 2019 йил 19 июлдаги “Мактабгача таълим соҳасига инновацион ёндашувларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун экспериментал майдончаларни ташкил этиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги 605-сон қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, мактабгача таълим туман (шаҳар) бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий бўлинмалар деб юритилади) номенклатурасига кирувчи лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, тайинлаш ва лавозимдан озод эгиш бўйича тизимли ишларни такомиллаштириш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Қуйидагилар:

“Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисида”ги Низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган лавозимлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, Педагогика коллежлари номенклатурасига кирадиган лавозимлар рўйхати 3-иловага мувофиқ;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари номенклатурасига кирадиган лавозимлар рўйхати 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар лавозимларига тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш, суҳбатдан ўтказиш ва хулоса бериш бўйича комиссия таркиби иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган ҳудудий бўлинмалар ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари лавозимларига тавсия этилган номзодларни суҳбатдан ўтказиш ва хулоса бериш бўйича суҳбат варақаси 6-иловага мувофиқ;

Мактабгача таълим вазирлиги билан келишиладиган лавозимларга тавсия этилган номзодлар бўйича тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мактабгача таълим вазирлиги билан келишиладиган лавозимларга тавсия этилган номзодларни ҳужжатларини ўрганиш ва келишиш варақаси 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бошқармаси (У.Юлдашева) лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, келишиш, тайинлаш ва уларни лавозимдан озод этишни Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ва мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширишни таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) мазкур буйруқни жойларга электрон шаклда етказилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, кадрлар захираси билан ишлашга доир норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 44-сонли;

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 22 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 15 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, тайинлаш ва лавозимдан

озод этиш, кадрлар захираси билан ишлашга доир норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 44-сон буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 121-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **А.Шин**

Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 30 декабрдаги 237-сон буйруғига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, келишиш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги

## Н И З О М

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирувчи лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тартибини белгилайди.

### 1- боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппаратининг таркибий бўлинмаси** - мактабгача таълим тизими бўйича муайян бир йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш, методик таъминлаш, ташкил этиш ва назорат қилиш ваколатига эга бўлган, алоҳида юридик шахс ҳисобланмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати тузилмасига кирувчи бош бошқарма, бошқарма, бўлим, хизмат ҳамда вазир девони;

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг ҳудудий бўлинмаси** - мактабгача таълим тизими бўйича барча йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш, методик таъминлаш, ташкил этиш ва назорат қилиш функцияларни амалга оширадиган, алоҳида юридик шахс ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасида вазирлик, Тошкент шаҳрида бош бошқарма, вилоятларда бошқарма ҳамда туман (шаҳар)ларда бўлим шаклида таъсис этиладиган ҳудудий ташкилий тузилма;

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг идоравий мансуб ташкилотлари** - мактабгача таълим тизими бўйича муайян йўналишидаги ишларни мувофиқлаштириш, методик таъминлаш ва ташкил этиш функцияларини амалга оширадиган, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига тўғридан-тўғри бўйсуниш асосида фаолият олиб борадиган, алоҳида юридик шахс ҳисобланадиган, фаолиятининг хусусиятига кўра алоҳида ташкилот Мактабгача таълим муассасалар раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва “Ilk Qadam”(IQ) журнали таҳририяти ДУК, “Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази” масъулияти чекланган жамияти, “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” ДУК, “Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти” ДУК шаклида таъсис этиладиган ташкилий тузилма, Педагогика коллежлари, Экспериментал мактабгача таълим ташкилотлари;

**Педагогика коллежлари** фаолиятига раҳбарлик қилиш, назоратни ташкил этиш ҳамда ташкилий-кадрлар базасини мустаҳкамлаш Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоят мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси томонидан амалга оширилади, уларнинг ўқув методик жараёнини мувофиқлаштириш, уларга амалий ва ахборот ресурслари жиҳатдан кўмаклашиш эса Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти томонидан амалга оширилади;

2. Мазкур Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг (бундан буён матнда Вазирлик деб юритилади) таркибий, ҳудудий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлаш, тавсия этиш, келишиш, тайинлаш ва уларни лавозимдан озод этиш муносабатларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низом лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, келишиш, тайинлаш ва уларни лавозимдан озод этиш бўйича тизимли ишларни адолатли, холисона ва сифатли амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

4. Лавозимларга номзодларни танлаш, тавсия этиш, келишиш, тайинлаш ва уларни лавозимидан озод этишни расмийлаштириш вазирликнинг Кадрлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

## 2.боб. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари лавозимларига номзодларни танлаш, тавсия этиш ва тайинлаш

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппаратидаги вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тааллуқлилиги бўйича тегишли ҳудудий органларига тақдим этилади.

7. Вазирлик марказий аппаратидаги вакант лавозимлар тўғрисидаги маълумотлар интернет тармоқларидаги сайтлар ҳамда оммавий ахборот воситаларида ҳам эълон қилинади, ҳар бир лавозим бўйича номзодларнинг ўзига келгусида юклатиладиган функционал вазифалар доирасида лозим бўлган билим, касбий малакаси ва тажрибаси ҳамда бошқа талаблар тўғрисида баён қилинади.

8. Вазирликнинг марказий аппарати таркибий бўлинмалари лавозимларига мазкур лавозим учун белгиланган малака талабларига мос маълумотга, билим ва тажрибага, иш стажига ва юксак шахсий фазилатларга эга бўлган шахслар бевосита вазир томонидан тайинланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарорига асосан Юридик бошқарма ходимлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4366-сон қарорига асосан Ахборот хизмати ходимлари устувор равишда журналистика соҳасида олий маълумотга эга бўлган шахслар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) хулосасини ҳисобга олган ҳолда лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сон Фармонига мувофиқ вазирликнинг Кадрлар бошқармаси бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

12. Вазирликнинг бошқарма бошлиғи лавозимига номзод, вазирнинг биринчи ўринбосари ёки йўналишига кўра тегишли вазир ўринбосари ёхуд Кадрлар бошқармаси бошлиғи томонидан малака талабларига тўлиқ жавоб берувчи номзодлар тавсия этилиши мумкин.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, бош мутахассис, етакчи мутахассис, кичик мутахассис, техник хизмат кўрсатувчи ходимлар лавозимларига номзодлар, қоида тариқасида, тегишли бошқарма бошлиғи ёки Кадрлар бошқармаси бошлиғи томонидан малака талабларига тўлиқ жавоб берувчи номзодлар тавсия этилиши мумкин.

Заруратга кўра, лавозимга тавсия этилган номзоднинг муносиблиги вазир, вазирнинг биринчи ўринбосари ёки йўналишига кўра тегишли вазир ўринбосари томонидан яккама-якка эркин суҳбатлашиш, оғзаки савол-жавоб ўтказиш ёки маълумоти ва малакасига мувофиқ индивидуал тарзда топшириқ бериш йўли билан текшириб кўрилади.

13. Тавсия этилаётган номзодларни ўрганиб чиқишда биринчи навбатда уларнинг тавсия этилаётган лавозим доирасидаги вазифаларга мос касбий билим ва малака, соҳада амалий тажрибага эга эканлигига, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига, ахлоқий жиҳатларига, янгича фикрлаш, ташкилотчилик, давлат ва чет тилларини билиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана олиш даражасига алоҳида эътибор каратилади.

14. Номзоднинг тавсия этилаётган лавозимга Малака талабларига тўлиқ жавоб беришлиги номзод билан меҳнат шартномаси тузишга асос бўлади.

15. Вазир билан номзод ўртасида меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилади, ва ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади. Меҳнат шартномаси асосида номзодни лавозимга тайинлаш тўғрисида буйруқни расмийлаштириш ишлари Кадрлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ расмийлаштирилгач, буйруқ ходимга (номзодга) маълум қилиниб тилхат олинади.

Лавозимга тайинланган ходим ўз лавозим йўриқномаси, вазирликнинг жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиб-қоидалари ва одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда ички локал ҳужжатлари билан таништирилади.

## 3-боб. Вазирлик номенклатурасига кирувчи ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлаш, тавсия этиш ва тайинлаш

16. Вазирлик номенклатурасига кирувчи ҳудудий бўлинмалар, идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбар лавозимларига мазкур лавозимлар учун белгиланган малака талабларига мос маълумотга, билим ва тажрибага, иш стажига ва юксак шахсий фазилатларга эга бўлган шахслар бевосита вазир томонидан тайинланади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирлари Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири томонидан жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Педагогика коллежлари директорлари Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари тавсиялари кўриб чиқилиб, Мактабгача таълим вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари, шунингдек улар туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирлари лавозимига малака талабларига тўлиқ жавоб берувчи камида 3 та номзодлар ҳақида тўлиқ маълумотлар тақдим этилади. Кадрлар бошқармаси томонидан номзодларнинг ҳужжатлари тўлиқ ўрганилиб чиқилиб, 5 иш куни ичида номзодлар ҳақида вазирга ахборот берилади. Шунингдек, номзод ҳақида тегишлилиги бўйича жойлардаги давлат ҳокимияти органларига келишиш учун ҳудудий бошқармалар орқали тегишли хат юборилади ва жавоб хати худудий бошқармалар орқали олиниб, зудлик билан вазирликка электрон почта ёки факс орқали ҳужжатнинг асл нусхаси почта хизмати орқали юборилади. Келишиш хатини топшириш ва жавоб хатини олган кундан вазирликка юбориш учун ҳудудий бошқармалар бошлиқлари

жавобгар ҳисобланади. Ҳудудий давлат ҳокимият органлари томонидан Келишув хати жавоби 15 кун муддат ичида берилмаган тақдирда, номзод келишилган ҳисобланади.

Келишув хати вазирликка тақдим этилгандан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармасининг номзодни лавозимга тавсия этиш бўйича хати олингач, номзод билан суҳбат ўтказилиб, суҳбат натижасига кўра номзодни билим даражаси қониқарли деб топилган тақдирда, вазир билан номзод ўртасида меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб ҳар бир тарафга сақлаш учун топширилади ва тегишли лавозимга тайинлаш ҳақида вазирнинг буйруғи расмийлаштирилади ҳамда буйруқ ходимга маълум қилиниб тилхат олинади.

Ўз навбатида ҳудудий бошқармаларининг Кадрлар билан ишлаш ва малака оширишни ташкил этиш бўлимида номзодларнинг йиғма жилдлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати асосида жамланиб вазирликнинг Кадрлар бошқармасига 3 иш кунида юборилади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири ўринбосари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаси бошлиқлари ўринбосарлари, Педагогика коллежи директорлари лавозимларига камида 3 та номзодлар бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи ҳамда ҳудудий вилоят мактабгача таълим бошқармалар бошлиқлари томонидан тавсия этилади ва юқоридаги тартибда лавозимга тайинланади.

18. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудири ўринбосарлари лавозимига Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаси бошлиқлари томонидан берилган тавсия асосида вазирлик билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

19. Педагогика коллежи директорининг ўринбосарлари директор тавсиясига кўра вазирлик билан келишилган ҳолда директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

20. Давлат мактабгача таълим ташкилотига Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишув бўйича туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими томонидан тавсия этилган номзодлар орасидан давлат мактабгача таълим ташкилоти Кузатув кенгаши томонидан танланадиган мудир раҳбарлик қилади.

Ҳар ойнинг 5 санаси ва 25 санасига давлат мактабгача таълим ташкилоти мудири лавозимига Кузатув кенгаши томонидан танланган номзод ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги

Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари орқали вазирликка келишиш учун етказилади, Кадрлар бошқармаси томонидан юборилган ҳужжатлар жамланиб комиссияга хулоса бериш учун тақдим этилади.

21. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармасининг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи-бош ҳисобчиси, бош иқтисодчиси Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаси бошлиқлари тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири ҳамда Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаси бошлиқлари томонидан белгиланган тартибда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

22. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлим марказлаштирилган бухгалтерияларининг бош бухгалтери ва бош иқтисодчиси Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим ва Молия вазирликлари, Тошкент шаҳар бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда ҳудудий молия бошқармаларининг келишилган тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудири томонидан белгиланган тартибда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими марказлаштирилган бухгалтерия ходимлари бош бухгалтер тавсиясига кўра туман (шаҳар) молия бўлими билан келишилган ҳолда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

23. Педагогика коллежлари бош ҳисобчилари коллеж директори тавсиясига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ҳамда вилоят мактабгача таълим бошқармалари орқали Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда коллеж директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

24. Тегишли лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар таркибий ёки ҳудудий бўлинма, ташкилотлар томонидан вазирликнинг Кадрлар бошқармасига номзодни тавсифловчи, уни лавозимга тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги тавсиянома тақдим этилади.

25. Вазирлик номенклатурасига кирувчи ҳамда вазирлик билан келишиладиган лавозимларга тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиб чиқиш ва фикр бериш мақсадида, шунингдек, вазирликнинг марказий аппаратида вазирлик номенклатурасига кирувчи лавозимларига тавсия этилган

номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш, келишиш, суҳбатдан ўтказиш ва хулоса (фикрнома) бериш бўйича комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) ташкил этилади.

Комиссия таркиби вазир томонидан тасдиқланади.

26. Комиссиянинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

номзоднинг тавсия этилаётган лавозим учун белгиланган малака талабларига мослиги, тегишли олий маълумотга эга эканлигини аниқлаш;

номзоднинг касбий билимлари, ҳуқуқий маданияти ва шахсий сифатларини, шунингдек хорижий тилларни билиш даражаси, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана олиш даражаси бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш;

номзоднинг бошқарув соҳасидаги кўникмалари ва тажрибасини, танқидий таҳлил ва прогноз қила олишини, функционал ва тармоқ вазифаларини давлат сиёсати талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширишнинг мақбул ва самарали йўлларини таклиф эта олиш қобилиятига эга эканлигини, ўз вазифаларига нисбатан масъулиятли ва талабчанлигини ўрганиш;

номзодларнинг тавсия этилаётган лавозимга муносиб ёки муносиб эмаслиги тўғрисида хулоса бериш.

27. Комиссия томонидан вазирлик номенклатурасига кирувчи раҳбар лавозимларига номзодлар суҳбатдан ўтказилади, келишиладиган номзодларнинг ҳужжатлари ўрганилади ва тавсия этилаётган лавозимга муносиб ёки муносиб эмаслиги юзасидан хулоса (фикрнома) берилади.

28. Комиссия аъзоларининг тавсия этилган ва келишиш учун тақдим қилинган номзодлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳужжатлари мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ шаклдаги номзод билан суҳбат варақаси ва келишиш варақасида қайд этилади.

Номзод билан суҳбат варақаси ва келишиш варақаси комиссия котиби томонидан юритилади ҳамда комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзолангач, Кадрлар бошқармаси бошлиғи томонидан вазирга тақдим этилади.

Суҳбатдан ўтказилган ва ҳужжатлари ўрганилган номзодлар вазир томонидан тавсия этилаётган лавозимга муносиб эмас деб топилган тақдирда, унинг сабаблари комиссияга ва номзодга маълум қилинади.

29. Вазир ўз номенклатурасига кирувчи раҳбар лавозимларига тавсия этилган номзодларни комиссиянинг хулосасини олмай туриб, мустақил тарзда лавозимга тайинлаш ва келишиш ҳуқуқига эга.

## 4.боб. Ўзбекистон Ресиубликаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирувчи лавозимлардан озод этиш

30. Вазирлик номенклатурасига кирувчи лавозимда ишлаётган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниши мумкин:

тарафларнинг келишувига кўра;

тарафлардан бирининг ташаббуси билан;

муддатли меҳнат шартномаси тузилган бўлса, муддатнинг тугаши билан;

тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;

агарда, меҳнат шартномасида белгиланган синов муддати даврида ходим ўзига юклатилган вазифаларни ва топшириқларни бажаришга малакаси етарли бўлмаган тақдирда меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

31. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

32 Вазир номенклатурасига кирувчи лавозимда ишлаётган ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг меҳнат дафтарчалари уларнинг асосий иш жойида сақланади ва расмийлаштирилади.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, унинг меҳнат дафтарчаси асосий иш жойидан берилади ҳамда иш жойининг бухгалтерияси томонидан ҳисоб китоб қилинади.

## 5.боб. Якуний қоидалар

33. Мазкур Низомда акс эттирилмаган масалалар юзасидан вужудга келган муаммоли вазиятлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

34. Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уни тасдиқлаш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

35. Мазкур Низом талабларини бузган айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 30 декабрдаги 237-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган лавозимлар**
**РЎЙХАТИ**

1. Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппарати ходимлари;
2. Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори, проректорлари;
3. “Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази” масъулияти чекланган жамияти директори;
4. “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК бош директори (бош директор ўринбосарлари ва ҳудудий филиаллар директорлари муассис билан келишилган ҳолда директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади);
5. “Ихтисослаштирилган лойиҳа-изланиш институти” ДУК директори (директор ўринбосарлари муассис билан келишилган ҳолда директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади)
6. “Ilk Qadam”(IQ) журнали таҳририяти ДУК бош муҳаррири;
7. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи, вилоятлар мактабгача таълим бошқарма бошлиқлари;
8. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазир ўринбосари, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоятлар мактабгача таълим бошқарма бошлиғи ўринбосарлари;
9. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудирлари;
10. Педагогика коллежлари директорлари;
11. Экспериментал мактабгача таълим ташкилотлари мудирлари.

**Изоҳ:** Мазкур рўйхатдаги ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш, меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, меҳнат таътилини бериш Мактабгача таълим вазири буйруғи асосида;

Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирларига, Экспериментал мактабгача таълим ташкилоти мудирларига, Педагогика коллежи директорларига меҳнат таътилини бериш, моддий рағбатлантириш, меҳнатга лаёқатсизлик даврида вақтинча вазифа юклаш, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда ҳудудий вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармалари бошлиқлари буйруғи асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 30 декабрдаги 237-сонли буйруғига
3-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи, вилоятлар мактабгача таълим бошқарма бошлиқлари, Идоравий мансуб ташкилот раҳбарлари, Педагогика коллежи директорлари буйруғи билан тайинланадиган ва озод этиладиган ходимлар лавозимлари**

Н О М Е Н К Л А Т У Р А С И

1. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаси ходимлари (вазир ўринбосари, бошқарма бошлиғи ўринбосаридан ташқари);
2. Идоравий мансуб ташкилот ходимлари;
3. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудир ўринбосари (Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда);
4. Педагогика коллежи директори ўринбосарлари ҳамда бош ҳисобчилари (Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда);
5. Давлат мактабгача таълим ташкилотлари мудири (Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда);
6. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармасининг Кадрлар билан ишлаш ва малака оширишни ташкил этиш бўлими бошлиғи (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг филиаллари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади);
7. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармасининг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи-бош ҳисобчиси, бош иқтисодчиси, педагогика коллежлари бош ҳисобчилари (Мактабгача таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда);
8. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармаси ва идоравий мансуб ташкилотлар бош юрисконсультлари (Мактабгача таълим вазирлиги Юридик бошқармаси ҳамда ҳудудий адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда).

*Мазкур рўйхатдаги ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш, меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш, меҳнат шартномасини бекор қилиш , таътил бериш, интизомий жазо қўллаш, моддий рағбатлантириш Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда ҳудудий вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармалари бошлиқлари ҳамда Педагогика коллежи директорлари, Идоравий мансуб ташкилотлар раҳбари буйруғи асосида амалга оширилади.*

Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 30 декабрдаги 237-сон буйруғига
4- ИЛОВА

**Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари номенклатурасига кирадиган лавозимлар**
**РЎЙХАТИ**

1. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими ходимлари

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари бош юрисконсультлари (Мактабгача таълим вазирлиги Юридик бошқармаси ҳамда ҳудудий адлия бошқармалари билан келишилган ҳолда)

**Изоҳ:** Мазкур рўйхатдаги ходимлар билан меҳнат шартномасини тузиш, меҳнат шартномаси шартларини ўзгартириш, меҳнат шартномасини бекор қилиш, таътил бериш ва вақтинча вазифа юклатиш туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирлари буйруғи асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 30 декабрдаги 237 -сон буйруғига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган ва вазирлик билан келишиладиган лавозимларига тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатларини ўрганиш, келишиш, суҳбатдан ўтказиш ва хулоса бериш бўйича комиссия

**ТАРКИБИ**

| | |
|---|---|
| **1. А.В.Шин** | **Мактабгача таълим вазири,** *комиссия раиси* |
| **2. С.Т.Турғунов** | **Вазирнинг биринчи ўринбосари,** *комиссия раиси* **ўринбосари** |
| **4. Ш.А.Маматқулов** | **Вазир ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари,** *аъзо* |
| **5. Ш.Ш.Мирзиёева** | **Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва юритиш бош бошқармаси бошлиғи,** аъзо |
| **6. Е.Г.Тен** | **Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, таҳлил қилиш ва стратегик ривожлантириш бошқармаси бошлиғи,** *аъзо* |
| **7. Х.К.Буриев** | **Юридик бошқарма бошлиғи,** *аъзо* |
| **8. Лавозимига кўра** | **Кадрлар бошқармаси бошлиғи,** *аъзо* |
| **9. Р.Р.Зулфиқоров** | **Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи,** *аъзо* |
| **10. Д.Х.Норматов** | **Ички аудит, молиявий ва ҳуқуқий назорат хизмати бошлиғи,** *аъзо* |
| **11. Ш.Ч.Пардаев** | **Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси бошлиғи,** *аъзо* |
| **12. Қ.Т.Олимов** | **Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогик коллежлар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи** |
| **13. К.А.Эшпулатов** | **Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори** |
| **Н.Сайфитдинов** | **Кадрлар бошқармаси бош мутахассиси,** *котиб* |

***Изоҳ:*** *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда камиссия таркибига уларнинг лавозимларига тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар киритилади.*

Тавсия этилган номзод билан оғзаки суҳбатдан ўтказиш ва хулоса (фикрнома) бериш бўйича суҳбат варақасидаги комиссия аъзолари номзодни йўналиши тегишлилиги бўйича киритилади.

Комиссиянинг розилиги билан комиссия таркибига йўналишлар бўйича бошқа мутахассислар жалб этилиши мумкин.

**Котиб овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.**

Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 30 декабрдаги 237 -сон буйруғига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари лавозимларига тавсия этилган номзодларни суҳбатдан ўтказиш ва хулоса бериш бўйича**

**СУҲБАТ ВАРАҚАСИ**

*20 йил “ ”* *Тошкент ш.*

| № | Лавозимга тавсия этилган номзоднинг исми-шарифи | Лавозими | Комиссия хулосаси | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Муносиб | Муносиб эмас | Изоҳ |
| 1 | | | | | |

Комиссия раиси: _________________ А.В.Шин

Комиссия раиси ўринбосари: _________________ С.Т.Турғунов

_________________ М.А.Юлдашев

_____________________ Ш.А.Маматқулов

Комиссия аъзолари: __________________ Ш.Ш.Мирзиёева

__________________ Е.Г.Тен

__________________Х.К.Бўриев

_________________ Кадрлар бошқармаси бошлиғи

__________________ Р.Р.Зулфиқоров

__________________ Д.Х.Норматов

__________________ Ш.Ч.Пардаев

__________________Қ.Т.Олимов

__________________ К.А.Эшпулатов

Комиссия котиби: Н.Б.Сайфитдинов

***Изоҳ:*** *Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги номенклатурасига кирадиган ҳудудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари лавозимларига тавсия этилган номзодларга берилган саволлар ҳамда улар томонидан берилган жавоблар суҳбат жараёнларини қайд этиш китобига ёзиб борилади.*

Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 30 декабрдаги 237 -сон буйруғига
7-ИЛОВА

**Мактабгача таьлим вазирлиги билан келишиладиган лавозимларга тавсия этилган номзодлар бўйича тақдим этиладиган ҳужжатлар**
**РЎЙХАТИ**

1. Тақдимнома туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудири ўринбосари, педагогика коллежи директор ўринбосарлари ҳамда мактабгача таълим ташкилоти мудири учун;
2. Туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудир ўринбосари ҳамда педагогика коллежи директори ўринбосари (хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари бундан мустасно) учун суҳбат варақаси;
3. Мактабгача таълим ташкилоти мудир лавозимига номзодларни туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими томонидан кузатув кенгашига тавсия этилган хати;
4. Кузатув кенгаши раисининг сайлов натижалари бўйича худудий бўлинма раҳбарига йўллаган тавсия хати (йиғилиш баённомаси нусхаси);
5. Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат;
6. Маълумотнома (объективка);
7. Диплом (ҳаққонийлиги тўғрисида тамомлаган олий ўқув юртидан маълумотнома);
8. Қораловчи ҳужжатлари йўқлиги тўғрисида маълумотнома, муқаддам ўзига нисбатан жиноят иши ёки терговолди текширув ишлари бўлганлиги ёки йўқлиги ҳақида номзоднинг тилхати;
9. Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсини тамомлаган (сертификат нусхаси);
10. Расм 9Х12 (формада, орқа фони оқ рангда);
11. Меҳнат дафтарчасидан нусха (маълумотнома объективка билан меҳнат дафтарчасидаги ёзувларни таққосланганлигини тасдиқлаб тақдим этиш);

***Комиссия*** тавсия этилган номзодларнинг меҳнат фаолиятига оид қўшимча бошқа маълумотлар сўраш ҳуқуқига эга.

Мактабгача таълим вазирлигининг
2019 йил 30 декабрдаги 237 -сон буйруғига
8-ИЛОВА

**Мактабгача таълим вазирлиги билан келишиладиган лавозимларга тавсия этилган номзодларни ҳужжатларини ўрганиш ва хулоса бериш бўйича**
**КЕЛИШИШ ВАРАҚАСИ**

20 __ йил “ ” Тошкент ш.

| № | Келишишга тавсия этилган номзоднинг исми-шарифи | Лавозими | Комиссия хулосаси | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Муносиб | Муносиб эмас | Изоҳ |
| 1 | | | | | |

*Комиссия раиси:* __________ ***А.В.Шин***

Комиссия раиси ўринбосари: _ _______________ С.Т.Турғунов

_________________ М.А.Юлдашев

_________________ Ш.А.Маматқулов

Комиссия аъзолари: _________________ Ш.Ш.Мирзиёева

_________________ Е.Г.Тен

_________________ Х.К.Буриев

_________________ лавозимига кура

_________________ Р.Р.Зулфикоров

_________________ Д.Х.Норматов

_________________ Ш.Ч.Пардаев

Комиссия котиби: _________________ **Н.Б.Сайфитдинов**